

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ**  
**ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ**  
**ТЎПЛАМИ**

**20-сон**  
**(80)**  
**2003 й.**  
**октябрь**

---

*Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами тўрт бўлимдан иборат:*

*тўпламнинг биринчи бўлимида Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Олий Мажлиснинг қарорлари эълон қилинади;*

*иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва фармойишлари эълон қилинади;*

*учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарор ва фармойишлари эълон қилинади;*

*тўпламнинг тўртинчи бўлимида Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади.*

**МУНДАРИЖА**

*Биринчи бўлим*

185. «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 30 августдаги 535–II-сон Қонуни

*Иккинчи бўлим*

186. «2004—2006 йилларда фермер хўжаликларини ривожлантириш концепцияси тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 27 октябрдаги ПФ–3342-сон Фармони

*Учинчи бўлим*

187. «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг истеъмол товарлари олиб келиш ва сотиш масалалари бўйича айрим қарорларига ўзгартириш, қўшимчалар киритиш ва уларнинг айримларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 16 октябрдаги 446-сон қарори

188. «Хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарга пахта толасини сотиш механизми тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 16 октябрдаги 447-сон қарори

189. «Вазирлар Маҳкамасининг «Ички бозорни ёғоч-тахта материаллари билан тўлдиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2003 йил 7 июлдаги 305-сон қарорига ўзгартириш киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 17 октябрдаги 449-сон қарори
190. «Вазирлар Маҳкамасининг «Ишлаб чиқарилган ва сотиладиган пахта толаси учун ҳисоб-китоб қилиш механизмини такомиллаштириш тўғрисида» 2003 йил 3 июндаги 240-сон қарорига қисман ўзгартиришлар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 18 октябрдаги 450-сон қарори
191. «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 20 октябрдаги 451-сон қарори
192. «Ўзбекнефтгаз» миллий холдинг компаниясининг бошқарув тузилмасини такомиллаштириш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 21 октябрдаги 460-сон қарори
194. «Капитал қурилишда ижара ва лизинг хизматлари тизимини жорий этиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 23 октябрдаги 462-сон қарори
195. «Капитал қурилишда нархларни шакллантиришнинг смета-норматив базасини такомиллаштириш ва янгилаш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 24 октябрдаги 463-сон қарори
196. «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 27 октябрдаги 467-сон қарори
197. «Ягона энергетика тизимига уланадиган стационар электр станцияларида электр энергияси ишлаб чиқариш фаолиятини лицензиялаш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 28 октябрдаги 469-сон қарори
198. «Ўзбекистон Республикасида гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларнинг муомалада бўлиш тартибини белгилаб берувчи низомларни тасдиқлаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 29 октябрдаги 472-сон қарори
199. «Умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-хунар таълимига изчил ўтишни таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 29 октябрдаги 473-сон қарори
200. «2004—2006 йилларда фермер хўжалиklarини ривожлантириш концепциясини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 30 октябрдаги 476-сон қарори
201. «Тиббий фаолиятни ва фармацевтика фаолиятини лицензиялаш тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 31 октябрдаги 477-сон қарори

## БИРИНЧИ БЎЛИМ

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ

# 185 Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикасининг қуйидаги қонун ҳужжатларига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритилсин:

**I. Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 9 декабрда қабул қилинган «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида»**ги Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгазининг Ахборотномаси, 1993 йил, № 1, 38-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 6, 118-модда; 1997 йил, № 4–5, 126-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда; 2000 йил, № 5–6, 153-модда, № 7–8, 217-модда; 2002 йил, № 9, 165-модда):

- 1) **30-моддасининг бешинчи қисмидаги** «ишлаб чиқариш ва рўзғор чиқиндиларининг» ҳамда **41-моддаси иккинчи қисмидаги** «ишлаб чиқариш ва рўзғор чиқиндилари» деган сўзлар «чиқиндиларнинг» деган сўз билан алмаштирилсин;
- 2) **34-моддаси** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

**«34-модда. Табиатдан махсус фойдаланганлик ва атроф муҳитни ифлослантирганлик учун тўловлар**

Табиатдан махсус фойдаланганлик ва атроф муҳитни ифлослантирганлик учун тўловлар табиий ресурслардан фойдаланганлик учун солиқлар ҳамда бошқа мажбурий тўловлардан, шунингдек атроф муҳитни ифлослантирганлик (ифлослантирувчи моддаларни чиқарганлик, оқизганлик ва чиқиндиларни жойлаштирганлик) учун компенсация тўловларидан, табиий ресурсларни муҳофаза қилганлик ва қайта тиклаганлик учун тўловлардан иборат бўлади.

Табиий ресурслардан фойдаланганлик учун солиқ ставкалари ва бошқа мажбурий тўловларнинг миқдорлари, шу жумладан ижара тўловининг миқдори табиий ресурсларнинг қай даражада кенг тарқалганлиги, сифати, уларни қайта тиклаш имкониятлари, улардан фойдаланишнинг қай даражада қулайлиги, комплекслиги, самарадорлиги, уларнинг жойлашган ери, чиқиндиларни қайта ишлаш ва улардан фойдаланиш имкониятлари ҳамда бошқа жиҳатларни инобатга олган ҳолда, шунингдек тегишли лимитлар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда аниқланади ва тасдиқланади.

Атроф муҳитни ифлослантирганлик учун компенсация тўловларининг миқдорлари Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг тақдимига биноан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади.

Табиий ресурсларни муҳофаза қилганлик ва қайта тиклаганлик учун тўловларнинг миқдорлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

Табиий ресурслардан фойдаланганлик учун тўловлар табиатдан фойдаланувчи корхоналар маҳсулотларининг (бajarган ишларининг, кўрсатган хизматларининг) таннархига қўшилади.

Атроф муҳитни ифлослантирганлик учун, шунингдек табиатдан лимитда (нормативда) белгиланганидан ташқари ва ўзгача тарзда нооқилона махсус фойдаланганлик учун компенсация тўловлари юридик шахснинг даромадидан (фойдасидан) ундирилади.

Табиий ресурслардан фойдаланганлик, уларни муҳофаза қилганлик ва қайта тиклаганлик учун тўлов Давлат бюджетига тушади.

Атроф муҳитга ифлослантирувчи моддалар чиқарганлик ва оқизганлик ҳамда чиқиндилар жойлаштирганлик учун компенсация тўловларининг суммалари табиати муҳофаза қилиш жамғармаларига тушади.

Табиатдан махсус фойдаланганлик учун тўловлар ва атроф муҳитни ифлослантирганлик учун компенсация тўловлари бўйича имтиёзлар қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

Табиий ресурслардан фойдаланганлик учун тўловларни ва атроф муҳитни ифлослантирганлик учун компенсация тўловларини тўлаганлик юридик ва жисмоний шахсларни экология тадбирларини бажаришдан ва етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш мажбуриятидан озод этмайди»;

3) **37-моддасининг бешинчи хатбошиси** чиқариб ташлансин;

4) **47-моддасининг:**

**тўртинчи хатбошиси** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«табиий ресурслардан фойдаланганлик учун белгиланган тўловни, шунингдек атроф муҳитни ифлослантирганлик ва унга зарарли таъсир кўрсатишнинг бошқа турлари учун компенсация тўловлари тўлашдан бош тортганликда»;

**ўнинчи хатбошисидаги** «ишлаб чиқариш ва истеъмоладан чиқиндиларини» деган сўзлар «чиқиндиларни» деган сўз билан алмаштирилсин;

5) **50-моддасининг биринчи қисмидаги** «ишлаб чиқариш ҳамда истеъмоладан чиқиндиларини» деган сўзлар «чиқиндиларни» деган сўз билан алмаштирилсин.

**II. Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 7 майда қабул қилинган Қонуни билан тасдиқланган «Соғлом авлод учун» ордени тўғрисидаги низом** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 йил, № 6, 257-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, № 9, 141-модда):

1) **2-моддасининг иккинчи қисми** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«I даражали орден юқори даражали ҳисобланади. Мукофотлаш, қоида тариқасида, қуйидаги тартибда: аввал II даражали, орадан камида уч йил ўтганидан кейин I даражали орден билан тақдирлаш тарзида амалга оширилади»;

2) **4-моддаси** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«I даражали «Соғлом авлод учун» ордени билан мукофотланган шахслар энг кам иш ҳақининг қирқ карраси миқдорида бир йўла тўланадиган пул мукофоти оладилар»;

3) **5-моддаси** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«II даражали «Соғлом авлод учун» ордени билан мукофотланган шахслар энг кам иш ҳақининг йигирма беш карраси миқдорида бир йўла тўланадиган пул мукофоти оладилар.

II даражали ёки II ва I даражали «Соғлом авлод учун» ордени билан мукофотланган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган имтиёзлардан фойдаланадилар».

**III. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 5 майда қабул қилинган Қонуни билан тасдиқланган «Мустақиллик» ордени тўғрисидаги низомнинг** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1994 йил, № 5, 115-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, № 4–5,

126-модда) **5-моддасидаги** «эллик карраси микдорида» деган сўзлар «етмиш беш карраси микдорида» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**IV.** Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 26 апрелда қабул қилинган Қонуни билан тасдиқланган «**Амир Тему**р» ордени тўғрисидаги низомнинг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, № 5–6, 63-модда; 1997 йил, № 4–5, 126-модда) **3-моддасидаги** «эллик карраси микдорида» деган сўзлар «етмиш карраси микдорида» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**V.** Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 30 августда қабул қилинган Қонуни билан тасдиқланган «**Жалолиддин Мангуберди**» ордени тўғрисидаги низомнинг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2000 йил, № 7–8, 202-модда) **5-моддасидаги** «эллик баравари микдорида» деган сўзлар «олтмиш беш карраси микдорида» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**VI.** Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 29 августда қабул қилинган Қонуни билан тасдиқланган «**Буюк хизматлари учун**» ордени тўғрисидаги низомнинг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, № 9, 119-модда; 1997 йил, № 4–5, 126-модда) **3-моддасидаги** «қирқ карраси микдорида» деган сўзлар «олтмиш карраси микдорида» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**VII.** Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 28 августда қабул қилинган Қонуни билан тасдиқланган «**Эл-юрт ҳурмати**» ордени тўғрисидаги низомнинг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 йил, № 9, 163-модда; 2000 йил, № 5–6, 153-модда) **3-моддасидаги** «қирқ карраси микдорида» деган сўзлар «эллик карраси микдорида» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**VIII.** Ўзбекистон Республикасининг 1995 йил 22 декабрда қабул қилинган «**Давлат мукофотлари тўғрисида**»ги Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 12, 266-модда; 1996 йил, № 5–6, 63-модда, № 9, 120-модда; 1998 йил, № 9, 163-модда; 2000 йил, № 7–8, 202-модда) **11-моддаси** куйидаги тахрирда баён этилсин:

**«11-модда. Ўзбекистон Республикаси орденилари куйидагилардан иборат:**

- «Мустақиллик» ордени;
- «Амир Тему
р» ордени;
- «Жалолиддин Мангуберди» ордени;
- «Буюк хизматлари учун» ордени;
- «Эл-юрт ҳурмати» ордени;
- «Фидокорона хизматлари учун» ордени;
- «Мехнат шуҳрати» ордени;
- I ва II даражали «Соғлом авлод учун» ордени;
- I ва II даражали «Шон-шараф» ордени;
- «Дўстлик» ордени».

**IX.** Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 2 сентябрда қабул қилинган «**Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида**»ги Қонунининг 1999 йил 14 апрелда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Қонуни билан тасдиқланган янги тахрири (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999 йил, № 5, 110-модда):

1) **7, 8** ва **9-моддалари** куйидаги тахрирда баён этилсин:

**«7-модда. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари**

Шаҳарчалар, қишлоқлар ва овуллар, шунингдек шаҳарлар, шаҳарчалар, қишлоқлар ва овуллардаги маҳаллалар фуқароларининг йиғинлари (бундан буён матн-

да фуқаролар йиғини деб юритилади) фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларидир.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари маҳаллий давлат ҳокимияти органлари тизимига кирмайди ва қонун билан берилган ўз ваколатларини тегишли ҳудудда амалга оширади.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари юридик шахс ҳуқуқларидан фойдаланади, белгиланган намунадаги муҳрга эга бўлади ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларида ҳисобга олиниши керак.

#### **8-модда. Фуқаролар йиғини**

Фуқаролар йиғини аҳоли манфаатларини ифодалаш ва унинг номидан тегишли ҳудудда амал қиладиган қарорлар қабул қилиш ҳуқуқига эга.

Фуқаролар йиғинида шаҳарча, қишлоқ ва овул, шунингдек шаҳар, шаҳарча, қишлоқ ва овулдаги маҳалла ҳудудида доимий яшаётган, вояга етган шахслар қатнашадилар.

Фуқаролар йиғини органлари қуйидагилардан иборат:

фуқаролар йиғини кенгаши;

фуқаролар йиғини фаолиятининг асосий йўналишлари бўйича комиссиялар;

фуқаролар йиғини тафтиш комиссияси;

туман марказидан олисда жойлашган ва бориш қийин бўлган шаҳарчалар, қишлоқлар ва овулларда қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда тузиладиган маъмурий комиссия (бундан буён матнда маъмурий комиссия деб юритилади).

Фуқаролар йиғини фаолиятининг асосий йўналишлари бўйича комиссиялар, фуқаролар йиғини тафтиш комиссияси ва маъмурий комиссияни сайлаш фуқароларнинг қонунда белгиланган сайлов ҳуқуқлари кафолатлари таъминланган ҳолда яширин ёки очиқ овоз бериш йўли билан амалга оширилади.

Комиссия таркибига кўрсатилган шахс, агар фуқаролар йиғинида (вакиллар йиғилишида) ҳозир бўлганларнинг ярмидан кўпроғи уни ёқлаб овоз берган бўлса, сайланган ҳисобланади.

#### **9-модда. Фуқаролар йиғини тўғрисидаги низом**

Фуқаролар йиғини ўзи тасдиқлаган низом асосида фаолият юритади. Фуқаролар йиғини тўғрисидаги низомда қуйидаги маълумотлар бўлиши керак:

фуқаролар йиғинининг номи;

фуқаролар йиғинининг ҳудуди;

фуқаролар йиғини ва унинг органлари ваколатлари;

фуқаролар йиғинини чақириш тартиби;

фуқаролар йиғини кенгашини тузиш тартиби;

фуқаролар йиғини раисини (оқсоқолини) ва унинг маслаҳатчиларини, шунингдек фуқаролар йиғини органларининг бошқа мансабдор шахсларини сайлаш тартиби;

фуқаролар йиғини комиссияларини тузиш тартиби;

фуқаролар йиғини раисининг (оқсоқолининг) ва раис маслаҳатчиларининг ваколатлари;

фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи фаолиятининг молиявий асоси;

фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органини қайта ташкил этиш ва унинг фаолиятини тугатиш тартиби.

Фуқаролар йиғини тўғрисидаги низомда қонун ҳужжатларига зид бўлмаган бошқа маълумотлар ҳам бўлиши мумкин.

Фуқаролар йиғини тўғрисидаги намунавий низом Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади»;

**2) 10-моддасининг:**

**иккинчи қисми** қўйидаги мазмундаги **йигирма учинчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

«уй-жой мулкдорларининг ширкатларига мажбурий тўловларни йиғиш, иссиқлик ва электр энергиясидан, иссиқ ва совуқ сувдан тежамли фойдаланиш юзасидан тадбирлар ўтказишда, тегишли ҳудудни ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш, уй-жойлар ва ҳовлиларни намунали сақлаш юзасидан ихтиёрий ишларни ташкил этишда кўмаклашади»;

**йигирма учинчи хатбошиси йигирма тўртинчи хатбоши** деб ҳисоблансин;

**3) 12-моддасининг:**

**иккинчи қисми** қўйидаги мазмундаги **йигирма саккизинчи — ўттизинчи хатбошилар** билан тўлдирилсин:

«фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳузурида яраштирув комиссияси тузади;

«Маҳалла посбони» жамоатчилиқ тузилмасининг раҳбарини тайинлайди ва тузилмага аъзолар қабул қилади;

фуқаролар йиғинининг ёшлар ўртасида ташкилий-тарбиявий ва оммавий-спорт ишларини олиб боровчи педагог-тарбиячисини тайинлайди»;

**йигирма саккизинчи** ва **йигирма тўққизинчи хатбошилари** тегишинча **ўттиз биринчи** ва **ўттиз иккинчи хатбошилар** деб ҳисоблансин;

**4) 13-моддасининг биринчи қисми:**

қўйидаги мазмундаги **ўн иккинчи** ва **ўн учинчи хатбошилар** билан тўлдирилсин:

«ички ишлар органларининг профилактика бўйича тегишли инспектори билан биргаликда «Маҳалла посбони» жамоатчилиқ тузилмасининг фаолияти устидан назоратни амалга оширади;

яраштирув комиссиясида раислик қилади»;

**ўн иккинчи — ўн еттинчи хатбошилари** тегишинча **ўн тўртинчи — ўн тўққизинчи хатбошилар** деб ҳисоблансин;

**5) 17-моддаси** қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

**«17-модда. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш**

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш мақсадида қонун ҳужжатларига мувофиқ фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш ишлари бўйича республика кенгаши, шунингдек Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар мувофиқлаштириш кенгашлари тузилади»;

**6) 18-моддаси:**

**бешинчи қисми** қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Фуқаролар йиғинини чақиришнинг имкони бўлмаган тақдирда, фуқаролар вакилларининг йиғилиши ўтказилади. Йиғилишга ҳовлилар, уйлар, кўчалар, маҳаллалар, мавзелар, даҳалардан фуқароларнинг намояндалари вакил қилинадилар. Вакиллик нормасини фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш ишлари бўйича тегишли туманлар ва шаҳарлар мувофиқлаштириш кенгаши белгилайди»;

қўйидаги мазмундаги **еттинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Фуқаролар йиғинида шаҳарча, қишлоқ, овул ва маҳалла ҳудудида жойлашган

корхона, муассаса ва ташкилотларнинг вакиллари ўз фаолиятларига доир масалалар бўйича маслаҳат овози билан иштирок этишга ҳақлидир»;

7) **20-моддасининг иккинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Фуқаролар йиғинининг раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари, агар фуқаролар йиғинида ҳозир бўлганларнинг ярмидан кўпроғи уларни ёқлаб овоз берган бўлса, сайланган ҳисобланадилар. Агар тақдим этилган шахслар зарур миқдорда овоз ололмасалар, кўриб чиқиш учун бошқа шахслар тақдим этилади»;

8) **русча матнининг 10-моддаси иккинчи қисмининг саккизинчи, тўққизинчи ва ўнинчи хатбошиларидаги, 12-моддаси иккинчи қисмининг бешинчи хатбошисидаги, 18-моддасининг биринчи қисмидаги, 24-моддасининг биринчи қисмидаги** «Советы», «Совета», «Советов», «Советами» деган сўзлар тегишинча «Кенгаши», «Кенгаша», «Кенгашей», «Кенгашами» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**Х.** Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 1, 3-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, № 9, 144-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 5–6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5–6, 153-модда; 2001 йил, № 1–2, 23-модда, № 9–10, 165-модда; 2002 йил, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда);

1) **154-моддаси** қуйидаги мазмундаги **иккинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Ёлланма шахсни ёллаш, ўқитиш, молиялаштириш ёки унга бошқа моддий таъминот бериш, худди шунингдек ундан ҳарбий тўқнашув ёки ҳарбий ҳаракатларда фойдаланиш —

етти йилдан ўн икки йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади»;

қуйидаги мазмундаги **154<sup>1</sup>-модда** билан тўлдирилсин:

**«154<sup>1</sup>-модда. Чет давлатларнинг ҳарбий хизматига, хавфсизлик, полиция, ҳарбий адлия органлари ёки шунга ўхшаш бошқа органларига хизматга кириш, ёлланиш**

Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг чет давлатларнинг ҳарбий хизматига, хавфсизлик, полиция, ҳарбий адлия органлари ёки шунга ўхшаш бошқа органларига хизматга кириши —

энг кам ойлик иш ҳақининг уч юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади.

Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг чет давлатларнинг ҳарбий хизматига, хавфсизлик, полиция, ҳарбий адлия органлари ёки шунга ўхшаш бошқа органларига хизматга ёлланиши —

уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади»;

3) **225-моддаси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

**«225-модда. Ҳарбий ёки муқобил хизматдан бўйин товлаш**

Фуқароларнинг муддатли ҳарбий хизмат ёки муқобил хизматга чақирувдан, сафарбарлик чақируви резерви хизмати сафига олиниш ёхуд хизматни Ўзбекистон Республикаси Қуроли Кучлари резервида ўташдан узрли сабабсиз бўйин товлаши, шундай қилмиш учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса, —

энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваригача миқдорда жарима ёки икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади.

Ўша ҳаракатлар:

- а) ўз баданига шикаст етказиш;  
б) хужжатларни қалбакилаштириш ёки бошқача алдаш йўли билан содир этилган бўлса, —  
энг кам ойлик иш ҳақининг юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.  
Фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси Қуроли Кучларига сафарбарлик бўйича чақирувдан бўйин товлаши —  
уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади»;  
4) **235-моддаси** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

**«235-модда. Қийноққа солиш ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки кадр-қимматни камситувчи муомала ҳамда жазо турларини қўллаш**

Қийноққа солиш ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки кадр-қимматни камситувчи муомала ҳамда жазо турларини қўллаш, яъни гумон қилинувчига, айбланувчига, гувоҳга, жабрланувчига ёки жиноят процессининг бошқа иштирокчисига ёхуд жазони ўтаётган маҳкумга, уларнинг яқин қариндошларига улардан бирор бир ахборот, жиноят содир этганлигига иқрорлик кўрсатуви олиш, уларни содир этилган қилмиш учун ўзбошимчалик билан жазолаш ёхуд бирор бир ҳаракатни содир этишга мажбурлаш мақсадида суриштирувчи, терговчи, прокурор томонидан ёки ҳуқуқни муҳофаза қилиш органининг, жазони ижро этиш муассасасининг бошқа ходими томонидан кўрkitиш, уриш, дўппослаш, қийнаш, азоб бериш ёки қонунга хилоф бошқа ҳаракатлар воситасида содир этилган қонунга хилоф руҳий ёки жисмоний таъсир кўрсатиш —

уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша ҳаракатлар:

- а) ҳаёт ва соғлиқ учун хавfli бўлган зўрликни қўллаган ҳолда ёки шундай зўрликни қўллаш таҳдиди билан;  
б) миллий, ирқий, диний ёки ижтимоий камситиш замирига асосланган ҳар қандай сабаб бўйича;  
в) бир гуруҳ шахслар томонидан;  
г) такроран;  
д) вояга етмаган шахсга ёки ҳомиладорлиги айбдорга аён бўлган аёлга нисбатан содир этилган бўлса, —

уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ушбу модданинг биринчи ёки иккинчи қисмларида назарда тутилган ҳаракатлар баданга оғир шикаст етказилишига ёхуд бошқа оғир оқибатларга сабаб бўлса, —

муайян ҳуқуқдан маҳрум этиб, беш йилдан саккиз йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади».

**XI.** Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 3, 6-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 9, 193-модда, № 12, 269-модда; 1996 йил, № 5–6, 69-модда, № 9, 144-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 4–5, 126-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 3, 38-модда, № 5–6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5–6, 153-модда, № 7–8, 217-модда; 2001 йил, № 1–2, 23-модда, № 9–10, 165 ва 182-моддалар; 2002 йил, № 1, 20-модда, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 5, 67-модда):

---

*Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2003 й.*

1) **88-моддаси** қуйидаги мазмундаги **учинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Дала ва аҳоли пунктларида анғиз, хазон ва шох-шаббаларни ёки ўсимликларнинг бошқа қолдиқларини ёкиб юбориш, атмосфера ҳавосини зарарли моддалар билан ифлослантиришга олиб келса, —

фуқароларга энг кам иш ҳақининг уч бараваридан беш бараваригача, мансабдор шахсларга эса — беш бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади»;

2) **237-моддаси** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

**«237-модда. Ҳарбий ёки муқобил хизматдан бўйин товлаш**

Муддатли ҳарбий хизмат ёки муқобил хизматга чақирувдан, сафарбарлик чақируви резерви хизмати сафига олинишдан ёки хизматни Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари резервида ўташдан бўйин товлаш —

энг кам иш ҳақининг икки бараваридан беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади»;

3) **239-моддаси** чиқариб ташлансин;

4) **245-моддасининг биринчи қисмидаги «239»** рақами чиқариб ташлансин;

5) **261-моддаси иккинчи қисмининг:**

**иккинчи хатбошисидаги «етти бараваригача»** деган сўзлар «ўн бараваригача» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**учинчи хатбошисидаги «фуқароларга энг кам иш ҳақининг икки бараваригача, мансабдор шахсларга эса — беш бараваригача»** деган сўзлар «фуқароларга энг кам иш ҳақининг уч бараваригача, мансабдор шахсларга эса — етти бараваригача» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**тўртинчи хатбошисидаги «фуқароларга энг кам иш ҳақининг бир бараваригача, мансабдор шахсларга эса — уч бараваригача»** деган сўзлар «фуқароларга энг кам иш ҳақининг икки бараваригача, мансабдор шахсларга эса — беш бараваригача» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**ХII. Ўзбекистон Республикасининг 1995 йил 30 августда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида»**ги Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 9, 178-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда):

1) **1-моддаси иккинчи қисмининг иккинчи хатбошиси** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикаси қонунларининг ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари қарорларининг, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонларининг, ҳукумат ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари қарорларининг, Ўзбекистон Республикаси давлатлараро шартномавий ва бошқа мажбуриятларининг Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига мослигини аниқлайди»;

2) **2-моддасининг:**

**биринчи ва тўртинчи қисмларидаги «Олий Мажлис»** деган сўзлар «Олий Мажлисининг Сенати» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**иккинчи қисмидаги «Олий Мажлис депутатлари»** деган сўзлар «Олий Мажлис Сенати аъзолари» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**бешинчи қисми** чиқариб ташлансин;

3) **10-моддаси** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

**«10-модда. Конституциявий суднинг қонунчилик ташаббуси**

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 83-моддасига мувофиқ Консти-

туциявий суд қонунчилик ташаббуси ҳуқуқига эга. Бу ҳуқуқ Конституциявий суд томонидан қонун лойиҳасини Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига киритиш орқали амалга оширилади»;

4) **12-моддаси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

**«12-модда. Конституциявий суднинг судьялигига номзодга қўйиладиган талаблар. Конституциявий суд судьяларининг малака даражалари**

Сиёсат ва ҳуқуқ соҳаси мутахассислари бўлган, юксак маънавий фазилатли ва зарур малакали Ўзбекистон Республикаси фуқароси Конституциявий суднинг судьяси этиб сайланиши мумкин.

Конституциявий суднинг судьяларига Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан Олий малака ёки Биринчи малака даражалари берилади»;

5) **13-моддасининг биринчи қисмидаги** «Конституциявий» деган сўз «Биринчи бор Конституциявий» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

6) **ўзбекча матни 17-моддасининг биринчи қисми** «қуйидаги ҳолларда» деган сўзлардан кейин «Конституциявий суд қарори билан» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

7) **18-моддасининг биринчи хатбошисидаги** «Олий Мажлис» деган сўзлар «Олий Мажлис Сенатининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

8) **19-моддаси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

**«19-модда. Конституциявий судга масалаларни киритиш ҳуқуқи**

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари, Ўзбекистон Республикаси Президенти, Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Спикери, Олий Мажлис Сенатининг Раиси, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари умумий сонининг камида тўртдан бир қисмидан иборат депутатлар гуруҳи, Олий Мажлис Сенати аъзолари умумий сонининг камида тўртдан бир қисмидан иборат сенаторлар гуруҳи, Ўзбекистон Республикаси Олий судининг раиси, Олий хўжалик судининг раиси ва Бош прокурори Конституциявий судда кўриб чиқиш учун масалалар киритиш ҳуқуқига эга. Масала Конституциявий суднинг камида уч судьяси ташаббуси билан ҳам киритилиши мумкин»;

9) **21-моддасидаги** «Олий Мажлис Раиси, унинг ўринбосарлари» деган сўзлар «Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Спикери, унинг ўринбосарлари, Олий Мажлис Сенатининг Раиси, унинг ўринбосарлари» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

10) **31-моддаси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

**«31-модда. Конституциявий суд судьяларининг моддий ва ижтимоий таъминоти**

Конституциявий суд судьяларининг меҳнатига ҳақ тўлаш, уларга ҳар йилги меҳнат таътили бериш, судьяларни ва уларнинг оила аъзоларини ижтимоий муҳофаза қилиш чора-тадбирлари, судьяларнинг ҳаёти ва соғлиғини давлат томонидан мажбурий тартибда суғурта қилиш билан боғлиқ моддий ва ижтимоий таъминоти «Судлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ белгиланади.

Конституциявий суд судьясининг иш ҳақи лавозим маошидан, малака даражаси, кўп йиллик хизмати учун тўланадиган устама ҳақлардан иборат бўлади».

**XIII. Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 26 апрелда қабул қилинган «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш**

**тўғрисида»**ги Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, № 5–6, 61-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда; 1998 йил, № 3, 38-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 9, 229-модда; 2001 йил, № 1–2, 23-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда):

1) **14-моддасидаги** «ёки таъсис шартномаси ва устав ёхуд фақат таъсис шартномаси» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

2) **15-моддасининг тўртинчи қисмидаги** «аудитор» деган сўз чиқариб ташлансин;

3) **16-моддасининг матнидаги** «йиғилишининг қарорига биноан амалга оширилади» деган сўзлар «йиғилишининг қарорига, ушбу Қонун 21-моддасининг иккинчи ва тўртинчи қисмларида назар тутилган ҳолларда эса, акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этаётган овоз берувчи акциялар эгалари бўлган акциядорларнинг кўпчилик овози билан қабул қилинган акциядорлар умумий йиғилишининг қарорига ёки жамият кузатув кенгашининг бир овоздан қабул қилинган қарорига биноан амалга оширилади» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

4) **20-моддасининг:**

**биринчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Очиқ акциядорлик жамияти устав фондининг энг кам миқдори жамият давлат рўйхатидан ўтказилган санада Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг курси бўйича эллик минг АҚШ долларига тенг бўлган суммадан кам бўлмаслиги, ёпиқ акциядорлик жамияти устав фондининг энг кам миқдори эса, жамият давлат рўйхатидан ўтказилган санада қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам ойлик иш ҳақининг икки юз баравари миқдоридан кам бўлмаслиги керак»;

**учинчи қисми** чиқариб ташлансин;

5) **21-моддасининг:**

**тўртинчи қисмидаги** «уставда кўзда тутилган бўлса» деган сўзлар «бундай қарор қабул қилиш ҳуқуқи жамиятнинг уставига мувофиқ ёки акциядорлар умумий йиғилишининг қарорига биноан жамиятнинг кузатув кенгашига берилган бўлса» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**олтинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Жамиятнинг устав фондини қўшимча акциялар жойлаштириш йўли билан кўпайтириш жойлаштирилган қўшимча акцияларнинг номинал қиймати миқдорида қайд этилади. Бунда эълон қилинган муайян тоифа ва турдаги акцияларнинг миқдори жойлаштирилган ана шу тоифа ва турлардаги акцияларнинг сонига қисқартирилиши керак»;

6) **33-моддасининг еттинчи қисмидаги** «аудитор» деган сўз чиқариб ташлансин;

7) **46-моддасининг:**

**иккинчи қисмидаги** «(аудитор)» деган сўз чиқариб ташлансин;

**учинчи қисмидаги** «баҳоловчи (аудитор)ни» деган сўзлар «баҳоловчини» деган сўз билан алмаштирилсин;

8) **64-моддасининг учинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Акциядорларнинг умумий ҳисобот йиғилиши жамият уставига белгиланган муддатларда, аммо молия йили тугаганидан кейин кўпи билан олти ой ичида ўтказилади. Акциядорларнинг умумий ҳисобот йиғилишида жамиятнинг кузатув кенгаши ва тафтиш комиссиясини (тафтишчисини) сайлаш тўғрисидаги, яккабошчилик асосидаги ижроия органи билан, коллегиял ижроия органининг аъзолари, бошқарувчи ташкилот ёки бошқарувчи билан тузилган шартноманинг амал қилиш муддатини узайтириш (шартномани қайта тузиш ёки уни тугатиш (бекор қилиш) мум-

кинлиги тўғрисидаги, аудиторлик текшируви ўтказиш ҳақида қарор қабул қилиш тўғрисидаги масалалар, аудиторлик ташкилотини ва унинг хизматига тўланадиган ҳақ миқдори чегарасини белгилаш масалалари ҳал этилади, шунингдек ушбу Қонун 65-моддасининг биринчи қисми ўн учинчи хатбошисига мувофиқ жамиятнинг йиллик ҳисоботи ва бошқа ҳужжатлар қараб чиқилади»;

**9) 65-моддасининг:**

**биринчи қисми:**

**ўн иккинчи хатбошиси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«аудиторлик текшируви ўтказиш тўғрисида, аудиторлик ташкилотини ва унинг хизматига тўланадиган ҳақ миқдори чегарасини белгилаш тўғрисида қарор қабул қилиш»;

**ўн учинчи хатбошисидagi** «жамиятнинг йиллик ҳисоботларини» деган сўзлар «жамиятнинг йиллик бизнес-режасини, йиллик ҳисоботларини» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**ўн еттинчи хатбошисидagi** «94» рақами «93» рақами билан алмаштирилсин;

**ўн саккизинчи хатбошисидagi** «89» рақами «90» рақами билан алмаштирилсин;

**учинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Акциядорлар умумий йиғилишининг мутлақ ваколатларига киритилган масалалар жамиятнинг кузатув кенгаши ҳал этиши учун берилиши мумкин эмас, қуйидагилар бундан мустасно:

ушбу Қонуннинг 16 ва 21-моддаларига мувофиқ жамият уставига унинг устав фондини кўпайтириш билан боғлиқ ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги масалаларни ҳал этиш;

ушбу Қонуннинг 86-моддаси ўн биринчи қисмига мувофиқ жамиятнинг яккабошчилик асосидаги ижроия органи билан, коллегиял ижроия органининг аъзолари, бошқарувчи ташкилот ёки бошқарувчи билан тузилган шартномани муддатидан илгари тугатиш (бекор қилиш) тўғрисидаги масалани ҳал этиш;

ушбу Қонуннинг 82-моддаси биринчи қисми ўн биринчи хатбошисига мувофиқ йиллик бизнес-режани тасдиқлаш»;

10) **66-моддасининг олтинчи қисмидаги** «биринчи—учинчи, бешинчи» деган сўзлар «иккинчи—тўртинчи, олтинчи» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

11) **69-моддасининг бешинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Умумий йиғилишни ўтказишга тайёргарлик кўришда акциядорларга тақдим этилиши лозим бўлган ахборотга (материалларга) жамиятнинг йиллик ҳисоботи, жамият молия-ҳўжалик фаолиятини йиллик текшириш натижалари юзасидан жамият тафтиш комиссиясининг (тафтишчисининг) ва аудиторлик ташкилотининг ҳулосаси, жамият кузатув кенгашининг яккабошчилик асосидаги ижроия органи билан, коллегиял ижроия органининг аъзолари, бошқарувчи ташкилот ёки бошқарувчи билан тузилган шартноманинг амал қилиш муддатини узайтириш (шартномани қайта тузиш ёки уни тугатиш (бекор қилиш) мумкинлиги тўғрисидаги ҳулосаси, жамият кузатув кенгашига ва тафтиш комиссиясига (тафтишчилигига) номзодлар тўғрисидаги маълумотлар, жамият уставига киритиладиган ўзгартишлар ва қўшимчалар лойиҳаси ёки жамиятнинг янги таҳрирдаги устави лойиҳаси киради»;

12) **70-моддасининг:**

**биринчи ва учинчи қисмлари** «тафтиш комиссиясига» деган сўзлардан кейин «(тафтишчилигига)» деган сўз билан тўлдирилсин;

**тўртинчи қисмининг биринчи хатбошиси, бешинчи ва олтинчи қисм-**

лари «тафтиш комиссиясига» деган сўзлардан кейин «(тафтишчилигига)» деган сўз билан тўлдирилсин;

13) **72-моддасининг:**

**биринчи қисмидаги** «аудитори» деган сўз чиқариб ташлансин;

**иккинчи, тўртинчи, еттинчи ва саккизинчи қисмларидаги** «жамият аудиторининг», «жамият аудитори» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

14) **77-моддасининг бешинчи қисми** «тафтиш комиссияси аъзосини» деган сўзлардан кейин «(тафтишчисини)» деган сўз билан тўлдирилсин;

15) **82-моддаси** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

**«82-модда. Жамият кузатув кенгашининг ваколатлари**

Жамият кузатув кенгашининг ваколатларига қуйидагилар кирди:

жамият фаолиятининг устувор йўналишларини белгилаш;

жамият акциядорларининг йиллик ва навбатдан ташқари умумий йиғилишларини чақириш, ушбу Қонун 72-моддасининг ўн биринчи қисмида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно;

акциядорлар умумий йиғилишининг кун тартибини тайёрлаш;

умумий йиғилишда иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорларнинг рўйхати тузиладиган санани белгилаш;

ушбу Қонун 65-моддаси биринчи қисмининг иккинчи ва ўн иккинчи хатбошиларида назарда тутилган масалаларни акциядорларнинг умумий йиғилиши муҳокамасига киритиш;

агар жамият уставига мувофиқ ёки акциядорлар умумий йиғилишининг қарорига биноан кузатув кенгашига тегишли ҳуқуқ берилган бўлса, эълон қилинган акцияларнинг сони ва турлари доирасида акцияларнинг номинал қийматини кўпайтириш ёки жамият томонидан қўшимча акциялар жойлаштириш орқали жамият устав фондини кўпайтириш;

жамият уставида бошқача қоида назарда тутилган бўлмаса, облигациялар ва қимматли қоғозларни жойлаштириш;

мол-мулкнинг бозор қийматини аниқлаш;

агар жамият уставига мувофиқ ёки акциядорлар умумий йиғилишининг қарорига биноан кузатув кенгашига тегишли ҳуқуқ берилган бўлса, ушбу Қонунда назарда тутилган ҳолларда жамият томонидан жойлаштирилган акциялар, облигациялар ва бошқа қимматли қоғозларни олиш;

агар жамиятнинг йиллик бизнес-режасини тасдиқлаш жамият уставида кузатув кенгашининг ваколат доирасига киритилган бўлса ёки бу масалани ҳал этиш акциядорларнинг умумий йиғилишида кузатув кенгашига топширилган бўлса, шундай бизнес-режани тасдиқлаш;

жамиятнинг ижроия органи фаолиятига дахлдор ҳар қандай ҳужжатдан эркин фойдаланиш ва ижроия органидан кузатув кенгаши зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш учун уларни олиш. Олинган ҳужжатлардан кузатув кенгаши ва унинг аъзолари фақат хизмат мақсадларида фойдаланишлари мумкин;

агар жамият уставида кузатув кенгашининг ваколати доирасига киритилган бўлса, ижроия органига тўланадиган ҳақ ва компенсациялар миқдорини белгилаш;

жамият тафтиш комиссияси аъзоларига (тафтишчисига) тўланадиган ҳақ ва компенсация миқдори юзасидан ҳамда аудиторлик ташкилотининг хизматларига тўланадиган ҳақ миқдори чегарасини белгилашга доир тавсиялар бериш;

акциялар бўйича дивидендлар миқдори ва уларни тўлаш тартиби юзасидан тавсиялар бериш;

жамиятнинг захира ва бошқа фондларидан фойдаланиш;

жамиятнинг бошқарув органлари фаолият тартибини белгиловчи ҳужжатларни тасдиқлаш;

жамиятнинг ваколатхоналарини очиш ҳамда филиалларини ташкил этиш;

жамиятнинг шўъба ва тобе корхоналарини ташкил этиш;

ушбу Қонуннинг VIII бўлимида назарда тутилган ҳолларда мол-мулкни олиш ва мол-мулкни бошқа шахсга ўтказиш билан боғлиқ йирик битимлар тузиш;

агар битимлар тузишдан манфаатдорлик бўладиган бўлса, ушбу Қонуннинг IX бўлимида назарда тутилган ҳолларда битимлар тузиш;

ушбу Қонун ва жамият уставига мувофиқ кузатув кенгаши ваколатларига киритилган бошқа масалаларни ҳам ҳал этиш.

Жамият кузатув кенгашининг ваколатларига киритилган масалалар ҳал қилиш учун жамият ижроия органига ўтказилиши мумкин эмас»;

**16) 83-моддаси:**

**биринчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Жамият кузатув кенгашининг аъзолари ушбу Қонун ва жамият уставига назарда тутилган тартибда акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан бир йиллик муддатга сайланадилар»;

қуйидаги мазмундаги **тўртинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Муайян жамиятда меҳнат шартномаси (контракт) бўйича ишлаётган шахслар мазкур жамиятнинг кузатув кенгаши аъзолари бўлиши мумкин эмас»;

**тўртинчи—саққизинчи қисмлари** тегишинча **бешинчи—тўққизинчи қисмлар** деб ҳисоблансин;

**17) 85-моддасининг биринчи қисмидаги** «комиссияси ёки аудиторнинг» деган сўзлар «комиссиясининг» деган сўз билан алмаштирилсин;

**18) 86-моддаси:**

**тўртинчи қисмидаги** «акциядорлар умумий йиғилишининг ёки кузатув кенгашининг мутлақ ваколатларига» деган сўзлар «акциядорлар умумий йиғилишининг мутлақ ваколатларига ёки кузатув кенгашининг ваколатларига» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**еттинчи — тўққизинчи қисмлари** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Жамият ижроия органларини ташкил этиш ҳамда уларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш, агар жамият уставига ушбу масалаларни ҳал этиш жамият кузатув кенгашининг ваколатларига киритилмаган бўлса, акциядорлар умумий йиғилишининг қарорига биноан амалга оширилади. Жамият уставига мувофиқ ёки акциядорлар умумий йиғилишининг ёхуд жамият кузатув кенгашининг қарорига биноан жамиятнинг яккабошчилик асосидаги ижроия органини (директорини), коллегиал ижроия органи (бошқаруви, дирекцияси) аъзоларини тайинлаш танлов асосида амалга оширилиши мумкин.

Жамиятнинг яккабошчилик асосидаги ижроия органининг (директорининг), коллегиал ижроия органи (бошқаруви, дирекцияси) аъзоларининг, бошқарувчи ташкилот ёки бошқарувчининг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари ушбу Қонун, бошқа қонун ҳужжатлари, жамият устави томонидан ҳамда уларнинг ҳар бири жамият билан бир йил муддатга тузадиган шартномада белгиланиб, шартноманинг амал қилиш муддатини узайтириш (шартномани қайта тузиш ёки уни тугатиш (бекор қилиш) мумкинлиги тўғрисида ҳар йили қарор қабул қилинади. Жамият номидан шартномани кузатув кенгашининг раиси ёки кузатув кенгаши ваколат берган шахс имзолайди. Жамиятнинг яккабошчилик асосидаги ижроия органи (директори) билан, коллегиал ижроия органи (бошқаруви, дирекцияси) раҳбари, бошқарувчи ташкилот ёки бошқарувчи билан тузиладиган шартномада уларнинг акциядорлик жамияти

фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича мажбуриятлари ҳамда акциядорларнинг умумий йиғилиши ва кузатув кенгаши олдида жамиятнинг йиллик бизнес-режасини бажариш қандай бораётганлиги юзасидан берадиган ҳисоботлари даврийлиги назарда тутилиши лозим.

Жамиятнинг яккабошчилик асосидаги ижроия органига (директорига), коллегиял ижроия органи (бошқаруви, дирекцияси) аъзоларига тўланадиган меҳнат ҳақи ва бошқа ҳақлар миқдори, шунингдек бошқарувчи ташкилот ва бошқарувчи хизматларига ҳақ тўлаш шартлари жамият фаолиятининг самарадорлигига тўғридан-тўғри боғлиқ бўлиб, шартномада белгиланиши керак»;

**ўн биринчи қисмидаги** «рахбари» деган сўз «аъзолари» деган сўз билан алмаштирилсин;

қуйидаги мазмундаги **ўн иккинчи** ва **ўн учинчи қисмлар** билан тўлдирилсин:

«Кузатув кенгаши жамиятнинг яккабошчилик асосидаги ижроия органи билан, коллегиял ижроия органининг аъзолари, шунингдек бошқарувчи ташкилот ёки бошқарувчи билан тузилган шартномани, агар шартнома тузишда улар жамият уставини қўпол тарзда бузишга йўл қўйган бўлса ёки уларнинг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) туфайли жамиятга зарар етказилган бўлса, муддатидан илгари тугатиш (бекор қилиш) ҳуқуқига эга.

Акциядорлар умумий йиғилиши томонидан жамият ижроия органининг, бошқарувчи ташкилот ёки бошқарувчининг ваколатларини тугатиш тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда ижроия органининг ваколатларини бошқарувчи ташкилот ёки бошқарувчига ўтказиш тўғрисидаги масала ўша умумий йиғилишнинг ўзида ҳал этилиши ёки ижроия органи раҳбарининг вазифасини вақтинча бажарувчи шахсни ҳам тайинлаган ҳолда акциядорларнинг яқин орадаги умумий йиғилишида кўриб чиқиш учун қолдирилиши мумкин. Агар жамиятнинг ижроия органини тузиш акциядорлар умумий йиғилишининг мутлақ ваколатларига киритилган бўлса, ижроия органининг, бошқарувчи ташкилот ёки бошқарувчининг ваколатларини тугатиш тўғрисида қарор қабул қилган кузатув кенгаши ижроия органи раҳбарининг вазифасини вақтинча бажарувчи шахсни тайинлаш тўғрисида қарор қабул қилади, шунингдек ижроия органи тўғрисидаги масалани ҳал этиш учун акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақиради»;

19) **87-моддасининг иккинчи қисмидаги** «аудиторга» деган сўз чиқариб ташлансин;

20) **92-моддасининг тўртинчи хатбошисидаги** «ва аудитор» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

21) **95-моддасининг биринчи қисмидаги** «муассисларнинг ёки ваколатли органнинг» деган сўзлар «акциядорлар умумий йиғилишининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

22) **105-моддасининг тўртинчи қисмидаги** «аудиторни» деган сўз «аудиторлик ташкилотини» деган сўз билан алмаштирилсин;

23) **110-моддасининг еттинчи қисмидаги** «кузатув кенгашининг» деган сўзлар «жамият кузатув кенгашининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

24) **111-моддаси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

**«111-модда. Аудиторлик ташкилоти**

Аудиторлик ташкилоти жамият билан тузилган шартномага мувофиқ қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жамиятнинг молия-хўжалик фаолиятини текширади ва унга аудиторлик ҳулосаси тақдим этади.

Аудиторлик ташкилоти жамиятнинг молиявий ҳисоботи ва молияга доир бошқа ахборотлар ҳақида нотўғри яқун баён этилган аудиторлик хулосаси тузганлик оқибатида етказилган зарар учун жамият олдида жавобгар бўлади»;

25) **112-моддасининг номи ва биринчи хатбошисидаги** «ёки аудиторнинг», «ёки аудитор» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

26) **114-моддаси биринчи қисмининг еттинчи хатбошисидаги** «аудиторлар» деган сўз «аудиторлик ташкилотлари» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

27) **117-моддасидаги** «аудиторлар» деган сўз чиқариб ташлансин.

**XIV.** Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1996 йил 26 апрелдаги қарори билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси тўғрисидаги низо** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, № 5–6, 70-модда; 2000 йил, № 5–6, 153-модда, № 7–8, 217-модда; 2002 йил, № 1, 22-модда, № 9, 165-модда):

1) **12-бандининг:**

**иккинчи хатбошисидаги** «ишлаб чиқариш ва истеъмол чиқиндиларини» деган сўзлар «чиқиндиларни» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**саккизинчи хатбошиси** қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«атроф муҳитга ифлослантирувчи моддаларни чиқариб ташлаш ҳамда оқизишнинг йўл қўйиладиган нормативларини ва чиқиндиларни жойлаштириш лимитларини белгилайди, атроф муҳитни ифлослантирганлик учун компенсация тўловлари ундиради ва улардан белгиланган тартибда фойдаланади»;

**тўққизинчи хатбошисидаги** «Макроиктисодиёт ва статистика вазирлиги» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**ўн тўққизинчи хатбошисидаги** «саноат, маиший ва бошқа хил» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

2) **13-бандининг «д» кичик банди** қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«д) табиатдан фойдаланувчилар табиий ресурслардан фойдаланишнинг, атроф муҳитга ифлослантирувчи моддалар, чиқиндилар чиқариб ташлаш ва оқизишнинг ҳамда бошқа зарарли таъсирларнинг (жисмоний таъсирдан ташқари) дастлабки ҳисобини юритиши, Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси билан биргаликда табиатни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан фойдаланишга доир давлат статистика ҳисоботлари тўғри бўлишига риоя этилиши».

**XV.** Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 27 декабрда қабул қилинган «**Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисида**»ги Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, № 2, 52-модда) **25-моддасининг номи, биринчи ва иккинчи қисмларидаги** «тўловлар» деган сўз «компенсация тўловлари» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**XVI.** Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 24 апрелда қабул қилинган Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, 4–5-сонга илова, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 3, 38-модда, № 5–6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5–6, 153-модда; 2001 йил, № 1–2, 23-модда, № 5, 89-модда, № 9–10, 182-модда; 2002 йил, № 1, 20-модда, № 4–5, 74-модда, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 5, 67-модда) **8-моддасининг еттинчи қисми** қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Савдо ва умумий овқатланиш корхоналари (шу жумладан кичик корхоналар ва микрофирмалар) даромад (фойда) солиғи, қўшилган қиймат солиғи (товарларни

(ишларни, хизматларни) импорт қилиш бундан мустасно), экология солиғи, сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ, ер ости бойликларидан фойдаланганлик учун солиқ, ер солиғи, инфратузилмани ривожлантириш солиғи, бошқа маҳаллий солиқлар ва йиғимлар (мол-мулк солиғи, товарларнинг айрим турлари билан савдо қилиш ҳуқуқи учун лицензия йиғимларини, юридик шахсларни рўйхатга олганлик учун йиғимни қўшган ҳолдаги савдо қилиш ҳуқуқи учун йиғим бундан мустасно) ўрнига бюджетга ялпи даромад солиғи тўлайдилар. Ялпи даромад солиғини ҳисоблаб чиқариш тартиби ва ставкалари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади».

**XVII.** Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 25 апрелда қабул қилинган Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-ижроия кодекси** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, № 6, 175-модда):

1) **14-моддасининг:**

**биринчи қисмидаги** «суд» деган сўз «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаменти» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**тўртинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ҳарбий ёки махсус унвондан маҳрум қилиш тариқасидаги қўшимча жазо мазкур унвонни берган орган томонидан ижро этилади»;

2) **46-моддасининг матни** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Манзил-колониялар қуйидагиларга бўлинади:

ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятлар, эҳтиётсизлик оқибатида содир этилган унча оғир бўлмаган жиноятлар учун озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахслар сақланадиган манзил-колониялар;

умумий, қаттиқ тартибли колониялардан, шунингдек тарбия колонияларидан ўтказилган маҳкумлар сақланадиган манзил-колониялар»;

3) **53-моддасининг биринчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Қасддан содир этилган унча оғир бўлмаган ва оғир жиноятлар учун биринчи марта олти йилгача ва олти йил муддатга озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахслар алоҳида ҳолларда, маҳкумнинг ёзма розилиги бўлган тақдирда, муассаса бошлиғининг қарорига биноан хўжалик хизматига оид ишларни бажариш учун тергов ҳибсхонаси ёки турмада қолдирилиши мумкин»;

4) **75-моддасининг тўртинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Бир ой давомида сарфлашга рухсат этилган пулнинг умумий суммаси қуйидаги миқдорлардан ошмаслиги лозим:

умумий тартибли колонияларда — белгиланган энг кам иш ҳақи миқдорининг уч бараваридан;

қаттиқ тартибли колонияларда — белгиланган энг кам иш ҳақи миқдорининг икки ярим бараваридан;

махсус тартибли колонияларда — белгиланган энг кам иш ҳақи миқдорининг икки бараваридан;

турмаларда — белгиланган энг кам иш ҳақи миқдорининг бир ярим бараваридан;

тарбия колонияларида, ихтисослаштирилган даволаш муассасаларида, шунингдек маҳкум биринчи ва иккинчи гуруҳ ногиронлари, ҳомиладор аёллар ва жазони ижро этиш муассасасидаги болалар уйида болалари бўлган аёллар учун — белгиланган энг кам иш ҳақи миқдорининг уч ярим бараваридан»;

5) **76-моддасининг учинчи қисмидаги** «114, 130 ва 134-моддаларида» деган сўзлар «114 ва 130-моддаларида» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

6) **77-моддасининг:**

**биринчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинганларга телефон орқали сўзлашувлар ҳуқуқи берилади, бундай сўзлашувлар муассаса маъмурияти назорати остида ўтказилади ва уларнинг ҳақи маҳкумнинг шахсий ҳисобварағидан тўланади»;

**иккинчи қисмидаги** «алоҳида ҳолларда» деган сўзлар «маҳкум жазони ижро этиш муассасасига етиб келгандан кейин, шунингдек алоҳида ҳолларда» деган сўзлар билан алмаштирилсин»;

7) **78-моддаси:**

қуйидаги мазмунда **тўртинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Ҳукм қилинган ҳомиладор аёлларнинг ва жазони ижро этиш муассасасидаги болалар уйида болалари бўлган аёлларнинг, шунингдек врач хулосасига кўра даволаниш ва кучли таомга муҳтож деб эътироф этилган беморларнинг, биринчи ёки иккинчи гуруҳ ногиронларининг тиббий хулосада белгиладиган миқдорда ва хилларда қўшимча посилкалар, йўқловлар ва бандероллар олишига руҳсат этилади»;

**тўртинчи ва бешинчи қисмлари** тегишинча **бешинчи ва олтинчи қисмлар** деб ҳисоблансин;

8) қуйидаги мазмундаги **79<sup>1</sup>-модда** билан тўлдирилсин:

**«79<sup>1</sup>-модда. Озодликдан маҳрум этилган маҳкумларнинг сайр қилиши**

Жазони умумий, қаттиқ тартибли колониялар, тарбия колониялари қабул бўлинмаларининг камераларида, шунингдек маҳсус тартибли колонияларнинг камераларида ўтаётган озодликдан маҳрум этилган маҳкумлар, агар улар очиқ ҳавода ишлаётган бўлмаса, ҳар куни муддати икки соатлик сайр қилиш ҳуқуқига эга.

Сайр қилишнинг муддати жазони ижро этиш колонияларининг, тергов ҳибсхоналари ва турмаларнинг интизомий бўлинмаларида сақланаётган маҳкумлар учун ушбу Кодекснинг 109 ва 127-моддалари билан, жазони турмаларда ўтаётган маҳкумлар учун эса 123-моддаси билан белгиланади.

Маҳкумларнинг сайр қилиши маҳсус жиҳозланган сайр қилиш ховлиларида кундузги вақтда ўтказилади. Сайр қилиш, маҳкум жазони ижро этиш муассасаларининг ички тартиб қоидаларини бузган тақдирда, муддатидан илгари тугатилиши мумкин»;

9) **83-моддаси** чиқариб ташлансин;

10) **85-моддасининг тўртинчи қисми** чиқариб ташлансин;

11) **100-моддаси:**

**номи** ва **биринчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

**«100-модда. Маҳкумларнинг умумий ўрта таълими**

Жазони ижро этиш муассасаларида маҳкумларнинг умумий ўрта таълими ташкил этилади. Муассаса маъмурияти маҳкумларга улар таълим олиши ва мустақил таълим олиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда шароитлар яратади ҳамда зарур кўмак кўрсатади»;

қуйидаги мазмундаги **бешинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Маҳкумларнинг умумий ўрта таълимини ташкил этиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади»;

12) **101-моддасининг:**

**номи** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

**«101-модда. Маҳкумларнинг ўрта махсус, касб-хунар таълими ва касб тайёргарлиги»;**

**биринчи** ва **иккинчи қисмларидаги** «хунар таълими» деган сўзлар «ўрта махсус, касб-хунар таълими» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

13) **102-моддаси иккинчи қисмининг иккинчи хатбошисидаги** иккинчи жумла чиқариб ташлансин;

14) **104-моддасининг:**

**биринчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Енгиллаштирилган сақлаш шароитларига интизомий жазоси йўқ маҳкумлар: қасддан содир этилган унча оғир бўлмаган жиноят учун суд тайинлаган жазо муддатининг камида олти ойини ўтаганидан кейин;

содир этилган оғир жиноят учун суд тайинлаган жазо муддатининг камида чорак қисмини ўтаганидан кейин;

содир этилган ўта оғир жиноят учун суд тайинлаган жазо муддатининг камида учдан бир қисмини ўтаганидан кейин ўтказилади»;

**иккинчи қисми** чиқариб ташлансин;

15) **109-моддасининг:**

**тўртинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ҳибсхоналарга киритиб қўйилган маҳкумларга учрашув, телефон орқали сўзлашув, озиқ-овқат маҳсулотлари ва энг зарур нарсалар сотиб олиш, посилка, йўқлов ва бандероллар олиш ҳамда жўнатиш, хатлар ва бошқа жўнатмалар юбориш тақиқланади. Уларга чекиш, столда ўйналадиган ўйинлардан фойдаланишга рухсат этилмайди. Маҳкумлар ҳар куни муддати бир ярим соатлик сайрдан фойдаланиш ҳуқуқига эга»;

**олтинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Умумий, қаттиқ ва махсус тартибли колонияларнинг карцерларига ўтказилган маҳкумлар қуйидаги ҳуқуқларга эга:

озиқ-овқат маҳсулотлари ва энг зарур нарсалар сотиб олиш учун белгиланган энг кам иш ҳақи миқдорининг етмиш беш фоизигача пул сарфлаш;

ҳар куни муддати икки соатлик сайрдан фойдаланиш»;

16) **112-моддасининг иккинчи қисмидаги** иккинчи жумла чиқариб ташлансин;

17) **113-моддасининг иккинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Манзил-колонияларга ижобий тавсифга эга ва:

қасддан унча оғир бўлмаган жиноят содир этганлик учун суд тайинлаган жазо муддатининг камида бешдан бир қисмини ўтаган маҳкумлар;

оғир жиноят, шунингдек қасддан жиноят содир этганлик учун суд тайинлаган жазо муддатининг камида тўртдан бир қисмини ўтаган маҳкумлар, агар шахс муқаддам қасддан содир этилган жиноят учун озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган бўлса;

муқаддам жазодан шартли равишда муддатидан илгари озод этилган ёки жазо суд томонидан енгилроғи билан алмаштирилган шахс ўта оғир жиноят, шунингдек жазо муддатининг ўталмаган қисми давомида қасддан янги жиноят содир этганлиги учун суд тайинлаган жазо муддатининг камида учдан бир қисмини ўтаган маҳкумлар ўтказилади»;

18) **114-моддасининг иккинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Маҳкумлар чекланмаган миқдорда учрашув олиш ҳуқуқига эга. Учрашувлар, одатда, ишдан бўш вақтда берилади. Учрашув маҳкумнинг илтимосига биноан манзил-колония ҳудудидан ташқарида ўтказилиши мумкин»;

19) **117-моддасининг:**

**иккинчи қисмидаги** «қирқ фоизигача» деган сўзлар «икки бараваригача» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**учинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Маҳкумлар йил мобайнида:

тўрт марта қисқа муддатли ва тўрт марта узоқ муддатли учрашув;

олти марта телефон орқали сўзлашув;

олтита посылка ёки йўқлов;

олтита бандерол олиш ҳуқуқига эга»;

**20) 119-моддасининг:**

**иккинчи қисмидаги** «қирқ фоизигача» деган сўзлар «бир ярим бараваригача» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**учинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Маҳкумлар йил мобайнида:

уч марта қисқа муддатли ва уч марта узоқ муддатли учрашув;

тўрт марта телефон орқали сўзлашув;

тўртта посылка ёки йўқлов;

тўртта бандерол олиш ҳуқуқига эга»;

**21) 121-моддасининг:**

**биринчи қисми** «камераларда» деган сўздан кейин «ёки умумий яшаш биноларида» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

**иккинчи қисмидаги** «микдорининг қирқ фоизигача бўлган суммага» деган сўзлар «микдори суммасигача» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**учинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Маҳкумлар йил мобайнида:

икки марта қисқа муддатли ва икки марта узоқ муддатли учрашув;

уч марта телефон орқали сўзлашув;

учта посылка ёки йўқлов;

учта бандерол олиш ҳуқуқига эга»;

**22) 123-моддасининг:**

**иккинчи қисмидаги** «ўттиз» деган сўз «етмиш беш» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**учинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Турмаларда маҳкумлар ҳар куни муддати бир соатлик сайр қилиш ва йил мобайнида:

икки марта қисқа муддатли ва бир марта узоқ муддатли учрашув;

икки марта телефон орқали сўзлашув;

иккита посылка ёки йўқлов;

иккита бандерол олиш ҳуқуқига эга»;

**23) 124-моддасининг учинчи қисми** чиқариб ташлансин;

**24) 125-моддасининг:**

**иккинчи қисмидаги** «эллик фоизигача» деган сўзлар «икки ярим бараваригача» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**учинчи ва тўртинчи қисмлари** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Умумий тартибли тарбия колонияларида маҳкумлар йил мобайнида:

олти марта қисқа муддатли ва олти марта узоқ муддатли учрашув;

ўн икки марта телефон орқали сўзлашув;

олтита посылка ёки йўқлов;

олтита бандерол олиш ҳуқуқига эга.

Кучайтирилган тартибли тарбия колонияларида маҳкумлар йил мобайнида:

олти марта қисқа муддатли ва олти марта узоқ муддатли учрашув;  
саккиз марта телефон орқали сўзлашув;  
тўртта посылка ёки йўқлов;  
тўртта бандерол олиш ҳуқуқига эга»;

25) **127-моддаси** қуйидаги мазмундаги **иккинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Тарбия колониясининг хибсхонасига киритиб қўйилган маҳкумларнинг сайр қилиш муддати суткасига икки соат қилиб белгиланади»;

26) **129-моддасининг:**

**биринчи қисми иккинчи ва учинчи хатбошилари** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«қасддан содир этилган унча оғир бўлмаган жиноят учун ҳукм қилинган шахслар — ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятлар, эҳтиётсизлик оқибатида содир этилган унча оғир бўлмаган жиноятлар учун ҳукм қилинган шахслар сақланадиган манзил-колонияга;

содир этилган оғир ва ўта оғир жиноятлар учун ҳукм қилинган шахслар — умумий тартибли колонияга»;

**иккинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Эҳтиётсизлик оқибатида содир этилган жиноят учун ҳукм қилинган маҳкумлар ўн саккиз ёшга тўлганидан кейин жазо ўташни давом эттириш учун ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятлар, эҳтиётсизлик оқибатида содир этилган унча оғир бўлмаган жиноятлар учун ҳукм қилинган шахслар сақланадиган манзил-колонияга ўтказилади»;

27) **134-моддаси** чиқариб ташлансин;

28) **135-моддаси** чиқариб ташлансин;

29) **169-моддаси** қуйидаги мазмундаги **қисм** билан тўлдирилсин:

«Сил касаллигига дучор бўлган шахсларнинг озод қилинганлиги тўғрисидаги маълумотномаларга белгиланган намунадаги штамп қўйилади»;

30) **173-моддасининг матни** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Жазони ижро этиш муассасасининг маъмурияти маҳкумларнинг озод этилганлиги тўғрисида:

биринчи ва иккинчи гуруҳ ногиронларига, хомиладор аёллар ва ёш боласи (болалари) бор аёлларга, шунингдек вояга етмаганларга нисбатан — уларнинг қариндошлари ёки қариндошларининг ўрнини босувчи бошқа шахсларни;

ишга кириш ва турмушини йўлга қўйишга муҳтож бўлган шахсларга нисбатан — вилоятлар (туманлар, шаҳарлар) ҳокимликлари ҳузуридаги ижтимоий мослашув марказларини;

сил ёки таносил касалликларига дучор бўлган, шунингдек алкоголизм, гиёҳвандлик ёки захарвандликдан мажбурий даволаш курсини тугалламаган шахсларга нисбатан — вилоят, шаҳар соғлиқни сақлаш бошқармалари (бўлимлари) ёки соғлиқни сақлаш органларининг даволаш муассасаларини;

маъмурий назорат остига олиниши лозим бўлган шахсларга нисбатан — ички ишлар ҳудудий органларини олдиндан хабардор этади.

Ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган маҳкумлар касаллиги ёки меҳнат қобилиятини йўқотганлиги оқибатида, амнистия акти ёки афв асосида озод этилган ҳолларда, шунингдек маҳкумлар жазодан шартли равишда муддатидан илгари озод этилган тақдирда, билдириш қоғози улар озод этилган куни жўнатилади.

Ҳукм қилинган чет эл фуқароларининг озод этилганлиги тўғрисида Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги уларнинг манфаатларини химоя қилувчи давлатларнинг дипломатик ваколатхоналари ёки консуллик муассасалари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда хабардор қилинади. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида

бирор бир давлатнинг дипломатик ваколатхонаси ёки консуллик муассасаси мавжуд бўлмаган тақдирда, бундай давлатнинг ваколатли органини қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда хабардор қилиш учун Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигига озод этилганлик тўғрисидаги билдириш қоғози жўнатилади.

Ўзбекистон Республикасида яшаш гувоҳномаси бўйича яшаган чет эл фуқароси ёки фуқаролиги бўлмаган шахс озод қилинаётганда жазони ижро этиш муассасасининг маъмурияти маҳкум қамоққа олингунига қадар рўйхатга олинган жойдаги ички ишлар ҳудудий органининг мамлакатга кириш, ундан чиқиш ва рўйхатга олиш билан шуғулланувчи тегишли хизматини хабардор қилади.

Соғлиғи ҳолатига кўра доимий парваришга муҳтож шахслар, шунингдек ўн олти ёшгача бўлган вояга етмаган шахслар қариндошлари ёки бошқа шахслар ёхуд муассаса маъмурияти вакилининг кузатувида яшаш жойига жўнатилади.

Ногиронлар ва қариялар, ўз илтимосига кўра, ногиронлар ва қариялар уйига жўнатилади.

Вояга етмаган маҳкумлар ота-оналари ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар ихтиёрига жўнатилади. Ота-онаси йўқ вояга етмаган шахслар, зарур ҳолларда, интернатларга жўнатилади ёки ҳомийлар қарамоғига берилади».

**XVIII.** 1997 йил 30 августда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Хўжалик процессуал кодекси** (Ўзбекистон Республикасининг Ахборотномаси, 1997 йил, № 9, 234-модда; 1998 йил, № 5–6, 102-модда; 2001 йил, № 1–2, 11-модда; 2002 йил, № 9, 165-модда):

1) **102-моддасининг биринчи қисми** «Суд буйруғи кредиторнинг пул суммасини ундириш ёки ундирувни қарздорнинг мол-мулкига қаратиш ҳақидаги» деган сўзлардан кейин «ёхуд қарздордан низосиз талаблар бўйича мол-мулкни талаб қилиб олиш тўғрисидаги» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

2) **103-моддаси** қуйидаги мазмундаги **4-банд** билан тўлдирилсин:

«4) лизинг берувчи томонидан лизинг олувчидан ўз мол-мулкни талаб қилиб олиш тўғрисида талаб қўйилса»;

3) **104-моддаси иккинчи қисмининг 5-банди** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«5) ундириладиган сумманинг ҳисоб-китоби, лизинг объекти талаб қилиб олинган тақдирда эса лизинг шартномасида белгиланган, тўланмаган тўловларнинг лизинг берувчининг лизинг шартномаси муддати тугагунига қадар қолган даврдаги даромадини чегириб ташлаган ҳолдаги сумманинг ҳисоб-китоби».

**XIX.** Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 30 апрелда қабул қилинган Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Ер кодекси** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 йил, № 5–6, 82-модда):

1) **6-моддасининг ўнинчи хатбошиси** ва **7-моддасининг саккизинчи хатбошиси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«ер участкаларига бўлган ҳуқуқлар ҳамда уларга оид битимларнинг давлат рўйхатига олинишини ташкил этиш»;

2) **9-моддасининг:**

**тўртинчи қисмидаги** «ерни эгалик қилишга ва фойдаланишга» деган сўзлар «ер участкаларини» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**бешинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ер фондининг тоифаси ер участкаларини бериш ҳуқуқига эга бўлган органлар томонидан қабул қилинадиган ер участкаларини бериш тўғрисидаги қарорлар-

да, ер участкаларига бўлган ҳуқуқларни тасдиқловчи гувоҳномаларда, шартномаларда, бошқа ҳужжатларда, давлат ер кадастри ҳужжатларида кўрсатилади;

3) **10-моддасининг биринчи қисмидаги** «ер участкасига бўлган ҳуқуқларнинг давлат ер кадастрида ва давлат рўйхатига олиш ҳужжатларида» деган сўзлар «давлат ер кадастрида» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

4) **23-моддаси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

**«23-модда. Ер участкалари бериш (реализация қилиш)**

Ер участкаларини эгалик қилиш, фойдаланиш учун, ижарага ва мулк қилиб бериш (реализация қилиш) ер ажратиш тариқасида амалга оширилади.

Ер участкаларини ажратиб бериш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, вилоятлар, Тошкент шаҳри, туманлар, шаҳарлар ҳокимлари томонидан қонун ҳужжатларида белгиланадиган тартибда амалга оширилади.

Эгаликдаги, фойдаланишдаги, ижарадаги ва мулк қилиб берилган ер участкасини бошқа шахсларга бериш (реализация қилиш) фақат шу участка белгиланган тартибда олиб қўйилганидан (сотиб олинганидан) кейин амалга оширилади.

Саноат корхоналари, темир йўллар ва автомобиль йўллари, алоқа ва электр ўтказиш линиялари, магистрал трубопроводлар қуриш учун, шунингдек қишлоқ хўжалиги билан боғлиқ бўлмаган бошқа эҳтиёжлар учун қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ерлар ёки қишлоқ хўжалиги учун яроқсиз бўлган ерлар ёхуд қишлоқ хўжалигининг сифати ёмон ерлари берилади (реализация қилинади). Ўрмон фондида қарашли ерлардан мазкур мақсадлар учун ер участкалари бериш (реализация қилиш) асосан ўрмон билан қопланмаган майдонлар ёки бута ва арзонбаҳо доврахтлар билан қопланган майдонлар ҳисобидан амалга оширилади.

Берилган (реализация қилинган) ер участкасининг чегараларини тегишли ер тузиш хизмати натурада (жойнинг ўзида) белгилағунига ва ер участкасига бўлган ҳуқуқни тасдиқлайдиган ҳужжатлар берилғунига қадар мазкур ер участкасига эгалик қилиш ва ундан фойдаланишга киришиш тақиқланади.

Ер участкаларини эгалик қилиш, фойдаланиш учун, ижарага ва мулк қилиб бериш (реализация қилиш) тартиби қонун ҳужжатлари билан белгиланади;

5) **24-моддасининг:**

**тўртинчи қисми** «қонунда назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

олтинчи қисмидаги «ўн» деган сўз «ўлттиз» деган сўз билан алмаштирилсин;

6) **31-моддасидаги** «ҳуқуқни тасдиқловчи ҳужжатлар» деган сўзлар «ҳуқуқ» деган сўз билан алмаштирилсин;

7) **33-моддасидаги** «ер участкасидан муддатли фойдаланиш шартномаси» деган сўзлардан кейин «ер участкасига бўлган ҳуқуқни давлат рўйхатига олиш тўғрисидаги гувоҳнома» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

8) **35-моддасининг бешинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ер участкасига бўлган ҳуқуқни давлат рўйхатига олишни рад этиш учун қуйидагилар асос бўлади:

давлат рўйхатига олиш органида мазкур ер участкаси кимга тегишли эканлиги тўғрисида низо борлигидан далолат берувчи ҳужжатлар мавжудлиги;

давлат рўйхатига олиш органида мазкур ер участкаси қонунда белгиланган тартибда олиб қўйилганлиги тўғрисида маълумотлар мавжудлиги»;

9) **36-моддасининг:**

**биринчи қисмидаги 4-банд** чиқариб ташлансин;

**учинчи қисмидаги биринчи хатбоши** «мулк ҳуқуқи» деган сўзлардан кейин «белгиланган тартибда» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

**тўртинчи** ва **бешинчи қисмлари** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ушбу модда биринчи қисмининг 1—11-бандларида кўрсатилган ҳолларда ер участкасига эгалик қилиш ҳуқуқини ёки ер участкасидан доимий ёхуд вақтинча фойдаланиш ҳуқуқини тугатиш ердан фойдаланиш ҳамда уни муҳофаза қилиш устидан давлат назоратини амалга оширувчи органларнинг тақдимномасига мувофиқ ҳуқуқлар тугатилишининг асосли эканлигини тасдиқловчи ҳужжатларга асосан тегишинча туманлар, шаҳарлар, вилоятлар ҳокимларининг қарорлари ёки Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан амалга оширилади. Ер участкаларига эгалик қилиш ҳуқуқини, ер участкаларидан доимий ёки вақтинча фойдаланиш ҳуқуқини тугатиш ҳақидаги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ҳамда мазкур мансабдор шахсларнинг қарорларидан норози бўлган юридик ва жисмоний шахслар ушбу қарорлар устидан судга шикоят қилишлари мумкин. Ер участкасига эгалик қилиш ҳуқуқини ёки ер участкасидан доимий ёхуд вақтинча фойдаланиш ҳуқуқини тугатиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Ушбу модда биринчи қисмининг 3-бандида назарда тутилган ҳолларда ер участкасига бўлган ижара ҳуқуқини тугатиш ижара шартномасини бекор қилиш йўли билан амалга оширилади. Ушбу модда биринчи қисмининг 1, 2, 6—10, 12-бандларида назарда тутилган ҳолларда ер участкасига бўлган ижара ҳуқуқини тугатиш ушбу Кодекснинг 24-моддасида назарда тутилган тартибда ер участкасининг ижара шартномасини бекор қилиш йўли билан амалга оширилади»;

10) **47-моддаси** чиқариб ташлансин;

11) **49-моддаси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

**«49-модда. Қишлоқ хўжалиги кооперативларига (ширкат хўжаликларига), бошқа қишлоқ хўжалиги корхоналари, муассасалари ва ташкилотларига ер участкалари бериш**

Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) — товар қишлоқ хўжалиги маҳсулоти етиштириш мақсадида пай усулига асосланган қишлоқ хўжалиги корхонасининг ташкилий-ҳуқуқий шакли.

Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) кооперативнинг (ширкатнинг) ишлаб чиқариш фаолиятида, асосан оила (жамоа) пудрати асосида шахсан иштирок этувчи мулкӣ пай эгалари бўлган аъзоларини бирлаштиради.

Қишлоқ хўжалиги корхоналари, муассасалари ва ташкилотлари қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ташкилий-ҳуқуқий шаклларда (акциядорлик жамиятлари, масъулияти чекланган ва қўшимча масъулиятли жамиятлар ҳамда хўжалик ширкатлари шаклида) ҳам тузилиши мумкин.

Қишлоқ хўжалиги кооперативларига (ширкат хўжаликларига) ва бошқа қишлоқ хўжалиги корхоналари, муассасалари ҳамда ташкилотларига қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини юритиш мақсадида ер участкалари ижарага ёки доимий эгалик қилиш учун берилади, мазкур ер участкаларидан оқилона ва самарали фойдаланилган тақдирда эса улар ижарага ёки вақтинча фойдаланишга қўшимча ер участкалари олишлари мумкин.

Қишлоқ хўжалиги кооперативларига (ширкат хўжаликларига) ва бошқа қишлоқ хўжалиги корхоналари, муассасалари ҳамда ташкилотларига берилган ерлар жамоат эгалигидаги ерлардан ва фуқароларга деҳқон хўжалигини юритиш учун берилган ерлардан иборат бўлади ҳамда улардан фақат белгиланган мақсадда фойдаланилади.

Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар туман ёки вилоят ҳокимининг қаро-

ри билан қишлоқ хўжалиги кооперативларига (ширкат хўжаликларига) ижарага, бошқа қишлоқ хўжалиги корхоналари, муассасалари ва ташкилотларига эса доимий эгалик қилиш учун ёки ижарага берилади. Ер участкасининг ижара шартномаси қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) раиси, бошқа қишлоқ хўжалиги корхонаси, муассасаси, ташкилоти раҳбари билан туман ҳокими ўртасида тузилади. Ер участкаларини доимий эгалик қилиш учун олган қишлоқ хўжалиги корхоналари, муассасалари, ташкилотларига Ер участкасига доимий эгалик қилиш ҳуқуқини берувчи давлат ҳужжати берилади.

Қишлоқ хўжалиги кооперативлари (ширкат хўжаликлари) ва бошқа қишлоқ хўжалиги корхоналари, муассасалари ҳамда ташкилотларининг ер участкаларига бўлган ҳуқуқи улар уюшмалар ва бошқа агросаноат бирлашмалари таркибига кирганида сақланиб қолади»;

12) **50-моддаси** чиқариб ташлансин;

13) **51-моддасининг биринчи ва иккинчи қисмларидаги** «вақтинча фойдаланишга» деган сўзлар «камида беш йил муддатга фойдаланишга» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

14) **53-моддасининг:**

**биринчи ва иккинчи қисмлари** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Фермер хўжалиги ўзига ижарага берилган ер участкаларидан фойдаланган ҳолда товар қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши билан шуғулланувчи, юридик шахс ҳуқуқларига эга мустақил хўжалик юритувчи субъектдир.

Фермер хўжалигини юритиш учун:

захирадаги ерлардан ер участкалари;

юридик ва жисмоний шахсларга берилмаган, қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлардан ер участкалари;

қайта ташкил этилаётган ва тугатилаётган қишлоқ хўжалиги кооперативларининг (ширкат хўжаликларининг) ҳамда бошқа қишлоқ хўжалиги корхоналари, муассасалари ва ташкилотларининг ер участкалари;

қишлоқ хўжалиги кооперативларининг (ширкат хўжаликларининг) ҳамда бошқа қишлоқ хўжалиги корхоналари, муассасалари ва ташкилотларининг ер участкалари берилади»;

**тўртинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Фермер хўжаликларига ер участкалари эллик йилгача бўлган, лекин ўттиз йилдан кам бўлмаган муддатга ижарага танлов асосида берилади»;

**еттинчи қисми** чиқариб ташлансин;

**саккизинчи — ўнинчи қисмлари** тегишинча **еттинчи — тўққизинчи қисмлар** деб ҳисоблансин;

15) **55-моддасининг тўртинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Дехқон хўжалиги юритиш учун бериладиган ер участкаларининг ўлчамлари ер ресурсларининг мавжудлигига қараб белгиланади. Дехқон хўжалиги юритиш учун ер участкалари бериш тўғрисидаги қарор қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда туман ҳокими томонидан қабул қилинади»;

16) **58-моддасининг матни** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар қишлоқ хўжалиги ҳамда бошқа йўналишдаги корхоналар, муассасалар ва ташкилотларга ерлари олиб қўйилаётган ер эгаларининг розилигига кўра ва ердан фойдаланувчилар билан келишувга мувофиқ ер участкаларини ажратиш лойиҳаларига асосан туман ёки вилоят ҳокимининг қарори билан берилади.

Янги ташкил этилаётган, қайта ташкил этилаётган ёки тугатилаётган қишлоқ

хўжалиги ҳамда бошқа йўналишдаги корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг ер участкаларига бўлган ҳуқуқлари улар туман ёки вилоят ҳокимининг қарори асосида, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ташкил этилган, қайта ташкил этилган ёки тугатилган пайтдан эътиборан вужудга келади ёки тугатилади.

Қишлоқ хўжалиги корхоналари, муассасалари ва ташкилотларига қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларни бериш хўжалик фаолияти учун қулай чегараларда амалга оширилади. Қишлоқ хўжалиги корхоналари, муассасалари ва ташкилотлари фойдаланишидаги ер участкаларининг тарқов, ўзга ерларга суқулиб кирган бўлишига ва бошқа камчиликларга эга бўлишига, қоида тариқасида, йўл қўйилмайди.

Қишлоқ хўжалиги корхоналари, муассасалари ва ташкилотлари фойдаланишидаги ерларнинг тарқов, ўзга ерларга суқулиб кирган бўлишини ва бошқа камчиликларни бартараф этиш хўжаликлараро ер тузиш тартибда амалга оширилади;

17) **78-моддасининг биринчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ушбу Кодекс 8-моддасининг 1–7-бандларида кўрсатилган ер фонди тоифаларига киритилмаган ҳамда юридик ва жисмоний шахсларга эгалик қилиш, фойдаланиш учун, ижарага ва мулк қилиб берилмаган (реализация қилинмаган) барча ерлар захира ерлардир».

**XX.** Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 30 апрелда қабул қилинган «**Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) тўғрисида**»ги Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 йил, № 5–6, 84-модда):

1) **12-моддаси биринчи қисмининг:**

**тўққизинчи хатбошиси** чиқариб ташлансин;

**ўнинчи хатбошиси тўққизинчи хатбоши** деб ҳисоблансин;

2) **4-бобининг номидаги** «Ерга эгалик қилиш» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

3) **14-моддасининг:**

**номидаги** «Ерга эгалик қилиш ва ердан фойдаланиш» деган сўзлар «Ердан фойдаланиш» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**биринчи қисмидаги** «доимий эгалик қилишга» деган сўзлар «эллик йилгача бўлган, лекин ўттиз йилдан кам бўлмаган муддатга ижарага» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**тўртинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Қишлоқ хўжалиги кооперативига (ширкат хўжалигига) бериб қўйилган ер участкалари хусусийлаштирилиши ва олди-сотди, гаров, ҳадя, айирбошлаш объектлари бўлиши мумкин эмас. Бу ер участкалари фермер ва деҳқон хўжаликлари юритиш учун белгиланган тартибда берилиши мумкин. Қишлоқ хўжалик кооперативининг (ширкат хўжалигининг) фойдаланилмаётган ерлари бошқа жисмоний ва юридик шахсларга иккиламчи ижарага ёки вақтинча фойдаланишга уч йилгача бўлган муддатга ердан фойдаланишни янги муддатга узайтириш ҳуқуқи билан берилиши мумкин»;

**олтинчи қисмидаги** «ерга эгалик қилиш» деган сўзлар «ер участкасига бўлган» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**еттинчи қисмидаги** «ерга эгалик қилиш ва» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

4) **15-моддасининг:**

**биринчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин;

«Қишлоқ хўжалиги кооперативида (ширкат хўжалигида) умумий мажлисининг қарорига асосан ер участкалари, қоида тариқасида, оилаларга (жамоаларга) қиш-

лоқ хўжалиги маҳсулоти етиштириш учун оила (жамоа) пудрати шартномаси шартлари асосида вақтинча фойдаланишга камида беш йил муддатга берилади. Ер участкасидан фойдаланиш муддати тугаганидан кейин оилалар (жамоалар) оила (жамоа) пудрати шартномасини янги муддатга узайтириш ҳуқуқига эгадир»;

**бешинчи қисми** қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Пудратчидан оила (жамоа) пудрати шартлари асосида берилган ер участкасидан фойдаланганлик учун ҳақ ундирилмайди»;

5) **18-моддасининг иккинчи қисми** қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Қишлоқ хўжалиги кооперативининг (ширкат хўжалигининг) пай жамғармаси унинг асосий жамғармалари қийматини ҳамда мажбуриятларидан ҳоли бошқа активлари қийматини ўз ичига олади, бўлинмас жамғармани шакллантиришга йўналтириладиган маблағлар бундан мустасно»;

6) **21-моддасининг биринчи қисмидаги** «бошқаруви» деган сўз «раиси» деган сўз билан алмаштирилсин;

7) **23-моддасининг биринчи қисмидаги** «давлат харидлари тартибида» деган сўзлар «давлат эҳтиёжларини кўзлаб» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**XXI.** Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 30 апрелда қабул қилинган «**Дехқон хўжалиги тўғрисида**»ги Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 йил, № 5–6, 88-модда; 2001 йил, № 1–2, 23-модда; 2001 йил, № 5, 89-модда):

1) **5-моддаси** қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

**«5-модда. Дехқон хўжалигини ташкил этиш тартиби**

Дехқон хўжалиги ихтиёрийлик асосида тузилади ҳамда у давлат рўйхатига олинганидан ва унга белгиланган тартибда ер участкаси берилганидан кейин ташкил этилган ҳисобланади.

Ер участкаси бериш тўғрисидаги ариза сўралаётган ер участкасининг жойлашган ери, майдони, дехқон хўжалигининг таркиби ҳамда ер участкасидан белгиланган мақсадда фойдаланиш кўрсатилган ҳолда қишлоқ хўжалиги кооперативининг (ширкат хўжалигининг) бошқарувига ёхуд бошқа қишлоқ хўжалиги ёки ўрмон хўжалиги корхонаси, муассасаси ва ташкилотининг иш берувчисига (маъмуриятига) берилади. Қишлоқ хўжалиги кооперативининг (ширкат хўжалигининг) бошқаруви, бошқа қишлоқ хўжалиги ёки ўрмон хўжалиги корхонаси, муассасаси, ташкилотининг иш берувчиси (маъмурияти) дехқон хўжалиги юритиш учун ер участкаси бериш имконияти тўғрисидаги хулосани фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан келишилган ҳолда тайёрлайди. Мазкур хулоса асосида қишлоқ хўжалиги кооперативининг (ширкат хўжалигининг) умумий мажлиси, бошқа қишлоқ хўжалиги ёки ўрмон хўжалиги корхонаси, муассасаси, ташкилотининг ваколатли органи дехқон хўжалиги юритиш учун ер участкаси бериш тўғрисида илтимоснома билан туман ҳокимига мурожаат қилиш ҳақида қарор қабул қилади.

Туман ҳокими ушбу модданинг иккинчи қисмида назарда тутилган илтимоснома асосида ва ер участкалари бериш (реализация қилиш) тўғрисидаги масалаларни кўриб чиқиш бўйича туман комиссиясининг хулосаси асосида дехқон хўжалиги юритиш учун ер участкаси бериш ҳамда мазкур хўжаликни давлат рўйхатига олиш ҳақида қарор қабул қилади.

Туман ҳокимининг ер участкаси беришни рад этиш тўғрисидаги қарори устидан судга шикоят қилиниши мумкин»;

2) **6-моддасининг биринчи қисмидаги** «хўжалигининг бошлигини» деган сўзлар «хўжалигини» деган сўз билан алмаштирилсин;

3) **8-моддасининг:**

**номидаги** «тартиби» деган сўз «шартлари» деган сўз билан алмаштирилсин;

**учинчи** ва **бешинчи қисмлари** чиқариб ташлансин;

**тўртинчи, олтинчи — саккизинчи қисмлари** тегишинча **учинчи — олтинчи қисмлар** деб ҳисоблансин;

4) **20-моддасининг бешинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Қишлоқ хўжалиги кооперативида (ширкат хўжалигида), бошқа қишлоқ хўжалиги ёки ўрмон хўжалиги корхонасида, муассасасида, ташкилотида ишлаётган деҳқон хўжалиги аъзосининг меҳнат фаолияти ҳамда давлат ижтимоий суғуртаси бўйича бадаллар тўлаши ҳисобини юритиш тегишинча мазкур кооператив (ширкат хўжалиги), корхона, муассаса ва ташкилот томонидан амалга оширилади»;

5) **25-моддасининг бешинчи қисмидаги** «Қишлоқ хўжалиги кооперативлари (ширкат хўжаликлари) ва» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

**XXII.** Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 28 августда қабул қилинган «**Давлат ер кадастри тўғрисида**»ги Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 йил, № 9, 165-модда) **7-моддасининг иккинчи хатбошиси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«ер участкаларига бўлган ҳуқуқлар ҳамда уларга оид битимларнинг давлат рўйхатига олиншини ташкил этиш».

**XXIII.** Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 7 декабрда қабул қилинган «**Маҳсулот тақсимотида оид битимлар тўғрисида**»ги Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2002 йил, № 1, 12-модда):

1) **14-моддасининг тўртинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ушбу Қонун 5-моддасининг учинчи қисмига мувофиқ инвесторларга фойдаланишга берилган ер қаъри участкаларида йўл қўйиладиган даражадаги харажатларнинг ўрнини қоплаш тижорат мақсадида кавлаб олиш бошланган кун тўғри келадиган календарь йилдан бошлаб компенсация маҳсулоти ҳисобидан амалга оширилади. Инвесторнинг жорий календарь йилда ўрни қопланмаган йўл қўйиладиган даражадаги харажатлари битим амал қилишининг бутун муддати давомида кейинги календарь йилларда қопланади. Бундай ҳолларда битимда ўрни қопланадиган йўл қўйиладиган даражадаги харажатларнинг энг юқори миқдори белгилаб қўйилади»;

2) **20-моддасининг олтинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Инвестор атроф муҳитни ифлослантирганлик учун компенсация тўловларини ва меҳнат ҳақи фондидан ажратмаларни қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширади».

**XXIV.** Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 5 апрелда қабул қилинган «**Чиқиндилар тўғрисида**»ги Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2002 йил, № 4–5, 72-модда; 2003 йил, № 5, 67-модда):

1) **5-моддасининг ўн биринчи хатбошисидаги** «тўлов» деган сўз «компенсация тўловлари» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) **15-моддаси биринчи қисмининг ўн тўртинчи хатбошисидаги** «ҳақ» деган сўз «компенсация тўловлари» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

3) **23-моддаси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

**«23-модда. Чиқиндиларни жойлаштирганлик учун компенсация тўловлари**

Чиқиндиларни махсус ажратилган ва жиҳозланган жойларга жойлаштирганлик учун компенсация тўловлари ундирилади.

Компенсация тўловлари миқдори белгиланган тартибда чиқиндиларни жойлаш-

тириш лимитлари асосида, чиқиндиларнинг фуқаролар ҳаёти ва соғлиғи ҳамда атроф муҳит учун хавфлилик даражасига қараб белгиланади».

**XXV.** Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 12 декабрда қабул қилинган «**Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида**»ги Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2002 йил, № 12, 217-модда) **3-моддаси** қуйидаги мазмундаги **саккизинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Ўзбекистон Республикаси фуқароларига чет давлатларнинг ҳарбий хизмати-га, хавфсизлик, полиция, ҳарбий адлия органлари ёки шу каби бошқа органларига хизматга кириш тақиқланади».

**XXVI.** Ушбу Қонун **XII бўлимининг 1, 2, 3, 7 ва 8-бандлари** Ўзбекистон Республикасининг Қонунчилик палатасига сайлов ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенатини шакллантириш натижаларига кўра кучга киради.

**Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,  
2003 йил 30 август,  
535-II-сон

## ИККИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

### **186 2004—2006 йилларда фермер хўжалиklarини ривожлантириш концепцияси тўғрисида**

Ўзбекистон Республикасининг «Фермер хўжалиги тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ ҳамда истиқболда қишлоқ хўжалиги маҳсулоти ишлаб чиқарувчи асосий субъект бўлиб қоладиган фермер хўжалиklarини устувор ривожлантириш асосида қишлоқ хўжалигидаги иқтисодий ислохотларни жадаллаштириш мақсадида:

1. Яқин йилларда фермер хўжалиklари барқарор ривожланишини таъминлашнинг асосий йўналишлари этиб қуйидагилар белгилансин:

фермер хўжалиklarининг тўлиқ иқтисодий ва молиявий мустақиллигини таъминлайдиган ва фермер хўжалиklarига узоқ муддатли ижарага берилган қишлоқ хўжалиги ер ресурсларидан мақсадли, оқилона ва самарали фойдаланишни рағбатлантирадиган ҳуқуқий шарт-шароитлар ва кафолатларни яратиш;

қишлоқ хўжалиги маҳсулоти ишлаб чиқаришни молиялашнинг бозор тамойилларига жавоб берадиган ҳамда молиялашнинг услуб ва шакллари танлашда, молиявий маблағлардан фойдаланишда фермер хўжалиklarининг мустақиллигини, барча харажатларни қишлоқ хўжалиги маҳсулотини сотишдан тушадиган ўз даромадлари ҳисобига қоплашни таъминлайдиган ишончли тизимини шакллантириш;

бозор шароитида бизнесни бошқариш кўникмаларига эга бўлган фермер хўжалиklари раҳбарлари ва мутахассисларини тайёрлаш тизимини яратиш;

қишлоқда фермер хўжалиklarининг эҳтиёжларига қараб барча зарур хизматларни кўрсата оладиган замонавий ишлаб чиқариш ва бозор инфратузилмасини жадал ривожлантириш.

2. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Молия вазирлиги, Деҳқон ва фермер хўжалиklари уюшмаси томонидан ишлаб чиқилган 2004—2006 йилларда фермер хўжалиklarини ривожлантириш концепцияси иловага мувофиқ маъқуллансин.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ўн кун муддатда 2004—2006 йилларда фермер хўжалиklarини ривожлантириш концепциясини амалга ошириш бўйича чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

3. Белгилаб қўйилсинки, танлов асосида фермер хўжалиklarини ташкил этиш ва уларга ерни узоқ муддатли ижарага беришда қишлоқ хўжалиги экинлари, биринчи навбатда, пахта ва ғаллани етиштиришга кетадиган барча харажатлар фермер хўжалиklarининг қишлоқ хўжалиги маҳсулотини сотишдан тушадиган ўз даромадлари ҳисобига қопланиши тамойилига қатъий риоя қилиниши зарур. Бунда электр энергияси, ёқилғи-мойлаш материаллари, минерал ўғитлар етказиб берадиган ва фермер хўжалиklarига бошқа хизматлар кўрсатадиган ташкилотлар билан ўз вақтида ҳисоб-китоб қилиниши шарт.

Камида уч йил давомида мунтазам равишда бу тамойилга амал қилмаган фермер хўжалиklари билан ерни ижарага бериш шартномаси бекор қилиниб, ўзи тарқатиб юборилади.

---

*Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2003 й.*

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги бир ҳафта муддатда Ўзбекистон Республикасининг «Фермер хўжалиги тўғрисида»ги Қонуни ва бошқа қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш юзасидан Вазирлар Маҳкамасига тегишли таклифлар киритсин.

4. Фермер хўжалигига ижарага берилган қишлоқ хўжалик майдонларидан бошқа мақсадда фойдаланиш, шу жумладан шартномада кўрсатилган экинлар ўрнига бошқа экин экиш — ижара шартномасини қўпол бузиш деб ҳисобланадиган ҳамда амалдаги қонунчиликда кўзда тутилган чоралар қўлланиладиган тартиб жорий этилсин.

5. Белгилаб қўйилсинки, фермер хўжалиги фаолиятини юритиш учун ижарага ер майдонлари бериш ҳақидаги туман ҳокимининг қарори вилоят ҳокими бошчилигидаги ер майдонларини ажратиш (сотиш) масалаларини кўриб чиқиш бўйича вилоят комиссияси томонидан тасдиқлангандан сўнг кучга киради.

6. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Марказий банки билан биргаликда давлат эҳтиёжлари учун маҳсулот ишлаб чиқараётган фермер хўжаликларини тижорат банклари орқали тўғридан-тўғри кредитлаш йўли билан, мавжуд кредиторлик қарзлари тўлангандан сўнг маблағларни эркин тасарруф қилиш ҳуқуқини берган ҳолда уларни молиялашга 2004—2005 йиллар мобайнида босқичма-босқич ўтишни кўзда тутувчи механизмни ишлаб чиқсин.

7. Белгилаб қўйилсинки:

фермер хўжаликларига айлантириладиган қишлоқ хўжалик ширкатлари рўйхати Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари тақдимномасига кўра ҳар йил Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан тасдиқланади;

фермер хўжаликлари давлат эҳтиёжлари учун маҳсулот сотиш бўйича шартнома мажбуриятларини бажармаган ёки ер тўғрисидаги қонунчиликни бузиш ҳоллари аниқланган ҳолларда, шунингдек, ягона ер солиғи белгиланган тартибда ўз вақтида тўланмаган тақдирда фермер хўжаликлари фаолиятини фақат уларга ижарага берилган ерлардан ижара шартномасига мувофиқ мақсадли ва унумли фойдаланиш масалалари бўйича текширишга йўл қўйилади.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фермер хўжаликларининг қонуний манфаатлари самарали ҳуқуқий ҳимоя қилинишини таъминласин, уларнинг хўжалик фаолиятига бошқарув органлари ва мансабдор шахсларнинг ҳар қандай ноқонуний аралашини уриниш ҳолларига қатъий чек қўйсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Деҳқон ва фермер хўжаликлари уюшмаси:

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари билан бирга республика ҳудудларида фермерлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш бўйича бизнес-мактаблар тармоғини яратсин, бир ой муддатда уларнинг жойлашиш манзилларини белгиласин;

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан бирга икки ой муддатда фермерларни бозор шароитида бизнесни бошқариш ва юритиш, бухгалтерия ҳисоб-китоби, суғурта, банклар ва хизмат кўрсатувчи корхоналар билан муносабатлар асослари бўйича ўқитишни кўзда тутувчи Фермерлар тайёрлаш дастурини тайёрласин ва тасдиқласин, ўқув дастурларини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

9. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан бирга фермер хўжаликлари

ўзи учун зарур ёқилғи-мойлаш материаллари, минерал ўғитлар, ем-хашак, уруғлик ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ташкил этиш учун зарур бошқа ресурсларни харид қилиш юзасидан шартномалар тузишнинг бозор механизмларини ишлаб чиқсин ва 2004 йилдан бошлаб жорий этсин.

10. Қўйидагилар ташкил этилган вақтдан бошлаб, истисно тариқасида:

қайта ташкил этилаётган қишлоқ хўжалик ширкатлари ҳудудида фермер хўжаликларини минерал ўғитлар ва ёқилғи-мойлаш материаллари билан таъминлаш бўйича ташкил этилаётган корхоналар ер ва мулк солиғини тўлашдан;

сувдан фойдаланувчилар уюшмасининг хизматлари қўшимча қиймат солиғи, даромад ва мулк солиғини қўшиш ва тўлашдан уч йил муддатга озод қилинсин.

11. Белгилаб қўйилсинки, тенг ҳуқуқли рақобат шароитини яратиш учун муқобил машина-трактор парклари солиққа тортиш шартлари ва қишлоқ хўжалик ишлаб чиқарувчиларига кўрсатилаётган хизмат (шудгорлаш, экиш, ишлов бериш, йиғиб олиш ва бошқалар) учун ҳисоб-китоблар бўйича «Ўзағромашсервис» уюшмасининг вилоят бирлашмалари машина-трактор паркларига тенглаштирилади.

12. Вазирлар Маҳкамаси ўн кун муддатда зарар кўриб ишлаётган, паст рентабелли ва истикболсиз ширкатларни 2004—2006 йилларда фермер хўжаликларига айлантириш дастурини тасдиқласин.

13. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги бир ой муддатда қонунчиликка ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгаришлар киритиш тўғрисидаги таклифларни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тақдим этсин.

14. Мазкур Фармон ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси И. Жўрабеков ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари Р. Азимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,  
2003 йил 27 октябрь,  
ПФ–3342-сон

Ўзбекистон Республикаси  
Президентининг 2003 йил 27 октябрдаги  
ПФ–3242-сон Фармонида  
ИЛОВА

## **2004—2006 йилларда фермер хўжаликларини ривожлантириш КОНЦЕПЦИЯСИ**

Фермер хўжаликларини ривожлантириш концепцияси (кейинги ўринларда «Концепция» деб юритилади) Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Қишлоқ хўжалигида ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим йўналишлари тўғрисида» 2003 йил 24 мартдаги ПФ–3226-сон Фармонида мувофиқ ишлаб чиқилган.

### **I. Концепциянинг мақсад ва вазифалари**

1. Мазкур Концепция истикболда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш-

нинг асосий субъекти бўлиб қоладиган фермер хўжаликларини 2004—2006 йиллар даврида устувор ривожлантиришни таъминлаш мақсадида ишлаб чиқилган.

2. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ташкил этишнинг энг самарали шакли сифатида Фермер хўжаликларини ривожлантириш Концепциясининг асосий ва-зифалари қуйидагилардан иборат:

қишлоқда ижара муносабатларини ривожлантириш асосида ер майдонларидан фойдаланишни тартибга солиш, шунингдек ер ва сув ресурсларидан мақсадли ҳамда самарали фойдаланилишини рағбатлантирувчи ва масъулиятни оширувчи чора-тадбирларни ишлаб чиқиш;

етиштирилган қишлоқ хўжалик маҳсулотини сотишда, моддий-техника ресурсларини олишда фермер хўжаликларининг иқтисодий мустақиллигини таъминлаш ҳамда уларга кўрсатиладиган лизинг хизматларини кенгайтириш асосида фермер хўжаликларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш;

фермер хўжаликларининг кредитларни бемалол олишини кенгайтириш ҳамда уларни бериш тартибини соддалаштиришни ҳисобга олган ҳолда фермерларнинг қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришини молиялаш ва кредитлашни такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тизимини амалга ошириш;

қишлоқда маҳсулот тайёрлаш, уни қайта ишлаш ва сотиш, шунингдек фермер хўжаликларига сервис хизмати кўрсатиш бўйича инфратузилмани кенг қўламда ривожлантириш;

фермерларни тайёрлаш ва қайта тайёрлашнинг замонавий тизимини ташкил қилиш;

қишлоқ хўжалик фани, техникаси ва агротехнологияларнинг энг янги ютуқлари бўйича фермерлар кенг фойдалана оладиган замонавий ахборот тизимини барпо этиш;

қишлоқ хўжалик ширкатлари фермер хўжаликларига айланрилиши натижа-сида бўшаб қоладиган ходимларни ишга жойлаштиришни таъминлаш.

## **II. Фермер хўжаликларини ривожлантиришнинг асосий тамойиллари ва йўналишлари**

3. Фермер хўжаликларини ташкил этиш ва уларнинг фаолият кўрсатиши қуйи-даги принципаал қоидалардан келиб чиқиб амалга оширилади:

фермер хўжаликлари, қоидага кўра, тугатилаётган зарар кўриб ишловчи паст рентабелли ва истикболсиз ширкатлар ҳамда бошқа қишлоқ хўжалик корхоналари негизида ташкил этилади;

фермер хўжалиги юридик шахс сифатида, асосан хусусий корхона шаклида ташкил қилинади;

ер участкалари фермерларга танлов асосида ижара муддати давомида мерос қилиб қолдириш ҳуқуқи билан узоқ муддатли (эллик йилгача) ижарага берилади. Бунда фермер хўжаликларига бириктириладиган ер майдонларининг энг кам ўлча-ми бўйича мавжуд чеклашлар сақлаб қолинади;

фермер хўжаликларига берилган ер участкалари ширкат хўжаликлари балан-сидан чиқарилади;

фермер хўжаликларини шакллантириш учун ерларни ижарага бериш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган алоҳи-да Низом билан белгиланади;

фермер хўжалигига берилган ер участкалари хусусийлаштирилиши, олди-сот-ди, ҳада, айрибошлаш, гаровга қўйиш объекти бўлиши, шунингдек қўшимча ижара-га берилиши мумкин эмас;

фермер хўжалиги ер участкасидан ижара шартномасида белгиланган мақсад ва шартларга мувофиқ мақсадли, самарали ва оқилона фойдаланишни таъминлаши шарт. Фермер хўжалигига ижарага берилган қишлоқ хўжалик майдонларидан бошқа мақсадда фойдаланиш, шунингдек шартномада кўрсатилган экинлар ўрнига бошқа экин экиш — ижара шартномасини қўпол бузиш деб ҳисобланади ҳамда амалдаги қонунчиликда кўзда тутилган барча чоралар қўлланилади;

етиштирилган қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етказиб беришга ҳамда моддий-техника ресурслари ва хизматлар олишга шартномалар фақат фермер хўжаликларининг ўзлари томонидан тайёрлов, қайта ишловчи ва хизмат кўрсатувчи корхоналар ва ташкилотлар билан тўғридан-тўғри тузилади;

қишлоқ хўжалик экинлари, шу жумладан пахта ва ғаллани етиштиришга кетадиган барча харажатлар фермер хўжаликларининг қишлоқ хўжалиги маҳсулотини сотишдан тушадиган ўз даромадлари ҳисобига қопланади;

фермер хўжаликлари электр энергияси, ёқилғи-мойлаш материаллари, минерал ўғитлар етказиб берадиган ва фермер хўжаликларига бошқа хизматлар кўрсатадиган ташкилотлар билан ўз вақтида ҳисоб-китоб қилишлари шарт;

фермерлар билан ёлланма ходимлар, шу жумладан, оила аъзолари ўртасидаги меҳнат муносабатлари амалдаги меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ ёллаш шартномаларига асосланади;

фермер хўжаликлари ихтиёрийлик асосида кооперациялашиш, маҳсулот етиштириш, харид қилиш, қайта ишлаш ва сотиш, моддий-техника таъминоти, қурилиш, техникавий, сув хўжалиги, ветеринария, агрокимёвий, маслаҳат ҳамда бошқа хизмат кўрсатиш турлари бўйича жамиятлар, уюшмалар ва бошқа бирлашмаларга кириш ҳуқуқига эгадирлар.

4. Фермер хўжаликлари танлов асосида фақат қайта ташкил этилаётган зарар кўриб ишлаган ва истиқболсиз хўжаликлар ерлари ҳисобигагина эмас, балки захирадаги ерлар, юридик ва жисмоний шахсларга берилмаган қишлоқ хўжалиги учун мўлжалланмаган ерлар, шунингдек қишлоқ хўжалиги кооперативлари ва бошқа қишлоқ хўжалиги корхоналари ерлари ҳисобига ҳам ташкил этилиши мумкин.

### **III. Фермер хўжаликларини ривожлантириш концепциясини амалга ошириш чора-тадбирлари**

5. 2004—2006 йилларда Фермер хўжаликларини ривожлантириш концепциясида белгиланган мақсад ва вазифаларга эришиш учун маҳаллий хусусиятларни чуқур таҳлил этиш асосида умуман республика бўйича ҳамда вилоятлар ва туманлар бўйича Концепцияни амалга ошириш чора-тадбирлари Дастури ишлаб чиқилмоқда, Дастур ер-сув муносабатлари ва молия-кредит механизми, моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, меҳнат муносабатларини такомиллаштириш ва фермер хўжаликларидаги кадрлар малакасини ошириш масалаларини қамраб олади. Ушбу Дастур энг муҳим йўналишлар бўйича қуйидаги чора-тадбирлар амалга оширилишини кўзда тутди.

#### **6. Ер-сув муносабатларини такомиллаштириш соҳасидаги чора-тадбирлар:**

фермер хўжаликлари билан ширкатлар ўртасида ер участкаларини ижарага бериш тўғрисида тузилган шартномаларни қайтадан расмийлаштириб, бунда қўшимча ҳужжатларни талаб қилмаган ҳамда тўлов ва йиғимлар ундирилмаган ҳолда туман ҳокимликлари билан ижара шартномалари тузишни назарда тутиш;

ер ва сув ресурсларидан мақсадли, оқилона ва унумли фойдаланганлик, тупроқ унумдорлигини оширганлик ва ерларни мелиоратив жиҳатдан яхшилаганлик

учун фермерларни рағбатлантириш ҳамда уларнинг масъулиятини кучайтириш чора-тадбирлари тизимини амалга ошириш;

қишлоқ хўжалиги ерларининг иқтисодий баҳосини ҳисобга олган ҳолда ягона ер солиғини ҳисоблаб чиқаришнинг янги тартибини ҳамда ўз маблағлари ҳисобига янги ерларни ўзлаштирганлик учун рағбатлантириш тартибини ишлаб чиқиш.

**7. Молия-кредит механизмини такомиллаштириш соҳасидаги чора-тадбирлар:**

фермер хўжаликларининг молиявий ҳолатини мустаҳкамлаш ҳамда уларнинг қишлоқ хўжалиги маҳсулотини етиштиришга кетадиган барча харажатларни, шу жумладан, электр энергияси, ёқилғи-мойлаш материаллари, минерал ўғитлар, ўсимликларни кимёвий ҳимоя қилиш воситаларини етказиб берадиган, шунингдек хизматлар кўрсатадиган ташкилотлар билан ҳисоб-китобларни қишлоқ хўжалиги маҳсулотини сотишдан тушадиган ўз даромадлари ҳисобига қоплашларини таъминлаш;

2004—2005 йиллар мобайнида кредитларни расмийлаштириш ва ажратиш тартибини содалаштирган ҳолда барча фермер хўжаликларини тўғридан-тўғри кредитлаштиришга ўтказиш. Қисқа муддатда кредитлар олиш ва ер участкасига ижара ҳуқуқи билан эгаллик қилиш учун — жорий йилда кутилаётган ҳосилни гаровга қўйиш, узоқ муддатли кредитлар олиш учун — ер участкасини ижарага олиш ҳуқуқининг қиймат баҳосини белгилаш механизмини ишлаб чиқиш назарда тутилмоқда;

кредит уюшмалари ташкил этиш йўли билан фермер хўжаликларини банк томонидан кредитлашга муқобил тарзда молиялаш ва кредитлаш шаклларини ривожлантириш;

Оролбўйи минтақасида, шунингдек ерлари кучли шўрланган ва сув таъминоти кам бўлган минтақаларда фаолият кўрсатаётган фермер хўжаликлари учун кўшимча имтиёзлар бериш;

қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ва қайта ишлаш, қишлоқ инфратузилмасини ривожлантириш соҳасига инвестициялар, шу жумладан хорижий инвестициялар жалб этиш тадбирларини ишлаб чиқиш.

**8. Фермер хўжаликларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ҳамда сервис ва ҳуқуқий хизматлар кўрсатиш соҳасидаги чора-тадбирлар:**

моддий-техника ресурсларини марказлаштирилган тартибда тақсимлашни тугатиш ва бозор тузилмалари орқали эркин сотишни ташкил қилиш асосида фермер хўжаликлари учун шундай ресурсларни бемалол олиш имкониятини кенгайтириш борасидаги кўшимча чора-тадбирларни амалга ошириш;

қишлоқда ишлаб чиқариш ва бозор инфратузилмаси объектларини, улар учун қулай иқтисодий шарт-шароитлар яратган ҳолда бутун чоралар билан ривожлантириш. 2004—2006 йилларда қишлоқда ишлаб чиқариш ва бозор инфратузилмасини ривожлантиришга оид махсус дастурни амалга ошириш;

фермер хўжаликларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш учун қишлоқ хўжалик техникаси ва машина-ускуналарини етказиб бериш бўйича лизинг хизматларини кенгайтириш;

минтақаларда қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларининг манфаатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминловчи ҳуқуқий институтлар тизимини шакллантириш, консалтинг ва ахборот-маркетинг хизматлари тармоқларини кенгайтириш.

**9. Маҳсулот тайёрлаш, қайта ишлаш ва сотиш тизимини такомиллаштириш соҳасидаги чора-тадбирлар:**

қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш, уларни қайта ишлаш ва экспорт қилиш ҳажми оширилишини иқтисодий рағбатлантириш, шунингдек уларни экспорт қилиш учун зарур ҳужжатларни расмийлаштириш тартибини содалаштириш чора-тадбирлари тизимини ишлаб чиқиш;

қишлоқ хўжалиги маҳсулоти, хизматлар ва моддий-техника ресурсларининг

ташқи ҳамда ички бозорлари конъюнктурасини ўрганиш бўйича ахборот-маркетинг хизмати тизимини такомиллаштириш;

фермер хўжаликлари билан тайёрлов, қайта ишлаш ва қишлоққа хизмат кўрсатувчи ташкилотлар ўртасидаги тўғридан-тўғри шартномавий муносабатлар тизимини такомиллаштириш;

фермер хўжаликлари заруратга қараб ихтиёрийлик асосида кооперациялашишлари, маҳсулот етиштириш, харид қилиш, қайта ишлаш ва ўз маҳсулотини сотиш бўйича жамиятлар, уюшмалар ҳамда бошқа бирлашмаларга киришлари мумкин.

#### **10. Меҳнат муносабатларини такомиллаштириш ва кадрлар тайёрлаш соҳасидаги чора-тадбирлар:**

фермерлар билан ёлланма ходимлар (жумладан оила аъзолари) ўртасидаги меҳнат муносабатларини меҳнат шартномалари асосида шакллантириш;

фермерларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш бўйича доимий ишлайдиган бизнес-мактабларни, шунингдек уларнинг ривожланган хорижий мамлакатларда тажриба орттиришларини ташкил қилиш;

қишлоқ хўжалик ширкатларини фермер хўжаликларига айлантириш жараёнида бўшаб қоладиган ходимларни иш билан таъминлаш мақсадида қўшимча иш ўринлари ташкил этиладиган хизматлар соҳасини жадал ривожлантириш;

ноқишлоқ хўжалиги йўналишидаги ишлаб чиқаришларни ташкил қилувчи фермерларни рағбатлантириш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш;

фермер хўжаликлари ташкил этиш учун аҳоли зич жойлашган туманлардаги шахсларни меҳнат ресурслари тақчил бўлган минтақаларга жалб этиш борасида қўшимча чора-тадбирларни амалга ошириш.

#### **IV. Фермер хўжалиklarини ривожлантириш концепциясини амалга оширишдан кутилаётган натижалар**

11. Концепцияни амалга ошириш 2007 йилга бориб фермер хўжаликларига бириктирилган ер майдонларининг умумий қишлоқ хўжалиги ерларидаги салмоғини 17,5 фоиздан 63,3 фоизгача ва суғориладиган майдонлардаги салмоғини 72,1 фоизгача кўпайтириш имконини беради.

12. 2007 йилга қадар фермер хўжалиklarининг республика бўйича қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулотидаги улушини 25 фоизгача етказиш мўлжалланмоқда. Фермер хўжалиklarида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ҳажми уч йил мобайнида 2 баравар кўпаяди.

13. Фермер хўжалиklarига хизмат курсатиш бўйича инфратузилма объектлари тармоғи кенгайтирилади. Уларнинг сони 2007 йилга бориб 8,2 мингтадан ошиб кетади.

2003 йилга нисбатан муқобил машина-трактор парклари сони 4,1 баравар, сувдан фойдаланувчилар уюшмаси 4,6 баравар, минерал ўғитлар ва ўсимликларни химоя қилиш воситалари сотиш объектлари тармоғи 4,4 баравар, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари тайёрлаш тармоқлари 1,8 баравар, ёқилғи-мойлаш материаллари сотиш тармоқлари 4,6 баравар, ахборот билан таъминлаш ва консалтинг тармоқлари 1,9 баравар, кичик банклар 3,1 баравар, наслдор моллар сотиш ва зооветеринария хизматлари кўрсатиш тармоқлари 1,2 баравар кўпаяди.

14. Фермер хўжалиklarини ривожлантириш натижасида 2004—2006 йиллар даврида қишлоқ хўжалигидан қарийб 77 минг киши бўшаб қолади, уларни иш билан таъминлаш ва ижтимоий муҳофаза қилиш мақсадида уларни ишга жойлаштириш бўйича тегишли чора-тадбирлар кўрилади.

## УЧИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

### **187** Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг истеъмол товарлари олиб келиш ва сотиш масалалари бўйича айрим қарорларига ўзгартириш, қўшимчалар киритиш ва уларнинг айримларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида

Қонун ҳужжатларини истеъмол товарларини олиб келиш ва сотиш масалалари бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентининг илгари қабул қилинган Фармонларига ва Ҳукуматнинг қарорларига мувофиқлаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 1-иловага мувофиқ айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.
2. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 2-иловага мувофиқ қарорлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.
3. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги ва Давлат божхона қўмитаси Адлия вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда бир марталик хусусиятга эга бўлган ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг алоҳида Фармонлари ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг қарорлари билан берилган божхона тўловлари тўлаш бўйича имтиёзлар қўлланилиши тартибини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.
4. Вазирликлар ва идоралар ўз норматив ҳужжатларини мазкур қарорга мувофиқлаштирадилар.
5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р.С. Азимов зиммасига юклансин.

**Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,  
2003 йил 16 октябрь,  
446-сон

Вазирлар Маҳкамасининг  
2003 йил 16 октябрдаги 446-сон қарорига  
1-ИЛОВА

### **Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида**

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси фаолиятини ташкил этиш масалалари тўғрисида» 1997 йил 30 июлдаги 374-сон

---

*Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2003 й.*

қарорининг (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1997 й., 7-сон, 26-модда) 7-банди иккинчи хатбошида «божхона қоидаларини бузганлик учун мусодара қилинган предметларни сотишдан олинган сумманинг 20 фоизи» сўзлари «божхона органлари томонидан мусодара қилинган ва қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда давлат даромадига ўтказилган мол-мулкни сотиш суммасининг 10 фоизи» сўзлари билан алмаштирилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахслардан солиқлар ва йиғимларни ундиришни тартибга солиш тўғрисида» 1997 йил 23 октябрдаги 483-сон қарорида (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1997 й., 10-сон, 35-модда):

а) 1-бандда:

биринчи ва иккинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«1. Белгилансинки, жисмоний шахслар томонидан сотилган товарлар (кўрсатилган хизматлар) учун олинган тушум суммаси даромадларни ва товар операцияларини ҳисобга олиш регистрларида кирим қилинмасдан савдо қилиш ва пулли хизматлар кўрсатилганлиги учун солиқ органлари томонидан энг кам ойлик иш ҳақининг 10 баравари, бу ҳол қайтарилганда эса — 50 баравари миқдориди моливий жазо солинади»;

бешинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

б) 8-банднинг учинчи ва тўртинчи хатбошлари чиқариб ташлансин.

3. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ кўмитаси фаолиятини ташкил этиш масалалари тўғрисида» 1998 йил 12 январдаги 14-сон қарорининг (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1997 й., 1-сон, 2-модда) 5-банди тўртинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«давлат солиқ хизмати органлари томонидан мусодара қилинган ва қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда давлат даромадига ўтказилган мол-мулкни сотиш суммасининг 10 фоизи миқдориди» сўзлари билан алмаштирилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Бозорларда сифатсиз озиқ-овқат товарлари сотилишини бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида» 1998 йил 4 сентябрдаги 378-сон қарорининг (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1998 й., 9-сон, 32-модда) 1-бандидан «ва майда улгуржи» сўзлари чиқариб ташлансин.

5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Истеъмол товарлари билан улгуржи ва чакана савдо қилишни тартибга солишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 1999 йил 19 мартдаги 125-сон қарорининг (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1999 й., 3-сон, 14-модда) 2-бандида:

биринчи хатбошидаги «1999 йил 1 апрелдан бошлаб» сўзлари чиқариб ташлансин;

иккинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

учинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«ишлаб чиқарувчи корхоналар томонидан товарларни улгуржи сотиш тегишли рухсат берувчи гувоҳномаларга эга бўлган юридик шахсларга ва яқка тартибдаги тадбиркорларга, шунингдек маҳсус истеъмолчиларга, давлат таъминоти муассасаларига, давлат таъминоти муассасаларини таъминлаш бўйича ихтисослаштирилган савдо фирмаларига ва улардан ўз ишлаб чиқариш фаолияти учун фойдаланувчи корхоналарга нақд пулсиз ҳисоб-китоб бўйича (майда туркумлар билан) амалга оширилади»;

тўртинчи—еттинчи хатбошилар чиқариб ташлансин;

саккизинчи хатбошидан «нақд пулсиз ҳисоб-китоб қилган ҳолда майда улгуржи» сўзлари чиқариб ташлансин.

6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Божхона йиғимлари ставкалари тўғрисида» 1999 йил 30 апрелдаги 204-сон қарорининг 2-банди тўртинчи хатбошида «қиймати» сўзларидан кейин «(миқдори)» сўзлари қўшилсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Хайрия ҳамда бошқа жамғармалар ва жамиятларга, шунингдек, улар томонидан ташкил қилинган бошқа корхоналар ва бошқа шўъба тузилмаларига солиқлар, йиғимлар ҳамда божхона тўловлари бўйича берилган имтиёзларнинг қўлланиш тартиби тўғрисида» 1999 йил 17 ноябрдаги 502-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси, 1999 й., 11-сон, 67-модда) 3-илованинг 3.1-кичик банди қуйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

«Мазкур кичик бандда назарда тутилган имтиёзлар рўйхати қонун ҳужжатлари билан белгиланадиган истеъмол товарларига жорий этилмайди, уларга нисбатан Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси ҳудудига истеъмол товарлари олиб келинишини тартибга солиш тўғрисида» 2002 йил 11 июлдаги ПФ-3105-сон Фармонига мувофиқ божхона тўловлари тўлаш бўйича имтиёзлар сақланиб қолган товарлар бундан мустасно».

8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекчармпойабзали» уюшмаси корхоналарининг барқарор фаолиятини таъминлашга доир чора-тадбирлар тўғрисида» 2001 йил 12 апрелдаги 172-сон қарорининг (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2001 й., 4-сон, 22-модда) 6-банди тўртинчи хатбоши қуйидаги тартибда баён қилинсин:

«Давлат даромадига ўтказилган тери, мўйна ва қорақўл хом ашё уларни қайта ишлашга ихтисослашган ташкилотларга тўлов эвазига берилади».

9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Чорсу» савдо маркази» савдо комплекси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида» 2001 йил 3 ноябрдаги 438-сон қарорининг 1-банди иккинчи хатбошидан «майда улгуржи ва» сўзлари чиқариб ташлансин.

10. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Жисмоний шахслар томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудига товарлар олиб келинишини тартибга солиш тўғрисида» 2002 йил 6 майдаги 154-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2002 й., 5-сон, 24-модда) 1-бандининг иккинчи хатбошидан ва 3-бандидан «улгуржи» сўзи чиқариб ташлансин.

11. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Импорт бож пошлиналарини унификация қилишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2002 йил 31 майдаги 189-сон қарорининг (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2002 й., 5-сон, 28-модда) 5-банди қуйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

«Мазкур имтиёз рўйхати қонун ҳужжатлари билан белгиланадиган истеъмол товарларига жорий этилмайди, уларга нисбатан Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси ҳудудига истеъмол товарлари олиб келинишини тартибга солиш тўғрисида» 2002 йил 11 июлдаги ПФ-3105-сон Фармонига мувофиқ божхона тўловлари тўлаш бўйича имтиёзлар сақланиб қолган товарлар бундан мустасно».

12. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Республикага истеъмол товарлари ноқонуний олиб келиниши ва сотилишининг олдини олиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2002 йил 19 июлдаги 19-сон қарорининг (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2002 й., 7-сон, 42-модда) 2-банди учинчи хатбошида «кўрсатиб ўтилган товарларни белгиланган тартибда мусодара қилишга» сўзлари «кўрсатиб ўтилган товарларни қонун ҳужжатларидан белгиланган тартибда давлат даромадига ўтказиш учун олиб қўйишга» сўзлари билан алмаштирилсин.

13. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Пул маблағларининг

банкдан ташқари муомаласини янада қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2002 йил 5 августдаги 280-қарорининг (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2002 й., 8-сон, 46-модда) 7-бандида «Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 19 мартдаги 125-сон қарори билан» сўзлари «Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 19 мартдаги 125-сон ва 2002 йил 26 ноябрдаги 407-сон қарорлари билан» сўзлари билан алмаштирилсин.

14. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 26 ноябрдаги 407-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2002 й., 11-сон, 71-модда) билан тасдиқланган «Улгуржи ва чакана савдо фалиятини рўйхатдан ўтказиш ва амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низом»нинг 19-банди қўйидаги мазмундаги хатбошилар билан тўлдирилсин:

«Товарларни нақд пулсиз ҳисоб-китоб бўйича сотиш чакана савдо корхоналари томонидан ўтган ойдаги ойлик товар айланмаси умумий ҳажмининг 10 фоизи доирасида амалга оширилиши мумкин. Бунда товарлар сотилишини ҳисоблаб чиқиш ҳар бир ой бўйича алоҳида амалга оширилади. Товарларни олдинги ойлар ҳисобига сотишга йўл қўйилмайди. Савдо ташкилотларига хизмат кўрсатувчи тижорат банклари товарларни нақд пулсиз бериш бўйича операцияларни амалга оширишда мазкур талабларга амал қилсинлар.

Чакана савдо корхоналарига товарларни товар айланмаси умумий ҳажмининг 10 фоизидан ортиқча нақд пулсиз ҳисоб-китоб бўйича фақат ижтимоий соҳа ташкилотлари ва муассасалари (болалар, даволаш муассасалари, қариялар уйлари, болалар уйлари, ногиронлар уйлари, ўқув ва маърифат юртлари)га сотишга рухсат берилади».

Вазирлар Маҳкамасининг  
2003 йил 16 октябрдаги 446-сон қарорига  
2-ИЛОВА

### **Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг ўз кучини йўқотган қарорлари рўйхати**

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Корхоналар, ташкилотлар ва муассасаларга бозор жамғармаси товарларини майда улгуржи савдо бўйича сотишни тартибга солиш тўғрисида» 1992 йил 8 июлдаги 314-сон қарори.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Корхоналар, ташкилотлар ва муассасаларга бозор жамғармаси товарларини майда улгуржи савдо бўйича сотиш тартиби тўғрисида» 1994 йил 25 февралдаги 96-сон қарори.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Озиқ-овқат маҳсулотларининг айрим турларини сотишни тартибга солиш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 1997 йил 29 июлдаги 373-сон қарори.

4. Вазирлар Маҳкамасининг «Товарларни чакана савдо шохобчаларидан, мулкчилик шаклларида қатъи назар, корхона ва ташкилотларга майда улгуржи сотиш тартибини ҳамда Товарларни улгуржи бозорларда, улгуржи-савдо комплексларида ва савдо марказларида улгуржи ва майда улгуржи сотиш тартибини тасдиқлаш тўғрисида» 1999 йил 28 апрелдаги 200-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1999 й., 4-сон, 21-модда; 2000 й., 10-сон, 69-модда).

5. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикасининг чакана бозорлари ҳудудида жисмоний шахсларнинг савдо фаолиятини тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида» 1999 йил 2 августдаги 373-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1999 й., 8-сон, 45-модда).

6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Импорт истеъмол товарлари олиб келиш ва сотишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2000 йил 24 июндаги 242-сон қарорининг 1-банди ва 3-бандининг иккинчи хатбоши (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2000 й., 6-сон, 31-модда).

7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Бозорлар фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш тўғрисида» 2000 йил 12 августдаги 315-сон қарорига 1-илованинг 29, 30 ва 31-бандлари ҳамда 2-илова (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2000 й., 8-сон, 50-модда).

8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» 2000 йил 24 октябрдаги 412-сон қарорига илованинг 9-банди (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2000 й., 10-сон, 69-модда).

9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Лицензиялашни бекор қилиш ҳамда истеъмол товарларини олиб келиш ва Ўзбекистон Республикасининг ички бозорида сотишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2002 йил 20 августдаги 295-сон қарорининг 5, 6 ва 11-бандлари (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2002 й., 8-сон, 47-модда, 12-сон 75-модда).

10. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Вазирлар Маҳкамасининг «Республикага истеъмол товарлари олиб келиниши ва сотилишининг олдини олиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2002 йил 19 июлдаги 257-сон қарорига ўзгартиришлар киритиш ҳақида» 2002 йил 20 сентябрдаги 327-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2002 й., 9-сон, 52-модда).

11. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикасига истеъмол товарлари олиб келишни такомиллаштириш чора-тадбирларини амалга ошириш тўғрисида» 2002 йил 5 декабрдаги 427-сон қарорига 4-илованинг 2 ва 3-бандлари (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2002 й., 12-сон, 75-модда).

#### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

## 188 Хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарга пахта толасини сотиш механизми тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 3 июндаги 240-сон қарорига мувофиқ ва республика ҳудудида жойлашган хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарга сотиладиган пахта толаси учун ҳисоб-китоб қилиш механизмини такомиллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Ишлаб чиқарилган ва сотилган пахта толаси учун ҳисоб-китоб қилиш механизмини такомиллаштириш тўғрисида» 2003 йил 3 июндаги 240-сон қарорига мувофиқ хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарга пахта толаси тузилган шартномалар асосида ташқи савдо компаниялари томонидан фақат минтакавий ихтисослаштирилган пахта терминалларида эркин муомаладаги валютага сотилиши маълумот учун қабул қилинсин.

2. Хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарга пахта толасини сотишнинг қуйидаги тартиби белгилансин:

пахта толаси республика ҳудудида жойлашган хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарга уларнинг буюртманомаларига мувофиқ чекланмаган ҳажмларда сотилади;

хорижий инвестициялар иштирокидаги корхона тегишли ташқи савдо компанияларига ҳажми, нави, типлари ва бошқа сифат кўрсаткичларини кўрсатган ҳолда пахта толасини жорий йилнинг сентябрь—декабрь ойларида харид қилиш учун 1 июлгача ва пахта толасини кейинги йилнинг январь—август ойларида харид қилиш учун 1 декабргача пахта толасини харид қилиш юзасидан ҳар йили буюртманома тақдим этади;

ташқи савдо компаниялари «Пахтасаноат» ҳудудий акциядорлик бирлашмалари билан тузиладиган бош битимда хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар буюртманомаларини тўлиқ ҳажмда ҳисобга оладилар;

ташқи савдо компаниялари бош битимга мувофиқ, хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар билан пахта толаси етказиб бериш юзасидан сентябрь—декабрь ва январь-август ойлари даври учун алоҳида-алоҳида шартнома тузадилар;

пахта толаси ташқи савдо компанияси билан хорижий инвестициялар иштирокидаги корхона ўртасида имзоланган шартномаларга қатъий мувофиқ, юклаб жўнатиш санасида Ливерпуль пахта биржасидаги котировкага кўра шаклландиган жаҳон нархлари бўйича 15 фоиз миқдоридagi чегирма билан етказиб берилади;

етказиб бериладиган пахта толаси учун хорижий инвестициялар иштирокидаги корхона томонидан 15 фоиз миқдоридa олдиндан ҳақ тўланади, узил-кесил ҳисобкитоб юклаб жўнатилган кундан бошлаб 60 кун мобайнида амалга оширилади.

3. Ташқи савдо компаниялари томонидан пахта толаси эркин муомаладаги валютага сотиладиган хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар рўйхати иловага\* мувофиқ тасдиқлансин.

Пахта толасини сотишнинг кўрсатиб ўтилган тартиби янгидан ташкил этилаётган хорижий инвестициялар иштирокидаги барча корхоналарга татбиқ этилиши белгилаб қўйилсин.

4. Белгилансинки, хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар томонидан ташқи савдо компанияларидан чегирма билан сотиб олинган пахта толасидан фақат ишлаб чиқариш мақсадларида фойдаланилади ва улар қайта сотилмайди.

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси, Давлат божхона қўмитаси хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар томонидан ташқи савдо компанияларидан сотиб олинган пахта толасидан мақсадли фойдаланилиши устидан қатъий назорат ўрнатсинлар.

5. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги «Ўзбекенгилсаноат» давлат-акциядорлик компанияси ва бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда бир ой муддатда Вазирлар Маҳкамасига амалдаги қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқувчи ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида таклифлар киритсин.

6. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари Р.С. Азимов ва Э.М. Ғаниев зиммасига юклансин.

**Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,  
2003 йил 17 октябрь,  
447-сон

---

\* Илова берилмайди.

ЎЗБЕКИСТОН RESPУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

**189** Вазирлар Маҳкамасининг «Ички бозорни ёғоч-тахта материаллари билан тўлдиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2003 йил 7 июлдаги 305-сон қарорига ўзгартириш киритиш ҳақида

Ватанимиз ламинатланган плита ишлаб чиқарувчилари манфаатларини химоя қилиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

Вазирлар Маҳкамасининг «Ички бозорни ёғоч-тахта материаллари билан тўлдиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2003 йил 7 июлдаги 305-сон қарорига иловадаги (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2003 й., 7-сон, 58-модда) 6-бандининг «ТИФ ТН коди» номли устуни қуйидаги тахрирда баён қилинсин: «4410 (441032000 дан ташқари)».

Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири **Ў. Султонов**

Тошкент ш.,  
2003 йил 17 октябрь,  
449-сон

ЎЗБЕКИСТОН RESPУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

**190** Вазирлар Маҳкамасининг «Ишлаб чиқарилган ва со-тиладиган пахта толаси учун ҳисоб-китоб қилиш механизмини такомиллаштириш тўғрисида» 2003 йил 3 июндаги 240-сон қарорига қисман ўзгартиришлар киритиш ҳақида

Пахта толаси нархларини қайта ҳисоблаб чиқишнинг амалдаги тартибини Ливерпул пахта уюшмасининг қиймат фарқлари кўрсатмасига асосланган халқаро амалиётга мувофиқлаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги, Иқтисодиёт вазирлиги ва Молия вазирлигининг 2003 йил ҳосилидан бошлаб Ливерпул пахта уюшмасининг қиймат фарқлари кўрсатмасига биноан тола узунлиги 1,3/32 дюйм (код 35) бўлган 5-тип пахта толаси базавий нархидан толанинг бошқа типларига ўтишда иловага мувофиқ чегирма ва нақидкаларни жорий этиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

2. Белгилаб қўйилсинки, Ливерпул пахта уюшмасининг қиймат фарқлари кўрсатмалари рақамлари ҳамда Cotton Outlook томонидан эълон қилинадиган котировка кўрсаткичлари +5 фоиздан ортиқ миқдорга ўзгарган тақдирда пахта толасининг типлар бўйича нархларини қайта ҳисоблаб чиқиш коэффициентлари Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар агентлигининг Молия вазирлиги ва «Ўзпахтасаноат» уюшмаси билан келишилган таклифлари асосида Вазирлар Маҳкамасининг

---

*Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2003 й.*

Умумиқтисодиёт комплекси ва Ташқи иқтисодий алоқалар комплекси раҳбарлари томонидан қайта кўриб чиқилади ва тасдиқланади.

3. Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 3 июндаги 240-сон қарори билан тасдиқланган Пахта толасини экспортга сотишнинг ва пахта толаси учун ташқи савдо компанияларининг «Пахтасаноат» ҳудудий акциядорлик бирлашмалари билан ҳисоб-китоб қилишининг Вақтинчалик тартибига 1-илова мазкур қарорга иловага мувофиқ янги таҳрирда баён қилинсин.

4. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари Р.С. Азимов ва Э.М. Ғаниев зиммасига юклансин.

### Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,  
2003 йил 18 октябрь,  
450-сон

Пахта толасини экспортга сотишнинг ва пахта толаси учун ташқи савдо компанияларининг «Пахтасаноат» ҳудудий акциядорлик бирлашмалари билан ҳисоб-китоб қилишининг Вақтинчалик тартибига  
1-ИЛОВА

(Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 18 октябрдаги 450-сон қарори таҳририда)

### Пахта толасининг типлар бўйича нархларини қайта ҳисоблаш коэффициентлари

Тола типи	3		4		5 (базавий)		6	
Узунлиги (дюйм)	1,7/32	1,3/16	1,5/32	1,1/8	1,3/32	1,1/16	1,1/32	1
Код	39	38	37	36	35	34	33	32
Коэффициент	1,111		1,0137		1,00	0,987	0,975	

### Пахта толасининг навлар («Биринчи» нав, «Ўрта» класс) бўйича нархларини қайта ҳисоблаш коэффициентлари

1-нав	олий	1,050	2-нав	олий	1,020
	яхши	1,040		яхши	0,990
	ўрта	1,000		ўрта	0,955
	оддий	0,965		оддий	0,920
	ифлос	0,925		ифлос	0,880
3-нав	олий	0,965	4-нав	олий	0,850
	яхши	0,930		яхши	0,800
	ўрта	0,885		ўрта	0,750
	оддий	0,840		оддий	0,700
	ифлос			ифлос	
	5-нав	ўрта			0,550
		оддий			0,500
		ифлос			0,450

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

## **191** Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида шартномавий муносабатларни такомиллаштириш ва мажбуриятлар бажарилиши учун томонларнинг жавобгарлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2003 йил 4 сентябрдаги 383-сон қарорининг 5-бандига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг иловага мувофиқ айрим қарорларига ўзгартиришлар киритилсин.

**Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ў. СУЛТОНОВ**

Тошкент ш.,  
2003 йил 20 октябрь,  
451-сон

Вазирлар Маҳкамасининг  
2003 йил 20 октябрдаги 451-сон қарорига  
ИЛОВА

### **Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига киритилаётган ўзгартиришлар**

1. Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 1 февралдаги 63-сон қарори билан тасдиқланган Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларига етказиб бериладиган минерал ўғитлар ва ўсимликларни химоя қилишнинг кимёвий воситалари, кимё маҳсулотларига буюртманомаларни шакллантириш, уларни бериш ва улар учун ҳисоб-китоб қилиш тартибида (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2001 й., 2-сон, 8-модда):

8-банддаги «қишлоқ ва сув хўжалиги вилоят ва туман бошқармаларининг таклифларини ҳисобга олган ҳолда» сўзлари чиқариб ташлансин;

1-иловадаги «Макроиктисодиёт ва статистика вазирлиги» сўзлари «Иқтисодиёт вазирлиги» сўзлари билан алмаштирилсин.

2. Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 12 июндаги 252-сон қарори билан тасдиқланган «Пахтасаноат» ҳудудий акциядорлик бирлашмасининг Пахта ва пахта маҳсулотлари контрактацияси ва ҳисоб-китоби маркази тўғрисидаги низом (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2001 й., 6-сон, 29-модда) 5-бандининг учинчи хатбоши қуйидаги тахирда баён қилинсин:

«пахта тозалаш корхоналарининг контрактация шартномаларини бажаришларини ва улар томонидан тақдим этиладиган қабул қилинган пахтанинг миқдори ва сифати тўғрисидаги маълумотларнинг тўғрилигини назорат қилади».

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

## 192 «Ўзбекнефтгаз» миллий холдинг компаниясининг бошқарув тузилмасини такомиллаштириш тўғрисида

Республика нефть ва газ тармоғининг бошқарув тузилмасини янада такомиллаштириш, унинг барқарор ва мувозанатли истиқболли ривожланишини таъминлаш, газ ва нефть геологияси ва қидируви, уларни қазиб олиш, нефть ва газ маҳсулотларини ташиш ва узатиш, қайта ишлаш ва сотиш соҳасидаги фаолиятни мувофиқлаштириш даражасини ошириш, тармоққа чет эл инвестицияларини кенг жалб этиш ва шу асосда экспорт салоҳиятини кенгайтириш, республика иқтисодиёти тармоқлари ва аҳолисини нефть ва газни қайта ишлаш маҳсулотлари билан барқарор таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 20 июндаги Ф–1791-сон фармойиши билан ташкил этилган Маъмурий ислохотларни чуқурлаштириш ва иқтисодиётни бошқариш тузилмасини такомиллаштиришга доир таклифлар тайёрлаш бўйича Республика комиссияси, Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси, «Ўзбекнефтгаз» миллий холдинг компанияси, холдинг компания таркибига кирувчи акциядорлик компанияларининг:

«Ўзнефтникайтаишлаш» акциядорлик компаниясини тугатиш ҳамда илгари «Ўзнефтникайтаишлаш» акциядорлик компанияси таркибига кирган корхоналар ва ташкилотларни «Ўзнефтмаҳсулот» акциядорлик компанияси таркибига киритиш;

Шўртан газ-кимё комплексини бевосита «Ўзбекнефтгаз» миллий холдинг компанияси тасарруфига бериш;

«Ўзнефтгазишчитаъминот» акциядорлик компаниясини тугатиш;

«Ўзгеонефтгазқазибчиқариш» ва «Ўзбурғунефтгаз» акциядорлик компанияларини бирлаштириш ҳамда уларнинг негизида «Ўзгеобурғунефтгазқазибчиқариш» акциядорлик компанияси ташкил этиш;

«Ўзнефтгазқурилиш» акциядорлик компаниясини пудрат қурилиш ва таъминот-сотиш ташкилотларини бевосита унинг тасарруфига бериш йўли билан «Ўзбекнефтгаз» миллий холдинг компаниясига бирлаштириш шаклида қайта ташкил этиш тўғрисидаги таклифлари қабул қилинсин.

2. «Ўзбекнефтгаз» миллий холдинг компаниясининг ташкилий тузилмаси ҳамда ходимларининг чекланган умумий сони 112 нафар, шу жумладан бошқарув ходимлари сони 109 нафар бўлган ижро этувчи аппарати тузилмаси 1 ва 2-иловаларга мувофиқ тасдиқлансин.

«Ўзбекнефтгаз» миллий холдинг компанияси бошқаруви раисига зарурат бўлганда холдинг компаниянинг ижро этувчи аппарати тузилмасига ходимларнинг белгиланган сони доирасида ўзгартиришлар киритишга рухсат берилсин.

3. Қуйидагилар:

«Ўзнефтмаҳсулот» акциядорлик компаниясининг ташкилий тузилмаси, ходимларининг чекланган умумий сони 168 нафар, шу жумладан бошқарув ходимлари сони 107 нафар бўлган ижро этувчи аппарати тузилмаси ҳамда компания ихтиёрига берилаётган корхоналар ва ташкилотлар рўйхати 3—5-иловаларга\* мувофиқ;

«Ўзгеобурғунефтгазқазибчиқариш» акциядорлик компаниясининг ташкилий тузилмаси, компания таркибига кирадиган корхоналар ва ташкилотлар рўйхати, ходимларининг чекланган умумий сони 154 нафар, шу жумладан бошқарув ходим-

\* 3—5-иловалар берилмайди.

лари сони 108 нафар бўлган ижро этувчи аппарати тузилмаси 6—8-иловаларга\* мувофиқ;

«Ўзгеобурғунефтгазқазибчиқариш» акциядорлик компаниясининг тугатилаётган ва қайта ташкил этилаётган корхоналари рўйхати 9-иловага\* мувофиқ маъқуллансин.

4. Белгилансинки:

«Ўзгеобурғунефтгазқазибчиқариш», «Ўзтрансгаз», «Ўзнефтмахсулот», «Ўзнефтгазмаш» акциядорлик компаниялари «Ўзбекнефтгаз» миллий холдинг компаниясининг шўъба корхоналари ҳисобланади;

«Ўзбекнефтгаз» миллий холдинг компанияси ва унинг акциядорлик компаниялари устав фондларига берилган давлат мулкани ва акциялар пакетларини ўзгаларга бериш фақат Вазирлар Маҳкамасининг қарорига кўра амалга оширилади;

«Ўзнефтмахсулот» акциядорлик компанияси «Ўзнефтникайтиш» акциядорлик компанияси томонидан тузилган тегишли шартномалар ва мажбуриятлар бўйича ҳуқуқий ворис ҳисобланади;

«Ўзгеобурғунефтгазқазибчиқариш» акциядорлик компанияси «Ўзгеонефтгазқазибчиқариш» ва «Ўзбурғунефтгаз» акциядорлик компаниялари томонидан тузилган тегишли шартномалар ва мажбуриятлар бўйича ҳуқуқий ворис ҳисобланади.

5. Маъмурий ислохотларни чуқурлаштириш ва иқтисодиётни бошқариш тузилмасини такомиллаштиришга доир таклифлар тайёрлаш бўйича Республика комиссияси (Азимов), Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси «Ўзбекнефтгаз» миллий холдинг компанияси билан биргаликда бир ой муддатда:

тугатиш комиссиялари ташкил этсинлар ва белгиланган тартибда «Ўзнефтникайтиш» акциядорлик компанияси, «Ўзнефтгазишчитаъминот» акциядорлик компанияси тугатилишини, «Ўзнефтгазқурилиш» акциядорлик компанияси қайта ташкил этилишини таъминласинлар;

«Ўзгеонефтгазқазибчиқариш» ва «Ўзбурғунефтгаз» акциядорлик компанияларини бирлаштириш йўли билан «Ўзгеобурғунефтгаз-қазибчиқариш» акциядорлик компаниясини ташкил этиш бўйича зарур чора-тадбирларни амалга оширсинлар;

тугатилаётган «Ўзнефтгазишчитаъминот» акциядорлик компанияси таркибига кирган таъминот-сотиш ташкилотларини пухта хатловдан ўтказсинлар ҳамда улар фаолиятининг ихтисосини ҳисобга олган ҳолда идоровий мансублиги ва мулкчилик шакллари белгиласинлар;

қайта ташкил этилаётган акциядорлик компанияларида акциядорларнинг умумий йиғилишларини ўтказсинлар, ушбу компанияларнинг кузатувчи кенгашлари шахсий таркиби бўйича таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритсинлар, устав фондлари миқдорлари аниқланишини ва компанияларнинг уставлари белгиланган тартибда тасдиқланишини таъминласинлар;

тугатилаётган ва қайта ташкил этилаётган акциядорлик компаниялари ва корхоналарнинг устав фондларига берилган давлат мулкidan фойдаланиш масалалари ҳал этилишини таъминласинлар.

6. Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 19 майдаги 225-сон қарорига мувофиқ, ишлаб чиқарилган нефть маҳсулотларини етказиб бериш нефть базалари билан тузиладиган тўғридан-тўғри шартномалар бўйича, нефтни қайта ишлайдиган заводлар томонидан амалга оширилиши маълумот учун қабул қилинсин.

Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 19 майдаги 225-сон қарорига 1-иловада кўрсатилган автосервис комплекс пунктлари тегишли равишда Тахиятош, Қарши, Мароқанд, Термиз, Гулистон ва Урганч нефть базалари филиалларига айлантирилсин.

---

\* 6—9-иловалар берилмайди.

7. Қуйидагилар:

Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекнефтгаз» миллий холдинг компаниясини ташкил этиш ва унинг фаолияти масалалари тўғрисида» 1998 йил 15 декабрдаги 523-сон қарорининг 8-банди, қарорга 1, 2, 5, 6 ва 7-иловалар;

Вазирлар Маҳкамасининг «Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекнефтгаз» миллий холдинг компаниясини ташкил этиш ва унинг фаолияти масалалари тўғрисида» 1998 йил 15 декабрдаги 523-сон қарорига ўзгартиришлар киритиш ҳақида» 2000 йил 19 июндаги 233-сон қарори;

Вазирлар Маҳкамасининг «Нефть маҳсулотлари билан таъминлаш тизимини ва уларни сотишда ҳисоб-китоб қилиш механизмини янада такомиллаштириш тўғрисида» 2003 йил 19 майдаги 225-сон қарорининг 4-банди ҳамда қарорга 5 ва 6-иловалар ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

8. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Иқтисодиёт вазирлиги, «Ўзбекнефтгаз» миллий холдинг компанияси ҳамда бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда Вазирлар Маҳкамасига амалдаги қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқувчи ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида таклифлар киритсин.

9. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ў.Т. Султонов зиммасига юклансин.


**Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,  
2003 йил 21 октябрь,  
460-сон

**«Ўзбекнефтгаз» миллий холдинг компаниясининг ташкилий тузилмаси**



«Ўзбекнефтгаз» миллий холдинг компаниясини бошқариш ижро этувчи аппаратининг тузилмаси



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

## 194 Капитал қурилишда ижара ва лизинг хизматлари тизимини жорий этиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Капитал қурилишда иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштиришнинг асосий йўналишлари тўғрисида» 2003 йил 6 майдаги ПФ-3240-сон Фармони бажариш юзасидан ҳамда капитал қурилишда ижара ва лизинг хизматларини ривожлантириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Вазирлар Маҳкамасининг Қурилиш, қурилиш материаллари саноати, уй-жой-коммунал хўжалиги ва транспорт комплекси, Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки, «Асака» банки, «Пахта-банк», «Ўзсаноатқурилиш-банк», «Ўзуйжойжамғармабанк», «Ўзбекистон темир йўллари» давлат-акциядорлик компанияси, «Ўзбекнефтгаз» миллий холдинг компанияси, «Ўзбекэнерго» давлат-акциядорлик компаниясининг устав жамғармаси 1 млрд. сўм бўлган, улушлар 1-иловага\* мувофиқ тақсимланадиган очик акциядорлик жамияти шаклидаги «Қурилиш-лизинг» лизинг компаниясини ташкил этиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

2. «Қурилиш-лизинг» лизинг компаниясига:

ўз молиявий манбалари ҳисобига, шунингдек мамлакатимиз банклари ва хорижий банklar кредитларини жалб қилиш йўли билан замонавий қурилиш техникаси, кичик механизация ва махсус транспорт воситалари харид қилиш;

қурилиш техникасини, транспорт ва кичик механизация воситаларини мулкчиликнинг барча шаклларидаги пудрат қурилиш ташкилотларига, биринчи навбатда, кичик ва хусусий бизнес субъектларига шартнома асосида лизингга ва ижарага бериш юклансин.

3. «Қурилиш-лизинг» лизинг компанияси ходимларининг чекланган умумий сони 34 нафар, шу жумладан бошқарув ходимлари 19 нафар бўлган бошқарув тузилмаси 2-иловага\* мувофиқ маъқуллансин.

4. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси, Молия вазирлиги:

Вазирлар Маҳкамасининг «2003—2004 йилларда корхоналарни давлат тасаруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш дастури тўғрисида» 2003 йил 17 апрелдаги 185-сон қарорига мувофиқ пудрат қурилиш ташкилотларининг давлат активларини биржа ва биржадан ташқари бозорларда сотишдан тушадиган маблағларни;

иқтисодий ночор пудрат қурилиш ташкилотларининг бюджет олдидаги қарзларини қоплаш ҳисобига уларнинг мол-мулкни қарз суммаси доирасида сотишдан тушадиган маблағларни қайтариш асосида «Қурилиш-лизинг» лизинг компаниясига 5 йил муддатга берсинлар, ушбу маблағлар компаниянинг махсус ҳисоб рақамига ўтказилсин.

Белгилаб қўйилсинки, кўрсатиб ўтилган маблағлардан фақат кейинчалик уларни пудрат қурилиш ташкилотларига лизинг ва ижарага бериш учун қурилиш техникаси, кичик механизация ва транспорт воситалари харид қилиш учун фойдаланилиши мумкин.

5. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги ҳузуридаги Иқтисодий ночор корхоналар ишлари қўмитаси Давлат мулки қўмитаси ва Давлат солиқ қўмитаси билан биргаликда тугатилаётган иқтисодий ночор қурилиш

\* 1, 2-иловалар берилмайди.

ташкilotларининг қурилиш техникаси, транспорт воситалари ва кичик механизация воситаларини уларнинг бюджет олдидаги қарзларни қоплаш ҳисобига «Қурилиш-лизинг» лизинг компаниясига бериш тартибини бир ой муддатда ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

Белгилансинки, тугатилаётган иқтисодий ночор пудрат қурилиш ташкilotларининг уларнинг бюджет олдидаги қарзларини қоплаш ҳисобига «Қурилиш-лизинг» лизинг компаниясига бериладиган асосий воситалари даромад солиғи ва мол-мулк солиғи бўйича солиққа тортиш объекти ҳисобланмайди.

6. «Қурилиш-лизинг» лизинг компанияси:

Ўзбекистон Республикаси ҳудудига, кейинчалик уларни лизингга ва ижарага бериш учун олиб келинаётган қурилиш техникаси, эҳтиёт қисмлар, қурилиш транспорт воситалари ва кичик механизация воситалари учун божхона божлари ва қўшилган қиймат солиғидан 5 йил муддатга;

қурилиш техникаси ва кичик механизация воситаларини лизингга ва ижарага беришдан олинган даромадлар бўйича 2007 йил 31 декабргача даромад (фойда) солиғидан озод қилинсин, солиққа тортишдан бўшайдиган маблағлар замонавий қурилиш асбоб-ускуналари ва техника харид қилишга мақсадли йўналтирилади.

7. Вазирлар Маҳкамасининг Қурилиш, қурилиш материаллари саноати, уй-жой-коммунал хўжалиги ва транспорт комплекси икки ҳафта муддатда «Қурилиш-лизинг» лизинг компанияси акциядорларининг таъсис йиғилиши ўтказилишини, компания устави тасдиқланишини таъминласин.

8. Тошкент шаҳар ҳокимлиги «Қурилиш-лизинг» лизинг компаниясини жойлаштириш учун бир ой муддатда, белгиланган тартибда бино ажратсин.

9. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари К.Н. Тўлаганов ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р.С. Азимов зиммасига юклансин.

**Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,  
2003 йил 23 октябрь,  
462-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

## **195** Капитал қурилишда нархларни шакллантиришнинг смета-норматив базасини такомиллаштириш ва янгилаш чора-тадбирлари тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Капитал қурилишда иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштиришнинг асосий йўналишлари тўғрисида» 2003 йил 6 майдаги ПФ-3240-сон Фармонида ҳамда уни бажариш юзасидан қабул қилинган Вазирлар Маҳкамасининг қарорларида қайд этилганидек, эскирган ва замонавий талабларга мувофиқ бўлмаган амалдаги смета нормалари ва қоидалари тизими ва

---

*Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2003 й.*

унинг асосида қурилиш смета қийматининг ошиб кетишига олиб келувчи расценкаларни ишлаб чиқиш қурилиш-технология жараёнини ва умуман қурилиш комплексининг самарали ишлашини мақбуллаштириш йўлидаги, пировард натижада қурилишда лойиҳалаштириш, смета ва технология интизомини мустаҳкамлашдаги бош тўсиқлардан бири ҳисобланади.

Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси томонидан зарур даражадаги назорат ўрнатилмаганлиги ҳозирги вақтда жуда кўплаб яқка тартибдаги ва идоравий смета нормаларининг амалда бўлишига олиб келди, улар кўп ҳолларда «Давархитектқурилиш» қўмитаси тасдиқлаган смета нормативларига зиддир ҳамда уларнинг ўрнини босмоқда.

Кўрсатиб ўтилган камчиликларни бартараф этиш, бозор иқтисодиёти талабларига мувофиқ капитал қурилишда нархларни шакллантиришнинг смета-норматив базасини тартибга солиш ва янгилаш, объектлар қурилиши қийматини жорий шартномавий нархларда белгилаш механизмини такомиллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Капитал қурилишда нархларни шакллантиришнинг смета-норматив базасини такомиллаштириш ва янгилаш дастури иловага\* мувофиқ маъқуллансин.

Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси кўрсатиб ўтилган Дастурни ишлаб чиқиш учун юқори малакали мутахассисларни жалб этсин ва тўпланган хорижий тажрибадан кенг фойдалансин. Янгидан ишлаб чиқиладиган смета-норматив ҳужжатларида энг муҳими — ортиқча муфассаллаштириш ва зарур бўлмаган регламентлаштиришдан воз кечилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси амалдаги яқка тартибдаги ва идоравий смета нормаларини, уларнинг мақсадга мувофиқлигини, асосланганлигини ҳамда «Давархитектқурилиш» қўмитасининг норматив ҳужжатларида белгиланган талабларга мувофиқлигини аниқлаш мақсадида тўлиқ хатловдан ўтказсин.

Хатловдан ўтказиш учун «Давархитектқурилиш» қўмитаси эксперт комиссиялар ташкил этсин ҳамда 2004 йил 1 июлгача бўлган муддатда хатловдан ўтказиш натижаларини умумлаштирсин, идоравий смета нормаларини кескин қисқартириш чора-тадбирларини кўрсин.

3. Белгилансинки, жорий шартномавий нархларни белгилаш учун идоравий смета нормалари фақат улар Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси билан белгиланган тартибда мажбурий равишда келишиб олинган тақдирда кучга эга бўлади.

4. Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси капитал қурилишда нархларни шакллантиришнинг смета-норматив базасини такомиллаштириш ва янгилаш учун ҳудудлар, тармоқ вазирликлари ва идоралари бўйича қурилиш материаллари, конструкциялар ва буюмлар нархи, қурилиш машиналари ва механизмларидан фойдаланиш қиймати, транспорт харажатлари, қурувчи ишчиларнинг иш ҳақи тўғрисидаги маълумотлар ахборот банкини белгиланган тартибда ташкил этсин.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, вазирликлар, идоралар ва хўжалик бирлашмалари қурилиш соҳасида нархларни шакллантиришнинг смета-норматив базасини такомиллаштириш ва янгилаш учун зарур бўлган дастлабки маълумотларни тўплашда Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасига кўмаклашсинлар.

5. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги ва Молия вазирлиги 2004 йил

---

\* Илова берилмайди.

ва кейинги йиллар Давлат бюджети лойиҳаларини шакллантиришда Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасининг асосланган ҳисоб-китобларига мувофиқ, бюджет маблағлари билан бир қаторда, манфаатдор вазирликлар, идоралар ва хўжалик бирлашмалари маблағларини жалб этган ҳолда, Дастурни амалга ошириш учун зарур маблағларни назарда тутсинлар.

6. Вазирлар Маҳкамасининг «Қурилиш қийматини 1991 йил нархлари даражасидаги янги смета нормативлари негизида «ресурс усули» асосида аниқлашга ўтиш тўғрисида» 1997 йил 17 июндаги 306-сон қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

7. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари К.Н. Тўлаганов зиммасига юклансин.

### Вазирлар Маҳкамасининг Раиси **И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,  
2003 йил 24 октябрь,  
463-сон

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

### **196** Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ноозиқ-овқат истеъмол товарлари билан савдо қилишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2003 йил 28 июлдаги 330-сон қарорига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг иловага мувофиқ айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

### Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири **Ў. СУЛТОНОВ**

Тошкент ш.,  
2003 йил 27 октябрь,  
467-сон

Вазирлар Маҳкамасининг  
2003 йил 27 октябрдаги 467-сон қарорига  
ИЛОВА

### Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Алкоголли маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва уларнинг айланиши устидан давлат монополиясини кучайтириш ҳамда Ўзбекистон Рес-

публикаси худудида алкоғолли ва тамаки маҳсулотларини сотишдан бюджетга тушумни кўпайтириш юзасидан кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 1998 йил 21 майдаги 221-сон қарори 8-бандининг иккинчи хатбошидаги «деҳқон бозорларида ва улгуржи бозорларда» сўзлари чиқариб ташлансин.

2. Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 26 августдаги 370-сон қарори билан тасдиқланган Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва реклама тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилганлиги учун монополияга қарши фаолиятни амалга оширувчи давлат органи томонидан солинадиган жарималарни хўжалик юритувчи субъектларга қўллаш тартибида:

а) 2-банднинг иккинчи ва учинчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Мазкур Тартибнинг амал қилиши жисмоний шахсларга нисбатан татбиқ қилинмайди, мазкур Тартибнинг 3-бандида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

Мазкур Тартибда назарда тутилмаган истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини, шунингдек реклама тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун юридик шахс бўлмаган ҳолда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахслардан жарималар ундириш Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига мувофиқ амалга оширилади»;

б) 3-бандда:

биринчи хатбошидаги «сотувчига» сўзидан олдин «юридик шахс бўлган» сўзлари қўшилсин;

«а» кичик банддаги «товарларни» сўзидан олдин «яроқлилиқ муддатлари кўрсатилмаган» сўзлари қўшилсин

қўйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

«Монополияга қарши давлат органи (Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси) мазкур банднинг «а» ва «б» кичик бандларида назарда тутилган истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун тайёрловчига, ижроичига ва жисмоний шахс бўлган сотувчига энг кам ойлик иш ҳақининг юз баравари миқдорида жарима солишга ҳақлидир».

3. Вазирлар Маҳкамасининг «Бозорлар фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш тўғрисида» 2000 йил 12 августдаги 315-сон қарорининг (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2000 й., 8-сон, 50-модда) 1-банди, 2-бандининг иккинчи хатбоши ҳамда қарорга 1-илова ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

4. Вазирлар Маҳкамасининг «Пул маблағларининг банкдан ташқари муомаласини янада қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2002 йил 5 августдаги 280-сон қарорининг (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2002 й., 8-сон, 46-модда) 6-банди қўйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«6. Белгилансинки, турғун савдо ва хизматлар кўрсатиш шохобчалар орқали аҳоли билан нақд пул ҳисоб-китобларини амалга ошираётган яқка тартибдаги тадбиркорлар томонидан нақд пул тушумини яшириш ҳоллари аниқланган тақдирда улардан солиқ органининг қарорига кўра белгиланган тартибда яшириб қолинган пул тушуми миқдорида жарима ундирилади, ундирилган сумма бюджет даромадига йўналтирилади».

5. Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 26 ноябрдаги 407-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2002 й., 11-сон, 71-модда) билан тасдиқланган Улгуржи ва чакана савдо фаолиятини рўйхатдан ўтказиш ва амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомнинг 34-банди қўйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«34. Юридик шахс бўлмаган яқка тартибдаги тадбиркорлар буюм бозорларида чакана савдони фақат қўйидагилар бўйича амалга ошириш ҳуқуқига эгадирлар:

илгари фойдаланилган товарлар;  
якка тартибдаги тадбиркорларнинг бевосита ўзлари томонидан келтирилган импорт товарлар;  
ўзлари тайёрлаган (сотилиши тақиқланмаган) товарлар;  
ушбу товарларни ишлаб чиқарган бошқа якка тартибдаги тадбиркорлардан сотиб олинган товарлар;  
ватанимиз товар ишлаб чиқарувчилари томонидан ишлаб чиқарилган товарлар — уларнинг қонуний тарзда сотиб олинганлигини тасдиқловчи барча ҳужжатлар мавжуд бўлганда ҳамда улар назорат-касса машинлари билан жихозланган турғун савдо шохобчалари орқали сотилганда».

#### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

### **197 Ягона энергетика тизимига уланадиган стационар электр станцияларида электр энергияси ишлаб чиқариш фаолиятини лицензиялаш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида**

«Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 5-моддасига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Куйидагилар:

Ягона энергетика тизимига уланадиган стационар электр станцияларида электр энергияси ишлаб чиқариш фаолиятини лицензиялаш тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ;

Вазирлар Маҳкамасининг ягона энергетика тизимига уланадиган стационар электр станцияларида электр энергияси ишлаб чиқариш фаолиятини лицензиялаш комиссияси таркиби 2-иловага\* мувофиқ тасдиқлансин.

2. Белгилаб қўйилсинки, ягона энергетика тизимига уланадиган стационар электр станцияларида (иссиқлик электр станциялари, гидроэлектростанциялар, блок-станциялар) электр энергияси ишлаб чиқариш фаолиятини амалга ошираётган юридик шахслар 2004 йил 1 февралгача мазкур қарорга 1-илова талабларига мувофиқ лицензия олиш учун зарур ҳужжатларни расмийлаштиришлари шарт.

3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари К.Н. Тўлаганов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ў. СУЛТОНОВ**

Тошкент ш.,  
2003 йил 28 октябрь,  
469-сон

---

\* 2-илова берилмайди.

Вазирлар Маҳкамасининг  
2003 йил 28 октябрдаги 469-сон қарорига  
1-ИЛОВА

**Ягона энергетика тизимига уланадиган стационар  
электр станцияларида электр энергияси ишлаб чиқариш  
фаолиятини лицензиялаш тўғрисида  
НИЗОМ**

**I. Умумий қоидалар**

1. Ушбу Низом ягона энергетика тизимига уланадиган стационар электр станцияларида электр энергияси ишлаб чиқариш фаолиятини амалга ошириш учун лицензиялар бериш тартибини белгилайди.

2. Лицензияларни бериш ва бекор қилиш, уларнинг амал қилишини тўхтатиш ёки узайтириш тўғрисидаги қарорлар Вазирлар Маҳкамасининг ягона энергетика тизимига уланадиган стационар электр станцияларида электр энергияси ишлаб чиқариш фаолиятини лицензиялаш комиссияси (кейинги ўринларда Комиссия деб юритилади) томонидан қабул қилинади.

«Ўздавэнергоназорат» агентлиги (кейинги ўринларда ишчи орган деб юритилади) Комиссиянинг ишчи органи функциясини бажаради. Комиссиянинг ишчи органи ҳужжатларни қабул қилади, лицензия бериш ёки лицензия беришни рад этиш, лицензиянинг амал қилишини тўхтатиш ёхуд уни бекор қилиш тўғрисида Комиссия қарорлари лойиҳаларини тайёрлайди ва уларни кўриб чиқиш учун Комиссияга киритади.

3. Юридик шахслар лицензия талабгорлари бўлиши мумкин. Уларга стационар электр станцияларида электр энергияси ишлаб чиқариш фаолиятини амалга оширувчи корхоналар — ягона энергетика тизимига уланадиган иссиқлик электр станциялари, гидроэлектр станциялар, блок-станциялар тегишлидир.

4. Ягона энергетика тизимига уланадиган стационар электр станцияларида электр энергияси ишлаб чиқариш фаолиятини амалга оширишга лицензия талабгорининг аризасида кўрсатилган муддатга берилади.

5. Ягона энергетика тизимига уланадиган стационар электр станцияларида электр энергияси ишлаб чиқариш фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқи учун намунавий (оддий) лицензиялар берилади.

**II. Лицензия талаблари ва шартлари**

6. Ягона энергетика тизимига уланадиган стационар электр станцияларида электр энергияси ишлаб чиқариш фаолиятини амалга оширишнинг лицензия талаблари ва шартлари қуйидагилар ҳисобланади:

лицензиат томонидан қонун ҳужжатларига, техника хавфсизлиги ва ёнғин хавфсизлиги, меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларига, электр энергияси, иссиқлик энергияси ва газдан фойдаланиш қоидаларига; электр энергияси, иссиқлик энергияси ва газни ҳисобга олиш қоидаларига, шунингдек энергетика соҳасидаги бошқа норматив ҳужжатларга мажбурий риоя қилиниши;

энергетика тармоғида камида 3 йиллик иш стажига эга бўлган тегишли малакали зарур миқдордаги мутахассислар мавжудлиги;

электр энергияси ишлаб чиқарадиган асбоб-ускуналарнинг давлат стандартлари талаблари ва техник шартларга мувофиқлиги;

станциянинг «Ўзбекэнерго» давлат-акциядорлик компаниясининг Марказий диспетчерлик хизмати топширигига мувофиқ электр юкчасини кўтаришга тайёрлиги ҳамда электр энергияси ишлаб чиқариш сифати ва режими бўйича талабларни бажариши;

фуқароларнинг, шунингдек хизмат кўрсатувчи ходимларнинг ҳаёти ва соғлиги хавфсизлигини таъминлайдиган асбоб-ускуналардан фойдаланиш, уларга техник хизмат кўрсатиш ва уларни таъмирлаш, шунингдек мол-мулкнинг сақланиши.

7. Лицензия битимида мазкур Низомнинг 6-бандида санаб ўтилганлар сирасига кирувчи аниқ лицензия талаблари ва шартлари назарда тутилиши мумкин.

### III. Лицензия олиш учун зарур ҳужжатлар

8. Лицензия олиш учун лицензия талабгори ишчи органга қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

а) лицензия бериш тўғрисидаги ариза, унда қуйидагилар кўрсатилади: юридик шахснинг номи ва ташкилий-ҳуқуқий шакли, унинг жойлашган жойи (почта манзили), банк муассасасининг номи ва банк муассасасидаги ҳисоб рақами, юридик шахс томонидан амалга оширилиши мўлжалланаётган лицензияланаётган фаолият тури амалга ошириладиган муддат;

б) юридик шахснинг давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома-нинг нотариал тасдиқланган нусхаси;

в) лицензияловчи орган томонидан лицензия талабгорининг аризаси кўриб чиқилганлиги учун лицензия талабгорининг йиғимни тўлаганлигини тасдиқловчи ҳужжат;

г) Ўзбекистон Республикаси Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси органларининг электр энергияси ишлаб чиқаришнинг моддий-техника базаси ва технологик жараёнлари табиатни муҳофаза қилиш ва экология талабларига мувофиқлиги тўғрисидаги хулосаси;

д) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги нефть маҳсулотлари ва газдан фойдаланишни назорат қилиш бўйича Давлат инспекциясининг ўрнатилган технология агрегатларининг ҳамда электр энергияси ишлаб чиқариш жараёнида қатнашувчи технология асбоб-ускуналари ҳолатининг амалдаги нормалар ва қоидалар талабларига мувофиқлиги тўғрисидаги хулосаси (электр энергияси ишлаб чиқаришда нефть маҳсулотлари ва газдан фойдаланилган тақдирда);

е) Саноатда ва кончиликда ишларнинг бехатар олиб борилишини назорат қилиш агентлигининг лицензия талабгори моддий-техника базасининг техника хавфсизлигига доир қонун ҳужжатлари ва ишлаб чиқаришнинг потенциал хавфи участкаларидан фойдаланиш талабларига мувофиқлиги тўғрисидаги хулосаси;

ж) Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг ёнғин назорати органларининг электр энергияси ишлаб чиқаришнинг моддий-техника базаси, технология асбоб-ускуналари ва жараёнининг ҳамда ходимлар тайёргарлик даражасининг ёнғин хавфсизлиги нормалари ва қоидалари талабларига мувофиқлиги тўғрисидаги хулосаси;

з) электр энергияси ишлаб чиқаришда қатнашувчи лабораториялар аттестациядан ўтказилганлиги ва асбоб-ускуналар сертификацияси тўғрисидаги гувоҳнома;

и) фаолиятнинг лицензияладиган тури сифатли ва хавфсиз амалга оширилишини таъминлайдиган тегишли малакага эга бўлган мутахассислар мавжудлиги тўғрисидаги маълумотлар.

9. Лицензия талабгоридан мазкур Низомда назарда тутилмаган ҳужжатлар тақдим этилишини талаб қилишга йўл қўйилмайди.

10. Хужжатлар лицензия талабгори томонидан ишчи органга бевосита ёхуд олинганлиги тўғрисидаги билдиришнома билан почта алоқаси воситаси орқали етказиб берилади.

11. Лицензия олиш учун тақдим этилган хужжатлар ишчи органнинг масъул шахси томонидан рўйхат бўйича қабул қилинади, рўйхатнинг нусхаси хужжатлар қабул қилинган сана тўғрисида белги қўйилган ҳолда лицензия талабгорига юборилади (топширилади).

#### **IV. Аризани кўриб чиқиш ва лицензия бериш ёки лицензия беришни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилиш**

12. Ишчи орган томонидан лицензия берилиши ҳақидаги ариза кўриб чиқилганлиги учун қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам ойлик иш ҳақининг икки баравари миқдорида йиғим ундирилади.

Лицензия бериш тўғрисидаги хужжатлар кўриб чиқилганлиги учун йиғим суммаси ишчи органнинг ҳисоб рақамига ўтказилади. Лицензия талабгори берилган аризадан воз кечган тақдирда тўланган йиғим қайтарилмайди.

13. Ягона энергетика тизимига уланадиган стационар электр станцияларида электр энергияси ишлаб чиқариш фаолиятини лицензиялаш мазкур Низомга илова қилинадиган схемага мувофиқ амалга оширилади.

Лицензия талабгорига лицензия бериш ёки лицензия беришни рад этиш тўғрисидаги қарор лицензия талабгорининг аризаси олинган кундан бошлаб ўттиз кундан ортиқ бўлмаган муддатда қабул қилинади.

Ишчи гуруҳ ўн беш кун мобайнида эксперт хулосаси тайёрлайди ва тасдиқлаш учун қарор протоколининг тегишли лойиҳаси билан биргаликда лицензия талабгорига лицензия бериш ёки лицензия беришни рад этиш тўғрисидаги таклифни Комиссияга киритади.

Комиссия ишчи гуруҳнинг таклифи олинган кундан кейин ўн беш кундан ортиқ бўлмаган муддатда уни кўриб чиқади ва қабул қилинган қарор протоколини тасдиқлайди. Комиссия қарори Комиссия аъзоларининг оддий кўпчилик овози билан қабул қилинади.

Зарур ҳолларда Комиссиянинг қарорига кўра ишчи орган лицензия талабгори томонидан лицензия талаблари ва шартлари бажарилиши имкониятини жойнинг ўзига бориб ўрганишга ҳақлидир.

14. Ишчи орган лицензия талабгорини қабул қилинган қарор тўғрисида тегишли қарор қабул қилингандан кейин уч кун мобайнида хабардор қилади.

Лицензия беришга қарор қилинганлиги тўғрисидаги билдиришнома лицензия талабгорига банк ҳисоб рақами реквизитлари, давлат божи тўлаш муддати кўрсатилган ҳолда ёзма шаклда юборилади (топширилади). Лицензия бериш ҳақида қарор қабул қилинганлиги тўғрисидаги билдиришнома билан бир вақтда лицензия талабгорига имзолаш учун лицензия битими юборилади.

15. Лицензияловчи орган ва лицензиатнинг ўзаро ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгиловчи лицензия битими ишчи орган ва лицензиат ўртасида тузилади, унда қуйидагилар бўлиши керак:

битимни имзолаган шахсларнинг фамилияси, исми, отасининг исми, лавозими; томонларнинг реквизитлари; амалга оширилишига лицензия берилаётган фаолият турининг номи; лицензиатга қўйиладиган лицензия талаблари ва шартлари; лицензиянинг амал қилиш муддати;

лицензия битими талаблари ва шартлари бузилганлиги учун томонларнинг жавобгарлиги;

лицензиат томонидан лицензия битими талаблари ва шартлари бажарилишини лицензияловчи орган томонидан назорат қилиш тартиби.

Лицензия битими икки нусхада — лицензиат ва ишчи орган учун бир нусхадан тузилади.

16. Лицензия бланкалари қатъий ҳисобда турадиган ҳужжатлар ҳисобланади, ҳисобга олиш сериясига, тартиб рақамига ва ҳимояланганлик даражасига эга бўлади. Лицензия бланкалари намуналари ишчи орган томонидан ишлаб чиқилади, Комиссия томонидан тасдиқланади ва ишчи орган буюртмаси бўйича «Давлат белгиси» давлат-ишлаб чиқариш бирлашмасида босмаҳона усулида тайёрланади. Ишчи орган раҳбари лицензиялар бланкаларининг ҳисобга олиниши, сақланиши ва улардан мақсадли фойдаланилиши учун шахсан жавоб беради.

Лицензиялар ишчи орган томонидан расмийлаштирилади ва Комиссия раиси (унинг ўринбосари) томонидан имзоланади.

17. Лицензия талабгори томонидан давлат божи тўланганини тасдиқловчи ҳужжат тақдим этилгандан ва у лицензия битимини имзолагандан кейин берилади.

Давлат божи суммаси давлат бюджетига ўтказилади.

18. Агар лицензиат лицензия бериш тўғрисида қарор қабул қилинганлиги ҳақидаги билдиришнома юборилган (топширилган) вақтдан бошлаб уч ой мобайнида «Ўздав-энергоназорат» агентлигига лицензия берилганлиги учун давлат божи тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжатни тақдим этмаса ёхуд лицензия битимини имзоламаса, Комиссия лицензияни бекор қилиш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақлидир.

19. Лицензия бериш «Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида»-ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 17-моддасида назарда тутилган асослар бўйича рад этилиши мумкин.

Лицензия талабгори лицензия беришни рад этиш тўғрисидаги қарор, шунингдек ишчи гуруҳнинг мансабдор шахси хатти-ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) юзасидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда шикоят қилиш ҳуқуқига эгадир.

20. Лицензия беришни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда рад этиш тўғрисидаги билдиришнома лицензия талабгорига рад этишнинг аниқ сабаблари ва лицензия талабгори кўрсатиб ўтилган сабабларни бартараф этиб ҳужжатларни такроран кўриб чиқишга тақдим этиши учун етарли бўлган муддат кўрсатилган ҳолда тегишли қарор қабул қилингандан кейин уч кун мобайнида ёзма шаклда юборилади (топширилади).

21. Лицензия беришни рад этиш учун асос бўлган сабаблар лицензия талабгори томонидан бартараф этилган тақдирда, ҳужжатларни такроран кўриб чиқиш лицензия талабгорининг аризаси барча зарур ҳужжатлар билан биргаликда олинган кундан бошлаб ўн кундан ортиқ бўлмаган муддатда амалга оширилади.

Айни вақтда ишчи гуруҳ ҳужжатлар қайта тақдим этилгандан кейин олти кун мобайнида эксперт хулосаси тайёрлайди ва тасдиқлаш учун қарорнинг тегишли протоколи билан биргаликда лицензия талабгорига лицензия бериш ёки лицензия беришни рад этиш тўғрисидаги таклифни Комиссияга киритади. Комиссия ишчи органнинг таклифи олингандан кейин тўрт кун муддатда уни кўриб чиқади ва қабул қилинган қарор протоколини тасдиқлайди. Комиссия томонидан қабул қилинган қарор протоколи Комиссия раиси (унинг ўринбосари) томонидан имзоланади.

Лицензия талабгорларининг аризаси такроран кўриб чиқилганлиги учун йиғим ундирилмайди.

Лицензия бериш рад этилганлиги тўғрисидаги билдиришномада кўрсатилган муддат ўтгандан кейин берилган ариза янгидан берилган ариза ҳисобланади.

#### **V. Лицензияни қайта расмийлаштириш, унинг амал қилиш муддатини узайтириш, дубликат бериш**

22. Лицензиат қайта ташкил этилган, унинг номи ёки жойлашган жойи (почта манзили) ўзгарган тақдирда, лицензиат ёки унинг ҳуқуқий вориси қайта рўйхатдан ўтказилгандан кейин бир ҳафта муддатда ишчи органга кўрсатиб ўтилган маълумотларни тасдиқловчи тегишли ҳужжатлар илова қилинган ҳолда лицензияни қайта расмийлаштириш тўғрисида ариза бериши шарт.

23. Лицензиат лицензия қайта расмийлаштирилгунга қадар унда кўрсатилган фаолиятни илгари берилган лицензия асосида амалга оширади.

24. Лицензияни қайта расмийлаштиришда ишчи орган лицензиялар реестрига тегишли ўзгартиришлар киритади. Лицензияни қайта расмийлаштириш ишчи орган томонидан тегишли ҳужжатлар илова қилинган ҳолда лицензияни қайта расмийлаштириш тўғрисида ариза олинган кундан бошлаб беш кун мобайнида амалга оширилади.

Лицензияларни қайта расмийлаштиришда лицензия талабгорининг лицензия бериш тўғрисидаги аризаси кўриб чиқилганлиги учун тўланадиган сумманинг ярми миқдорида йиғим ундирилади. Йиғим суммаси ишчи органнинг ҳисоб рақамига ўтказилади.

25. Лицензиянинг амал қилиш муддатини узайтириш лицензиатнинг аризасига кўра амалга оширилади.

Лицензиянинг амал қилиш муддатини узайтириш тўғрисидаги ариза ишчи органга лицензиянинг амал қилиш муддати ўтгунга қадар икки ойдан кечикмай берилиши керак.

Лицензиянинг амал қилиш муддатини узайтириш ёки узайтиришни рад этиш тўғрисидаги қарор лицензия бериш учун назарда тутилган тартибда қабул қилинади.

26. Амал қилиш муддати ўтмаган йўқолган ёки яроқсиз ҳолга келган лицензия ўрнига лицензиатнинг аризасига кўра дубликат берилиши мумкин.

Лицензия дубликатини беришда лицензия талабгорининг лицензия бериш тўғрисидаги аризаси кўриб чиқилганлиги учун тўланадиган сумманинг ярми миқдорида йиғим ундирилади. Йиғим суммаси ишчи органнинг ҳисоб рақамига ўтказилади.

#### **VI. Лицензия талаблари ва шартларига риоя этилишини назорат қилиш**

27. Лицензия талаблари ва шартларига риоя этилиши устидан назоратни амалга оширишда ишчи орган:

лицензиат томонидан лицензия талаблари ва шартларига риоя этилишини қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда режали текширади;

лицензия талаблари ва шартлари лицензиат томонидан бузилганлигидан далолат берувчи ҳоллар мавжуд бўлган тақдирда лицензиатнинг уларга риоя этилишини қонунда белгиланган тартибда режадан ташқари текширади;

лицензия талаблари ва шартларига риоя этилишини текшириш чоғида пайдо бўладиган масалалар юзасидан лицензиатдан зарур ахборотни сўрайди ва олади;

текширишлар натижалари асосида, лицензия талаблари ва шартларининг аниқ бузилишларини кўрсатган ҳолда далолатномалар тузади;

лицензиатга аниқланган лицензия талаблари ва шартлари бузилишларни бартараф этиш мажбуриятини юкловчи қарорлар чиқаради, бундай бузилишларни бартараф этиш муддатларини белгилайди;

лицензиянинг амал қилишини тўхтатиш ёки бекор қилиш тўғрисида кўриб чиқиш учун Комиссияга таклиф киритади.

Назорат ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари лицензиат томонидан лицензия талаблари ва шартлари бузилганлиги аниқланганда ўз ваколатлари доирасида ишчи органга аниқланган лицензия талаблари ва шартлари бузилиши ва кўрилган чора-тадбирлар тўғрисида хабар қилишлари зарур.

### **VII. Лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш, тўхтатиш ва лицензияни бекор қилиш**

28. Лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш «Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 22-моддасида назарда тутилган ҳолларда ва тартибда ишчи орган томонидан амалга оширилади.

Ишчи органнинг лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш тўғрисидаги қарори юзасидан судга шикоят қилиниши мумкин. Лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш асоссиз эканлиги суд томонидан эътироф этилган тақдирда, ишчи орган лицензиат олдида лицензиат кўрган зарар миқдорида жавоб беради.

29. Лицензиянинг амал қилишини тўхтатиш «Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 23-моддасида назарда тутилган ҳолларда ва тартибда Комиссия қарорига кўра амалга оширилади.

Комиссиянинг лицензиянинг амал қилишини тўхтатиш тўғрисидаги қарори юзасидан судга шикоят қилиниши мумкин. Лицензиянинг амал қилишини тўхтатиш асоссиз эканлиги суд томонидан эътироф этилган тақдирда, Комиссия лицензиат олдида лицензиат кўрган зарар миқдорида жавоб беради.

30. Лицензияни бекор қилиш «Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 24-моддасида назарда тутилган ҳолларда ва тартибда Комиссия қарорига кўра амалга оширилади.

Комиссиянинг лицензияни бекор қилиш тўғрисидаги қарори юзасидан судга шикоят қилиниши мумкин. Лицензияни бекор қилишнинг асоссиз эканлиги суд томонидан эътироф этилган тақдирда, Комиссия лицензиат олдида лицензиат кўрган зарар миқдорида жавоб беради.

### **VIII. Лицензиялар реестри**

31. Ишчи орган белгиланган тартибда лицензиялар реестрини юритади.

32. Лицензиялар реестрида қуйидагилар кўрсатилиши керак:

а) юридик шахснинг тўлиқ ва қисқартирилган номини, давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги маълумотларни (рўйхатдан ўтказилган сана, давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисидаги гувоҳнома берилган сана ва унинг тартиб рақами), почта манзили, телефонлар ва факс рақамларини, электрон почта манзилини ўз ичига олувчи лицензиатлар тўғрисидаги асосий маълумотлар;

б) лицензиат томонидан бажариладиган ишлар кўрсатилган ҳолда фаолиятнинг лицензияланадиган тури;

в) лицензияларнинг берилган санаси ва тартиб рақами;

г) лицензияларнинг амал қилиш муддати;

д) лицензияларни қайта расмийлаштириш, уларнинг амал қилиш муддатини узайтириш, тўхтатиб туриш ва тиклашнинг асослари ва санаси;

е) лицензияларнинг амал қилишини тўхтатиш асослари ва санаси;

ж) лицензияларни бекор қилишнинг асослари ва санаси.

33. Лицензиялар реестридаги мавжуд маълумот манфаатдор юридик ва жисмоний шахсларнинг у билан танишиши учун очиқ ҳисобланади ҳамда ёзма сўров бўйича ва сўровга ҳақ тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжат тақдим этилгандан кейин уч кун муддатда аниқ лицензиатлар ҳақида лицензиялар реестридан кўчирма тарзида берилади.

34. Реестрдан бир лицензиатга нисбатан маълумот берилганлиги учун қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам ойлик иш ҳақининг ярми миқдоридagi тўлов ундирилади.

Лицензиялар реестридан маълумотлар давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларига бепул берилади.

35. Реестрдан маълумот берилганлиги учун йиғим суммаси ишчи органнинг ҳисоб рақамига ўтказилади.


#### **IX. Лицензия берилганлиги учун давлат божи тўлаш тартиби**

36. Лицензия берилганлиги учун энг кам ойлик иш ҳақининг тўрт баравари миқдоридa давлат божи ундирилади.

37. Давлат божи суммаси республика бюджетига ўтказилади.

Ягона энергетика тизимига уланадиган стационар электр станцияларида электр энергияси ишлаб чиқариш фаолиятини лицензиялаш тўғрисидаги низомга ИЛОВА

**Ягона энергетика тизимига уланадиган стационар электр станцияларида электр энергияси ишлаб чиқариш фаолиятини лицензиялаш схемаси**



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

## **198 Ўзбекистон Республикасида гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларнинг муомалада бўлиш тартибини белгилаб берувчи низомларни тасдиқлаш тўғрисида**

«Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга ошириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикасининг гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларга бўлган эҳтиёжини аниқлаш тартиби тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ;

Гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларни йўқ қилиш тартиби тўғрисидаги низом 2-иловага мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларни транзит йўловчиларни даволаш учун ташиш ва улардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низом 3-иловага мувофиқ;

Гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорлардан илмий ва ўқув мақсадларда фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низом 4-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси вазирликлари ва идоралари ўз норматив ҳужжатларини мазкур қарорга мувофиқлаштирадилар.

3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.А. Азизхўжаев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ў. СУЛТОНОВ**

Тошкент ш.,  
2003 йил 29 октябрь,  
472-сон

Вазирлар Маҳкамасининг  
2003 йил 29 октябрдаги 472-сон қарорига  
1-ИЛОВА

### **Ўзбекистон Республикасининг гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларга бўлган эҳтиёжини аниқлаш тартиби тўғрисида НИЗОМ**

1. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасида давлат назорати остида бўлиши керак бўлган гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларга бўлган эҳтиёжни аниқлаш тартибини белгилаб беради.

2. Гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларга бўлган эҳтиёжни аниқлашда қуйидаги кўрсаткичлардан фойдаланилади:

аҳолининг ҳар 1000 кишисига гиёҳвандлик воситаларига бўлган чекланган бир

---

*Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2003 й.*

йиллик умумий эҳтиёж (тиббий ва илмий мақсадлар учун гиёҳвандлик воситалари сарфининг чекланган рухсат этилган нормаларига биноан граммларда 1-иловага мувофиқ ҳисоблаб чиқилади);

даволаш-профилактика муассасалари бўйича гиёҳвандлик воситаларига бўлган эҳтиёж (2-иловага мувофиқ ҳисоблаб чиқилади);

илмий-тадқиқот ишлари бўйича гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларга бўлган эҳтиёж (3-иловага мувофиқ ҳисоблаб чиқилади).

3. Республиканинг барча даволаш-профилактика муассасалари ҳар йили тиббиёт мақсадларида фойдаланиладиган гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларга кейинги йилга бўлган эҳтиёжни ҳисоблаб чиқадилар ҳамда ўз буюртманомаларини гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларга бўлган йиғма эҳтиёжни шакллантириш учун соғлиқни сақлаш ҳудудий органлари орқали Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Дори-дармон сиёсати марказига тақдим этадилар.

4. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Дори-дармон сиёсати марказига шунингдек қўйидагилар киритилади:

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизмати, Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмитанинг, бошқа вазирликлар ва идораларнинг, корхоналар, ташкилотлар ва муассасаларнинг гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларга ҳисоблаб чиқилган эҳтиёжи;

илмий-тадқиқот институтлари, олий ўқув юртлари ва бошқа ўқув юртлари, назорат-таҳлил лабораториялари, даволаш-профилактика муассасалари лабораторияларининг илмий мақсадлари учун гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларга бўлган эҳтиёж.

5. Тиббий мақсадларда фойдаланиладиган гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларга бўлган йиғма эҳтиёж Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг бош мутахассислари томонидан аниқланади, Дори-дармон сиёсати маркази томонидан умумлаштирилади ҳамда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Дори-дармон воситалари ва тиббиёт техникаси сифатини назорат қилиш бош бошқармасининг Гиёҳвандлик моддаларини назорат қилиш қўмитасига берилади.

6. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Дори-дармон воситалари ва тиббиёт техникаси сифатини назорат қилиш бош бошқармасининг Гиёҳвандлик моддаларини назорат қилиш қўмитаси Ўзбекистон Республикаси эҳтиёжлари учун гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларга бўлган йиғма эҳтиёжни аниқлайди, ҳамда БМТнинг 1961 йилги гиёҳвандлик моддалари тўғрисидаги Ягона конвенцияси ва 1971 йилги психотроп моддалар тўғрисидаги конвенцияси талабларига мувофиқ уни БМТнинг гиёҳвандлик моддаларини назорат қилиш Халқаро Қўмитасига тасдиқлаш ва квота ажратиш учун юборди.

Гиёҳвандлик моддаларини назорат қилиш Халқаро Қўмитаси томонидан Ўзбекистон Республикаси учун гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларга бўлган квота тасдиқлангандан кейин гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар айланиши билан боғлиқ фаолиятга лицензияга эга бўлган етказиб берувчилар билан гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларни етказиб беришга шартномалар тузилади.

7. Маҳсулот ишлаб чиқариш учун прекурсорларга бўлган эҳтиёж корхона томонидан навбатдаги йил учун ишлаб чиқилган ҳамда корхонанинг юқори ташкилоти ва Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги (юқори турувчи ташкилот

мавжуд бўлмаган тақдирда) билан келишилган прогноз макроиқтисодий балансга мувофиқ сарфлашнинг белгиланган нормаларидан келиб чиқиб 4-иловага биноан аниқланади.

8. Прекурсорларни кимёвий реактивлар фойдаланилганда йиллик эҳтиёж корхона раҳбарининг техника бўйича ўринбосари (бош муҳандис) томонидан тасдиқланадиган ишлаб чиқаришни таҳлилий назорат қилиш жадвалидан келиб чиқиб аниқланади. Жадвалда бир таҳлил учун реактив сарфи нормаси, бир йилдаги таҳлиллар сони ва қандай таҳлилларда мазкур прекурсор қўлланилиши акс эттирилади (5-илова).

9. Илмий ва ўқув мақсадларида фойдаланиладиган прекурсорларга бўлган йиллик эҳтиёж бир таҳлил учун реактив сарфи нормаси, бир йилдаги таҳлиллар сони ва мазкур прекурсор қўлланиладиган таҳлилларнинг ўзига хослиги ҳисобга олинган ҳолда аниқланади.

Ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун фойдаланиладиган прекурсорларга бўлган йиллик эҳтиёж олдинги йиллардаги истемол даражаси бўйича статистик усул билан аниқланади.

10. Прекурсорлардан хом ашё ёки материаллар сифатида фойдаланилган ушбу корхона ёки ташкилот учун янги бўлган ҳамда илгари макроиқтисодий балансларда кўзда тутилмаган маҳсулотни ишлаб чиқаришда прекурсорларга бўлган эҳтиёж янги маҳсулотнинг техник шартларига ва мазкур Низомга мувофиқ аниқланади.

11. Прекурсорларга кейинги йилга бўлган эҳтиёж тўғрисидаги маълумотлар идоралар, муассасалар, корхоналар ва ташкилотлар томонидан юқори ташкилотларга юборилади, кейинчалик Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Наркотик моддаларни назорат қилиш миллий ахборот-таҳлил марказига ва Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Дори-дармон воситалари ва тиббиёт техникаси сифатини назорат қилиш бош бошқармасининг Наркотикларни назорат қилиш кўмитасига тақдим этилади.

Ўзбекистон Республикасининг гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларга бўлган эҳтиёжини аниқлаш тартиби тўғрисидаги низомга  
1-ИЛОВА

### **Тиббий ва илмий мақсадлар учун гиёҳвандлик воситалари сарфининг чекланган рухсат берилган нормалари**

(аҳолининг ҳар 1000 кишисига бир йилда граммларда)

1. Морфин гидрохлорид 0,3
2. Промедол (тримеперидин) 5,0
3. Омнопон 0,3
4. Кокаин 0,2
5. Дионин (этилморфин) 0,1
6. Эстоцин гидрохлорид 0,3
7. Кодеин 70,3
8. Опий 833,3
9. Фентанил 0,006

Изоҳ: Барча дори турларининг соф таъсир қилувчи моддасига қайта ҳисоблаш йўли билан меъёрлари белгиланган, шу билан боғлиқ ҳолда норматив бўйича ҳисоб-

лаб чиқилган эҳтиёжи билан буюртманомаларни таққослашда мазкур моддалар сақловчи барча дори турлари соф моддага нисбатан қайта ҳисобланиши керак.

Вилоятнинг гиёҳвандлик воситаларига ҳисоблаб чиқилган эҳтиёжи қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$П=Н * Ч/100, \text{ бунда,}$$

П — ушбу дори воситасининг бир йилга мўлжалланган максимал рухсат этилган миқдори,

Н — ушбу дори воситасининг бир йилга 1000 та кишига мўлжалланган истеъмол нормативи;

Ч — минтақанинг аҳоли сони.

Ўзбекистон Республикасининг гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларга бўлган эҳтиёжини аниқлаш тартиби тўғрисидаги низомга  
2-ИЛОВА

198-модда

**Даволаш-профилактика муассасалари учун гиёҳвандлик воситаларига бўлган эҳтиёж нормативлари**

Бир йилда бир ўринга	Гиёҳвандлик воситалари номи																
	Морфин гидрохлорид 1%-1,0	Оmnopон 1%-1,0	Оmnopон 2%-1,0	Промедол 1%-1,0	Промедол 2%-1,0	Куруқ морфинсимон препаратлар йнгиндиси	Фентанил 0,005 %-2,0	Промедол кукуни	Промедол таблеткаси	Эстоцин таблеткада №10	Этилморфин гидрохлорид (соф модда)	Коденин унинг тузлари	Таркибида йўталга қарши кодеин бор бўлган таблеткалар	Коккаин гидрохлорид	Бупренорфин 0,3 мг	Бупренорфин 0,6 мг	Фортрал (Пентазон)
Ўлчов бирлиги	Амп.	Амп.	Амп.	Амп.	Амп.	Амп.	Амп.	Гр.	Қал.	Қал.	Гр.	Гр.	Қал.	Гр.	Амп.	Амп.	Амп.
1. Терапевтик	3,0	0,5	2,0	0,5	5,0	11,0	0,4	0,25	1,5	0,6	0,5	0,2	5,0	-	-	-	0,5
2. Гастроэнтерологик	3,0	-	0,5	0,5	5,5	9,5	1,0	-	0,5	-	-	-	2,0	-	-	-	0,5
3. Кардиологик	1,0	0,5	1,5	0,5	5,5	9,0	1,5	-	1,0	-	2,0	-	1,0	-	-	-	0,5
4. Пульмонологик	1,0	1,0	2,0	1,0	6,0	11,0	0,5	-	-	-	0,06	0,2	4,0	-	-	-	1,0
5. Аллергологик	-	-	-	-	1,0	1,0	-	-	-	-	-	-	1,0	-	-	-	-
6. Эндокринологик	-	-	0,6	-	1,0	1,6	3,0	-	-	-	0,01	-	0,1	-	-	-	-
7. Нефрологик	3,0	-	0,5	0,5	5,5	9,5	1,0	-	0,5	-	-	-	1,5	-	-	-	0,5
8. Ревмотологик	2,5	2,0	12,0	4,0	36,0	56,5	5,0	-	0,5	-	0,3	-	1,5	-	-	-	4,0
9. Профпатологик	1,0	1,0	2,0	0,5	6,0	10,5	-	-	-	-	0,06	0,2	3,0	-	-	-	0,5
10. Жарроҳлик	6,0	1,5	8,5	7,0	58,0	81,0	6,0	0,4	1,0	0,2	0,4	0,3	6,0	0,04	3,0	3,0	7,0
11. Травмотологик	3,0	1,0	5,0	3,0	21,0	33,0	2,0	-	0,5	-	0,5	-	3,0	0,03	-	-	3,0
12. Ортопедик	-	-	0,2	1,0	4,0	5,2	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	1,0
13. Урологик	5,0	0,5	5,0	4,0	31,0	45,5	7,0	0,3	-	-	0,07	0,2	3,0	-	-	-	4,0
14. Торакал жарроҳлик	2,0	-	5,0	20,0	150,5	177,5	5,0	-	-	0,2	-	-	5,0	-	-	-	20,0
15. Куйганлик	9,5	3,0	13,0	15,0	115,0	155,5	11,0	0,6	4,0	0,2	0,3	0,5	5,0	0,5	-	-	15,0
16. Реанимацион	9,0	1,0	10,0	20,0	145,0	185,0	100,0	-	-	-	-	-	-	-	-	-	20,0
17. Инфекцион	2,0	3,0	2,0	31,0	5,0	43,0	0,2	-	1,0	-	0,3	-	7,5	-	-	-	31,0
18. Ҳомиладор ва туққан аёллар учун	4,0	0,5	1,0	6,0	4,0	15,5	1,0	-	1,0	-	0,25	-	1,0	-	-	-	6,0
19. Ҳомиладорлик потологиялари	-	-	-	-	0,5	0,5	-	-	-	-	-	-	0,1	-	-	-	-
20. Гинекологик	3,0	2,5	9,0	2,5	14,0	31,0	4,0	-	7,0	0,9	0,05	-	1,5	-	-	-	2,5
21. Невралогик	0,5	-	0,5	2,0	1,0	4,0	0,6	0,3	-	-	0,45	0,6	1,5	0,03	-	-	2,0
22. Психиатрик	0,2	-	-	-	0,2	0,4	-	-	-	-	0,15	0,4	0,1	-	-	-	-
23. Офтальмологик	0,3	0,5	0,5	0,5	4,0	5,8	1,0	0,3	-	0,2	0,7	-	1,5	0,2	-	-	0,5
24. Отоларингологик	2,0	-	6,0	0,5	3,5	12,0	0,6	0,3	-	-	1,3	-	2,5	3,0	-	-	0,5
25. Дермо-венерологик	-	-	-	-	0,1	0,1	-	-	-	-	0,1	-	4,0	-	-	-	-
26. Сил	2,0	-	1,5	1,0	2,0	6,5	-	0,1	1,2	0,2	0,35	-	4,0	0,01	-	-	1,0
27. Педиатрия	0,2	0,1	-	0,3	-	0,6	-	-	1,2	-	0,05	1,0	1,0	-	-	-	0,3
28. Онкологик	2,5	-	15,5	2,0	60,0	80,0	10,0	-	0,5	-	0,4	-	1,7	-	6,0	3,0	2,0

Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўғрисида, 2003 й.

— 70 —

20 (80)-сон

Бир йилда бир ўринга	Гиеҳвандлик воситалари номи																
	Морфин гидрохлорид 1%/1,0	Омонопон 1%/1,0	Омонопон 2%/1,0	Промедол 1%/1,0	Промедол 2%/1,0	Курук морфин фенормон препаратлар 10минг деси	Фенотанил 0,005 %/2,0	Промедол кукуни	Промедол касп	Эстацин кава 0,015 Мг/0	Этилморфин гидрохлорид (соф модда)	Кодонин, унинг тузлари	Таркибда йўғалга қарши қолени бор бўлган таблеткалар	Қаннинг глюкозиди	Бупреорфин 0,5 мг	Бупреорфин 0,6 мг	Формал (Пен-тазонин)
Амп.	Амп.	Амп.	Амп.	Амп.	Амп.	Амп.	Амп.	Амп.	Амп.	Амп.	Амп.	Амп.	Амп.	Амп.	Амп.	Амп.	Амп.
29. Наркологик	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	0,1	-	-	-	-
30. Гематологик	2,5	2,0	12,0	4,0	36,0	56,5	5,0	0,5	-	0,3	-	1,5	-	-	-	-	-
31. Радиорентгенологик	0,5	2,5	12,0	3,0	7,0	2,5,0	1,0	0,1	-	-	-	-	-	-	-	-	3,0
32. Қабул бўлими	-	-	0,1	-	0,25	0,35	-	-	-	-	-	0,45	-	-	-	-	-
33. Қўшмақ ҳузурий касалликлари, шу жумладан амбулаторияларда	10,0	1,0	6,0	2,0	7,0	24,0	20,0	0,2	0,2	0,2	0,5	6,0	0,1	-	-	-	2,0
34. Поликлиникаларда ва амбулаторияларда	2,0	0,7	0,3	-	2,0	6,0	-	0,5	-	0,2	-	2,0	0,04	-	-	-	1,0
35. Стомакологик поликлиникаларда	-	0,2	0,3	0,3/0,3	-0,5	0,35/0,85	-1,0	-	-	-	-	-	-	0,2	-	-	0,3/0,3
36. Онкологик диспансерда	140,0	-	-	55,0	80,0	275,0	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	55,0
37. Сил касаллиги диспансерда	-	-	1,0	0,5	1,0	2,5	-	-	-	-	-	3,5	-	-	-	-	0,5
38.	14,0	-	7,0	-	39,0	60,0	2,5	1,5	-	-	-	-	-	-	-	-	-

Изоҳ:

Соғлиқни сақлаш вазирлиги даволаш-профилактика мусасалари учун гиеҳвандлик воситалари истермол меъёрларни ўзгартириш Ўзбекистон Республикаси гиеҳвандлик моддаларни назорат қилиш Давлат комиссиясига тасдиқлаш учун киритади;

умумий оғрикислантириш билан операция қилинадиган битта беморга фентанил 0,005%нинг сарфланадиган меъёри — 18 ампула дойрасида

Ўзбекистон Республикасининг гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсор-ларга бўлган эҳтиёжини аниқлаш тартиби тўғрисидаги низомга  
З-ИЛОВА

198-модда

**Илмий-тадқиқот ишлари учун гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларга бўлган эҳтиёж нормативлари**

Т/р	Гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддаларнинг фармакотерапевтик гуруҳи	Номи	Ҳайвон тури ва унинг оғирлиги	Фойдаланиш мақсади(наркоз, боғлиқлик, стереотипия, тиришиш, седация, шартли рефлекслар ва бошқалар)	Битта ҳайвонга юбориш усули дозаси (в/б, қорин ичига, в/в, п/о, в/а)	Таҷриба тури
1.	Психостимуляторлар	Кокаин	Каламушлар (180-300 г.) Сичқонлар (18-22 г.)	Стереотипия Стимуляция	1-10 мг/кг п/к	Ўткир - 8-10та ҳайвон
2.	Наркотик аналгетиклар	Промедол	Сичқонлар (18-24 г)  Каламушлар (180-400 г)  Қуёнлар (2,5-3,5 кг)  Итлар (10-20 кг)	Аналгезиметрия  Аналгезиметрия  Аналгезиметрия  Премедикация учун	4-13 мг/кг, в/б п/к,  2-4 мг/кг, в/б п/к,  8 мг/кг, п/к  20-40 мг, в/в, п/к бир ҳайвон учун	Ўткир - 20 та сичқон Ўткир - 20 та каламуш  Ўткир - 12 та қуён
3.	Наркотик аналгетиклар	Фентанил	сичқонлар (18-24 г) Каламушлар (180-400 г) Қуёнлар (2,5-3,5 кг) Каламушлар (300-550 г)   Каламушлар (300-550 г)  Сичқонлар (22-26 г) Итлар (10-20 кг)	Аналгезиметрия Аналгезиметрия Аналгезиметрия Фентанил эритмасини истеъмол қилишда жисмоний қарамлик юзага келиши Фентанилга толерантликнинг ривожланиши  Фентанилга толерантликнинг ривожланиши Аналгезиметрия Нейролептанальгезия: фентанил Дроперидол	0,03-0,2 мг/кг, 0,06-0,1 мг/кг 0,02-0,1 мг/кг, Ўртача бир суткада 40 мл 0,0004% ҳар бир ҳайвонга  0,2 мг/кг, - п/к 10 кун мобайнида 0,15 мг/кг, в/б 0,5-2 мл 0,005% ли эритма 0,05-0,1 мг (1-2 мл 0,005% эритма) 2,5-5 мг (1-2 мл 0,25% эритма)	Ўткир - 20 та сичқон Ўткир - 20 та каламуш Ўткир - 12 та қуён Сурунакали (12 ой) 100 та каламуш  10 кун, 20 каламуш  5-7 кун 20 та сичқон
4.	Транквилизаторлар	Нитразепам	Сичқонлар (18-22 г)  Каламуш (180-300 г)  Қуёнлар (2,5-3,5 кг)	Боғлиқлик(толерантлик)  Ҳаракат механизми  ЭЭГ тадқиқоти	10 мг/кг, в/б  10 мг/кг, в/б  10 мг/кг, в/б	Сурункали 3 ой ҳар куни 20 та сичқон Сурункали 10 кун ҳар куни 20та каламуш Сурункали 1 ой ҳар куни 20 та қуён

Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўғрисида, 2003 й.

— 72 —

20 (80)-сон

Т/р	Гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддаларнинг фармакотерапевтик гуруҳи	Номи	Ҳайвон тури ва унинг оғирлиги	Фойдаланиш мақсади(наркоз, боғлиқлик, стереотипия, тиришиш, седация, шартли рефлекслар ва бошқалар)	Битта ҳайвонга юбориш усули дозаси (в/б, қорин ичига, в/в, п/о, в/а)	Таъриба тури
5.	Транквилизаторлар	Седуксен	Сичқонлар,каламushлар Каламушлар Куёнлар (2,5-3,5 кг)	Боғлиқлик(толерантлик) Ҳаракат механизми ЭЭГ тадқиқоти	10 мг/кг, в/б 10 мг/кг, в/б 10 мг/кг, в/б	Сурункали 3 ой ҳар куни 20та каламуш Сурункали 10 кун ҳар куни 20 та каламуш Сурункали 1 ой ҳар куни 20 та куён
6.	Транквилизаторлар	Хлордиазе- поксид	Сичқонлар,каламushлар Каламушлар Куёнлар	Боғлиқлик(толерантлик) Ҳаракат механизми ЭЭГ тадқиқоти	15 мг/кг, в/б 15 мг/кг, в/б 15 мг/кг, в/б	Сурункали 3 ой ҳар куни 20та ҳайвон Сурункали 10 кун ҳар куни 20 та каламуш Сурункали 1 ой ҳар куни 20 та куён
7.	Ухлатиш учун	Нембутал	Каламушлар (180-300 г) Куёнлар (2,5-3,5 кг)	Наркоз Наркоз	50 мг/кг 50 мг/кг	Ўткир 10 та каламуш Ўткир 3 та куён
8.	Ухлатиш учун	Гексенал	Сичқонлар (18-22 г)	Гиёҳвандлик самараси	70 мг/кг, в/б	Ўткир 10-30 та сичқон
9.		Фенобар- битал	Сичқонлар (18-22 г) Каламушлар (180-300 г)	Ҳаракат механизми Ҳаракат механизми	20 мг/кг, в/б 20 мг/кг, в/б	Сурункали 2 ой ҳар куни 30 та сичқон Сурункали 2 ой ҳар куни 10 та каламуш
10.	Психостимуляторлар	Фенамин	Сичқонлар (18-22 г) Каламушлар (180-300 г)  Каламушлар Сичқонлар	Стереотипия Гипертермия Стереотипия Гипертермия  Стимуляция Стереотипия	8 мг/кг, в/б 10 мг/кг, в/б 8 мг/кг, в/б 10 мг/кг, в/б  3-8 мг/кг, в/б	Сурункали 3 ой ҳар куни 30 та сичқон Сурункали 3 ой ҳар куни 20 та каламуш  Ўткир 10 та ҳайвон
11.	Наркотик аналгетиклар	Морфин	Сичқонлар (18-24 г) Каламушлар (180-400 г) Куёнлар (2,5-3,5 кг) Каламушлар (300-550 г)  Каламушлар (300-550 г)  Сичқонлар (26 г)	Аналгезиметрия Аналгезиметрия Аналгезиметрия  Морфинга толерантликнинг ривожланиши Морфинга толерантликнинг ривожланиши	3-18 мг/кг, в/б 6-10 мг/кг, в/б 1,5-10 мг/кг, в/б ўртача: 30 мл, суткасига бир каламушга 0,038% 20 мг/кг, п/к 10 кун мобайнида 15 мг/кг, в/б,	Ўткир, 20 та сичқон Ўткир, 20 та каламуш Ўткир, 12 та куён Сурункали 12 ой 100 та каламуш 10 кун, 20 та каламуш  5-7 кун, 20 та сичқон

Изоҳ: Соғлиқни сақлаш вазирлиги даволаш-профилактика муссасалари учун гиёҳвандлик воситалари истеъмол меъёрларни ўзгартириш Ўзбекистон Республикаси Наркотик моддаларни назорат қилиш Давлат комиссиясига тасдиқлаш учун киритади

Ўзбекистон Республикасининг гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларга бўлган эҳтиёжини аниқлаш тартиби тўғрисидаги низомга  
4-ИЛОВА

«Келишилган»  
Иқтисодиёт вазирлиги

« » йил

«Келишилган»  
Юқори ташкилот раҳбари

« » йил

«Тасдиқлайман»  
Корхона раҳбари

« » йил

\_\_\_\_\_ бўйича маҳсулот ишлаб чиқариши учун  
(корхона)

**прекурсорларга бўлган эҳтиёжи**

Ишлаб чиқарилган маҳсулот				Хом ашёнинг номи / ёрдамчи материаллар							
Т/р	Номи (ДСТ, ТШ)	Ўлчов бирлиги	200__ йилга ишлаб чиқариш ҳажми	Т/р	Номи (ДСТ, ТШ)	Ўлчов бирлиги	Сарфлаш нормаси	Ишлаб чиқаришга эҳтиёж	200__ й. 1 январга ўтиш қолдиги	200__ й. 1 январга норматив қолдиги	Қолдиқни ҳисобга олган ҳолда буюртма берилган эҳтиёж
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12

Ўзбекистон Республикасининг гиёҳвандлик  
воситалари, психотроп моддалар ва прекурсор-  
ларга бўлган эҳтиёжини аниқлаш тартиби  
тўғрисидаги низомга  
5-ИЛОВА

20 (80)-сон

«Келишилган»  
Иқтисодиёт вазирлиги

«Келишилган»  
Юқори ташкилот раҳбари

«Тасдиқлайман»  
Корхона раҳбари

« » йил

« » йил

« » йил

\_\_\_\_\_ бўйича маҳсулот ишлаб чиқариши учун  
(корхона)

**прекурсорларга бўлган эҳтиёжи**

Т/р	Реактивнинг номи (ДСТ, ТШ)	Маркаси	Қандай тадқиқотларда қўлланилади	Реактивнинг тадқиқотларга сарфланадиган нормаси	Бир йилда ўтказиладиган тадқиқотлар сони	Реактивга йиллик эҳтиёж, кг

МЗЛ мудир

— 75 —

198-модда

Вазирлар Маҳкамасининг  
2003 йил 29 октябрдаги 472-сон қарорига  
2-ИЛОВА

### **Гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларни йўқ қилиш тартиби тўғрисида НИЗОМ**

1. Мазкур Низом гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларни йўқ қилиш тартибини белгилаб беради.

2. Гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларни йўқ қилиш: уларнинг яроқлилиқ муддати тугаганда; гиёҳвандлик воситаси, психотроп модда ёки прекурсорлар, улардан фойдаланиш имконитини истисно этувчи кимёвий ёки физик таъсирга учраганда; беморлар вафотидан сўнг уларнинг қариндошларидан фойдаланилмай қолган восита ёки модда тарикасида қабул қилинганда; уларнинг гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ёки прекурсорларга мансублигини аниқлашнинг имкони бўлмаган ҳолларда амалга оширилади.

3. Гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларни йўқ қилиш юридик шахслар томонидан уларда фаолиятнинг кўрсатиб ўтилган турига лицензия мавжуд бўлган тақдирда амалга оширилади.

4. Онкологик беморлар уйида вафот этгандан кейин қолган гиёҳвандлик воситаларидан нотўғри фойдаланишнинг олдини олиш мақсадида даволаш-профилактика муассасалари раҳбарлари қариндошлар томонидан топширилган фойдаланилмаган рецептлар, гиёҳвандлик воситалари қолдиқлари ва фойдаланилган гиёҳвандлик воситаларининг бўш ампулалари ҳисоби юритилишини ташкил этишлари зарур. Даволаш-профилактика муассасаси бўйича буйруқ билан ҳисобдан чиқариш ва йўқ қилиш учун масъул бўлган шахсга ўлим тўғрисидаги маълумотномани расмийлаштириш, вафот этган онкологик беморнинг қариндошларидан фойдаланилмаган рецептлар, таркибида гиёҳвандлик воситалар бўлган дори-дармон препаратлари қолдиқларини, бўш ампулаларни қабул қилишни ташкил этиш вазифаси юкланади. Мазкур ходим амбулатория картасига ёзилган навбатдаги рецепт олинган пайтдан бошлаб препарат сарфини таққослаши зарур. Топширилган рецептлар ва препаратлар сони, уларнинг номлари ва доривор шакли (ампула, таблетка, кукун) тартиб рақами қўйилган, ип ўтказиб тикилган, муассаса раҳбари томонидан имзоланган ва думалоқ муҳр билан тасдиқланган махсус журналда рўйхатдан ўтказилади.

Журнал мазкур Низомга 1-иловага мувофиқ расмийлаштирилади.

Топширилган рецептлар ва доривор препаратлар йўқ қилингунга қадар сейфда ёки металл шкафларда сақланиши керак.

Вафот этган беморларнинг қариндошлари томонидан топширилган фойдаланилмаган гиёҳвандлик моддаларини ва улар ёзиб бериладиган рецептларни ҳисобга олиш журналида вафот этган онкологик беморларнинг қариндошлари томонидан топширилган, йўқ қилинган фойдаланилмаган гиёҳвандлик воситалари ва рецептлар, шунингдек бўш ампулалар сони тўғрисида белги қўйилади.

Уйда вафот этган онкологик беморнинг қариндошлари томонидан топширилган кукун, таблетка, ампулалардаги гиёҳвандлик воситалари ва фойдаланилмаган рецептлар жамланиши давомида масъул шахс уларни ҳисобдан чиқаришга тайёрлади ва кейинчалик 5 кун ичида йўқ қилинади. Йўқ қилиш ҳар ойнинг 30-кунидан кечикмай гиёҳвандлик воситалари даволаш-профилактика муассасасининг гиёҳвандлик воситалари ҳисобини юритиш ва сарфлашни назорат қилиш бўйича доимий

ишловчи комиссияси ва ҳудудий ички ишлар органи вакилининг иштирокида мазкур Низомга 2 ва 3-иловаларга мувофиқ бир марта ўтказилади.

Фойдаланилган гиёҳвандлик воситаларининг бўш ампулалари ҳам масъул шахс томонидан кейинчалик йўқ қилинган ҳолда ҳисобдан чиқариш учун тайёрланади. Йўқ қилиш даволаш-профилактика муассасасининг гиёҳвандлик воситалари ҳисобини юритиш ва сарфлашни назорат қилиш бўйича доимий ишловчи комиссияси томонидан мазкур Низомга 4-иловага мувофиқ далолатнома тузилган ҳолда 10 кунда бир марта ўтказилади.

5. Мазкур Низомнинг 2-бандида кўрсатилган ҳолларда гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларни йўқ қилиш учун лицензияга эга бўлган юридик шахслар гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларни йўқ қилиш учун ички ишлар, соғлиқни сақлаш ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш органлари вакилларида иборат бўлган комиссия ташкил этадилар.

Гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларни йўқ қилиш учун лицензияга эга бўлмаган, бироқ уларнинг муомалада бўлиши билан боғлиқ фаолиятни амалга оширувчи юридик шахслар гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларни йўқ қилиш ҳуқуқи учун лицензияга эга бўлган корхоналар ёки муассасалар билан шартномалар тузадилар ва қабул қилиш-топшириш далолатномасини расмийлаштирган ҳолда йўқ қилиниши керак бўлган гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларни уларга берадилар.

6. Гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларни йўқ қилиш зарурати муассаса раҳбарининг буйруғи билан тайинланган масъул шахс томонидан асосланади. Бунда гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларни ҳисобдан чиқариш ва кейинчалик йўқ қилиш тўғрисида буйруқ чиқарилади, унда қуйидагилар кўрсатилади:

гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларининг номи, уларнинг дори турлари, миқдори, дозаси, қадоқланиши ва серия рақамлари кўрсатилган ҳолда;

йўқ қилиниши керак бўлган гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларнинг нетто ва брутто оғирлиғи;

йўқ қилиш сабаблари;

йўқ қилиш учун масъул бўлган шахс;

йўқ қилиш жойи ва усули.

Гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларни йўқ қилиш ҳуқуқини берувчи лицензияга эга бўлмаган юридик шахслар гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларни йўқ қилиш учун лицензияга эга бўлган корхона ёки муассаса билан тузилган шартноманинг тартиб рақамини ва унинг тузилган санасини кўрсатадилар.

Буйруқ нусхаси келишиш учун:

Ўзбекистон Республикаси ҳудудий соғлиқни сақлаш органига;

Ўзбекистон Республикаси ҳудудий ички ишлар органига;

Ўзбекистон Республикаси ҳудудий табиатни муҳофаза қилиш органига юборилади.

7. Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларни йўқ қилиш махсус жиҳозланган майдончаларда ва (ёки) махсус тайёрланган биноларда амалга оширилади.

8. Гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларни йўқ қилиш ишларини бажарувчи ходимлар гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорлар билан ишлаш тажрибасига эга бўлишлари, йўқ қилинаётган моддаларнинг физик-кимёвий ва заҳарли хоссаларини ҳамда зарарсизлантириш ва йўқ қилишда кечадиган кимёвий реакцияларни билишлари керак.

Тиббий мақсадларда фойдаланиладиган гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларни йўқ қилиш мазкур Низомнинг 5-бандида кўрсатилган комиссия томонидан ўтказилади.

9. Тиббий мақсадларда фойдаланиладиган гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорлар куйидаги хусусиятлар ҳисобга олинган ҳолда йўқ қилинади:

суюқ дори турлари (инъекция учун ампулалар ва флаконлар, микстуралардаги эритмалар, томчилар) янчиш йўли билан, кейинчалик ампула ва флаконларнинг ичидаги 1:100 нисбатида сув билан аралаштирилган ва ҳосил бўлган эритма канализацияга оқизилган ҳолда йўқ қилинади, янчилган ампула ва флаконларнинг қолдиқлари ишлаб чиқариш чиқиндиси ёки маиший чиқинди сифатида оддий тартибда чиқариб ташланади;

гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларнинг сувда эрийдиган субстанциялари мавжуд бўлган қаттиқ дори турлари (кукунлар, таблеткалар, капсулалар) кукунсимон ҳолатга келгунга қадар майдалангандан сўнг 1:100 нисбатида сувга аралаштирилиши ва ҳосил бўлган суспензия (ёки эритма) канализацияга оқизилиши керак;

сувда эримайдиган гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларнинг субстанциялари мавжуд бўлган қаттиқ дори турлари (кукунлар, таблеткалар, капсулалар), юмшоқ дори турлари (суртма, суппозиторийлар), гиёҳвандлик воситаларининг трансдермал турлари, шу жумладан фойдаланилганлари ҳам, шунингдек фармацевтика субстанциялари ёкиш йўли билан йўқ қилинади.

Ёқирилиши керак бўлган доривор воситалар мавжуд ёнувчи суюқликка яхши ҳўлланган ҳолда қоғозга ўралади, тунука патнисга жойлаштирилади ва тутун тортидиган жавон ичида ёқилади (агар бинонинг ичида йўқ қилинса) ёки гулханда ёқилади (агар майдончада йўқ қилинса). Кул 4-классли хавфли модда сифатида чиқариб ташланади ёки оддий тартибда кўмиб ташланади.

10. Техник кўрсаткичларга кўра саноат ишлаб чиқариши тармоқларида, лаборатория тадқиқотларида ва бошқаларида қўлланилмаган прекурсорларни йўқ қилиш норматив ҳужжатларга мувофиқ амалга оширилади.

11. Гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларни йўқ қилишда комиссия томонидан далолатнома тузилади (мазкур Низомга 5-илова), унда қуйидагилар кўрсатилади:

далолатнома тузилган сана ва жой;

йўқ қилишда қатнашган шахсларнинг иш жойи, лавозими, фамилияси, исми, отасининг исми;

йўқ қилиш асослари;

йўқ қилинадиган гиёҳвандлик воситаси, психотроп модда ва прекурсорнинг номи (дори тури, дозаси, ўлчов бирлиги, серияси кўрсатилган ҳолда) ва микдори, шунингдек сақланган идиш ва ўрам тури тўғрисидаги маълумотлар;

йўқ қилиш усули.

Далолатноманинг нусхалари сони гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларни йўқ қилишда иштирок этган томонлар сони билан белгиланади.

12. Уларга нисбатан йўқ қилиш тўғрисида қарор қабул қилинган гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларни кейинчалик фойдаланиш учун бериш тақиқланади.

13. Гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорлар йўқ қилиниши учун гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларнинг муомалада бўлиши билан боғлиқ фаолиятнинг тегишли турларига лицензияга эга бўлган юридик шахсларнинг раҳбарлари жавоб беради.

Гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларни йўқ қилиш тартиби тўғрисидаги низомга  
1-ИЛОВА

20 (80)-сон

**Уйда вафот этган онкологик беморларнинг қариндошлари томонидан топширилган фойдаланилмаган гиёҳвандлик воситалари ва фойдаланилмаган рецептларни ҳисобга олиш журнали**

Т/р	Тушган санаси	Беморнинг исми, фамилияси ва отасининг исми манзили, амбулатория картаси рақами	Гиёҳвандлик препаратлар ва рецептларнинг умумий миқдори	Гиёҳвандлик воситасининг серияси ва рецептларнинг рақами	Топширилган гиёҳвандлик воситаларининг номи	Ампулалар, кукунлар, таблеткалар ва рецептлар миқдори	Топширувчининг фамилияси ва имзоси	Қабул қилувчининг фамилияси ва имзоси	Йўқ қилинганлиги тўғрисида белги
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10

— 79 —

198-модда

Гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларни йўқ қилиш тартиби тўғрисидаги низомга  
2-ИЛОВА

«ТАСДИҚЛАЙМАН»

Раҳбар \_\_\_\_\_  
Имзо

М.Ў. «\_\_\_» \_\_\_\_\_ 200\_\_ й.

**Уйда вафот этган беморларнинг қариндошлари  
томонидан топширилган гиёҳвандлик воситаларини  
йўқ қилиш тўғрисида  
Далолатнома**

Комиссия (беш кишидан кам бўлмаган) таркиби

Комиссия аъзолари \_\_\_\_\_  
(Ф.И.О, лавозими)

\_\_\_\_\_

Сана, ой, йил \_\_\_\_\_

Уйда вафот этган беморларнинг қариндошлари томонидан \_\_\_ дан \_\_\_ гача давр давомида топширилган гиёҳвандлик воситалари

Ампулаларда \_\_\_\_\_ дона  
(номи, дозаси, ўлчов бирлиги, серияси)

Кукунларда \_\_\_\_\_ дона  
(номи, дозаси, ўлчов бирлиги, серияси)

- 1.
- 2.
- 3.
- 4.

Таблеткаларда \_\_\_\_\_ дона  
(номи, дозаси, ўлчов бирлиги, серияси)

- 1.
- 2.
- 3.
- 4.

Бошқа дори турлари \_\_\_\_\_  
(номи, дори шакли, дозаси, ўлчов бирлиги, серияси, миқдори)

Йўқ қилинди.

Йўқ қилиш усули \_\_\_\_\_

Комиссия аъзоларининг имзоси:

Гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларни йўқ қилиш тартиби тўғрисидаги низомга  
З-ИЛОВА

«ТАСДИҚЛАЙМАН»

Раҳбар \_\_\_\_\_

Имзо

М.Ў. «\_\_\_» \_\_\_\_\_ 200\_\_ й.

**Фойдаланилмаган гиёҳвандлик воситалари рецептларини  
йўқ қилиш тўғрисида  
Далолатнома**

Комиссия (уч кишидан кам бўлмаган) таркиби

Комиссия аъзолари \_\_\_\_\_

(Ф.И.О., лавозими)

\_\_\_\_\_  
\_\_\_\_\_  
\_\_\_\_\_  
\_\_\_\_\_

Далолатнома тузилган жой \_\_\_\_\_

Йўқ қилиш учун асос \_\_\_\_\_

Сана, ой, йил \_\_\_\_\_

\_\_\_\_\_ дан \_\_\_\_\_ гача давр учун ёзиб берилган рецептлар \_\_\_\_\_ (миқдори)

(рецепт рақами, касаллик варақасининг шифри ва рақами)

бемордаги \_\_\_\_\_ дона (ёзув билан) фойдаланилмаган гиёҳвандлик воситалари рецептлари йўқ қилинди.

Рецептлар ёқиш йўли билан йўқ қилинди

Комиссия аъзоларининг имзоси:

Далолатнома уч йил мобайнида сақланади.

Гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларни йўқ қилиш тартиби тўғрисидаги низомга  
4-ИЛОВА

«ТАСДИҚЛАЙМАН»

Раҳбар \_\_\_\_\_

Имзо

М.Ў. «\_\_\_» \_\_\_\_\_ 200\_\_ й.

**Соғлиқни сақлаш муассасаларида фойдаланилган  
гиёҳвандлик воситаларининг ампулаларини  
йўқ қилиш тўғрисида  
Далолатнома**

Комиссия (уч кишидан кам бўлмаган) таркиби

Комиссия аъзолари \_\_\_\_\_

(Ф.И.О., лавозими)

\_\_\_\_\_  
\_\_\_\_\_  
\_\_\_\_\_  
\_\_\_\_\_

Далолатнома тузилган жой \_\_\_\_\_

Йўқ қилиш учун асос \_\_\_\_\_

Сана, ой, йил \_\_\_\_\_

\_\_\_\_\_ дан \_\_\_\_\_ гача давр учун қўлланилган гиёҳвандлик воситаси  
\_\_\_\_\_ (миқдори) бемордаги

(рецепт рақами, касаллик варақасининг шифри ва рақами)

\_\_\_\_\_ дона миқдоридаги  
(ёзув билан) гиёҳвандлик воситаларининг фойдаланилган ампулалари йўқ қилинди.

Ампулалар синдириш йўли билан йўқ қилинди

Комиссия аъзоларининг имзоси:

Далолатнома уч йил мобайнида сақланади.

Гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларни йўқ қилиш тартиби тўғрисидаги низомга  
5-ИЛОВА

«ТАСДИҚЛАЙМАН»

Раҳбар \_\_\_\_\_  
Имзо

М.Ў. «\_\_\_» \_\_\_\_\_ 200\_\_ й.

**Гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларни йўқ қилиш тўғрисида Далолатнома**

Комиссия (уч кишидан кам бўлмаган) таркиби

Комиссия аъзолари \_\_\_\_\_  
(Ф.И.О., лавозими, иш жойи)

\_\_\_\_\_  
\_\_\_\_\_  
\_\_\_\_\_  
\_\_\_\_\_

Далолатнома тузилган жой \_\_\_\_\_  
Сана, ой, йил \_\_\_\_\_

\_\_\_\_\_ номи  
(гиёҳвандлик воситаси, психотроп модда, прекурсор, дори тури, дозаси, ўлчов бирлиги, серияси)

\_\_\_\_\_ миқдорида  
(ёзув билан)

\_\_\_\_\_ қарори асосида

Йўқ қилиш усули:

\_\_\_\_\_  
\_\_\_\_\_  
\_\_\_\_\_

Комиссия аъзоларининг имзоси:

Вазирлар Маҳкамасининг  
2003 йил 29 октябрдаги 472-сон қарорига  
З-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси ҳудудида гиёҳвандлик воситалари ва  
психотроп моддаларни транзит йўловчиларни даволаш учун  
ташиш ва улардан фойдаланиш тартиби тўғрисида  
НИЗОМ**

1. Мазкур Низом транзит йўловчиларни даволаш учун Ўзбекистон Республикаси ҳудудида гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларни ташиш ҳамда фойдаланиш тартибини белгилайди.

2. Ўзбекистон Республикаси ҳудуди орқали транзит (трансфер) ўтувчи беморлар даволаниш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларни Ўзбекистон Республикаси ҳудуди орқали олиб кириш, олиб чиқиш ва транзит тарзида ўтказиш тўғрисида» 2000 йил 31 июлдаги 293-сон қарори билан тасдиқланган, II Рўйхат ва III Рўйхатга киритилган, Ўзбекистон Республикасида Давлат назоратида бўлган қўйидаги гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларни ўзлари билан олиб ўтишлари мумкин:

етти кун қабул қилишга мўлжалланган дозадан ортиқ бўлмаган миқдорларда гиёҳвандлик воситалари;

15 кун қабул қилишга мўлжалланган дозадан ортиқ бўлмаган миқдорларда психотроп моддалар.

3. Мазкур Низомнинг 2-бандида кўрсатилган беморлар Давлат чегарасидан ўтиш чоғида кириш пунктида ўзларида мавжуд гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар тўғрисида декларация тўлдиришлари ҳамда:

бемор яшаган мамлакатнинг тиббиёт муассасалари томонидан гиёҳвандлик воситаси ёки психотроп модданинг номи, унинг дори тури, врач томонидан тайинланган гиёҳвандлик воситаси ёки психотроп моддасини қабул қилиш ва давомийлик муддати кўрсатилган ҳужжати(даволовчи врач хулосаси)ни;

гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар сотиб олинганлигининг қонунийлигини тасдиқловчи ҳужжатини (рецепт нусхаси);

гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларни божхона органларига кўрсатишлари шарт.

Ўзбекистон Республикаси божхона органлари юқорида кўрсатилган ҳужжатларнинг мавжудлигини ҳамда беморда бўлган гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларнинг номига ва миқдорига мувофиқлигини белгиланган тартибда назорат қилади.

4. Йўловчиларда тиббий ҳужжатларда кўрсатилган ҳамда божхона органига маълум қилинган гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларнинг миқдори ортиқ бўлган тақдирда, ортиқча гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар олиб қўйилади ва белгиланган тартибда йўқ қилинади. Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар тўғрисида декларация тўлдирмаган ёки яширин ҳолда ташиган тақдирда қонунбузарларга нисбатан Ўзбекистон Республикаси божхона қонунчилигига мувофиқ санкциялар қўлланилади.

5. Агар бемор Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ушланиб қолган ва даволашни давом эттириш учун гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни қўшимча сотиб олиш лозим бўлса, унда улар Ўзбекистон Республикасида берилган рецепт асосида берилади.

6. Рецептлар врач кўригидан ўтиб гиёхвандлик воситалари ёки психотроп моддалар зарурияти сабаб бўлган касаллик ташхиси тасдиқлангандан кейингина берилади.

Транзит тарзида ўтувчи шахс рўйхатдан ўтган жойдаги ҳудудий тиббий муассасаларнинг врач-мутахассислари томонидан ёхуд транзит тарзида ўтувчи йўловчилар касаллиги бўйича ихтисослаштирилган тиббий муассасалар врачлари томонидан тиббий кўрикдан ўтказилади.

7. Рецептлар қабул қилинган қоидаларга мувофиқ белгиланган намунадаги бланкаларга ёзиб берилади.

8. Ёзиб берилган гиёхвандлик воситалари ва психотроп моддалар бевосита транзит тарзида ўтувчи беморлар томонидан ўз маблағи ҳисобига Ўзбекистон Республикасининг тегишли дорихона муассасаларидан сотиб олинади.

9. Давлат чегарасида чиқиш пунктдан ўтиш вақтида беморлар:

Ўзбекистон Республикасига гиёхвандлик воситалари ва психотроп моддаларни олиб кириш ёки унинг ҳудудига сотиб олиш қонунийлигини тасдиқловчи ҳужжатларни (врач хулосаси ва рецепт нусхаси);

божхона декларациясида кўрсатилган гиёхвандлик воситалари ёки психотроп моддаларнинг қолдиғини божхона органларига кўрсатадилар.

Вазирлар Маҳкамасининг  
2003 йил 29 октябрдаги 472-сон қарорига  
4-ИЛОВА

**Гиёхвандлик воситалари, психотроп моддалар ва  
прекурсорлардан илмий ва ўқув мақсадларида фойдаланиш  
тартиби тўғрисида  
НИЗОМ**

1. Мазкур Низом илмий ва ўқув мақсадларида гиёхвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорлардан фойдаланиш тартибини белгилаб беради.

2. Илмий текшириш институтлари, лабораториялар, ўқув юртлари Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан берилган тегишли фаолият турига лицензияси мавжуд бўлган ҳолда гиёхвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорлардан илмий ва ўқув мақсадларда фойдаланадилар.

3. Илмий-текшириш институтлари, лабораториялар, ўқув юртлари гиёхвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларни илмий-тадқиқот ишларининг тасдиқланган тематик режасига мувофиқ миқдорларда, ўқув юртлари эса — ўқув дастурларида кўзда тутилган амалий — лаборатория машғулотлари учун ҳамда илмий-тадқиқот ишларнинг тасдиқланган тематикасини бажариш учун зарур бўлган миқдорларда сотиб оладилар.

4. Илмий-текшириш институтларида, лабораторияларда, ўқув юртларида гиёхвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорлардан мазкур Низомда келтирилган талабларга риоя қилган ҳолда фойдаланадилар.

5. Илмий-тадқиқот муассасаларида, лабораторияларда, ўқув юртларида гиёхвандлик воситалари алоҳида жиҳозланган хоналарда, сейфларда, психотроп моддалар эса — металл шкафларда сақланади. Хона алоҳида сигнализация билан жиҳозланган бўлиб, бинонинг ташқи томонига қаттиқ овозли (сиренали) қўнғироқ ўрнатилган ва яқиндаги қўриқчи (қоровул) постига уланган бўлиши керак.

6. Гиёхвандлик воситалари ва психотроп моддалар сақланадиган хоналар дера-

заларида диаметри 15 мм дан кам бўлмаган темир симли панжара бўлиши керак. Темир панжара симлари кесишган жойда ҳар бир 150x150 мм дан катта бўлмаган катаклар ҳосил қилиб пайвандланади. Панжара симларининг учи девордаги 80 мм дан кам бўлмаган чуқурликка ўрнатилади ва бетон билан қотирилади. Хонанинг эшиги соз бўлиши, эшик қутисига яхши мослаштирилган, йўғон, қалинлиги 40 миллиметр-дан кам бўлмаган, эшикнинг ички юзасига темир тунуканинг четлари қайтарилган ҳолда икки томонлама темир тунука билан қопланган ҳолда ёки бутун металлдан ясалган бўлиши керак. Эшикда қулфлар сони 2 тадан кам бўлмаслиги, шундан биттаси ўйма қулф бўлиши керак.

7. Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар сақланадиган хоналар, сейфлар иш қуни тугагандан кейин қулфланиши, муҳрланиши ёки пломбаланиши керак. Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар сақланадиган хоналар ва сейфларнинг калитлари, шунингдек муҳр ёки пломбир муассаса бўйича буйруқ билан ушбу воситаларни сақлаш учун ваколатланган моддий жавобгар шахсда бўлиши керак.

8. Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар ва уларнинг ҳужжатлари сақланиши ҳамда ишларини тўғри ташкил этиш учун жавобгарлик муассаса раҳбарига ёки унинг ўринбосарига юклатилади.

9. Ўқув юртларида талабалар билан амалий машғулотлар ўтказишга берилган гиёҳвандлик воситаларидан тўғри фойдаланиш учун талабалар билан амалий машғулотлар ўтказишга масъул бўлган ўқитувчи жавоб беради.

10. Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар келиб тушганда муассаса раҳбари ёки унинг ўринбосари олинган гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларнинг илова қилинган ҳужжатларга мослигини шахсан текшириши ва ҳудудий ички ишлар органига ахборот беришлари шарт.

11. Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар захиралари сақланадиган хонага киришга бевосита улар билан ишлайдиган муассасанинг буйруғи билан расмийлаштирилган шахсларга рухсат берилади.

12. Жорий ишлар учун гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар фақат муассаса раҳбари ёки унинг ўринбосарининг ёзма фармойишига биноан лаборатория (бўлинма, бўлим, кабинет, кафедра) мудирини имзолаган талабнома бўйича унда ушбу гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларни олаётган шахснинг фамилияси ва лавозими кўрсатилган ҳолда берилади.

13. Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларни беришдан олдин унинг сақланиши учун жавобгар шахс, бериш учун асосларни ҳамда илова қилинаётган ҳужжатларнинг тўғри расмийлаштирилганлигини шахсан текшириши ва ундан кейин талабнома нусхасига имзо қўйиши шарт.

14. Илмий ва ўқув мақсадларда фойдаланиладиган гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар ашёвий миқдор бўйича ҳисобда туради. Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларнинг ҳисоби рақамланган, ип ўтказиб тикилган ва юқори ташкилот раҳбарининг муҳри ва имзоси билан тасдиқланган илова қилинаётган шаклдаги (1-илова) алоҳида китобда юритилади.

15. Ҳар бир ойнинг биринчи санасида илмий-тадқиқот муассасаларида, лабораториялар ва ўқув юртларида улар ихтиёрида бўлган гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар инвентаризациядан ўтказилади ва баланс тузилади. Меъёридан ортиқча сарфланганлиги тўғрисида балансда тафовут аниқланган ёки ўтказилган инвентаризация натижалари билан баланс маълумотлари мос келмаган тақдирда, масъул шахс бу тўғрида уларни аниқлагандан кейин уч кун муддатда ички ишлар бўлимига хабар беради. Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар ўғирлан-

ган тақдирда, масъул шахс зудлик билан ҳудудий ички ишлар бошқармаси органларига ва ўзининг юқори ташкилотига хабар бериши шарт.

16. Текширишлар тамом бўлгандан кейин гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар намуналари қолдиқлари мавжуд бўлган тақдирда, уларни муассасада сақлаш учун маъсул бўлган шахсга берилади ва улар бошқа лаборатория тадқиқотларини ўтказиш учун фойдаланиши мумкин. Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар намуналари қолдиқларининг яроқлилики муддати тугагандан кейин белгиланган тартибда йўқ қилиниши керак.

17. Илмий-текшириш институтлари, лабораториялари, ўқув юртлари томонидан илмий ва ўқув мақсадларда қўлланиладиган прекурсорлар, уларнинг сақланишини таъминловчи ёнғин муҳофазаси сигнализацияси билан жиҳозланган хоналарда сақланиши керак.

18. Лабораторияларда прекурсорларни сақлаш, ҳисобга олиш ва оқилона фойдаланиш учун масъул лаборатория (бўлинма, бўлим, кабинет, кафедра) мудирини ҳисобланади. Омборларда прекурсорларни сақланиши учун моддий жавобгар шахс (омбор мудирини) масъул ҳисобланади.

19. Илмий-текшириш институтлари, лабораториялар, олий ўқув юртлари омборларида илмий, таҳлилий ва диагностик мақсадларда қўлланиладиган прекурсорлар, рақамланган, ип ўтказиб тикилган, ташкилот раҳбарининг муҳри ва имзоси билан тасдиқланган (2-илова) махсус китобда ашёвий — миқдор сифатида ҳисобда туриши керак.

20. Ҳар ойнинг биринчи санасида белгиланган тартибда прекурсорлар хатловдан ўтказилади ва баланс тузилади. Балансда сарф қилиш нормасидан тафовут аниқланганда ёки ўтказилган инвентаризация натижалари баланс маълумотларига мос бўлмаган тақдирда, муассаса раҳбари уни аниқлагандан кейин уч кун муддат ичида бу тўғрида юқори ташкилотига ва ички ишлар органларига хабар беради.

21. Тайёр дори воситалари ҳисобланган прекурсорлар, металл шкафларда сақланиши керак.

22. Тез алангаланувчи прекурсорлар тикин тикилган, чидамли шиша ёки металл идишда сақланади.

23. Прекурсорли катта бутиллар, баллонлар ва бошқа йирик идишлар баландлиги бир қаторда бўлган стеллаж токчаларда сақланиши керак, уларнинг баландлиги ҳар хил бўлган қаторда сақланиши тақиқланади. Иситувчи приборлар олдида бу моддаларни сақлашга рухсат берилмайди. Стеллаждан ёки штабелдан иситувчи элементгача бўлган масофа 1 метрдан кам бўлмаслиги керак.

24. Лабораторияларда тез алангаланувчи ва ёнувчи суюқликлар ичи асбест ёки шиша тола билан қопланган металл қутиларда сақланиши лозим ва унинг ички томонига лаборатория мудирини имзолаган сақланаётган моддалар рўйхати ёпиштирилган бўлиши керак, идишлар учдан икки қисмидан кўп бўлмаган ҳажмда тўлдирилиши керак. Қути қопқоғининг ташқи томонида «Тез алангаланувчи ва ёнувчи суюқликлар» ёзуви бўлиши керак, қути қулф билан ёпилиши керак.

25. Тез алангаланувчи ва ёнувчи прекурсорларни минерал кислоталар (айниқса сульфат ва азот кислоталар), сиқилган ва суюлтирилган газлар, ёнувчан моддалар (ўсимлик ёғи, олтингугурт, боғловчи материаллар), шунингдек органик моддалар ҳамда хавфли портловчи аралашмалар ҳосил қилувчи (калий хлорат, калий перманганат, калий хромат ва бошқалар) ноорганик тузлар билан биргаликда сақланишига рухсат берилмайди.

26. Прекурсорлар билан муомалада (қадоқлаш, ташиш, тушириш ва бошқалар) бўлганда эҳтиёткорликка риоя этилиши, шунингдек доимий равишда идишнинг хола-

ти, унинг герметик зич ёпилганлиги ва бутунлиги кузатиб борилиши зарур. Идишнинг нуқсони ва яроқсизлиги аниқланган тақдирда зудлик билан уни тузатиш чоралари кўрилиши ёки ундаги моддани бошқа бутун идишга жойлаштирилиши керак.

27. Бочканинг қопқоғини зарба вақтида учкун бермайдиган юмшоқ металл инструмент билан бўшатиш ва бураб маҳкамлашга рухсат берилади.

Бочкалар сақлаш хоналарига юмалатиб ташилганда ва уларни юклашда бочканинг урилиши ва учкун пайдо бўлишига йўл қўймаслик учун эҳтиёткорликка риоя қилиш зарур. Тўкилган суюқлик зудлик билан йўқотилиши керак.

28. Айрим тез алангаланувчи ва ёнувчи прекурсорлар (этил эфири ва бошқалар) сақланиш вақтида суюқликнинг алангаланишига олиб келиши мумкин бўлган статик электр, учкун ҳосил қилиш хусусиятларига эгадир. Шунинг учун бундай суюқликларни омборда қадоқлаш, ёнғиндан ҳимояланиш воситалари билан жиҳозланган ва вентиляцияси бўлган алоҳида хоналарда амалга оширилиши керак. Уларни металл идишларга қуйишда ва қадоқлашда ерга уланган сим бўлиши керак.

29. Хавода бу моддаларнинг буғлари ҳосил бўлишига йўл қўймаслик учун прекурсор сақланадиган идишлар (штангласлар, тунука барабанлар, шиша идишлар ва шу кабилар) маҳкам ёпилиши керак.

30. Этил эфири қоронғи салқин жойда (оловдан ва иситиш приборларидан узоқда) корхона томонидан чиқарилган идишда сақланади. Этил эфири билан ишлаш вақтида силкитиш, зарба бериш, ишқаланиш ва шу кабиларга рухсат этилмайди.

31. Калий перманганат чанг, олтингургурт, органик ёғлар, эфир, спирт, глицерин, органик кислоталар ва бошқа органик моддалар билан ўзаро таъсири вақтида тез портлайди. Уни махсус бўлмада тунука барабанларда, дорихоналарда эса — қопқоқлари маҳкам ёпиладиган штангласларда юқорида кўрсатилган воситалардан алоҳида сақлаш керак. Тез алангаланувчи ва ёнувчи моддалар билан биргаликда сақлашга рухсат этилмайди. Калий перманганатли тунука барабанлар ва штангласлар ўз вақтида эҳтиёткорлик билан ишқаланишга йўл қўймасдан чангдан тозаланади.

32. Сульфат кислотасини сақлашда ёғоч-тахта, похол ва бошқа келиб чиқиши органик моддалар билан уларнинг яқин турмаслиги чора-тадбирлари кўрилиши керак.

33. Лаборатория хоналарининг ёнғин хавфсизлигини баҳолаш унда сақланаётган ва фойдаланаётган кимёвий моддаларнинг портловчи ва ёнғиндан хавfli хусусиятларига асосланилади. Ёнғиндан хавfli ҳисобланган хоналар ўт ўчиргич билан таъминланиши керак. Ўт ўчиргич лабораториянинг ҳар бир хонасида бўлиши керак. Бундан ташқари, ҳар бир лабораторияда прекурсорларни ўчиришда фойдаланиладиган қуруқ қумли қути бўлиши керак.

34. Прекурсорлар билан ишлашга рухсати бўлган ходим техника хавфсизлиги бўйича йўриқнома билан танишган бўлиши керак.

Илмий ва ўқув мақсадларда  
гиёҳванлик воситалари, психотроп  
моддалар ва прекурсорлардан фойдаланиш  
тартиби тўғрисидаги низомга  
1-ИЛОВА

**Илмий-текшириш институтларида, лабораторияларда ва ўқув юртларида  
гиёҳванлик воситалари ва психотроп моддаларни ҳисобга олиш китоби**

КИРИМ				ЧИҚИМ				Имзо		Қолдиқ
Олинган сана	Олинган жойи ва ҳужжатнинг рақами	Миқдори	Моддий жавобгар шахснинг Ф.И.О. ва имзоси	Берилган сана	Кимга берилган Ф.И.О.	Сарф қилинган (мақсади)	Сарф қилинган миқдори	Бердим	Олдим	
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11

Илмий ва ўқув мақсадларда  
гиёҳванлик воситалари, психотроп  
моддалар ва прекурсорлардан фойдаланиш  
тартиби тўғрисидаги низомга  
2-ИЛОВА

198-модда

### Илмий-текшириш институтларида, лабораторияларда ва ўқув юргларида прекурсорларни ҳисобга олиш китоби

\_\_\_\_\_ (ташкilotнинг номи)

Прекурсорнинг номи \_\_\_\_\_  
Ўлчов бирлиги \_\_\_\_\_

Ой	Ой бошига қолдиқ	КИРИМ			Кирим бўйича ойда қолдиқ билан жами	ЧИҚИМ			Ойда жами чиқим	Қолдиқ	Моддий-жавобгар шахснинг имзоси
		Кимдан олинган	Ҳужжатнинг рақами ва санаси	Миқдори		Кимга берилган (Ф.И.О.)	Ҳужжатнинг рақами ва санаси	Миқдори			
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12

— 90 —

20 (80)-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

## **199** Умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълимига изчил ўтишни таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида

Вазирлар Маҳкамаси янги ўрта махсус, касб-ҳунар таълим муассасаларини ишга тушириш бўйича йўл қўйилган қоқоқлик ва ўрта умумтаълим мактабларида ўқувчилар ўрни етарлича мувозанатли қисқартирилмаганлиги муносабати билан айрим туманларда 9-синфларнинг битирувчилари ўқишни касб-ҳунар коллежларида ёки умумтаълим мактабларининг 10-синфларида давом эттириш имкониятига эга эмаслиги ҳоллари мавжудлигини қайд этади.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини изчил, босқичма-босқич амалга ошириш, 9-синфларнинг битирувчилари умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими билан тўлиқроқ қамраб олинишини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

### 1. Қўйидагилар:

9-синфларни битирувчиларни кейинчалик академик лицейлар, касб-ҳунар коллежлари ва умумтаълим мактабларининг 10-синфларида ўқитиш билан қамраб олишнинг истиқболли кўрсаткичлари 1-иловага\* мувофиқ;

9-синфларни битирувчилар умумий ўрта таълим муассасаларининг 10-11-синфларида ўқишни давом эттиришларини ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низом 2-иловага мувофиқ;

2004—2009 йилларда Ўзбекистон Республикаси бўйича академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларини ишга туширишнинг аниқ йўналтирилган дастури 3\* ва 4-иловага\* мувофиқ тасдиқлансин.

### 2. Қўйидагилар:

1, 3 ва 4-иловаларга мувофиқ 9-синфларнинг битирувчиларини қамраб олишнинг ва янги ўрта махсус, касб-ҳунар таълим муассасаларини ишга туширишнинг белгиланган истиқболли кўрсаткичлари вилоятлар, шаҳарлар ва туманлар бўйича пухта ишлаб чиқилганлиги, ўзаро аниқ мувозанатлаштирилганлиги ҳамда 2009 йилга бориб 9-синфларни битирувчилар касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейларда ўқиш билан тўлиқ қамраб олиниши;

Вазирлар Маҳкамасининг Ижтимоий комплекси, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан 10-11-синфларда ўқишни вақтинча давом эттиришни таъминлайдиган зарур моддий ва ўқув базага, малакали ўқитувчиларга эга бўлган туманлар ва шаҳарлар бўйича мактабларнинг аниқ сони аниқланганлиги;

умумтаълим мактабларининг 10-синфлари учун ўқув режалари ва ўқитиш дастурлари академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларининг умумтаълим фанлари бўйича давлат таълим стандартлари талабларига мувофиқ қайта ишлаб чиқилганлиги ва тасдиқланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

3. Мазкур қарор билан белгиланган 9-синфларни битирувчиларни қамраб олиш параметрлари сўзсиз бажарилиши, 10-синфларга ва ўрта махсус, касб-ҳунар ўқув юртларига қабул қилишни таъминлаш, шунингдек академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларини ўз вақтида ишга тушириш учун шахсий жавобгарлик Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларига қабул қилиш бўйича Давлат комиссиясига, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисига, вилоятлар, шаҳарлар

\* 1, 3, 4-иловалар берилмайди.

ва туманлар ҳокимларига, халқ таълими ҳудудий бошқармалари бошлиқларига юклансин.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ва Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази билан биргаликда:

9-синфлар битирувчиларини қамраб олишнинг мазкур қарор билан тасдиқланган истиқболли кўрсаткичлари сўзсиз бажарилишини таъминласинлар;

умумтаълим мактабларининг вақтинча фаолият кўрсатаётган 10-11-синфлари фаолияти устидан назорат қилсинлар.

9-синфнинг битирувчиси бирор шаҳар ёки туманда ўқишни бундан кейин давом эттира олмаслигининг ҳар бир ҳолати маҳаллий ҳокимият органлари томонидан дарҳол қарор қабул қилинишини талаб этувчи ташвишли ҳол сифатида қаралсин.

Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларига қабул қилиш бўйича Давлат комиссияси 9-синфларни битирувчилар кейинчалик умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-хунар таълим муассасаларида ўқиш билан тўлиқ қамраб олиниши устидан қаттиқ назорат ўрнатсин ҳамда ҳар йили 1 октябрга, янги ўқув йили бошланиши якунлари бўйича, ишларнинг жойлардаги ҳолати тўғрисидаги маълумотларни умумлаштирсин ва Вазирлар Маҳкамасига ахборот берсин. Мазкур талабнинг бажарилиши учун шахсий жавобгарлик Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.А. Азизхўжаев зиммасига юклансин.

4. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази билан биргаликда:

2003/2004 ўқув йили охиригача 11-синфлар учун янги ўқув режалари ва дастурлар ишлаб чиқирилишини тугалласин ҳамда уларни ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари учун тасдиқланган умумтаълим фанлари бўйича давлат таълим стандартлари талабларига мувофиқлаштирсин;

10-11-синфларда ўқитишнинг янги ўқув режалари ва дастурларига мувофиқ бўлган 11-синфлар ўқувчилари учун дарсликлар яратилиши ва нашр этилишини 2004 йил 1 августгача тугалласин.

5. Белгилансинки, умумтаълим мактабларининг 11-синфини битирувчилар олий ўқув юртларига ўқишга киришда академик лицейлар ва касб-хунар коллежларининг битирувчилари билан тенг ҳуқуқларга эгадир.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Давлат тест маркази билан биргаликда умумтаълим мактабларининг 11-синфларини, академик лицейлар ва касб-хунар коллежларини битирувчиларга нисбатан уларнинг тайёрланиши ва ўқиш учун республиканинг олий таълим муассасаларига қабул қилиниши масаласида ягона ёндашувга риоя этилишини таъминласин.

6. Давлат тест маркази Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ва Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази билан биргаликда:

ҳар йили 11-синфлар, академик лицейлар ва касб-хунар коллежлари битирувчиларининг умумтаълим фанлари бўйича таълим тайёргарлиги даражаси ва сифати мониторингини ўтказсин;

амалдаги давлат таълим стандартларини такомиллаштириш ва республикада мажбурий таълим сифатини оширишни танқидий ўрганиб чиқсин ва белгиланган тартибда чора-тадбирлар кўрсин.

7. Белгилаб қўйилсинки, мазкур қарорга 3 ва 4-иловаларда белгиланган академик лицейлар ва касб-хунар коллежлари қурилишига инвестицияларнинг йиллик ҳажми кўрсатиб ўтилган ўрта махсус, касб-хунар таълим муассасаларини ишга ту-

шириш бўйича белгиланган топшириқ сўзсиз бажарилиши назарда тутилган ҳолда республиканинг йиллик инвестиция дастурларини тузишда аниқлаштирилади.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ҳамда вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари:

йиллик инвестиция дастурини ҳамда академик лицейлар ва касб-хунар коллежлари қурилишининг аниқ йўналтирилган рўйхатларини тузишда кўрсатиб ўтилган ўқув юртларини биринчи навбатда қишлоқ аҳоли яшаш жойларида қуришни назарда тутсинлар;

зарурат бўлганда академик лицейлар ва касб-хунар коллежлари қурилишининг аниқ йўналтирилган дастурига уларнинг ўқувчилар билан тўлдирилишини ҳамда умумий ўрта таълимнинг 9-синфлари битирувчилари ўрта махсус, касб-хунар таълими тизими бўйича уч йиллик ўқиш билан камраб олинишини ҳисобга олган ҳолда ўзгартиришлар киритсинлар.

8. Вазирлар Маҳкамасининг «Академик лицейлар ва касб-хунар коллежларининг моддий-техника базасини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2001 йил 14 августдаги 338-сон қарорининг 1, 3 ва 4-бандлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

9. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари А.А. Азизхўжаев ва Р.С. Азимов зиммасига юклансин.

**Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,  
2003 йил 29 октябрь,  
473-сон

Вазирлар Маҳкамасининг  
2003 йил 29 октябрдаги 473-сон қарорига  
2-ИЛОВА

**9-синфларни битирувчилар умумий ўрта таълим муассасаларининг 10-11-синфларида ўқишни давом эттиришларини ташкил этиш тартиби тўғрисида  
НИЗОМ**

**I. Умумий қоидалар**

1. «Таълим тўғрисида» ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунларига мувофиқ 9 йиллик умумий ўрта ва 3 йиллик ўрта махсус, касб-хунар таълими узлуксиз таълимнинг мажбурий турлари ҳисобланади.

2. 9-синфларни битирувчиларни академик лицейлар ва касб-хунар коллежларида ўқувчилар ўрни билан таъминлаш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 29 октябрдаги 473-сон қарори билан тасдиқланган 2004—2009 йилларда Ўзбекистон Республикасида академик лицейлар ва касб-хунар коллежларини ишга туширишнинг аниқ йўналтирилган дастурига мувофиқ улар фойдаланишга топширилишига кўра изчил амалга оширилади.

3. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази ва Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ўрта умумий таълим муассасаларининг 9-синфлари битирувчиларини академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларида ўқитиш билан қамраб олишнинг тасдиқланган истиқболли кўрсаткичлари бажарилишини, шунингдек уларнинг кейинчалик умумтаълим мактабларининг 10-11-синфларида ўқишни вақтинча давом эттиришларини ташкил этишни таъминлайди.

4. Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларида ўқувчилар ўрни билан вақтинча таъминланмаган 9-синфларнинг битирувчиларини умумтаълим мактабларининг 10-11-синфларида ўқитиш мазкур Низомга қатъий мувофиқ ҳолда амалга оширилади.

5. Мажбурий ўқишни давом эттиришда 9-синфларнинг битирувчиларига тўсқинлик қилаётган мактаблар ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларининг мансабдор шахслари, шунингдек ўқувчиларнинг ота-оналари ёки уларнинг қонуний вакиллари Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ жавоб берадилар.

6. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида доимий яшовчи чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни республика мажбурий таълим тизими муассасаларида ўқитиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва Ўзбекистон Республикасининг халқаро битимлари асосида амалга оширилади.

## **II. 10-11-синфларда ўқишни вақтинча давом эттиришни ташкил этиш учун умумтаълим мактабларини аниқлашнинг асосий мезонлари**

7. 10-11-синфларда ўқишни вақтинча давом эттириш учун умумтаълим мактабларини аниқлаш республиканинг туманлари (шаҳарлари), аҳоли яшаш жойлари, вилоят марказлари ва йирик шаҳарлари кўламида амалга оширилади.

8. Тўққиз йиллик мактабга айлантирилган мактаблар ҳокимликнинг қарорига кўра 10-11-синфлари мавжуд бўлган яқинда жойлашган мактабга бириктириб қўйилади.

10-11-синфлар биринчи навбатда қуйидаги мезонлар ва шартларга жавоб берувчи мактабларда очилиши мумкин:

мактаб ўқув-моддий базасининг замонавий таълим жараёнини ташкил этиш талабларига мувофиқлиги;

мактабнинг таълим ва тарбия жараёнини Кадрлар тайёрлаш миллий дастури талаблари даражасида амалга оширишга қодир бўлган юқори малакали педагог кадрлар билан таъминланганлиги;

ўқувчиларни фанлар бўйича ихтисосли ёки чуқур ўқитишни, узлуксиз таълимни такомиллаштириш бўйича тажриба ишларини, ўқув-тарбия жараёни сифатини оширишга ҳамда минтақа ва республиканинг бошқа мактабларида ёйиш учун қабул қилинган ўз ишланмаларини ташкил этиш борасида педагогик ва амалий тажриба мавжудлиги;

ушбу минтақада ўқувчилар 9-синфда ўқишни тугаллагунгача ўқиган тил бўйича 9-синфларнинг битирувчиларини тўлиқ қамраб олиш учун умумий ўрта ёки ўрта махсус, касб-ҳунар таълимини давом эттиришни таъминлайдиган яқинда жойлашган 10-11-синфлар бўлган мактаблар, академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежлари мавжуд эмаслиги, шунингдек жамоат транспорти билан узлуксиз таъминлашни ташкил этиш имконияти йўқлиги.

**III. 9-синфларни битирувчилар академик лицейлар ва касб-хунар коллежларида ҳамда умумтаълим мактабларининг 10-синфларига киришларини ҳисобга олиш ва назорат қилиш**

9. 9-синфларнинг битирувчилари академик лицейлар ва касб-хунар коллежларига, шунингдек умумтаълим мактабларининг 10-синфларига киришларининг ҳисобини юритиш умумий ўрта таълим тизимида амал қилувчи ҳисобдан чиқариш-бириктириш тартиб-қоидасига мувофиқ қўйидаги изчилликда амалга оширилади:

давлат ҳокимияти маҳаллий органлари ҳар йили, жорий ўқув йилининг 1 майгача, 9-синфлар битирувчиларини академик лицейлар ва касб-хунар коллежларида, ва кейинги ўқув йилида 10-синфларда ўқитиш билан қамраб олишнинг тасдиқланган истиқболли кўрсаткичларига мувофиқ уларда 10-11-синфлар фаолият кўрсатишини вақтинча давом эттириш учун мактаблар рўйхатини (ўқитиш тилини ҳисобга олган ҳолда) белгилайдилар;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ва Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази билан биргаликда ҳар йили, жорий ўқув йилининг июнь ойигача бўлган муддатда тегишли ҳудудлар бўйича ушбу рўйхатларни умумлаштирадидлар, минтақанинг ўқувчиларни академик лицейлар, касб-хунар коллежларига ва 10-синфларга қабул қилиш (мутахассисликлар ва ўқитиш тили бўйича) кўрсаткичларини, шунингдек 10-11-синфлар фаолият кўрсатадиган умумтаълим мактаблари рўйхатини 9-синфларни битирувчилар ва уларнинг ота-оналари эътиборига етказди;

9-синфларни битирувчилар ўқишни давом эттириш учун белгиланган тартибда ҳужжатларни: академик лицейлар ва касб-хунар коллежларига, қоидага кўра, 15 августгача бўлган муддатда, умумтаълим мактабларнинг 10-синфларига, жорий йилнинг 25 августигача бўлган муддатда тақдим этадилар.

11. 9-синфларнинг битирувчиларини академик лицейлар ва касб-хунар коллежларида, шунингдек умумтаълим мактабларининг 10-синфларида мажбурий ўқитишни таъминлаш масалалари бўйича назорат қилиш тартиби ҳисобга олиш шакли ва масъул шахсларнинг ҳисобот бериш турлари Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ва Ўрта махсус, касб-хунар таълими марказининг қўшма қарори билан тасдиқланади ва амалга киритилади.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ**

**200 2004—2006 йилларда фермер хўжалиklarини ривожлантириш концепциясини амалга ошириш чоратадбирлари тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Қишлоқ хўжалигида ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим йўналишлари тўғрисида» 2003 йил 24 мартдаги ПФ-3226-сон, «2004—2006 йилларда фермер хўжалиklarини ривожлантириш кон-

цепцияси тўғрисида» 2003 йил 27 октябрдаги ПФ-3342-сон фармонларини бажариш юзасидан ҳамда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчиларнинг асосий шакли сифатида фермер хўжалиklarини ташкил этиш ва уларнинг фаолияти учун қулай шарт-шароитлар яратиш, шунингдек қишлоқда бозор инфратузилмасини комплекс ривожлантириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Қуйидагилар:

2004—2006 йилларда фермер хўжалиklarини ривожлантириш концепциясини амалга ошириш чора-тадбирлари дастури 1-иловага\* мувофиқ;

Зарар кўриб ишлаётган, паст рентабелли ва истикболсиз ширкат хўжалиklarини 2004—2006 йилларда фермер хўжалиklarига айлантириш дастури 2-иловага\* мувофиқ;

2004—2006 йилларда қишлоқда ишлаб чиқариш ва бозор инфратузилмасини ривожлантириш дастури 3-иловага\* мувофиқ маъқуллансин.

2. Қуйидагилар:

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликларининг, Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг 2004 йилда 4-иловага\* мувофиқ қишлоқ хўжалиги корхоналарини фермер хўжалиklarига айлантириш тўғрисидаги;

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2004—2005 йилларда барча фермер хўжалиklarининг давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган пахта хом ашёси ва ғалла етиштириш харажатларини уларга хизмат кўрсатувчи тижорат банклари орқали тўғридан-тўғри имтиёзли кредитлаш механизмига ўтиш тўғрисидаги 5-иловага\* мувофиқ таклифи қабул қилинсин.

3. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳамда Деҳқон ва фермер хўжалиklари уюшмаси билан биргаликда:

маҳаллий шароитларни ҳисобга олган ҳолда ҳар бир вилоят ва туман учун 2004—2006 йилларда фермер хўжалиklarини ривожлантириш концепциясининг асосий қоидаларини амалга ошириш чора-тадбирлари тизимини ишлаб чиқсинлар, қишлоқ хўжалиги корхоналарини қайта ташкил этиш натижасида бўшаб қоладиган ходимларни ишга жойлаштириш бўйича комплекс чора-тадбирларни рўёбга чиқаришга алоҳида эътибор берсинлар;

маҳаллий хусусиятлардан ва меҳнат ресурслари мавжудлигидан келиб чиққан ҳолда, мазкур қарорга 3-иловада белгиланган параметрларга мувофиқ қишлоқда ишлаб чиқариш ва бозор инфратузилмаси объектларини жадал ривожлантириш чора-тадбирларини кўрсинлар;

қишлоқ хўжалиги корхоналарини фермер хўжалиklarига айлантиришнинг доимий мониторингини олиб борсинлар.

4. Қуйидагилар:

Фермер хўжалигининг намунавий устави 6-иловага мувофиқ;

Ер участкаларини фермер хўжалиklarига узоқ муддатли ижарага бериш тартиби тўғрисидаги низом 7-иловага мувофиқ;

Ер участкаси фермер хўжалиги томонидан узоқ муддатли ижарага олинишининг намунавий шартномаси 8-иловага мувофиқ;

Фермер хўжалиги ходимларини ёллаш тўғрисидаги намунавий шартнома 9-иловага мувофиқ;

Намунавий контрактация шартномаси 10-иловага мувофиқ;

---

\* 1—5-иловалар берилмайди.

Моддий-техника ресурслари етказиб беришга намунавий шартнома 11-иловага мувофиқ;

Хизматлар кўрсатишга (ишларни бажаришга) намунавий шартнома 12-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

5. Фермер хўжалиklarини ривожлантириш концепциясини амалга ошириш чоратадбирлари дастури ҳамда Қишлоқда ишлаб чиқариш ва бозор инфратузилмасини ривожлантириш дастурининг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 19 июндаги 278-сон қарори билан ташкил этилган Иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш юзасидан қабул қилинган ҳужжатлар амалга оширилишининг мониторинги бўйича ҳукумат комиссиясига юклансин.

Ҳукумат комиссияси (Азимов Р.С.) амалий мониторинг ўрнатсин ва кўрсатиб ўтилган дастурларнинг бажарилишини ҳар чоракда ўз мажлисларида кўриб борсин, зарурият бўлганда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига дастурий чоратадбирлар ва қоидаларнинг белгиланган муддатларда сўзсиз бажарилишини таъминлашга қаратилган аниқ таклифлар киритсин.

6. «Ўзтелерадио» компанияси, Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги, Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги фермер хўжалиklarини ривожлантириш ва уларнинг фаолияти, қишлоқда ишлаб чиқариш ва бозор инфратузилмасини ривожлантириш масалаларини телевиденида ва оммавий ахборот воситаларида ёритиш бўйича махсус эшиттиришлар ва рукнлар ташкил этсинлар.

7. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси И.Х. Жўрабеков ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р.С. Азимов зиммасига юклансин.

**Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,  
2003 йил 30 октябрь,  
476-сон

Вазирлар Маҳкамасининг  
2003 йил 30 октябрдаги 476-сон қарорига  
6-ИЛОВА

## **Фермер хўжалигининг НАМУНАВИЙ УСТАВИ**

### **И. Умумий қоидалар**

1. Фермер хўжалиги ўзига танлов асосида узоқ муддатли ижарага берилган ер участкаларидан фойдаланган ҳолда қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқариши билан шуғулланувчи, юридик шахс ҳуқуқларига эга бўлган мустақил хўжалик юритувчи субъект ҳисобланади.

2. Фермер хўжалиги туман (шаҳар) ҳокимлигида давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан бошлаб юридик шахс мақомини олади ва ўз номидан шартномалар тузиш, мулкӣ ва мулкӣ тусда бўлмаган ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлиш, шунингдек банк муассасасида ҳисоб рақами очиш, муҳр, штамп ва бошқа реквизитларга эга бўлиш ҳуқуқини олади, судда даъвогар ва жавобгар бўлиши мумкин.

3. Фермер хўжалиги давлат мажбуриятлари юзасидан, давлат эса фермер хўжалиги мажбуриятлари юзасидан жавоб бермайди. Фермер хўжалиги ўз мажбуриятлари бўйича қонун ҳужжатларига мувофиқ ундирув қаратилиши мумкин бўлган мол-мулки билан жавоб беради.

4. Фермер хўжаликларининг хўжалик фаолиятига давлат органлари ҳамда бошқа органлар ва ташкилотларнинг, улар мансабдор шахсларининг аралашувиغا йўл қўйилмайди, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

Фермер хўжалигининг мол-мулки дахлсиздир ва унинг давлат органлари томонидан олиб қўйилишига йўл қўйилмайди, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

5. Уставда фермер хўжалигининг номи, жойлашган жойи ва ихтисослашуви, шунингдек хўжалик муассисининг паспортига оид маълумотлар кўрсатилади.

6. Фермер хўжалигининг устави қонунда белгиланган тартибда ўзгартирилиши мумкин ҳамда тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар билан туман (шаҳар) ҳокимлигида рўйхатдан ўтказилиши лозим.

## **II. Фермер хўжалигининг мақсади, вазифалари ва фаолияти**

7. Товар қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш йўли билан даромад (фойда) олиш, ўзининг ижтимоий ва иқтисодий эҳтиёжларини қондириш фермер хўжалигининг мақсади ҳисобланади.

8. Фермер хўжалигининг вазифалари қуйидагилардан иборат:

ажратилган ер ва сув ресурсларидан оқилона ва мақсадли фойдаланилишини таъминлаш;

тупроқ унумдорлигини сақлаш ва ошириш ҳамда ерларни муҳофаза қилиш;

мустақил равишда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш, уларни қайта ишлаш ва сотиш, шунингдек хизматлар кўрсатиш;

ветеринария қоидаларига риоя қилган ҳолда чорва молларининг маҳсулдорлигини ошириш.

9. Фермер хўжалигининг фаолият соҳаси қуйидагилардан иборат:

қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш;

қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш, сақлаш, шунингдек бозорларда, шу жумладан ўз савдо шохобчалари орқали сотиш;

тижорат фаолияти ва маркетинг тадқиқотларини ташкил қилиш;

юрidik ва жисмоний шахсларга пулли хизматлар кўрсатиш;

ташқи иқтисодий фаолиятни амалга ошириш;

фаолиятнинг қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа турларини амалга ошириш.

## **III. Фермер хўжалигининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари**

10. Фермер хўжалиги юридик шахс сифатида мустиқил хўжалик юритувчи субъектнинг барча ҳуқуқларига эга бўлади. Фермер хўжалиги тадбиркорлик шаклларида бири бўлиб, ташкил этилишидан кўзланган мақсадларга эришиш учун шу мақсадларга монанд тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишга ҳақлидир. Фермер хўжалиги хўжалик юритишнинг бошқа шаклларидаги корхоналар билан тенг ҳуқуқларга эга.

11. Фермер хўжалиги қуйидаги ҳуқуқларга эга:

уставда назарда тутилган доирада ва ижара шартномасида белгиланган ихти-

сослашувга мувофиқ фермер хўжалигининг ишлаб чиқариш фаолиятини ўзига берилган ер участкасида мустақил ташкил этиш;

етиштирилган маҳсулотни сотиш юзасидан юридик ва жисмоний шахслар билан, шу жумладан давлат эҳтиёжлари учун сотиш юзасидан қонун ҳужжатларига мувофиқ хўжалик шартномалари тузиш;

харид қилинадиган маҳсулотга олдиндан ҳақ тўланадиган фьючерс битимлари тузиш;

ўзи етиштирган маҳсулотга эгалик қилиш, шу жумладан уни ўзи хоҳлаган истеъмолчиларга сотиш;

етиштирилаётган маҳсулотга ва хизматларга шартнома шартларида мустақил равишда нарх белгилаш;

қишлоққа хизмат кўрсатувчи ташкилотлар билан электр энергияси, ёнилғи-мойлаш материаллари, минерал ўғитлар, ўсимликларни кимёвий ҳимоя қилиш воситалари етказиб бериш, хизматлар кўрсатиш юзасидан тўғридан-тўғри шартномалар тузиш;

тадбиркорликдан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда солиқ солинадиган чекланмаган миқдорда даромад (фойда) олиш;

олинган даромад (фойда)дан ўз ихтиёрига кўра фойдаланиш, банк ҳисоб рақамидаги ўз маблағларини мустақил равишда тасарруф этиш;

акцияларни ва бошқа қимматли қоғозларни сотиб олиш;

кредитлар олиш, бошқа юридик ва жисмоний шахсларнинг мол-мулки ҳамда пул маблағларини ихтиёрийлик асосида ва шартнома шартларига мувофиқ жалб қилиш ҳамда уларни ишлаб чиқариш ва такрор ишлаб чиқаришга йўналтириш;

кредит олиш учун ер участкасидан фойдаланишни ижарага бериш ҳуқуқини ва етиштирилган маҳсулотни гаровга қўйиш;

ўрта, кичик ва хусусий корхоналар учун берилган имтиёзларнинг барча турларидан фойдаланиш;

қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ходимларни ишга ёллаш (доимий ва вақтинчалик асосида) ва улар билан тузилган меҳнат шартномаларини бекор қилиш;

зарур асбоб-ускуналар, ишлаб чиқариш воситаларини сотиб олиш, ижарага олиш, бино ва иншоотлар қуриш ҳамда уларни таъмирлаш, шунингдек улардан мустақил фойдаланиш;

ихтиёрий равишда бирлашиш, шу жумладан улуш (пай) асосида бирлашиш, жамиятлар, иттифоқлар, уюшмалар ҳамда бошқа бирлашмаларга кириш;

ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун ўз фаолиятининг ҳар қандай масалалари бўйича судга мурожаат қилиш.

Фермер хўжалиги қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳуқуқлардан ҳам фойдаланади.

12. Фермер хўжалигининг мажбуриятлари:

ер участкасидан ижара шартномасида белгиланган мақсад ва шартларда мақсадли, самарали ва оқилона фойдаланилишини таъминлаш;

экология талабларига ва атроф муҳитни муҳофаза қилишнинг бошқа қоидаларига риоя этиш;

ернинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва ер участкасининг унумдорлигини ошириш чора-тадбирларини амалга ошириш, бизнес-режаларда ушбу мақсадлар учун маблағлар ажратилишини назарда тутиш;

ер участкасидан, башарти ижара шартномасида бошқа муддат белгиланган бўлмаса, бир йил мобайнида фойдаланиш;

пахта ва ғаллани навлар бўйича жойлаштиришнинг белгиланган талабларига риоя қилиш;

сувдан лимит асосида фойдаланиш тўғрисидаги шартномага мувофиқ сув ресурсларидан фойдаланиш;

хўжалик ички мелиорация тармоғини тозалаш ва таъмирлаш;

сервитутларга риоя этиш;

фермер хўжалигининг мажбуриятлари ва қарзлари юзасидан тўлиқ жавоб бериш;

қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни ўз вақтида тўлаш;

етказиб берилган электр энергияси, ёнилғи-мойлаш материаллари, минерал ўғитлар, ўсимликларни кимёвий ҳимоя қилиш воситалари, кўрсатилган хизматлар учун ўз вақтида ҳисоб-китоб қилиш;

қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ва бошқа маҳсулотлар етиштиришда стандартлар талабларига риоя қилиш;

қишлоқ хўжалиги зараркунандалари ва касалликларига қарши кураш олиб бориш.

Фермер хўжалиги қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа мажбуриятларни ҳам ўз зиммасига олади.

#### **IV. Фермер хўжалигининг устав фонди, мол-мулки ва уни шакллантириш манбалари**

13. Уставда фермер хўжалигининг мол-мулк, пул маблағлари, қимматли қоғозлар, бошқа мол-мулк ёки фермернинг мулкий ҳуқуқлари ҳисобига шакллантирилдиган устав фонди миқдори кўрсатилади.

Агар фермер хўжалиги раҳбари фермер хўжалигининг устав фондини шакллантиришда унинг оиласининг умумий (улушли ёки биргаликдаги) мол-мулкни фермер хўжалигига берган тақдирда, ушбу мулк барча эгаларининг нотариал тасдиқланган розилигини олиш талаб қилинади.

14. Фермер хўжалиги:

ўзига қарашли хўжалик иморатлари, қишлоқ хўжалиги экинзорлари ва кўчатзорлари, дов-дарахтлар, маҳсулдор чорва моллари, паррандалар, қишлоқ хўжалиги техникаси, инвентарь, асбоб-ускуналар, транспорт воситалари, пул маблағлари, интеллектуал мулк объектлари, шунингдек фермер хўжалиги балансида бўлган бошқа мол-мулкнинг;

ишлаб чиқариш фаолияти натижасида етиштирилган маҳсулотнинг;

олинган даромад (фойда)нинг;

қонунда тақиқланмаган асосларда олинган бошқа мол-мулкнинг эгаси ҳисобланади.

15. Қуйидагилар фермер хўжалиги мол-мулкни шакллантириш манбалари бўлиши мумкин:

фермернинг пул ва моддий маблағлари;

товарларни сотишдан, ишларни бажаришдан, хизматлар кўрсатишдан, шунингдек фаолиятнинг бошқа турларидан олинган даромад (фойда);

қимматли қоғозлардан олинган даромадлар;

юримдик ва жисмоний шахсларнинг бегараз хайрия ва бошқа бадаллари, эҳсонлари;

қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар.

16. Фермер хўжалигининг мол-мулки фермерга тегишлидир, у қонунга мувофиқ ушбу мол-мулкка эгалик қилади, ундан фойдаланади ва уни тасарруф этади.

#### **V. Фермер хўжалигини бошқариш**

17. Фермер — фермер хўжалигининг муассиси фермер хўжалигининг раҳбари ҳисобланади, у ўн саккиз ёшга тўлган, муомалага лаёқатли, қишлоқ хўжалигида тегишли малака ва иш тажрибасига эга бўлиши керак.

18. Фермер хўжалигининг раҳбари:

фермер хўжалиги уставини қабул қилади ва унга белгиланган тартибда ўзгартиришлар киритади;

фермер хўжалиги фаолиятининг бизнес режасини тасдиқлайди;

фермер хўжалиги фаолиятини ташкил қилади;

юридик ва жисмоний шахслар билан ўзаро муносабатларда фермер хўжалиги номидан иш кўради;

ишончномалар беради, шартномалар тузади ва уларнинг бажарилишини таъминлайди, шунингдек фермер хўжалиги ходимлари билан меҳнат шартномаларини имзолайди;

фермер хўжалиги ходимлари ўртасида вазифаларни тақсимлайди;

ички меҳнат тартиби қоидаларини белгилайди;

даромадни ўз хоҳишига кўра тасарруф этади;

ходимларнинг хавфсиз ҳамда унумли меҳнат қилишлари учун шароит яратиб беради;

қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда меҳнат дафтарчалари юритилишини ташкил этади, иш ҳақи тўланишини таъминлайди, меҳнатга ҳақ тўлаш миқдори ва моддий рағбатлантириш усуллари ва интизомий жазо чораларини белгилайди;

фермер хўжалиги номидан ҳужжатларни имзолайди;

фермер хўжалигини қайта ташкил этиш ва тугатиш масалаларини ҳал этади.

#### **VI. Фермер хўжалигида ердан ва сувдан фойдаланиш**

19. Фермер хўжалигини юритиш учун ер участкалари танлов асосида ижарага берилади. Ижара муддати қонун ҳужжатларига мувофиқ белгиланади.

Ер участкасининг ижара муддати тамом бўлгандан кейин фермер хўжалиги ижара шартномасини янги муддатга узайтириш (муддатини чўзиш) ҳуқуқига эгадир.

Фермер хўжалиги раҳбари вафот этган тақдирда, ер участкасига ижара ҳуқуқи ва ижара шартномасини янги муддатга узайтириш (муддатини чўзиш) ҳуқуқи қонун ҳужжатларига мувофиқ мерос бўйича ўтади.

20. Фермер хўжаликларининг ер участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқи Ўзбекистон Республикасининг Ер кодекси, «Фермер хўжалиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ва бошқа қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

21. Ер участкаларининг ўлчами ва чегаралари ер ижараси шартномасига ўзгартиришлар киритилгандан кейингина ўзгартирилиши мумкин.

Ер участкаси ижара шартномаси томонларнинг келишувига кўра, томонлар келишувга эришмаган тақдирда эса — суд томонидан ўзгартирилиши ва бекор қилиниши мумкин.

22. Фермер хўжалигига берилган ер участкалари хусусийлаштирилиши, олди-сотди, ҳадя, айирбошлаш, гаров объекти бўлиши, шунингдек иккиламчи ижарага берилиши мумкин эмас.

23. Фермер хўжалигига ижарага берилган қишлоқ хўжалиги ерлари мақсадсиз фойдаланилганда, шу жумладан шартномада назарда тутилган қишлоқ хўжалиги экинлари ўрнига бошқа экинлар экилиши ижара шартномасини қўпол равишда бузиш ҳисобланади, бу қонун ҳужжатларида назарда тутилган оқибатларга олиб келади.

24. Фермер хўжалиги тугатилган тақдирда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ижарага берувчига қайтарилади.

25. Фермер хўжалигига берилган ер участкасидан фойдаланганлик учун тўланадиган ҳақ ягона ер солиғи тариқасида ундирилади.

26. Фермер хўжаликларининг сувдан фойдаланиш лимитлари ваколатли органлар томонидан белгиланади.

27. Ер ресурсларини, фермер хўжалигига бериладиган сувнинг сарфини ҳисобга олиш ҳамда ундан фойдаланиш, сув етказиб бериш хизматларига ҳақ тўлаш, шунингдек имтиёзлар бериш тартиби қонун ҳужжатларида белгиланади.

### **VII. Фермер хўжалигида меҳнат**

28. Фермер хўжалигининг фаолияти фермернинг ва меҳнат шартномаси бўйича унда ишловчи шахсларнинг шахсий меҳнатига асосланади.

Фермер хўжалигида меҳнат шартномасини тузиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

29. Фермер хўжалигида меҳнат шартномаси асосида ишлаётган шахсларнинг меҳнат фаолияти ҳисобини юритиш фермер хўжалиги раҳбари томонидан ташкил этилади.

30. Фермер хўжалигида меҳнат шартномаси асосида ишлаётган шахсларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам ойлик иш ҳақидан оз бўлмаган миқдорда, томонларнинг келишувига биноан ҳам пул тарзида, ҳам натура тариқасида тўланади.

31. Фермер хўжалигида ишланган вақт меҳнат стажига қўшилади.

Ижтимоий сугурта бўйича нафақалар ва пенсиялар тайинлаш ҳамда тўлаш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва шартларда амалга оширилади.

### **VIII. Фермер хўжалигининг маблағлари ва ҳисоб-китоблари**

32. Фермер хўжалиги пул муомаласини юритиш ҳамда пул маблағларини сақлаб туриш ва бу маблағларни эркин тасарруф этиш учун банк муассасасида ҳисоб рақамлари очиш ҳуқуқига эга. Фермер хўжалигининг ҳисоб рақамидан маблағларни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳисобдан чиқариш мумкин.

33. Қишлоқ хўжалиги экинлари, шу жумладан пахта ва ғалла ҳосили учун сарфланган барча харажатлар фермер хўжалигининг қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари сотишдан олинган даромадлари ҳисобига қопланади.

34. Фермер хўжаликлари электр энергияси, ёнилғи-мойлаш материаллари, минерал ўғитлар етказиб берувчилар ва фермер хўжаликларига хизматлар кўрсатувчилар билан ўз вақтида ҳисоб-китоб қилишлари шарт.

### **IX. Даромад (фойда)ни тақсимлаш ва зарарларни қоплаш тартиби**

35. Фермер хўжалигининг ишлаб чиқариш ва бошқа фаолияти натижасида олинган даромад (фойда) солиқлар, йиғимлар ҳамда бошқа мажбурий тўловлар тўлан-

гандан, электр энергияси, ёнилғи-мойлаш материаллари, минерал ўғитлар, ўсимликларни кимёвий ҳимоя қилиш воситалари етказиб берувчилар ва хизматлар кўрсатувчилар билан ўз вақтида ва тўлиқ ҳисоб-китоб қилингандан кейин бутунлай фермер хўжалигининг ихтиёрига ўтади.

Фермер хўжалигига етказилган зарар унинг мол-мулки ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан қопланади.

#### **X. Фермер хўжаликларининг биргаликдаги фаолияти**

36. Фермер хўжаликлари ихтиёрийлик асосида бирлашиш, шу жумладан улуш (пай) асосида бирлашиш, маҳсулот етиштириш, харид қилиш, уни қайта ишлаш ва сотиш, моддий-техника таъминоти, қурилиш, техникавий, сув хўжалиги, ветеринария, агрокимё, маслаҳат бериш йўсинидаги ва бошқа хил хизмат кўрсатиш бўйича жамиятларга, иттифоқларга, уюшмаларга ҳамда бошқа бирлашмаларга кириш ҳуқуқига эга.

#### **XI. Фермер хўжалиги фаолияти натижаларини ҳисобга олиш ва назорат қилиш**

37. Фермер хўжалиги ўз фаолиятининг натижаларини ҳисобга олиб боради ҳамда маҳаллий статистика ва солиқ органларига белгиланган тартибда ҳисобот тақдим этади.

Фермер хўжалиги текшириш ҳуқуқини берувчи тегишли ҳужжат кўрсатилишини талаб қилиш, текширувчиларнинг ўз ваколатига кирмайдиган масалалар бўйича талабларини бажармаслик ва уларни текшириш мавзусига тегишли бўлмаган материаллар билан таништирмасликка ҳақлидир.

#### **XII. Фермер хўжалигини қайта ташкил этиш ва тугатиш**

38. Фермер хўжалигини қайта ташкил этиш ва тугатиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

38. Фермер хўжалиги қуйидаги ҳолларда:

ер участкасини ижарага олиш ҳуқуқидан ихтиёрий равишда воз кечилганда; хўжалик фаолиятини давом эттириш истагида бўлган меросхўр бўлмаганда; фермер хўжалиги банкрот деб эълон қилинганда, шу жумладан электр энергияси, ёнилғи-мойлаш материаллари, минерал ўғитлар, ўсимликларни кимёвий ҳимоя қилиш воситалари етказиб берувчилар ва хизматлар кўрсатувчилар билан мунтазам равишда, камида уч йил ўз вақтида тўлиқ ҳажмда ҳисоб-китоб қилмаганда;

ер участкасини давлат эҳтиёжлари ва бошқа жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйиш зарур бўлган ёхуд ер тўғрисидаги қонунлар фермер хўжалиги томонидан бузилган тақдирда ер участкасининг ижара шартномаси белгиланган тартибда бекор қилинганда, фермер хўжалиги томонидан ер участкасидан мақсадсиз фойдаланилганда, шу жумладан давлат эҳтиёжлари учун контрактация шартномасида назарда тутилмаган экинлар экилганда тугатилади.

Фермер хўжалиги:

фермер хўжалиги раҳбари (фермер)нинг қарорига биноан; қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда суднинг қарорига биноан тугатилади.

40. Фермер хўжалигини тугатиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Вазирлар Маҳкамасининг  
2003 йил 30 октябрдаги 476-сон қарорига  
7-ИЛОВА

## Ер участкаларини фермер хўжаликларига узоқ муддатли ижарага бериш тартиби тўғрисида НИЗОМ

### І. Умумий қоидалар

1. Ушбу Тартиб Ўзбекистон Республикасининг Ер кодексига, «Фермер хўжалиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ ишлаб чиқилган ва ер участкаларини фермер хўжаликларига узоқ муддатли ижарага бериш тартибини белгилайди.

2. Ер участкалари фермер хўжаликларига танлов асосида ижарага берилади. Ижара муддати қонун ҳужжатларига мувофиқ белгиланади.

3. Ер участкалари фермер хўжаликларига ижарага:

захира ерлардан;

юридик ва жисмоний шахсларга берилмаган қишлоқ хўжалиги ерларидан;

қайта ташкил этилаётган ва тугатилаётган қишлоқ хўжалиги кооперативлари (ширкат хўжаликлари) ҳамда бошқа қишлоқ хўжалиги корхоналари ва ташкилотлари ерларидан;

қишлоқ хўжалиги кооперативлари (ширкат хўжаликлари) ва бошқа қишлоқ хўжалиги корхоналари ва ташкилотлари ерларидан берилади.

4. Илмий-тадқиқот муассасаларига, олий ўқув юртларига, академик лицейларга, касб-хунар коллежларига ва умумтаълим мактабларига ўқув, тажриба, нав си-наш мақсадлари учун берилган ерлар ҳамда сув фонди ерлари фермер хўжаликларига берилмайди.

5. Чорвачилик маҳсулотлари етиштиришга ихтисослашган фермер хўжалиги хўжаликнинг бизнес-режасида назарда тутилган камида 30 шартли бош чорва молларини боқиш шартлари билан ташкил этилади. Бунда шартли равишда ҳар бир бош мол ҳисобига қуйидаги коэффициентлардан фойдаланилади: қорамоллар (сигирлар, насл олинадиган новвослар, бўрдоқига боқиладиган новвослар) ва отлар учун — 1.0, ёш қорамоллар учун — 0.6, қўй ва эчкилар учун — 0.1, чўчқалар учун — 0.3 ҳамда паррандалар учун — 0.025.

Фермер хўжалигига бериладиган ер участкаларининг энг кам ўлчами ҳар бир шартли бош чорва молига ҳисобланганда:

Андижон, Наманган, Самарқанд, Тошкент, Фарғона ва Хоразм вилоятларидаги суғориладиган ерларда — камида 0,30 гектарни;

Қорақалпоғистон Республикаси, Бухоро, Қашқадарё, Жиззах, Навоий, Сурхондарё ва Сирдарё вилоятларидаги суғориладиган ерларда — камида 0,45 гектарни; суғорилмайдиган (лалмикор) ерларда — камида 2 гектарни ташкил этади.

6. Деҳқончилик маҳсулотлари етиштиришга ихтисослашаётган фермер хўжаликларига ижарага бериладиган ер участкаларининг энг кам ўлчами:

пахтачилик ва ғаллачилик учун — камида 10 гектарни;

боғдорчилик, узумчилик, сабзавотчилик ва бошқа экинлар етиштириш учун — камида 1 гектарни ташкил қилади.

7. Ер участкаси фермер хўжалигига имкони борича ягона мавзе бўйича, контурлар яхлитлиги сақлаб қолинган ҳолда берилади, участка чегаралари суғориш тармоқлари, коллекторлар, йўллар ва бошқа топографик элементлар бўйича белги-

ланади. Фермер хўжалигига берилаётган ер участкаси бошқа ердан фойдаланувчиларнинг ерлардан фойдаланиши учун ноқулайликлар вужудга келтирмаслиги керак.

Фермер хўжаликлари томонидан ер участкалари ижарага олинishiда мазкур кишлок хўжалиги кооперативи, корхона ва ташкилот худудида яшовчи шахслар бошқа тенг шароитларда устувор ҳуқуқдан фойдаланадилар.

8. Фермер хўжаликларига ижарага берилган ер участкаларидан қатъий мақсадга мувофиқ ҳолда фойдаланилади, улар хусусийлаштирилиши ва олди-сотди, гаров, ҳадя, айирбошлаш объекти бўлиши мумкин эмас.

Фермер хўжалигига ижарага берилган кишлок хўжалиги ерлари, экинларидан кишлок хўжалиги экинлари шартномасида назарда тутилмаган белгиланган мақсадлардан бошқа мақсадларда фойдаланилиши амалдаги қонун ҳужжатларида ва мазкур Низомда назарда тутилган барча келиб чиқадиган оқибатлари билан биргаликда ижара шартномасининг қўпол равишда бузилиши ҳисобланади.

9. Фермер хўжалигига берилган ер участкаси фермер хўжалиги қайта ташкил этилганда бўлиниши мумкин, агар уни бўлиш вақтида янги ташкил этилган ер участкалари «Фермер хўжалиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунida ва ушбу Низомда назарда тутилган энг кам ўлчамлардан кам бўлмаса.

10. Фермер хўжаликларига ер участкаларини ижарага бериш бўйича материаллар ер тузиш хизмати органлари томонидан давлат бюджети маблағлари ҳисобига тайёрланади.

11. Ер участкалари бериш, қоидага кўра, фермер хўжалигини ташкил этиш ва ер участкасини ижарага олиш тўғрисидаги барча ҳужжатлар кишлок хўжалиги экинлари ййиштириб бўлинган муддатда расмийлаштирилган ҳолда амалга оширилади.

## **II. Юридик ва жисмоний шахсларга берилмаган кишлок хўжалиги мақсадидаги ерлардан ва захирадаги ерлардан ер участкалари бериш тартиби**

12. Туман ҳокими юридик ва жисмоний шахсларга берилмаган кишлок хўжалиги мақсадидаги ерлардан ва (ёки) захирадаги ерлардан ер участкалари ажратиш тўғрисида, шунингдек ушбу ерларни фермер хўжаликларига бериш бўйича танлов ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилади.

13. Ҳокимнинг танлов ўтказиш тўғрисидаги қарори маҳаллий оммавий ахборот воситаларида эълон қилиниши, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, кишлок хўжалиги корхоналари ва ташкилотлари бошқаруви (маъмурияти) биноларида осиб қўйилиши керак. Эълонда қуйидагилар кўрсатилиши лозим: ер участкасининг ўлчами, жойлашган жойи, сифати ва бошқа тавсифлари, ташкил этилаётган фермер хўжалигининг мўлжалланаётган ихтисослашуви, танловнинг ўтказилиш вақти ва жойи. Танлов уни ўтказиш тўғрисидаги қарорлар қабул қилинган вақтдан бошлаб бир ой мобайнида ўтказилиши керак.

14. Ер участкалари бериш тўғрисидаги ариза ташкил этилаётган хўжаликнинг бизнес-режаси ёки фаолият дастури илова қилинган ҳолда танлов эълон қилинган кундан бошлаб бир ой мобайнида туман ҳокимига берилади. Аризада ариза берувчининг фамилияси, исми ва отасининг исми, унинг турар жойи, сўралаётган ер участкаси жойлашган жой, унинг майдони, кишлок хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги)нинг номи, мўлжалланаётган ихтисослашув, чорвачилик йўналишидаги фермер хўжалиги ташкил этишда — боқилиши мўлжалланаётган молларнинг турлари бўйича бош сони, ер участкасини ижарага олиш муддати кўрсатилади. Фуқароларнинг аризаси махсус дафтарда рўйхатдан ўтказилади.

15. Туман ҳокими аризани ер участкалари бериш (сотиш) масалаларини кўриб чиқиш бўйича комиссияга беради, комиссия фермер хўжалигига ер участкалари бериш бўйича танлов ўтказади.

Комиссия қарори протокол билан расмийлаштирилади ва туман ҳокимига берилади. Туман ҳокими комиссия қарори асосида уч кун мобайнида фермер хўжалиги юритиш учун ер участкаси бериш тўғрисида қарор чиқаради ва ушбу қарорни ҳамда танлов комиссияси иши натижаларини вилоят ҳокими бошчилик қиладиган ер участкалари бериш (сотиш) масалаларини кўриб чиқувчи вилоят комиссиясига тасдиқлаш учун юборади.

16. Вилоят ҳокими бошчилик қиладиган вилоят комиссияси тақдим этилган ҳужжатларни кўриб чиқади ва туман ҳокимининг фермер хўжалиги юритиш учун ер участкаси бериш тўғрисидаги қарорини тасдиқлаш (ёки тасдиқлашни рад этиш) ҳақида қарор қабул қилади.

### **III. Қайта ташкил этилаётган ва тугатилаётган қишлоқ хўжалиги кооперативлари (ширкат хўжаликлари) ҳамда бошқа қишлоқ хўжалиги корхоналари ва ташкилотлари ерларидан ер участкалари бериш тартиби**

17. Қайта ташкил этилаётган қишлоқ хўжалиги кооперативлари (ширкат хўжаликлари)нинг ҳамда бошқа қишлоқ хўжалиги корхоналари ва ташкилотларининг ер участкалари махсус тузилган комиссия томонидан ўтказилган танлов якунлари асосида туман ҳокимининг қарори билан берилади.

Ҳокимнинг фермер хўжалиги юритиш учун ер участкаси бериш тўғрисидаги қарорини тасдиқлаш мазкур Низомнинг 16-бандига мувофиқ амалга оширилади.

Фермер хўжалигига қайта ташкил этилаётган қишлоқ хўжалиги кооперативлари (ширкат хўжаликлари) ҳамда бошқа қишлоқ хўжалиги корхоналари ва ташкилотлари ерларидан ер участкалари бериш тартиби қонун ҳужжатларида белгиланади.

18. Тугатилаётган қишлоқ хўжалиги кооперативлари (ширкат хўжаликлари) ҳамда бошқа қишлоқ хўжалиги корхоналари ва ташкилотларининг ер участкалари туман ҳокимининг қарори билан, ушбу Тартибнинг 12—16-бандларида назарда тутилган тартибда берилади.

### **IV. Қишлоқ хўжалиги кооперативлари (ширкат хўжаликлари) ва бошқа қишлоқ хўжалиги корхоналари ва ташкилотлари ерларидан ер участкалари бериш тартиби**

19. Қишлоқ хўжалиги кооперативлари (ширкат хўжаликлари) ва бошқа қишлоқ хўжалиги корхоналари ва ташкилотлари ерлари фермер хўжаликларига узок муддатли ижарага:

қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) ёки бошқа қишлоқ хўжалиги корхоналари ва ташкилотларининг ваколатли органлари томонидан танлов ўтказилиши йўли билан;

қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) ёки бошқа қишлоқ хўжалиги корхоналари, ташкилотлари ва муассасалари фермер хўжаликларига бериш учун ер участкасини аниқлаши йўли билан берилиши мумкин.

20. Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) бошқаруви ёки бошқа қишлоқ хўжалиги корхонаси ва ташкилотининг ижро этувчи органи фермер хўжа-

лиги юритиш учун берилаётган ер участкасини ажратиш тўғрисида қарор қабул қилади.

21. Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) аъзолари, бошқа қишлоқ хўжалиги корхонаси, ташкилоти ва муассасасининг ходимлари бир ой мобайнида ариза берадилар. Аризада ариза берувчининг фамилияси, исми ва отасининг исми, яшаш жойи, сўралаётган ер участкаси жойлашган жой, унинг майдони, қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги)нинг номи, мўлажалланаётган ихтисослашув, чорвачилик йўналишидаги фермер хўжалиги ташкил этишда — боқилиши мўлжалланаётган чорва молларининг турлари бўйича бош сони, ер участкасини ижарага олиш муддати кўрсатилади. Аризага фермер хўжалигининг бизнес-режаси ёки фаолият дастури илова қилинади.

22. Тушган аризалар қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) бошқаруви ёки бошқа қишлоқ хўжалиги корхонаси ва ташкилотининг ижро этувчи органи томонидан рўйхатдан ўтказилади.

23. Фермер хўжалиги ташкил этиш тўғрисидаги ариза хўжаликнинг етакчи мутахассислари иштирокида қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) бошқаруви, бошқа қишлоқ хўжалиги корхонаси ва ташкилотининг маъмурияти ёки ижро этувчи органи томонидан ўн кун муддатда кўриб чиқилади, кўриб чиқиш натижалари бўйича хулоса тайёрланади. Хулосада ер участкаси бериш имконияти тўғрисида таклифлар берилади ёки ер участкаси бериш асосланган тарзда рад этилади.

24. Тушган аризалар асосида қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги), бошқа қишлоқ хўжалиги корхонаси, ташкилотининг ваколатли органи умумий йиғилиши навдатдаги мажлисда фермер хўжалиги юритиш учун ер участкаси бериш тўғрисида танлов ўтказилади.

25. Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги), бошқа қишлоқ хўжалиги корхонаси, ташкилоти ваколатли органининг умумий йиғилишининг фермер хўжалигига ер участкаси бериш тўғрисидаги қарорда фермер хўжалиги бошлигининг фамилияси, исми ва отасининг исми, ер участкаси майдони, у жойлашган жой (қишлоқ хўжалиги корхонаси ёки ташкилоти ерлари харитасидаги контурларнинг тартиб рақами) кўрсатилади.

26. Ариза қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги), бошқа қишлоқ хўжалиги корхонаси ва ташкилоти ваколатли органи умумий мажлиси қарори ҳамда фермер хўжалигининг бизнес-режаси ёки фаолияти дастури билан бирга туман ҳокимига юборилади, у бир кун муддатда материалларни ер участкалари бериш (сотиш) масалаларини кўриб чиқиш бўйича туман комиссиясига беради.

27. Комиссия ўн кун муддатда материаллар билан танишиб чиқади, фермер хўжалиги бошлиғи билан унинг «Фермер хўжалиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 4-моддаси талабларига мувофиқлигини аниқлаш мақсадида суҳбат ўтказилади ва ижарага ер участкаси беришнинг мақсадга мувофиқлиги тўғрисида ёки уни беришни рад этиш тўғрисида ўз хулосасини тайёрлайди.

28. Ер участкалари бериш (сотиш) масалаларини кўриб чиқиш бўйича туман комиссияси хулосаси қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги), бошқа қишлоқ хўжалиги корхонаси ва ташкилотининг ваколатли органи умумий мажлиси қарори ҳамда фермер хўжалигининг бизнес-режаси ёки фаолият дастури билан бирга туман ҳокимига кўриб чиқиш учун тақдим этилади.

Туман ҳокими тақдим этилган материалларни ўрганиб, уч кун муддатда танлов асосида фермер хўжалигига ер участкасини ижарага бериш тўғрисида қарор қабул қилади ва ушбу материалларни вилоят комиссиясига юборади, ёхуд беришни

асосланган ҳолда рад этади. Туман ҳокими қарорида ер участкаси бериладиган фермер хўжалиги бошлигининг фамилияси, исми ва отасининг исми, ер участкаси унинг ерларидан берилётган қишлоқ хўжалиги корхонаси ёки ташкилотининг номи, ер участкаси майдони ва уни ижарага бериш муддати кўрсатилади.

29. Ҳокимнинг фермер хўжалиги юритиш учун ер участкаси бериш тўғрисидаги қарорини тасдиқлаш мазкур Низомнинг 16-бандига мувофиқ амалга оширилади.

30. Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) ёки бошқа қишлоқ хўжалиги корхонаси ва ташкилотининг ваколатли органи умумий мажлиси фермер хўжаликларига бериладиган ер участкаларини ижарага олувчини аниқламасдан белгилаши мумкин. Кўрсатиб ўтилган ер участкалари фермер хўжаликларига ушбу Низомнинг 12—16-бандларида назарда тутилган тартибда берилади.

#### **V. Фермер хўжалигининг ер участкасига ҳуқуқини расмийлаштириш тартиби**

31. Туман ҳокими томонидан фермер хўжалигига ижарага ер участкаси бериш тўғрисида қарор қабул қилингандан кейин ер ресурслари бўйича туман хизмати томонидан беш кун муддатда намунавий шаклга мувофиқ ер участкасини ижарага бериш шартномаси тайёрланади.

32. Ер участкасини ижарага бериш шартномасида ерларнинг турлари бўйича ер участкаси майдони, суғориладиган ерларнинг сифати акс эттирилади, ерларни ижарага бериш муддатлари, томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари белгиланади, шартномани бекор қилиш шартлари ва ер участкасидан фойдаланиш масалалари бўйича низоларни ҳал этиш йўллари кўрсатилади. «Шартноманинг алоҳида шартлари» бўлимида ер участкасининг кучсизланганлик ҳолати, сервитутлар, суғориш шарт-шароитлари, суғориш сувларини ҳисобга олиш масалалари ва томонларнинг хоҳишига кўра бошқа шартлар ёзилади.

33. Ер участкасини ижарага бериш шартномаси вилоят ҳокими томонидан тегишли қарор қабул қилингандан кейин туман ҳокими ва фермер хўжалиги бошлиғи томонидан имзоланади.

34. Суғориладиган ерларнинг сифати мавжуд тупроқ хариталари, тупроқ бонитети маълумотлари ва бошқа материаллар бўйича ёзилади.

35. Шартномага, унинг ажралмас қисми сифатида фермер хўжалиги ер участкасининг харитаси илова қилинади. Ер участкаси харитасида қабул қилинган белгиларга мувофиқ барча ҳолатлар (суғориш, коллектор-дренаж ва йўл тармоқлари, ерлар, контурларнинг тартиб рақами, фермер хўжалиги чегаралари) тўлиқ кўрсатилади. Ер участкаси харитасини ер ресурслари бўйича туман хизмати бошлиғи, фермер хўжалиги бошлиғи ва чегарадош ер эгалари, ердан фойдаланувчилар вакили имзолайди.

Шартномада шунингдек тупроқ бонитетининг ўртача аниқланган бали кўрсатилади.

36. Ер участкасини узоқ муддатли ижарага бериш шартномаси ер ресурслари бўйича туман хизматида рўйхатдан ўтказилади ва фермер хўжалигининг ер участкасини ижарага олганлик ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжат ҳисобланади.

37. Шартнома тузилгандан кейин беш кун муддатда ер ресурслари бўйича туман хизмати вакили чегарадош ер эгалари ва ердан фойдаланувчилар вакиллари иштирокида фермер хўжалиги бошлиғига ижарага бериладиган ер участкаси чегараларини кўрсатади. Агар чегара сувсиз ерлар бўйлаб ўтса, у ҳолда чегара шудгорланади, бурилиш бурчакларига эса чегара белгилари қўйилади.

Фермер хўжалиги ерларини кўрсатиш далолатнома билан расмийлаштирилади, унда фермер хўжалиги ерлари таркибига кирадиган ерлар контурлари кўрсатилади, ижарага берилаётган ер участкаси чегаралари (чегаранинг жойининг қайси элементлари бўйлаб ўтиши, чегаранинг ушбу элементларнинг қайси томонидан ўтиши ва бошқалар) тавсифланади.

38. Далолатнома ер ресурслари бўйича туман хизмати вакили, чегарадош ер эгалари ва ердан фойдаланувчилар вакиллари ҳамда фермер хўжалиги бошлиғи томонидан имзоланади. Далолатнома икки нусхада тузилади, улардан биттаси ер ресурслари бўйича туман хизматида, иккинчиси фермер хўжалиги бошлиғида сақланади.

39. Ерларни ижарага беришни расмийлаштириш ишлари тугаллангач ер тузиш йиғмажилди тайёрланади, унда қуйидаги ҳужжатлар мавжуд бўлади:

фуқаронинг фермер хўжалиги ташкил этиш тўғрисидаги аризаси;

ер эгасининг ёки ердан фойдаланувчининг ер участкаси ажратиш тўғрисидаги қарори;

ер участкалари бериш (сотиш) масалаларини кўриб чиқиш бўйича туман комиссиясининг ер участкасини ижарага беришнинг мақсадга мувофиқлиги тўғрисидаги хулосаси ёки мазкур комиссия томонидан ўтказилган танлов яқунлари тўғрисидаги протокол;

туман ва вилоят ҳокимининг фермер хўжалигига ер участкасини ижарага бериш тўғрисидаги қарори;

ер участкасини ижарага бериш шартномаси;

фермер хўжалигининг бизнес-режаси ёки фаолият дастури;

фермер хўжалигининг ер участкаси чегараларини кўрсатиш далолатномаси.

40. Фермер хўжалигига ер участкасини ижарага беришни расмийлаштириш бўйича ер тузиш йиғмажилди икки нусхада тайёрланади, улардан биттаси ер ресурслари бўйича туман хизматида, иккинчиси фермер хўжалиги бошлиғида сақланади.

## VI. Яқуний қоидалар

41. Фермер хўжаликларига берилган ер участкалари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ер эгалари ва ердан фойдаланувчиларнинг ер-кадастр ва ҳуқуқни белгиловчи ҳужжатларига тегишли ўзгартиришлар киртилган ҳолда қишлоқ хўжалик кооперативлари (ширкат хўжаликлари), бошқа қишлоқ хўжалиги корхоналарининг балансидан чиқарилади.

42. Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги), бошқа қишлоқ хўжалиги корхонаси, ташкилотининг ва туман ҳокимининг ер участкаси беришни рад этиш тўғрисидаги қарорлари, шунингдек ер участкалари бериш, сотиш масалаларини кўриб чиқиш бўйича вилоят комиссиясининг туман ҳокимининг қарорини тасдиқлашни рад этиш тўғрисидаги қарори устидан судга ёки бўйсунуш тартибида юқори турувчи органга, мансабдор шахсга шикоят қилиш мумкин.

43. Фермер хўжаликларига ер участкаси беришда пайдо бўладиган низолар қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳал этилади.

Вазирлар Маҳкамасининг  
2003 йил 30 октябрдаги 476-сон қарорига  
8-ИЛОВА

**Фермер хўжалиги томонидан ер участкасини узоқ  
муддатли ижарага олишнинг  
НАМУНАВИЙ ШАРТНОМАСИ**

200\_\_йил «\_\_»\_\_\_\_\_

\_\_\_\_\_ (шартнома тузилган жой)

\_\_\_\_\_ вилояти \_\_\_\_\_ тумани ҳокимлиги  
(номи) (номи)

ҳоким \_\_\_\_\_ орқали, кейинги ўринларда «Ижарага  
(фамилияси, исми, отасининг исми)

берувчи» деб аталади, бир томондан ва \_\_\_\_\_  
(фермер хўжалигининг номи)

\_\_\_\_\_ (фамилияси, исми, отасининг исми)

орқали, кейинги ўринларда «Ижарага олувчи» деб аталади, иккинчи томондан  
200\_\_ йил «\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_-сон қарор асосида ушбу Шартномани қуйи-  
дагилар тўғрисида тузишди:

**I. Шартноманинг мавзуси**

1. Ижарага берувчи 200\_\_йил «\_\_»\_\_\_\_\_дан \_\_\_\_\_йил муддатга  
\_\_\_\_\_да жойлашган \_\_\_\_\_гектар ер участкасини ижарага топширади,  
Ижарага олувчи эса қабул қилиб олади.

Ижарага олувчининг ер участкаси чегаралари мазкур Шартноманинг ажрал-  
мас қисми ҳисобланадиган илова қилинаётган харитада кўрсатилган.

2. Ер участкаси \_\_\_\_\_ қишлоқ хўжалиги  
(ихтисослашуви)

ишлаб чиқаришини юритиш учун берилади.

3. Кўрсатилган ер участкасида қуйидаги қишлоқ хўжалиги ерлари жойлашган:

суғориладиган ҳайдаладиган ерлар \_\_\_\_\_ га;

суғорилмайдиган (лалмикор) ҳайдаладиган ерлар \_\_\_\_\_ га;

боғлар \_\_\_\_\_ га;

узумзорлар \_\_\_\_\_ га;

тутзорлар \_\_\_\_\_ га;

бошқа кўп йиллик дарахтлар \_\_\_\_\_ га;

пичанзорлар ва яйловлар \_\_\_\_\_ га;

бўз ерлар \_\_\_\_\_ га;

Ерларнинг таркиби ва майдони тўғрисидаги батафсил маълумотлар ушбу Шарт-  
номанинг ажралмас қисми ҳисобланадиган ерларнинг илова қилинаётган изоҳлари-  
да келтирилган.

4. Ижарага бериладиган суғориладиган ерларнинг тавсифи:

сув билан таъминланганлиги \_\_\_\_\_ %;

суғориб келинаётган муддати \_\_\_\_\_;

маданийлаштирилганлиги \_\_\_\_\_;

эрозияга учраганлик даражаси \_\_\_\_\_;

- тошлоқлик даражаси \_\_\_\_\_;
- шўрланиш даражаси \_\_\_\_\_;
- сизот сувларнинг жойлашиш чуқурлиги \_\_\_\_\_;
- тупроқ бонтетининг ўртача ўлчанган бали \_\_\_\_\_.
5. Ер участкасининг кучсизланганлиги \_\_\_\_\_;
6. Сервитутлар \_\_\_\_\_.

## II. Ижара ҳақи

7. Ер учун ижара ҳақи ягона ер солиғи тарзида, қонун ҳужжатларида белгиланган ставкалар бўйича ва муддатларда тўланади.
8. Ягона ер солиғини ўз вақтида тўламаганлик учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда пеня ундирилади.

## III. Ер участкасини бериш ва ундан фойдаланиш шартлари

9. Ер участкасидан ушбу Шартноманинг 2-бандида кўрсатилган мақсадларда, белгиланган алмашлаб экишларга мувофиқ фойдаланилиши керак.
10. Ички хўжалик объектлари қуришда ва кенг тарқалган фойдали қазилмаларни қазиб олишда Ижарага олувчи томонидан бузилган ер участкалари ижарага олувчининг кучи билан ва унинг маблағлари ҳисобига қайта маданийлаштирилади.
11. Ер участкаси бериш ва ундан фойдаланишнинг бошқа шартлари \_\_\_\_\_
- 
- 

## IV. Ижарага берувчининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

12. Ижарага берувчи белгиланган тартибда қуйидаги ҳуқуқларга эга:  
Ижарага олувчи томонидан Шартнома шартлари бузилганда ёхуд ер участкасини ёки унинг бир қисмини давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйиш зарур бўлганда ушбу Шартномани ўзгартиришни ёки бекор қилишни талаб қилиш;  
ер участкасининг кучсизланганлиги даражасини аниқлаш.  
Ижарага берувчининг бошқа ҳуқуқлари \_\_\_\_\_.
13. Ижарага берувчи қуйидагиларга мажбур:  
ижарага олинган ер участкасининг белгиланган муддатларда, Шартнома шартларига мувофиқ ҳолатда берилишини таъминлаш;  
ерлар давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйилган тақдирда Ижарага олувчининг кўрган зарарларини, шу жумладан бой берилган фойдасини тўлаш;  
қишлоқ хўжалиги экинлари ва дарахтларни суғориш учун ажратилган лимитларга мувофиқ сув берилишини таъминлаш;  
Ижарага олувчининг қонун ҳужжатларида белгиланган ҳуқуқларига риоя қилиш.  
Ижарага берувчининг бошқа мажбуриятлари \_\_\_\_\_.

## V. Ижарага олувчининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

14. Ижарага олувчи қуйидаги ҳуқуқларга эга:
-

ер участкасида ундан фойдаланиш мақсадига ҳамда хўжалик уставига мувофиқ мустақил равишда хўжалик юритиш;

қишлоқ хўжалиги экинлари ва дарахт кўчатларига, етиштирилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотига ва уни сотишдан олинган даромадларга эгалик қилиш;

ер участкасида мавжуд бўлган кенг тарқалган фойдали қазилмалар, ўрмонзорлар, сув объектларидан хўжалик эҳтиёжлари учун белгиланган тартибда фойдаланиш, шунингдек ернинг бошқа фойдали хоссаларини ишга солиш;

суғориш, ерларнинг захини қочириш, техник ва бошқа мелиоратив ишларни белгиланган тартибда амалга ошириш;

қишлоқ хўжалиги экинларини, дарахтларни суғориш ва бошқа мақсадлар учун суғориш манбаларидан лимитларга мувофиқ сув олиш;

ички хўжалик мақсадлари учун ишлаб чиқариш ҳамда бошқа иморатлар ва иншоотларни белгиланган тартибда барпо этиш;

ерлар олиб қўйилган тақдирда ўзига етказилган зарарларни, шу жумладан бой берилган фойдани тўлатиш.

Ижарага олувчи «Фермер хўжалиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунларида ва бошқа қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳуқуқларга ҳам эгадир.

15. Ижарага олувчи қуйидагиларга мажбур:

ер участкасининг ихтисослашувини мазкур Шартноманинг 2-бандига мувофиқ сақлаш;

давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган маҳсулот етиштирилишини ташкил этиш (ихтисослашувни ҳисобга олган ҳолда);

ердан унинг белгиланган мақсадига мувофиқ оқилона фойдаланиш, тупроқ унумдорлигини ошириш, ишлаб чиқаришнинг табиатни муҳофаза қилувчи технологияларини қўлланиш, ўз хўжалик фаолияти натижасида ҳудуддаги экологик вазиятнинг ёмонлашувига йўл қўймаслик. Фермер хўжалигига ижарага берилган қишлоқ хўжалиги ерлари, шунингдек экинларидан қишлоқ хўжалиги экинлари шартномасида назарда тутилмаган бошқа мақсадларда фойдаланилиши амалдаги қонун ҳужжатларида назарда тутилган барча келиб чиқадиган оқибатлари билан биргаликда ижара шартномасининг қўпол равишда бузилиши ҳисобланади;

ишлаётган ирригация ва мелиоратив тармоқларни, муҳандислик коммуникацияларини соз ҳолатда сақлаш;

ерларни муҳофаза қилиш бўйича қонун ҳужжатларида назарда тутилган комплекс тадбирларни амалга ошириш;

ягона ер солиғини ўз вақтида тўлаш;

бошқа ер эгалари, ердан фойдаланувчилар, ерни ижарага олувчилар ва ер участкалари мулкдорларининг ҳуқуқларини бузмаслик;

белгиланган шакллардаги ҳисоботларни ўз вақтида тақдим этиш;

бошқа ер эгаларига, ердан фойдаланувчиларга, ерни ижарага олувчиларга ва ер участкалари мулкдорларига етказилган зарарни белгиланган тартибда тўлаш;

қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлигини (уч йил мобайнидаги ўртача йиллик ҳисобда) ерларнинг нормативдаги кадастр баҳосидан паст бўлмаган даражада бўлишини таъминлаш;

архитектура-шаҳарсозлик нормалари ва талабларига риоя этиш, шу жумладан қурилишга рухсат олиш ва лойиҳани архитектура органлари билан келишиш.

Ижарага олувчи «Фермер хўжалиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси

қонунларида ва бошқа қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа мажбуриятларга ҳам эгадир.

#### **VI. Ер участкасини ижарага бериш шартномасини ўзгартириш ва бекор қилиш**

16. Ушбу Шартнома томонларнинг келишувига кўра, томонларнинг келишувига эришилмаган тақдирда эса — суд қарорига кўра ўзгартирилиши ёки бекор қилиниши мумкин.

17. Ушбу Шартнома қуйидаги ҳолларда:

фермер хўжалигининг тугатилганда, шу жумладан банкротлик тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ у иқтисодий ночор бўлган тақдирда тугатилганда;

ер участкасини ижарага олиш ҳуқуқидан ихтиёрий равишда воз кечилганда;

ердан белгиланган мақсадда фойдаланилмаганда, шу жумладан давлат эҳтиёжлари учун контрактация шартномасида назарда тутилмаган қишлоқ хўжалиги экинлари экилганда;

самарасиз фойдаланилганда, яъни Ижарага олувчининг айби билан мунтазам равишда (уч йил мобайнида) нормативдаги кадастр баҳосидан кам миқдорда ҳосил олинганда;

ерларнинг экологик ҳолати ижарага олувчининг айби билан ёмонлашганда;

ер участкаси давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун белгиланган тартибда олиб қўйилганда;

агар фермер хўжалиги ер участкаси олинган пайтдан бошлаб бир йил мобайнида ишлаб чиқариш-хўжалик фаолиятига киришмаса бекор қилиниши мумкин.

Шартнома амалдаги қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда ҳам бекор қилиниши мумкин.

#### **VII. Томонларнинг жавобгарлиги**

18. Томонлардан бири ушбу Шартноманинг шартларини бажармаганда ёки қонун ҳужжатларини мунтазам равишда бузганда иккинчи томон ушбу Шартноманинг белгиланган тартибда бекор қилинишини талаб қилишга ҳақлидир.

19. Бартараф этилиши мумкин бўлган ҳар қандай қонун бузилиши Шартноманинг бекор қилинишига сабаб бўлмайди.

20. Томонлардан бири Шартномани бекор қилиш мўлжали тўғрисида иккинчи томонни Шартнома бекор қилиниши сабабларини асослаган ҳолда мўлжалланаётган бекор қилиш санасидан уч ой олдин ёзма равишда хабардор қилади.

#### **VIII. Низоларни ҳал этиш**

21. Ушбу Шартномани амалга оширишда пайдо бўладиган низолар амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳал этилади.

#### **IX. Шартноманинг алоҳида шартлари\***

---

---

---

---

*Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2002 й.*

**Х. Яқуний қоидалар**

Ушбу Шартнома икки нусхада тузилган, улардан биринчиси Ижарага олувчига

\_\_\_\_\_ берилган, иккинчиси \_\_\_\_\_  
(хўжаликнинг номи) (тумanning номи)

туманининг ер ресурслари бўйича туман хизматида сақланади.

Шартнома ер участкаси жойлашган жойдаги ер ресурслари бўйича туман хизматида рўйхатдан ўтказилган кундан бошлаб кучга киради.

**Томонларнинг юридик манзиллари:**

Ижарага берувчи:

\_\_\_\_\_  
 \_\_\_\_\_  
 \_\_\_\_\_

Ижарага олувчи:

\_\_\_\_\_  
 \_\_\_\_\_  
 \_\_\_\_\_

**Томонларнинг имзолари:**

Ижарага берувчи-

\_\_\_\_\_ тумани ҳокими

Ижарага олувчи -

\_\_\_\_\_

Имзо \_\_\_\_\_

М.Ў.

Имзо \_\_\_\_\_

М.Ў.

Шартнома 200\_ йил «\_\_» \_\_\_\_\_ да \_\_\_\_\_-сон тартиб рақами билан

\_\_\_\_\_ вилояти \_\_\_\_\_ тумани ер ресурслари бўйича  
(номи) (номи)

туман хизматида рўйхатдан ўтказилган.

М.Ў. \_\_\_\_\_

(имзо)

\_\_\_\_\_

(Ф.И.О.)

Вазирлар Маҳкамасининг  
 2003 йил 30 октябрдаги 476-сон қарорига  
 9-ИЛОВА

**Фермер хўжалиги ходимларини ёллаш тўғрисида  
НАМУНАВИЙ ШАРТНОМА**

\_\_\_\_\_ тумани \_\_\_\_\_-сон \_\_\_\_\_ 200\_\_ йил \_\_\_\_\_

\_\_\_\_\_ фермер хўжалиги Устав асосида фаолият кўрсатувчи,  
(номи)

кейинги ўринларда «Иш берувчи» деб юритиладиган \_\_\_\_\_  
(Ф.И.О.)

орқали бир томондан ва кейинги ўринларда «Ходим» деб юритиладиган фуқаро  
 \_\_\_\_\_ иккинчи томондан ушбу шартномани қуйидагилар  
(Ф.И.О.)

\* Изох: IX «Шартноманинг алоҳида шартлари» бўлимида мазкур Намунавий шартномада назарда тутилмаган ва қонун ҳужжатларига зид бўлмаган шартлар кўрсатилади.

*Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2003 й.*

тўғрисида тузишди:

1. Ходим \_\_\_\_\_ мутахассислиги бўйича \_\_\_\_\_ лавозимига  
(разряд кўрсатилади)
  - қабул қилинади.
  2. Шартнома \_\_\_\_\_ хисобланади.  
(асосий иш бўйича, ўриндошлик бўйича)
  3. Шартнома муддати \_\_\_\_\_  
(муайян муддатга, белгиланмаган муддатга)
  4. Шартнома бўйича ишнинг бошланиши \_\_\_\_\_  
(йил, кун, ой)
  5. Ходимнинг мажбуриятлари:
    - а) Ўзбекистон Республикаси қонунларига ва ҳўжалик Устави талабларига, меҳнат интизомига риоя қилиш, меҳнат мажбуриятларини бажариш;
    - б) меҳнатни муҳофаза қилиш, техника хавфсизлиги ва ишлаб чиқариш санитарияси талабларига риоя қилиш.
  6. Иш берувчининг мажбуриятлари:
    - а) меҳнатни ташкил этиш ва Ходимнинг меҳнатини муҳофаза қилиш, уни техника хавфсизлиги қоидалари, меҳнат мажбуриятлари, жамоа шартномаси (у қабул қилинган бўлса) ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан таништириш;
    - б) иш ҳақини белгиланган муддатларда тўлаш;
    - в) Ходимни меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларига мувофиқ зарур инвентарлар ва бошқа муҳофаза воситалари билан таъминлаш;
    - г) Ходимнинг меҳнат дафтарчасини белгиланган тартибда юриштиш;
    - д) қонун ҳужжатлари талабларига риоя этиш.
  7. Иш тартиби:
 

иш вақти тартибини фермер ҳўжалиги бошлиғи қонун ҳужжатларига мувофиқ белгилайди.

Бунда бир йилдаги иш вақти жами ҳисобланган иш вақтидан, ҳар кунги ишнинг давом этиши эса 12 соатдан ошиши мумкин эмас.
  8. Меҳнатга ҳақ тўлаш:
    - а) томонлар белгилаган иш ҳажми бажарилган тақдирда Ходимга ҳар ой учун \_\_\_\_\_ миқдорида меҳнат ҳақи белгиланади;  
(аниқ сумма кўрсатилади)
    - б) ишлаб чиқариш зарурияти ва бекор туриб қолишлар сабабли Ходим унинг розилигисиз бошқа ишга ўтказилиши мумкин. Бунда меҳнатга ҳақ тўлаш бажарилган ишлар бўйича, лекин Ходимнинг илгариги иш ҳақидан кам бўлмаган миқдорда амалга оширилади;
    - в) Иш берувчи ҳуқуқлар ва молиявий имкониятлар доирасида қўйидаги қўшимча тўловларни (устамалар, мукофотлар, рағбатлантирувчи ва бошқа тўловларни) белгилайди:

---

(қўшимча тўловлар, устамалар, мукофотлар ва бошқа тўловларнинг номи ва миқдори)

  - г) Ходим билан келишувга кўра меҳнатга ҳақ тўлаш ҳам пул, ҳам натура тарзида амалга оширилиши мумкин.
9. Ходимга ҳар йилги асосий меҳнат таътили \_\_\_\_\_ иш кунни (камида 15 иш кунни) миқдорида ва \_\_\_\_\_ иш кунни миқдорида қўшимча меҳнат таътили белгиланади.
10. Ходимга нисбатан давлат ижтимоий суғуртаси қўлланади.
11. Иш берувчи меҳнат интизоми ва ушбу Шартнома шартлари бузилганлиги учун Ходимга нисбатан Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 181-модда-

сида кўрсатилган интизомий танбех чораларини Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 182-моддаси талабларини бажарган ҳолда қўллаш ҳуқуқига эгадир.

### Томонларнинг манзиллари ва имзолари:

**Ходим**

**Иш берувчи**

Вазирлар Маҳкамасининг  
2003 йил 30 октябрдаги 476-сон қарорига  
10-ИЛОВА

### Намунавий контрактация шартномаси\*

\_\_\_\_\_ № \_\_\_\_\_ 200\_\_ й. «\_\_\_» \_\_\_\_\_  
(шартнома тузилган жой)

\_\_\_\_\_ асосида иш кўрувчи,  
(фермер хўжалиги устави)

кейинчалик «Хўжалик» деб юритилувчи \_\_\_\_\_  
(фермер хўжалиги номи)

номидан фермер хўжалиги бошлиғи \_\_\_\_\_  
(Ф.И.О.)

бир томондан, ва \_\_\_\_\_  
(устав, қарор, ишончнома)

асосида иш кўрувчи, кейинчалик «Тайёрловчи» деб юритилувчи \_\_\_\_\_  
(корхона, ташкилот номи)

номидан иш кўрувчи \_\_\_\_\_  
(лавозими, Ф.И.О.)

иккинчи томондан мазкур шартномани қўйидагилар тўғрисида туздилар:

### I. Шартнома мавзуси

1.1. «Хўжалик» мазкур шартноманинг 1.2-бандида кўрсатилган ўзи етиштирган қишлоқ хўжалиги маҳсулотини (кейинги ўринларда «Маҳсулот» деб юритилади) «Тайёрловчи»га қайта ишлаш ёки сотиш учун бериш, «Тайёрловчи» эса ушбу «Маҳсулот»ни келишилган муддатларда муайян нарх бўйича ҳақини тўлаб харид қилиш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

1.2. Қўйидаги қишлоқ хўжалиги маҳсулоти мазкур шартнома мавзуси ҳисобланади:

\_\_\_\_\_

(«Маҳсулот»нинг тури, нави, типи, класси, ҳажми)

### II. Томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

2.1. «Хўжалик»нинг ҳуқуқлари:  
шартномада назарда тутилган ҳолларда «Тайёрловчи»дан уруғлик ва экиш материаллари билан таъминлашни талаб қилиш;

\_\_\_\_\_

\* «Маҳсулот»нинг аниқ турига контрактация шартномаси намунаси манфаатдор ташкилотлар томонидан ишлаб чиқилади ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги билан келишилади.

*Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2003 й.*

«Маҳсулот»ни топширишда, унинг сифатини аниқлашда ҳозир бўлиш ва «Тайёрловчи»дан унга тегишли ҳақ тўланишини талаб қилиш;

«Тайёрловчи»дан «Маҳсулот» етиштириш учун мазкур шартномада белгиланган муддатларда ва суммада аванс тўланишини талаб қилиш;

«Тайёрловчи»дан шартномани бажариш учун зарур бўлган амалдаги давлат стандартлари ва бошқа норматив ҳужжатлар билан таъминлашни талаб қилиш;

«Тайёрловчи»дан «Маҳсулот» хўжалик ҳисобидан транспортда ташилганда транспорт харажатларини қоплашни талаб қилиш;;

«Тайёрловчи»дан шартнома шартлари бажарилмаслиги ёки зарур даражада бажарилмаслиги натижасида етказилган зарар қопланишини талаб қилиш.

#### 2.2. «Хўжалик»нинг мажбуриятлари:

«Тайёрловчига» 200\_\_ йил \_\_\_\_\_ дан кечикмай тегишли сифатга эга бўлган ҳажмда ва ассортиментда «Маҳсулот»нинг муайян турларини етказиб бериш;

илова қилинадиган ҳужжатларни зарур тарзда расмийлаштириш ва «Маҳсулот»ни топширишда талаб қилинадиган бошқа талабларга (ўраш, қадоқлаш ва бошқалар) риоя қилиш;

«Маҳсулот»ни «Тайёрловчи»га топшириш учун ўз вақтида тайёрлаш;

«Маҳсулот»ни мазкур шартномада назарда тутилган муддатларда топшириш муддатларига риоя қилиш имкони бўлмаган тақдирда, бу ҳақда «Тайёрловчи»га «Маҳсулот»ни топшириш муддати бошланишидан \_\_\_\_\_ кундан кечикмай маълум қилиш.

#### 2.3. «Тайёрловчи»нинг ҳуқуқлари:

«Маҳсулот»нинг муайян турлари шартномада белгиланган тегишли сифат ва муддатларда, ҳажмлар ва ассортиментда ҳамда томонлар келишган жадвалга мувофиқ ўз вақтида топширилишини талаб қилиш;

тузилган шартномага мувофиқ топширилаётган «Маҳсулот» ҳисобига илгари берилган аванс маблағлари қопланишини «Хўжалик»дан талаб қилиш.

#### 2.4. «Тайёрловчи»нинг мажбуриятлари:

«Хўжалик»ка аванс маблағларини мазкур шартномада белгиланган муддатлар ва ҳажмларда тўлаш;

амалдаги стандартлар талабларига мувофиқ харид қилинадиган «Маҳсулот» оғирлиги ва сифатини аниқлаш;

«Хўжалик» томонидан етказиб бериладиган «Маҳсулот»ни мазкур шартномада назарда тутилган миқдорда ва муддатларда харид қилиш;

«Маҳсулот»нинг ҳақини мазкур шартномада кўрсатилган нарх бўйича «Маҳсулот» олинган пайтдан бошлаб \_\_\_\_\_ кун мобайнида тўлаш;

шартномада назарда тутилган ҳолларда «Хўжалик» тасарруфида қоладиган «Маҳсулот»ни давлат стандартлари ва техник шартлар талабларига мувофиқ сақлаш ва унинг ҳолати тўғрисида «Хўжалик»ка мунтазам равишда маълум қилиш;

«Хўжалик» тасарруфида қоладиган маҳсулотнинг сифати ёмонлашиши оқибатида «Хўжалик»ка етказилган зарарни қоплаш;

мазкур шартномага мувофиқ «Маҳсулот»нинг ташилишини, томонлар келишган жадвалда назарда тутилган муддатларда «Тайёрловчи» жойлашган жой бўйича ёки у томонидан кўрсатилган бошқа жойда қабул қилиб олинишини таъминлаш;

«Маҳсулот»ни сақлашда, тайёрлашда, транспортда ташишда, унга бирламчи ишлов беришда унинг камомадининг олдини олиш;

амалдаги стандартларга мувофиқ «Маҳсулот»ни қайта ишлаш, сотувга тайёрлаш ва уни сотишга тегишли ҳужжатларни расмийлаштириш;

шартномаларга мувофиқ «Хўжалик»ни идиш, ўраб-жойлаш материаллари ва норматив техник ҳужжатлар (маҳсулотнинг айрим турларини харид қилиш, қабул қилиш, сифатини баҳолашни тартибга солувчи стандартлар, техник шартлар, қоидалар) билан таъминлаш;

200\_\_ йил \_\_\_\_\_ дан кечикмай ёки ушбу давр мобайнида «Хўжалик»нинг буюртманомасида кўрсатилган муддатларда ва ҳажмда, унга ушбу материалларни етказиб беришнинг мўлжалланаётган санасидан камида беш кун олдин бериладиган \_\_\_\_\_ навли, \_\_\_\_\_ типдаги, \_\_\_\_\_ классли, \_\_\_\_\_ кг уруғлик ва экиш материаллари билан «Хўжалик»ни таъминлаш. Буюртманомачопар орқали қабул қилинганда «Тайёрловчи»нинг ходими санани кўрсатган ҳолда у қабул қилинганлиги тўғрисида белги қўяди. «Хўжалик» олдин берилган буюртманомани бекор қилишга ёхуд уруғлик ва экиш материаллари етказиб бериш санасини ўзгартиришга ҳақлидир, бу ҳақда «Тайёрловчи»га буюртманомада кўрсатилган санадан камида бир кун олдин маълум қилади.

### III. Баҳоси ва ҳисоб-китоб тартиби

3.1. «Маҳсулот»нинг баҳоси \_\_\_\_\_ 1 (бир) тоннаси учун сўмни ташкил этади.

Мазкур шартнома бўйича умумий сумма \_\_\_\_\_ сўмни ташкил этади.

3.2. «Хўжалик» уруғлик ва экиш материалларини аванс ҳисобида ёки бевосита сотиб олиш йўли билан олади (зарур бўлмагани ўчириб ташланади).

«Хўжалик» таъминладиган уруғлик ва экиш материаллари нархи 1 (бир) кг учун \_\_\_\_\_ сўмни ташкил этади. Уруғлик ва экиш материалларининг умумий суммаси \_\_\_\_\_ сўмни ташкил этади.

3.3. «Тайёрловчи» «Хўжалик»ка аванс маблағларини «Маҳсулот» қийматининг камида 50 фоизи миқдорида (уруғлик ва экиш материаллари аванс ҳисобига олинганда уларнинг қиймати аванс маблағлар суммасига киритилади) қуйидаги ҳажмлар ва муддатларда тўлайди:

— шартнома суммасининг камида \_\_\_\_\_ фоизи \_\_\_\_\_ да;  
йил ойн (давр)

— шартнома суммасининг камида \_\_\_\_\_ фоизи \_\_\_\_\_ да;  
йил ойн (давр)

— шартнома суммасининг камида \_\_\_\_\_ фоизи \_\_\_\_\_ да.  
йил ойн (давр)

3.4. Етиштирилган «Маҳсулот» учун \_\_\_\_\_  
(ҳисоб-китоб шакли кўрсатилади)

\_\_\_\_\_ йўли билан \_\_\_\_\_ пайтдан бошлаб нақд пулсиз тарзида  
(муддатлар кўрсатилади)

мобайнида ҳисоб-китоб қилинади.

3.5. «Тайёрловчи» тўлов амалга оширилганлиги тўғрисида \_\_\_\_\_ пайтдан бошлаб \_\_\_\_\_ йўли  
(олинганлиги тасдиқладиган телеграмма, факс ва ҳоказолар)

билан \_\_\_\_\_ муддатда  
(муддат кўрсатилади)

«Хўжалик»ни хабардор қилиши шарт.

3.6. «Маҳсулот»ни транспортда ташиш ва тушириш бўйича барча харажатларни «Тайёрловчи» кўтаради.

«Маҳсулот» «Хўжалик»нинг транспорти билан етказиб берилган тақдирда «Тайёрловчи» транспортда ташиш харажатларини унга қоплайди (идишни ҳам ўз ичига олган ҳолда амалдаги масса бўйича).

#### IV. Маҳсулот бериладиган жой

4.1. \_\_\_\_\_ «Маҳсулот» бериладиган  
(жой кўрсатилади)  
жой ҳисобланади.

#### V. Томонларнинг жавобгарлиги

5.1. «Маҳсулот» мазкур шартномада белгиланган ассортиментда ва турлар бўйича, муддатларда қабул қилиниши рад этилишининг ҳар бир ҳолати учун «Тайёрловчи» «Хўжалик»ка белгиланган устамалар тўланиши ҳисобга олинмаган ҳолда амалда шаклланган ўртача нархдан келиб чиқиб қабул қилинмаган «Маҳсулот» қийматининг 25 фоизи миқдорида, тез бузиладиган «Маҳсулот»лар бўйича эса — тўлиқ қиймати миқдорида жарима тўлайди. Бундан ташқари, «Маҳсулот»ни қабул қилиш рад этилганлиги натижасида «Хўжалик» томонидан кўрилган, жарима билан қопланмаган зарарларни қоплайди.

5.2. Шартномада белгиланган миқдорда ва ассортиментда, турлар бўйича муддатларда «Маҳсулот» топширилиши асоссиз бош тортилганлиги учун «Хўжалик» «Тайёрловчи»га топширилмаган маҳсулот қийматининг 25 фоизи миқдорида жарима тўлайди. Жарима харид нархига белгиланган устамалар тўланиши ҳисобга олинмаган ҳолда ўтган даврда (ой, йил чораги, йил) «Маҳсулот»нинг амалда шаклланган ўртача нархидан келиб чиқиб ҳисобланади. Бундан ташқари, «Маҳсулот» тўлиқ етказиб берилмаганлиги натижасида пайдо бўлган жарима билан қопланмаган зарар қопланади.

5.3. Мазкур шартномага мувофиқ топширилган (юклар жўнатиш) «Маҳсулот» ҳақини тўлашдан асоссиз бўйин товланганлиги учун («Хўжалик»ка берилиши керак бўлган сумма, шу жумладан белгиланган устамалар ўз вақтида ўтказилмаслиги, ҳисоб-китобнинг акцепт шаклида эса — тўлов ҳужжати акцептидан асоссиз тўлиқ ёки қисман рад этилганлиги учун), «Тайёрловчи» «Хўжалик»ка олинмаган суммани, ўзи тўлашдан бўйин товланган сумманинг 15 фоизи миқдорида жарима тўлайди. Жаримадан ташқари «Тайёрловчи» «Хўжалик»ка муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун муддати ўтказиб юборилган тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдорида, бироқ муддати ўтказиб юборилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорда пеня тўлайди.

5.4. Товар-транспорт ҳужжатини расмийлаштириш рад этилганлиги ёки нотўғри расмийлаштирилганлиги учун айбдор томон бошқа томонга ҳар бир товар-транспорт ҳужжати учун бир энг кам ойлик иш ҳақи миқдорида жарима тўлайди.

Юклар жўнатиш «Маҳсулот»га тўлов ёки товар-транспорт ҳужжати нусхаси белгиланган муддатда юборилмаганлиги ёки юклар жўнатиш тўғрисида бошқа маълумот тақдим этилмаганлиги учун айбдор томон ҳар бир бундай ҳолат учун етказиб берилаётган «Маҳсулот» қийматининг 1 фоизи миқдорида жарима тўлайди.

5.5. «Хўжалик» мазкур шартномада белгиланган миқдорда ва муддатларда стандарт ва техник шартлар талабларига жавоб берадиган идиш ва ўраб-жойлаш ма-

териаллари билан таъминланмаганлиги учун «Тайёрловчи» «Хўжалик»ка «Маҳсулот» етказиб бериш пайтда амалда бўлган идиш, ўраб-жойлаш материаллари қийматининг икки баравари миқдорида жарима тўлайди. Агар «Тайёрловчи»нинг «Хўжалик»ни идиш билан таъминланмаганлиги «Маҳсулот» сифатининг пасайишига ёки бузилишига олиб келса, «Тайёрловчи» «Хўжалик»ка жарима билан қопланмаган қисм бўйича зарарларни қоплайди. Бунда «Хўжалик» сифатсиз «Маҳсулот» етказиб берилганлиги учун жавобгарликдан озод қилинади.

5.6. «Тайёрловчи» томонидан «Маҳсулот»нинг миқдори нотўғри аниқланган, унинг қиймати нотўғри белгиланган ва ундирилган ҳоллар аниқланган тақдирда «Тайёрловчи» «Маҳсулот»нинг сифатини, шунингдек унинг миқдорини ва, ундан ташқари ҳисоблаб чиқилган суммани ҳисобга олган ҳолда қайта ҳисоб-китоб қилади, «Хўжалик»ка нотўғри ҳисоблаб чиқилган сумманинг 20 фоизи миқдорида жарима тўлайди.

5.7. «Хўжалик» томонидан мазкур шартнома бажармаганлиги ёки зарур даражада бажармаганлиги учун «Хўжалик»ни жавобгарликка тортишда шунингдек уларнинг хатти-ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) «Хўжалик» томонидан мазкур шартнома бўйича шартнома мажбуриятлари бажарилмаслигига (зарур тарзда бажарилмаслигига) олиб келган хизмат кўрсатувчи ташкилотларнинг жавобгарлиги ҳам кўриб чиқилади

Хизмат кўрсатувчи ташкилотларнинг айби билан мазкур шартноманинг «Хўжалик» томонидан бажарилмаслиги (зарур тарзда бажарилмаслиги) натижасида етказилган зарар белгиланган тартибда ушбу ташкилотлар томонидан қопланади.

5.8. Мазкур шартномада назарда тутилмаган томонларнинг жавобгарлиги чоратадбирлари фуқаролик қонунчилиги нормаларига мувофиқ қўлланилади.

## **VI. Низоларни ҳал этиш тартиби**

6.1. Келишмовчиликлар ва низоли масалалар келиб чиққан тақдирда, томонлар, қондага кўра, мустақил равишда ёхуд туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўлими иштирокида уларни судгача ҳал этиш чораларини кўрадилар.

Туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўлими низони кўриб чиқишда қатнашишда маҳсулотнинг сифати пасайиши ёки бузилиши ҳоллари бўйича хулоса бериши, шунингдек табиий офатлар ва бошқа ноқулай шарт-шароитлар оқибатида ёхуд «Тайёрловчи»нинг айби билан шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилмаганлиги учун «Хўжалик»ни жавобгарликдан озод қилиш учун хулоса бериши мумкин.

6.2. Томонлар келишмовчиликлар ва низоларни ҳал этиш учун бевосита судга мурожаат қилишга ҳақлидир.

## **VII. Шартноманинг амал қилиши**

7.1. Мазкур шартнома мазкур шартноманинг 8.4-бандига мувофиқ рўйхатдан ўтказилган кундан бошлаб амалга қиради ва томонлар ушбу шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажаргунга қадар амал қилади.

7.2. Томонлар ўртасидаги муносабатлар улар томонидан мазкур шартноманинг барча шартлари бажарилган ва ҳисоб-китоб тўлиқ тугалланган тақдирда тўхтатилади.

## **VIII. Яқуний қоидалар**

8.1. Мазкур шартнома томонларнинг келишувига кўра ёки бошқа томон шарт-

нома шартларини жиддий равишда бузган тақдирда, томонлардан бирининг талаби бўйича суд тартибида бекор қилиниши мумкин.

8.2. Мазкур шартномага ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар улар ёзма шаклда содир этилиши ва томонларнинг бунга зарур даражада вакил қилинган вакиллари томонидан имзоланиши шarti билан ҳақиқий ҳисобланади.

8.3. Мазкур шартнома томонларнинг ҳар бири ва қишлоқ ва сув хўжалиги бўлими учун бир нусхадан уч нусхада тузилади. Шартноманинг барча нусхалари тенг юридик кучга эгадир.

8.4. Мазкур шартнома, унга ўзгартиришлар (қўшимчалар) «Хўжалик» жойлашган жой бўйича туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўлимида рўйхатдан ўтказилгандан кейин бажарилиши керак.

#### IX. Томонларнинг манзили ва банк реквизитлари:

«ХЎЖАЛИК»

«ТАЙЁРЛОВЧИ»

\_\_\_\_\_

\_\_\_\_\_

**Солиқ тўловчининг идентификация рақами**

\_\_\_\_\_

\_\_\_\_\_

\_\_\_\_\_

М.Ў. Фермер хўжалиги бошлигининг имзоси, Ф.И.О.

\_\_\_\_\_

\_\_\_\_\_

**Солиқ тўловчининг идентификация рақами**

\_\_\_\_\_

\_\_\_\_\_

\_\_\_\_\_

М.Ў. имзо, лавозими, Ф.И.О.

**200\_\_ йил «\_\_» \_\_\_\_\_ да \_\_\_\_\_ рақами билан  
туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўлимида  
«РЎЙХАТДАН ЎТКАЗИЛДИ»**

\_\_\_\_\_

М.Ў. имзо, лавозими, Ф.И.О.

Юристнинг хулосаси:

\_\_\_\_\_

\_\_\_\_\_

\_\_\_\_\_.

\_\_\_\_\_ (имзо) \_\_\_\_\_ (Ф.И.О.)

Вазирлар Маҳкамасининг  
2003 йил 30 октябрдаги 476-сон қарорига  
11-ИЛОВА

**Моддий-техника ресурслари етказиб беришга  
НАМУНАВИЙ ШАРТНОМА\***

\_\_\_\_\_ № \_\_\_\_\_ 200\_\_й. «\_\_\_» \_\_\_\_\_  
(шартнома тузилган жой)

\_\_\_\_\_ асосида иш кўрувчи,  
(фермер хўжалиги устави)

кейинчалик «Хўжалик» деб юритилувчи \_\_\_\_\_  
(фермер хўжалиги номи)

номидан фермер хўжалиги бошлиғи \_\_\_\_\_  
(Ф.И.О.)

бир томондан, ва \_\_\_\_\_  
(устав, қарор, ишончнома)

асосида иш кўрувчи, кейинчалик «Етказиб берувчи» деб юритилувчи \_\_\_\_\_  
(корхона, ташкилот номи)

номидан иш кўрувчи \_\_\_\_\_  
(лавозими, Ф.И.О.)

иккинчи томондан мазкур шартномани қуйидагилар тўғрисида туздилар:

**I. Шартнома мавзуси**

1.1. Мазкур шартнома бўйича «Етказиб берувчи» «Хўжалик»ка \_\_\_\_\_  
\_\_\_\_\_ (кейинги ўринларда — «Моддий-тех-  
ника ресурслари» деб юритилади) етказиб бериш, «Хўжалик» эса уларни қабул қилиш  
ва қийматини тўлаш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

«Моддий-техника ресурслари»нинг аниқ турлари, уларнинг сони, сифати ва  
нархи, шунингдек етказиб бериш муддатлари мазкур шартноманинг таркибий қис-  
ми ҳисобланган иловада келтирилади.

**II. Томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари**

2.1. «Хўжалик»нинг ҳуқуқлари:

«Етказиб берувчи»дан шартномани бажариш учун зарур бўлган амалдаги дав-  
лат стандартлари ва бошқа норматив ҳужжатлар билан таъминлашни талаб қилиш;  
«Моддий-техника ресурслари» «Хўжалик»нинг ҳисобига транспортда ташилганда  
«Етказиб берувчи»дан транспорт харажатларини қоплашни талаб қилиш;  
«Етказиб берувчи»дан мазкур шартномага мувофиқ бериладиган буюртманома-  
га мувофиқ тегишли сифат, ассортиментдаги «Моддий-техника ресурслари» етказиб  
берилишини талаб қилиш;  
зарур сифатга эга бўлмаган «Моддий-техника ресурслари» етказиб берилмаган  
тақдирда ўз танлашига кўра:

\* «Моддий-техника ресурсларининг аниқ турига шартнома намунаси манфаатдор ташкилотлар  
томонидан ишлаб чиқилади ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги билан келишилади.

— зарур сифатга эга бўлмаган «Моддий-техника ресурслари» шунга ўхшаш «Моддий-техника ресурслари» билан алмаштирилишини;

— камчиликлар бепул бартараф этилишини ёки камчиликлар «Хўжалик» ёхуд учинчи шахслар томонидан тўғриланиши харажатларини қоплашни;

— баҳосининг мутаносиб тарзда камайтирилишини талаб қилиш;

мазкур шартнома шартлари бажарилмаганлиги ёки зарур даражада бажарилмаганлиги натижасида етказилган зарар қопланишини «Етказиб берувчи»дан талаб қилиш.

2.2. «Хўжалик»нинг мажбуриятлари:

ўз буюртманомаси бўйича етказиб берилган «Моддий-техника ресурслари»ни мазкур шартномага мувофиқ қабул қилиш;

«Моддий-техника ресурслари»га мазкур шартноманинг 3.1-бандида кўрсатилган нарх бўйича, қабул қилиш-топшириш далолатномаси имзоланган пайтдан бошлаб \_\_\_\_\_ кун мобайнида ҳақ тўлаш.

2.3. «Етказиб берувчи» қуйидаги ҳуқуқларга эга:

Етказиб берилган «Моддий-техника ресурслари» учун олдиндан ҳақ тўланишини ва амалдаги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва ҳажмда узил-кесил ҳисоб қилинишини хўжаликдан талаб қилиш;

берилган буюртманомага мувофиқ етказиб берилган «Моддий-техника ресурслари»ни қабул қилиш асоссиз рад этилиши натижасида етказилган зарар қопланишини «Хўжалик»дан талаб қилиш.

2.4. «Етказиб берувчи» қуйидагиларга мажбур:

«Хўжалик»ка «Моддий-техника ресурслари»ни мазкур шартномага мувофиқ ёки «Хўжалик» томонидан мазкур шартноманинг 4.8-бандида назарда тутилган тартибда бериладиган унинг буюртманомасига мувофиқ муддатлар, сифат ва миқдорда етказиб бериш;

агар «Моддий-техника ресурслари»ни етказиб бериш жараёнида «Етказиб берувчи» шартнома шартлари ва нормативлардан чекинишга йўл қўйган бўлса, «Хўжалик»нинг талаби билан аниқланган барча камчиликларни \_\_\_\_\_ кун муддатда текин тузатиб бериш.

### III. Шартноманинг баҳоси ва ҳисоб-китоб тартиби

3.1. Мазкур шартноманинг баҳоси \_\_\_\_\_

(сумма рақамлар ва ҳарфлар билан ёзилади)

сўмни ташкил этади.

Етказиб бериладиган «Моддий-техника ресурслари»нинг баҳоси мазкур шартномага иловада кўрсатилган.

3.2. Маҳсулотни транспортда ташиш ва тушириш бўйича барча харажатларни «Етказиб берувчи» кўтаради.

Маҳсулот «Хўжалик»нинг транспорти билан етказиб берилган тақдирда «Етказиб берувчи» транспортда ташиш харажатларини унга қоплайди (идишни ҳам ўз ичига олган ҳолда амалдаги масса бўйича).

3.3. «Хўжалик» етказиб бериладиган «Моддий-техника ресурслари» туркуми суммасининг \_\_\_\_\_ фоизи миқдорида олдиндан ҳақ тўлайди. Етказиб берилган «Моддий-техника ресурслари» учун қабул қилиш-топшириш далолатномаси имзолангандан кейин \_\_\_\_\_ кун муддатда узил-кесил ҳисоб-китоб қилинади.

3.4. Етказиб берилган «Моддий-техника ресурслари» учун \_\_\_\_\_

\_\_\_\_\_ йўли билан нақд пулсиз тартибда ҳисоб-китоб қилинади.

(ҳисоб-китоб шакли кўрсатилади)

#### IV. Шартноманинг бажарилиши

4.1. Шартнома мазкур шартнома ва қонун ҳужжатлари шартлари ва талабларига мувофиқ зарур тарзда бажарилиши керак.

Агар томонлар ўз зиммаларига қабул қилинган барча мажбуриятлар бажарилишини таъминласа, шартнома бажарилган деб ҳисобланади.

4.2. Шартнома бажарилишини бир томонлама рад этишга ёки шартнома шартларини бир томонлама ўзгартиришга йўл қўйилмайди, қонун ҳужжатларида белгиланган ҳоллар бундан мустасно.

4.3. «Моддий-техника ресурслари» қабул қилиш-топшириш далолатномалари тузилган сана шартномалар бўйича мажбуриятлар бажарилган сана ҳисобланади.

Ҳисоб-китоб ҳужжатида банк муассасаси штампида кўрсатилган сана «Моддий-техника ресурслари»га ҳақ тўлаш бўйича «Хўжалик» мажбуриятлари бажарилган сана ҳисобланади.

4.4. «Хўжалик»нинг розилиги билан «Моддий-техника ресурслари» муддатидан олдин етказиб берилиши мумкин. Етказиб берилган ва «Хўжалик» томонидан қабул қилинган «Моддий-техника ресурслари» учун кейинги даврларда етказиб берилиши керак бўлган «Моддий-техника ресурслари» ҳисобига ҳақ тўланади ва улар ҳисобига ўтказилади.

4.5. «Хўжалик» муддатлар бузилган ҳолда етказиб берилган «Моддий-техника ресурслари»ни қабул қилишни рад этишга ҳақлидир.

4.6. Назарда тутилган миқдордан ортиқча бир номда «Моддий-техника ресурслари» етказиб берилиши ушбу ассортиментга кирувчи бошқа номдаги етказиб берилмаган «Моддий-техника ресурслари» ўрнини тўлдириш сифатида қаралмайди ва етказиб берилмаган «Моддий-техника ресурслари»нинг ўрни тўлдирилиши керак, бундай «Моддий-техника ресурслари» етказиб бериш «Хўжалик»нинг олдиндан берилган ёзма розилиги бўйича амалга оширилган ҳоллар бундан мустасно.

4.7. Етказиб берилган «Моддий-техника ресурслари» бевосита «Хўжалик»нинг масъул ходими томонидан далолатнома бўйича қабул қилинади. Далолатномада етказиб берилган «Моддий-техника ресурслари» миқдори, уларнинг сифати кўрсатилади.

4.8. Мазкур шартномада назарда тутилган «Моддий-техника ресурслари» етказиб бериш мазкур шартномага мувофиқ ёки «Хўжалик»нинг буюртманомасида кўрсатилган муддатлар ва ҳажмда мазкур шартномада кўрсатилган давр мобайнида амалга оширилади. Ушбу мақсадларда «Етказиб берувчи» Хўжаликларнинг буюртномаларини рўйхатдан ўтказиш дафтарини юритади.

Буюртманома «Моддий-техника ресурслари»нинг тегишли туркумларини етказиб беришнинг мўлжалланаётган санасигача камида 5 кун олдин чопар орқали, почта орқали ёки бошқача тарзда берилади. Буюртманомани чопар орқали қабул қилишда «Етказиб берувчи»нинг ходими «Хўжалик»да қоладиган нусхага санани кўрсатган ҳолда у қабул қилинганлиги тўғрисида белги қўяди.

4.9. «Хўжалик» илгари берилган буюртманомани бекор қилишга ёхуд «Моддий-техника ресурслари»нинг тегишли туркумларини етказиб бериш санасини ўзгартиришга ҳақлидир, бу ҳақда «Етказиб берувчи»ни буюртманомада кўрсатилган сана бошланишидан камида 1 кун олдин хабардор қилади.

#### V. Томонларнинг жавобгарлиги

5.1. Томонлар ўртасида келишилган жадвал бўйича келган транспортнинг белгиланган муддатлардан ортиқча туриб қолганлиги учун айбдор томон бекор туриб

қолганлик билан боғлиқ сарф-харажатларни тўлайди. Бекор туриб қолиш вақти томонлар ўртасида имзоланган далолатномага мувофиқ расмийлаштирилади.

5.2. Етказиб берилаётган «Моддий-техника ресурслари» сифати, миқдори «Етказиб берувчи» томонидан нотўғри аниқланиши, уларнинг қиймати нотўғри белгиланиши ва ундирилиши ҳоллари аниқланган тақдирда «Етказиб берувчи» етказиб берилаётган «Моддий-техника ресурслари»нинг сифатини, шунингдек уларнинг миқдорини ҳисобга олган ҳолда қайта ҳисоб-китоб қилади ва ҳисоблаб чиқилган ушбу суммадан ташқари «Хўжалик»ка нотўғри ҳисоб-китоб қилинган сумманинг 20 фоизи миқдорида жарима тўлайди.

5.3. Агар етказиб берилган «Моддий-техника ресурслари»нинг сифати, ассортимент, навлари, стандарт, техник шартлар талабларига, намуналарга (эталонларга) ёки шартномада белгиланган бошқа шартларга жавоб бермаган тақдирда, айбдор томон етказиб берилган, сифати зарур даражада бўлмаган «Моддий-техника ресурслари» қийматининг 20 фоизи миқдорида жарима тўлайди.

5.4. «Моддий-техника ресурслари» етказиб бериш бўйича шартномада назарда тутилган мажбуриятлар бажарилиши рад этилганлиги учун «Етказиб берувчи» «Хўжалик»ка белгиланган устамалардан ташқари етказиб берилиши керак бўлган «Моддий-техника ресурслари»нинг 25 фоизи миқдорида жарима тўлайди. Жаримадан ташқари, «Етказиб берувчи» «Хўжалик»ка «Моддий-техника ресурслари» етказиб берилмаслиги натижасида етказилган зарарни тўлайди.

5.5. «Моддий-техника ресурслари»ни етказиб бериш кечиктирилган ёки тўлиқ етказиб берилмаган тақдирда «Етказиб берувчи» «Хўжалик»ка кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси етказиб берилмаган «Моддий-техника ресурслари» қийматининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаслиги керак. Пеня тўланиши шартнома мажбуриятларини бузган томонни шартномани зарур тарзда бажаришдан ва «Моддий-техника ресурслари» етказиб бериш муддати кечиктирилиши ёки тўлиқ етказиб берилмаслиги туфайли етказилган зарарлар қопланишидан озод этмайди.

5.6. Етказиб берилган «Моддий-техника ресурслари» учун ўз вақтида ҳақ тўланмаганда «Хўжалик» «Етказиб берувчи»га муддати кечиктирилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бироқ бу кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаслиги керак.

5.7. «Хўжалик» томонидан тегишли контрактация шартномаси бажарилмаганлиги ёки зарур даражада бажарилмаганлиги учун «Хўжалик»ни жавобгарликка тортишда шунингдек унинг хатти-ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) «Хўжалик» томонидан контрактация шартномаси бўйича шартнома мажбуриятлари бажарилмаслигига (зарур тарзда бажарилмаслигига) олиб келган «Етказиб берувчи»нинг жавобгарлиги ҳам кўриб чиқилади.

«Етказиб берувчи»нинг айби билан контрактация шартномасининг «Хўжалик» томонидан бажарилмаслиги (зарур тарзда бажарилмаслиги) натижасида етказилган зарар белгиланган тартибда «Етказиб берувчи» томонидан қопланади.

5.8. Мазкур шартномада назарда тутилмаган томонларнинг жавобгарлиги чоратадбирлари фуқаролик қонунчилиги нормаларига мувофиқ қўлланилади.

## VI. Низоларни ҳал этиш тартиби

6.1. Келишмовчиликлар ва низоли масалалар келиб чиққан тақдирда, томонлар, коюдага кўра, мустақил равишда ёхуд туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўлими иштирокида уларни судгача ҳал этиш чораларини кўрадилар.

6.2. Томонлар келишмовчиликлар ва низоларни ҳал этиш учун бевосита судга мурожаат қилишга ҳақлидир.

### VII. Шартноманинг амал қилиши

7.1. Мазкур шартнома мазкур шартноманинг 8.4-бандига мувофиқ рўйхатдан ўтказилган кундан бошлаб амалга киради ва томонлар ушбу шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажаргунга қадар амал қилади.

7.2. Томонлар ўртасидаги муносабатлар улар томонидан мазкур шартноманинг барча шартлари бажарилган ва ҳисоб-китоб тўлиқ тугалланган тақдирда тўхтатилади.

### VIII. Яқуний қоидалар

8.1. Мазкур шартнома томонларнинг келишувига кўра ёки бошқа томон шартнома шартларини жиддий равишда бузган тақдирда, томонлардан бирининг талаби бўйича суд тартибида бекор қилиниши мумкин.

8.2. Мазкур шартномага ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар улар ёзма шаклда содир этилиши ва томонларнинг бунга зарур даражада вакил қилинган вакиллари томонидан имзоланиши шarti билан ҳақиқий ҳисобланади.

8.3. Мазкур шартнома томонларнинг ҳар бири ва қишлоқ ва сув хўжалиги бўлими учун бир нусхадан уч нусхада тузилади. Шартноманинг барча нусхалари тенг юридик кучга эгадир.

8.4. Мазкур шартнома, унга ўзгартиришлар (қўшимчалар) «Хўжалик» жойлашган жой бўйича туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўлимида рўйхатдан ўтказилгандан кейин бажарилиши керак.

### IX. Томонларнинг манзили ва банк реквизитлари:

#### «ХЎЖАЛИК»

#### «ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИ»

Солиқ тўловчининг идентификация рақами

Солиқ тўловчининг идентификация рақами

М.Ў. Фермер хўжалиги бошлигининг имзоси, Ф.И.О.

М. Ў. имзо, лавозими, Ф.И.О.

200\_\_ йил «\_\_» \_\_\_\_\_ да \_\_\_\_\_ рақами билан  
туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўлимида  
«РЎЙХАТДАН ЎТКАЗИЛДИ»

М.Ў. имзо, лавозими, Ф.И.О.

Юристининг хулосаси:

\_\_\_\_\_ (имзо) \_\_\_\_\_ (Ф.И.О.)





Вазирлар Маҳкамасининг  
2003 йил 30 октябрдаги 476-сон қарорига  
12-ИЛОВА

**Хизматлар кўрсатишга (ишларни бажаришга)  
НАМУНАВИЙ ШАРТНОМА\***

\_\_\_\_\_ № \_\_\_\_\_ 200\_\_ й. «\_\_\_» \_\_\_\_\_  
(шартнома тузилган жой)

\_\_\_\_\_ асосида иш кўрувчи,  
(фермер хўжалиги устави)

кейинчалик «Хўжалик» деб юритилувчи \_\_\_\_\_  
(фермер хўжалиги номи)

номидан фермер хўжалиги бошлиғи \_\_\_\_\_  
(Ф.И.О.)

бир томондан, ва \_\_\_\_\_  
(устав, қарор, ишончнома)

асосида иш кўрувчи, кейинчалик «Бажарувчи» деб юритилувчи \_\_\_\_\_  
(корхона, ташкилот номи)

номидан иш кўрувчи \_\_\_\_\_  
(лавозими, Ф.И.О.)

иккинчи томондан мазкур шартномани қуйидагилар тўғрисида туздилар:

**I. Шартнома мавзуси**

1.1. Мазкур шартнома бўйича «Бажарувчи» «Хўжалик»ка \_\_\_\_\_  
\_\_\_\_\_ (кейинги ўринларда — «Хизматлар» деб юритилади) етказиб бериш, «Хўжалик» ушбу «Хизматлар»ни қабул қилиш ва қийматини тўлаш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

«Хизматлар»нинг аниқ турлари, уларнинг сони, сифати ва нархи, шунингдек уларни кўрсатиш муддатлари мазкур шартноманинг таркибий қисми ҳисобланган иловада келтирилади.

**II. Томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари**

2.1. «Хўжалик»нинг ҳуқуқлари:

«Бажарувчи»дан шартномани бажариш учун зарур бўлган амалдаги давлат стандартлари ва бошқа норматив ҳужжатлар билан таъминлашни талаб қилиш;

«Бажарувчи»дан «Хизматлар» «Хўжалик»нинг ҳисобига транспортда ташилганда транспорт харажатларини қоплашни талаб қилиш;

«Бажарувчи»дан мазкур шартномага мувофиқ бериладиган буюртманомага мувофиқ тегишли сифатга эга бўлган «Хизматлар» кўрсатилишини талаб қилиш;

зарур сифатга эга бўлмаган «Хизматлар» кўрсатилган тақдирда ўз танлашига кўра:

\* «Хизматлар»нинг аниқ турига шартнома намунаси манфаатдор ташкилотлар томонидан ишлаб чиқилади ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги билан келишилади.

— зарур сифатга эга бўлмаган «Хизматлар» шунга ўхшаш «Хизматлар» билан алмаштирилишини;

— «Хизматлар»нинг камчиликлари бепул бартараф этилишини ёки камчиликлар «Хўжалик» ёхуд учинчи шахслар томонидан тўғриланиши харажатларини қоплашни;

— баҳосининг мутаносиб тарзда камайтирилишини талаб қилиш;

шартнома шартлари бажарилмаганлиги ёки зарур даражада бажарилмаганлиги натижасида етказилган зарар қопланишини «Бажарувчи»дан талаб қилиш.

2.2. «Хўжалик»нинг мажбуриятлари:

ўз буюртманомаси бўйича кўрсатилган «Хизматлар»ни мазкур шартномага мувофиқ қабул қилиш;

«Хизматлар»га мазкур шартноманинг 3.1-бандида кўрсатилган нарх бўйича, қабул қилиш-топшириш далолатномаси имзоланган пайтдан бошлаб \_\_\_\_\_ кун мобайнида ҳақ тўлаш.

2.3. «Бажарувчи» қуйидаги ҳуқуқларга эга:

кўрсатилган «Хизматлар» учун олдиндан ҳақ тўланишини ва амалдаги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва ҳажмда узил-кесил ҳисоб қилинишини «Хўжалик»дан талаб қилиш;

берилган буюртманомага мувофиқ кўрсатилган «Хизматлар»ни қабул қилиш асосиз рад этилиши натижасида етказилган зарар қопланишини «Хўжалик»дан талаб қилиш.

2.4. «Бажарувчи» қуйидагиларга мажбур:

«Хўжалик»ка «Хизматлар»ни мазкур шартномага мувофиқ ёки «Хўжалик» томонидан мазкур шартноманинг 4.8-бандида назарда тутилган тартибда бериладиган унинг буюртманомасига мувофиқ муддатлар, сифат ва миқдорда кўрсатиш;

агар «Хизматлар»ни кўрсатиш жараёнида «Бажарувчи» шартнома шартлари ва нормативлардан чекинишга йўл қўйган бўлса, «Хўжалик»нинг талаби билан аниқланган барча камчиликларни \_\_\_\_\_ кун муддатда текин тузатиб бериш.

### III. Шартноманинг баҳоси ва ҳисоб-китоб тартиби

3.1. Мазкур шартноманинг баҳоси \_\_\_\_\_  
(сумма рақамлар ва харфлар билан ёзилади)

сўмни ташкил этади.

Етказиб бериладиган «Хизматлар»нинг баҳоси мазкур шартномага иловада кўрсатилган.

3.2. «Хўжалик» кўрсатиладиган «Хизматлар» туркуми суммасининг \_\_\_\_\_ фоизи миқдорида олдиндан ҳақ тўлайди. Кўрсатилган «Хизматлар» учун қабул қилиш-топшириш далолатномаси имзолангандан кейин \_\_\_\_\_ кун муддатда узил-кесил ҳисоб-китоб қилинади.

3.3. Кўрсатилган «Хизматлар» учун \_\_\_\_\_  
(ҳисоб-китоб шакли кўрсатилади)

йўли билан нақд пулсиз тартибда ҳисоб-китоб қилинади.

### IV. Шартноманинг бажарилиши

4.1. Шартнома мазкур шартнома ва қонун ҳужжатлари шартлари ва талабларига мувофиқ зарур тарзда бажарилиши керак.

Агар томонлар ўз зиммаларига қабул қилинган барча мажбуриятлар бажарилишини таъминласа, шартнома бажарилган деб ҳисобланади.

4.2. Шартнома бажарилишини бир томонлама рад этишга ёки шартнома шартларини бир томонлама ўзгартиришга йўл қўйилмайди, қонун ҳужжатларида белгиланган ҳоллар бундан мустасно.

4.3. «Хизматлар» қабул қилиш-топшириш далолатномалари тузилган сана шартномалар бўйича мажбуриятлар бажарилган сана ҳисобланади.

Ҳисоб-китоб ҳужжатида банк муассасаси штампида кўрсатилган сана «Хизматлар»га ҳақ тўлаш бўйича «Хўжалик» мажбуриятлари бажарилган сана ҳисобланади.

4.4. «Хўжалик»нинг розилиги билан «Хизматлар» муддатидан олдин кўрсатилиши мумкин. «Хўжалик» томонидан кўрсатилган ва қабул қилинган «Хизматлар» учун кейинги даврларда кўрсатилиши керак бўлган «Хизматлар» ҳисобига ҳақ тўланади ва улар ҳисобига ўтказилади.

4.5. «Хўжалик» муддатлар бузилган ҳолда кўрсатилган «Хизматлар»ни қабул қилишни рад этишга ҳақлидир.

4.6. Назарда тутилган миқдордан ортиқча бир номда «Хизматлар» кўрсатилиши ушбу ассортиментга кирувчи бошқа номдаги кўрсатилмаган «Хизматлар» ўрнини тўлдириш сифатида қаралмайди ва кўрсатилмаган «Хизматлар»нинг ўрни тўлдирилиши керак, бундай «Хизматлар» «Хўжалик»нинг олдиндан берилган ёзма розилиги бўйича кўрсатилган ҳоллар бундан мустасно.

4.7. Кўрсатилган «Хизматлар» бевосита «Хўжалик»нинг масъул ходими томонидан далолатнома бўйича қабул қилинади. Далолатномада кўрсатилган «Хизматлар» миқдори, уларнинг сифати кўрсатилади.

4.8. Шартномада назарда тутилган «Хизматлар» кўрсатилиши мазкур шартномага мувофиқ ёки «Хўжалик»нинг буюртманомаси кўрсатилган муддатлар ва ҳажмда мазкур шартномада кўрсатилган давр мобайнида амалга оширилади. Ушбу мақсадларда «Бажарувчи» Хўжаликларнинг буюртманомаларини рўйхатдан ўтказиш дафтарини юритади.

Буюртманома «Хизматлар»нинг тегишли қисмларини кўрсатиш мўлжалланаётган санасигача камида 5 кун олдин чопар орқали, почта орқали ёки бошқача тарзда берилади. Буюртманомани чопар орқали қабул қилишда «Бажарувчи»нинг ходими «Хўжалик»да қоладиган нусхага санани кўрсатган ҳолда у қабул қилинганлиги тўғрисида белги қўяди.

4.9. «Хўжалик» илгари берилган буюртманомани бекор қилишга ёхуд «Хизматлар»нинг тегишли қисмларини кўрсатиш санасини ўзгартиришга ҳақлидир, бу ҳақда «Бажарувчи»ни буюртманомада кўрсатилган сана бошланишидан камида 1 кун олдин хабардор қилади.

## **V. Томонларнинг жавобгарлиги**

5.1. Кўрсатилаётган «Хизматлар» сифати, миқдори «Бажарувчи» томонидан нотўғри аниқланиши, уларнинг қиймати нотўғри белгиланиши ва ундирилиши ҳоллари аниқланган тақдирда «Бажарувчи» кўрсатилаётган «Хизматлар»нинг сифатини, шунингдек уларнинг миқдорини ҳисобга олган ҳолда қайта ҳисоб-китоб қилади, ҳисоблаб чиқилган ушбу суммадан ташқари хўжаликка нотўғри ҳисоб-китоб қилинган сумманинг 20 фоизи миқдорида жарима тўлайди.

5.2. Агар кўрсатилган «Хизматлар»нинг сифати, ассортименти, навлари стандарт, техник шартлар талабларига, намуналарга (эталонларга) ёки шартномада белгиланган бошқа шартларга жавоб бермаган тақдирда, айбдор томон кўрсатилган,

сифати зарур даражада бўлмаган «Хизматлар» қийматининг 20 фоизи миқдорида жарима тўлайди.

5.3. «Хизматлар» кўрсатиш бўйича шартномада назарда тутилган мажбуриятлар бажарилиши рад этилганлиги учун «Бажарувчи» «Хўжалик»ка белгиланган устамалардан ташқари кўрсатилиши керак бўлган «Хизматлар»нинг 25 фоизи миқдорида жарима тўлайди. Жаримадан ташқари, «Бажарувчи» «Хўжалик»ка «Хизматлар» кўрсатилмаслиги натижасида етказилган зарарни тўлайди.

5.4. Хизматлар кўрсатиш кечиктирилган ёки тўлиқ кўрсатилмаган тақдирда «Бажарувчи» «Хўжалик»ка кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси кўрсатилмаган «Хизматлар» қийматининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаслиги керак. Пеня тўланиши шартнома мажбуриятларини бузган томонни шартномани зарур тарзда бажаришдан ва «Хизматлар» кўрсатиш муддати кечиктирилиши ёки тўлиқ кўрсатилмаслиги туфайли етказилган зарарлар қопланишидан озод этмайди.

5.5. Кўрсатилган «Хизматлар» учун ўз вақтида ҳақ тўланмаганда «Хўжалик» «Бажарувчи»га муддати кечиктирилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бироқ бу кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаслиги керак.

5.6. «Хўжалик» томонидан тегишли контрактация шартномаси бажарилмаганлиги ёки зарур даражада бажарилмаганлиги учун «Хўжалик»ни жавобгарликка тортишда, шунингдек унинг хатти-ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) «Хўжалик» томонидан контрактация шартномаси бўйича шартнома мажбуриятлари бажарилмаслигига (зарур тарзда бажарилмаслигига) олиб келган «Бажарувчи»нинг жавобгарлиги ҳам кўриб чиқилади

«Бажарувчи»нинг айби билан контрактация шартномасининг «Хўжалик» томонидан бажарилмаслиги (зарур тарзда бажарилмаслиги) натижасида етказилган зарар белгиланган тартибда «Бажарувчи» томонидан қопланади.

5.7. Мазкур шартномада назарда тутилмаган томонларнинг жавобгарлиги чоратадбирлари фуқаролик қонунчилиги нормаларига мувофиқ қўлланилади.

## **VI. Низоларни ҳал этиш тартиби**

6.1. Келишмовчиликлар ва низоли масалалар келиб чиққан тақдирда, томонлар, қоидага кўра, мустақил равишда ёхуд туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўлими иштирокида уларни судгача ҳал этиш чораларини кўрадилар.

6.2. Томонлар келишмовчиликлар ва низоларни ҳал этиш учун бевосита судга мурожаат қилишга ҳақлидир.

## **VII. Шартноманинг амал қилиши**

7.1. Мазкур шартнома мазкур шартноманинг 8.4-бандига мувофиқ рўйхатдан ўтказилган кундан бошлаб амалга киради ва томонлар ушбу шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажаргунга қадар амал қилади.

7.2. Томонлар ўртасидаги муносабатлар улар томонидан мазкур шартноманинг барча шартлари бажарилган ва ҳисоб-китоб тўлиқ тугалланган тақдирда тўхтатилади.

## **VIII. Яқуний қоидалар**

8.1. Мазкур шартнома томонларнинг келишувига кўра ёки бошқа томон шарт-

нома шартларини жиддий равишда бузган тақдирда, томонлардан бирининг талаби бўйича суд тартибида бекор қилиниши мумкин.

8.2. Мазкур шартномага ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар улар ёзма шаклда содир этилиши ва томонларнинг бунга зарур даражада вакил қилинган вакиллари томонидан имзоланиши шarti билан ҳақиқий ҳисобланади.

8.3. Мазкур шартнома томонларнинг ҳар бири ва қишлоқ ва сув хўжалиги бўлими учун бир нусхадан уч нусхада тузилади. Шартноманинг барча нусхалари тенг юридик кучга эгадир.

8.4. Мазкур шартнома, унга ўзгартиришлар (қўшимчалар) «Хўжалик» жойлашган жой бўйича туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўлимида рўйхатдан ўтказилгандан кейин бажарилиши керак.

#### IX. Томонларнинг манзили ва банк реквизитлари:

«ХЎЖАЛИК»

«БАЖАРУВЧИ»

\_\_\_\_\_

\_\_\_\_\_

**Солиқ тўловчининг идентификация рақами**

\_\_\_\_\_

\_\_\_\_\_

\_\_\_\_\_

М.қ. Фермер хўжалиги бошлигининг имзоси, Ф.И.О.

\_\_\_\_\_

\_\_\_\_\_

**Солиқ тўловчининг идентификация рақами**

\_\_\_\_\_

\_\_\_\_\_

\_\_\_\_\_

М.қ. имзо, лавозими, Ф.И.О.

**200\_\_ йил «\_\_» \_\_\_\_\_ да \_\_\_\_\_ рақами билан  
туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўлимида  
«РЎЙХАТДАН ЎТКАЗИЛДИ»**

\_\_\_\_\_

М.Ў. имзо, лавозими, Ф.И.О.

Юристнинг хулосаси:

\_\_\_\_\_

\_\_\_\_\_

\_\_\_\_\_.

\_\_\_\_\_ (имзо) \_\_\_\_\_ (Ф.И.О.)

200\_\_ йилдаги «\_\_» \_\_\_\_\_ даги  
 \_\_\_\_-сон шартномага  
 ИЛОВА

200-модда

**Хизматлар кўрсатиш (ишларни бажариш) жадвали**

Кўрсатиладиган хизматлар (бажариладиган ишлар) номи	Ўлчов бирлиги	Кўрсатилаётган хизматлар (бажа- рилаётган ишлар) ҳажми	Кўрсатилаётган хизматлар (бажа- рилаётган ишлар) қиймати	Кўрсатилаётган хизматлар (бажа- рилаётган ишлар) умумий суммаси	шу жумладан ойлар бўйича																	
					1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12						

— 134 —

20 (80)-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

## **201** Тиббий фаолиятни ва фармацевтика фаолиятини лицензиялаш тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида

«Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 5-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Қуйидагилар:

Тиббий фаолиятни лицензиялаш тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ;

Фармацевтика фаолиятини лицензиялаш тўғрисидаги низом 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги:

икки ҳафта муддатда тиббий фаолиятни ва фармацевтика фаолиятини амалга ошириш учун лицензиялар бериш тўғрисида хулосалар тайёрлаш бўйича эксперт комиссиялари таркибини ва комиссиялар тўғрисидаги низомларни тасдиқласин

икки ой муддатда тиббий фаолиятни ва фармацевтика фаолиятини амалга ошириш учун илгари берилган лицензияларни хатловдан ўтказсин, лицензиатлар томонидан ўз фаолиятини тиббий фаолиятни ва фармацевтика фаолиятини лицензиялаш тўғрисидаги низомларда назарда тутилган лицензия талаблари ва шартларига мувофиқтирилиши устидан назоратни таъминласин.

3. Қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Якка тартибдаги врачлик фаолияти (хусусий врачлик фаолияти) тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида» 1994 йил 21 июлдаги 378-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1994 й., 7-сон, 37-модда);

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек уларнинг баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида» 2001 йил 1 мартдаги 103-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2001 й., 3-сон, 13-модда)га илованинг 10-банди ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

4. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.А. Азизхўжаев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ў. СУЛТОНОВ**

Тошкент ш.,  
2003 йил 31 октябрь,  
477-сон

Вазирлар Маҳкамасининг  
2003 йил 31 октябрдаги 477-сон қарорига  
1-ИЛОВА

## Тиббий фаолиятни лицензиялаш тартиби тўғрисида НИЗОМ

### I. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом тиббий фаолиятни лицензиялаш тартибини белгилайди.
2. Тиббий фаолиятни лицензиялаш Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги (кейинги ўринларда лицензияловчи орган деб аталади) томонидан амалга оширилади.

Лицензиялар бериш тўғрисидаги ҳужжатларни кўриб чиқиш, уларнинг муддатларини узайтириш, улар юзасидан хулосалар тайёрлаш учун лицензияловчи органда эксперт комиссия тузилади. Эксперт комиссия таркиби ва комиссия тўғрисидаги низом лицензияловчи орган томонидан тасдиқланади. Бунда эксперт комиссия таркибига мажбурий тарзда тегишли ихтисосликлар бўйича мутахассислар киритилади.

Эксперт комиссия мажлислари камида ойига бир марта ўтказилади.

3. Касалликларни профилактика, диагностика қилиш ва даволаш, касаллик (касалликлар)дан кейин реабилитация қилиш, тиббий экспертизаларни ўтказишга йўналтирилган, махсус тиббий маълумотни ва кўникмаларни талаб қилувчи муайян тиббий ихтисослик (ихтисосликлар) бўйича фаолият лицензияланадиган тиббий фаолият ҳисобланади.

Тиббий фаолият қуйидаги турларни ўз ичига олади:

- дастлабки (врачдан олдинги) тиббий ёрдам;
- тез ва кечиктириб бўлмайдиган ёрдам;
- тиббий диагностика;
- амбулатория-поликлиника тиббий ёрдами;
- стационар тиббий ёрдам;
- анъанавий тиббиёт;
- тиббий эксперт фаолияти;
- санатория-курортда даволаш;
- санитария-профилактика ёрдами.

4. Юридик ва жисмоний шахслар лицензия талабгорлари бўлиши мумкин.

5. Лицензиялар тиббий фаолиятнинг муайян турига ва/ёки тиббий фаолиятни муайян ихтисослик бўйича амалга оширишга берилади.

Лицензияланадиган тиббий ихтисосликлар номенклатураси ҳамда хусусий тизимда амалга оширилиши тақиқланган тиббий фаолият турлари рўйхати Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан белгиланади.

Лицензиятда лицензияланадиган фаолиятни амалга ошириш учун фойдаланиладиган филиаллар (алоҳида ҳудудлардаги бўлинмалар ва объектлар) мавжуд бўлган тақдирда лицензия бериш вақтида кўрсатиб ўтилган филиаллар (алоҳида ҳудудлардаги бўлинмалар ва объектлар) сонига қараб улардан ҳар бирининг жойлашган жойи кўрсатилган ҳолда лицензияловчи орган томонидан тасдиқланган лицензия нусхалари берилади.

6. Тиббий фаолиятни амалга ошириш учун намунавий (оддий) лицензия берилади.

7. Юридик ва жисмоний шахсларга тиббий фаолиятни амалга оширишга лицензия 5 йил муддатга берилади. Лицензия беш йилдан кам муддатга лицензия талабгорининг аризасига кўра берилиши мумкин.

Давлат муассасалари учун лицензиялар муассасанинг таъсис ҳужжатларида кўрсатилган тиббий фаолият турига берилади. Бунда улар учун лицензиянинг амал қилиш муддати лицензияловчи органнинг қарорига кўра чекланмаслиги мумкин.

## II. Лицензия талаблари ва шартлари

8. Қуйидагилар тиббий фаолиятни амалга оширишда лицензия талаблари ва шартлари ҳисобланади:

фаолиятни Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига қатъий мувофиқ тарзда амалга ошириш;

юридик шахс учун — тиббиёт муассасаси раҳбарининг олий тиббий маълумотга ва мутахассислиги бўйича камида 5 йил иш стажига эга бўлиши;

тиббиёт муассасасида ишлаётган мутахассисларнинг камида 5 йилда бир марта малака ошириш ва аттестациядан ўтиш талабларига риоя этган ҳолда юқори касб даражасини таъминлаш;

жисмоний шахс учун — олий ёки ўрта тиббий маълумотга ҳамда бажариладиган ишлар ва кўрсатиладиган хизматлар талаблари ва хусусиятларига мувофиқ келувчи махсус тайёргарликка, шунингдек лицензияланадиган ихтисослик бўйича камида 5 йил иш стажига эга бўлиш;

лицензия талабгори лицензияланаётган фаолиятни амалга ошириш унга мулк ҳуқуқи билан ёки бошқа қонуний асосда тегишли санитария нормалари ва қоидаларига мувофиқ биноларга эга бўлиши;

тиббий фаолият ва/ёки ихтисосликка мувофиқ келувчи Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан қўллаш рухсат этилган тиббиёт технологияларидан фойдаланишни таъминловчи ташкилий-техник шарт-шароитлар ва моддий-техника жиҳозлари, шу жумладан асбоб-ускуналар, асбоблар, транспорт ва ҳужжатларнинг мавжуд бўлиши;

метрология нормалари ва техника хавфсизлиги нормаларига мувофиқ келувчи тиббий аппаратура ва техниканинг қўлланиши;

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланган намуналар ва шакллар бўйича дастлабки тиббий ҳужжатларнинг юритилиши; санитария-гигиена нормалари ва қоидаларига риоя этиш;

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан рухсат этилган диагностика, профилактика ва даволаш методларини, шунингдек доривор воситаларни қўллаш;

фаолиятни лицензияда кўрсатилган тур ва/ёки ихтисослик доирасида, шунингдек лицензия битимига мувофиқ манзил (манзиллар) бўйича амалга ошириш.

9. Тиббий фаолиятнинг тегишли турини амалга ошириш учун зарур бўлган моддий-техник базага, асбоб-ускуналарга ва бошқа техника воситаларига, шунингдек мутахассиснинг тиббиёт асбоблари билан жиҳозланишининг мажбурий тўпламига минимал талаблар белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан белгиланади.

## III. Лицензия олиш учун зарур бўлган ҳужжатлар

10. Лицензия олиш учун лицензия талабгори лицензияловчи органга қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

а) лицензия бериш тўғрисида ариза, унда қуйидагилар кўрсатилади:

юридик шахс учун — юридик шахснинг номи ва ташкилий-ҳуқуқий шакли, унинг

жойлашган жойи (почта манзили), банк муассасасининг номи ва банк муассасасидаги ҳисоб рақами;

жисмоний шахс учун — фамилияси, исми, отасининг исми, фуқаронинг шахсини тасдиқловчи ҳужжат маълумотлари;

юридик ёки жисмоний шахс амалга оширишни мўлжаллаётган тиббий фаолиятнинг лицензияланадиган тури ҳамда фаолиятнинг кўрсатиб ўтилган тури амалга ошириладиган муддат;

б) юридик шахснинг давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг нотариал тасдиқланган нусхаси — юридик шахслар учун; якка тартибдаги тадбиркорнинг давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг нотариал тасдиқланган нусхаси — жисмоний шахслар учун;

в) лицензия талабгори томонидан лицензия талабгорининг аризаси лицензияловчи орган томонидан кўриб чиқилганлиги учун йиғим тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжат;

г) ҳудудий санитария-эпидемиология назорати органининг аризада кўрсатилган тиббий фаолият тури ва/ёки ихтисосликни амалга ошириш мўлжалланган биноларнинг санитария нормалари ва қоидаларига мувофиқлиги тўғрисидаги ҳулосаси;

д) лицензия талабгорида муайян ихтисослик бўйича тиббий фаолиятни амалга ошириш учун зарур бўлган мавжуд тиббиёт асбоб-ускуналари ва аппаратуралари рўйхати;

е) тиббиёт асбоб-ускуналари ва аппаратураларининг метрология нормалари ва стандартларига мувофиқлиги тўғрисида «Ўзстандарт» агентлигининг ҳулосаси;

ж) юридик шахслар учун — тиббиёт муассасаси раҳбарининг меҳнат дафтарчаси ва дипломининг нотариал тасдиқланган нусхаси, шунингдек унинг тайинланиши тўғрисидаги буйруқ нусхаси;

з) жисмоний шахслар учун — тиббиёт ходимининг малакасини тасдиқловчи ҳужжатлар (диплом, малака ошириш, ихтисослашувдан ўтиши, малака тоифаси берилиши тўғрисидаги ҳужжатлар, меҳнат дафтарчасининг нотариал тасдиқланган нусхаси).

11. Лицензия талабгоридан мазкур Низомда назарда тутилмаган ҳужжатларнинг тақдим этилишини талаб қилишга йўл қўйилмайди.

12. Ҳужжатлар лицензия талабгори томонидан лицензияловчи органга бевосита ёхуд олинганлиги тўғрисидаги билдиришнома билан почта алоқаси воситаси орқали етказиб берилади.

Ҳужжатлар лицензияловчи орган эксперт комиссиясининг масъул котиби томонидан рўйхат бўйича қабул қилинади, рўйхатнинг нусхаси ҳужжатлар қабул қилиб олинган сана тўғрисида белги қўйилган ҳолда лицензия талабгорига юборилади (топширилади). Эксперт комиссия масъул котиби жойида бўлмаганлиги туфайли ҳужжатларнинг қабул қилинишини рад этишга йўл қўйилмайди. Эксперт комиссия масъул котиби вақтинча жойида бўлмаган тақдирда унинг функцияларини белгиланган тартибда лицензияловчи орган томонидан белгиланадиган шахс бажаради.

13. Нотўғри ёки бузилган маълумотлар тақдим этилганлиги учун лицензия талабгори Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ жавоб беради.

#### **IV. Аризаларни кўриб чиқиш ва лицензия бериш ёки лицензия беришни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилиш**

14. Ариза кўриб чиқилганлиги учун лицензия талабгоридан қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам ойлик иш ҳақининг беш баравари миқдорида йиғим ундирилади.

Ариза кўриб чиқилганлиги учун йиғим суммалари лицензияловчи органнинг ҳисоб рақамига ўтказилади. Лицензия талабгори берилган аризадан воз кечган тақдирда тўланган йиғим қайтарилмайди.

15. Тиббий фаолиятни лицензиялаш ушбу Низомга илова қилинаётган схемага мувофиқ амалга оширилади.

Лицензия бериш ёки лицензия беришни рад этиш тўғрисида қарор ариза ва барча зарур ҳужжатлар олинган кундан бошлаб йигирма кундан ортиқ бўлмаган муддатда қабул қилинади.

16. Лицензия талабгорининг барча зарур ҳужжатлар илова қилинган аризаси улар олинган кунда кўриб чиқиш учун эксперт комиссияга киритилади.

Эксперт комиссия ўн беш кун муддатда тақдим этилган ҳужжатларни кўриб чиқади ва улар бўйича лицензия бериш ёки лицензия беришни рад этиш тўғрисида эксперт хулосаси тайёрлайди.

Лицензияловчи орган беш кун муддатда эксперт комиссия хулосаси асосида лицензия бериш ёки лицензия беришни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилади.

Лицензия талабгорининг лицензия талаблари ва шартларига мувофиқлигини аниқлаш учун лицензияловчи орган эксперт комиссия илтимосига кўра ўз маблағлари ҳисобига:

лицензия талабгорида лицензияланадиган фаолият турини амалга ошириш учун мавжуд шароитларни жойларга чиқиб баҳолаш;

тегишли хулосалар тайёрлаш учун шартнома асосида экспертларни жалб қилиш ҳуқуқига эга.

17. Лицензияловчи орган тегишли қарор қабул қилингандан кейин уч кун муддатда лицензия талабгорини қабул қилинган қарор тўғрисида ёзма равишда ҳабардор қилади.

Лицензия беришга қарор қилинганлиги тўғрисидаги билдиришнома лицензия талабгорига банк ҳисоб рақами реквизитлари, давлат божи тўлаш муддати кўрсатилган ҳолда ёзма шаклда юборилади (топширилади).

18. Лицензия лицензия талабгори томонидан давлат божи тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжат тақдим этилгандан ва лицензия битими имзолангандан кейин уч кун муддатда берилади.

Лицензия битимида қуйидагилар бўлиши керак:

битимни имзолаган шахсларнинг фамилияси, исми, отасининг исми, эгаллаб турган лавозими;

томонларнинг реквизитлари;

амалга оширилишига лицензия берилаётган тиббий фаолият тури ва/ёки ихтисосликнинг номи;

лицензиатга қўйиладиган лицензия талаблари ва шартлари;

лицензиянинг амал қилиш муддати;

лицензияланадиган тиббий фаолият тури ва/ёки тиббий ихтисослик бўйича муайян фаолият амалга ошириладиган манзил (манзиллар);

лицензия битими талаблари ва шартлари бузилганлиги учун томонларнинг жавобгарлиги;

лицензиат томонидан лицензия битими талаблари ва шартлари бажарилишини лицензияловчи орган томонидан назорат қилиш тартиби;

тиббий фаолият тури ва/ёки ихтисослик хусусиятларига тааллуқли бошқа шартлар.

Лицензия қайта расмийлаштирилган ёки филиал очилган тақдирда лицензия битимига ўзгартириш ёки қўшимчалар киритилади ёхуд янги лицензия битими тузилади.

Лицензия битими икки нусхада — лицензиат ва лицензияловчи орган учун бир нусхадан тузилади.

19. Лицензиялар махсус бланкаларда расмийлаштирилади. Лицензия бланкаси намунаси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 20 декабрдаги 488-сон қарорига мувофиқ лицензияловчи орган томонидан тасдиқланади.

Лицензиялар бланкалари қатъий ҳисобда турадиган ҳужжатлар ҳисобланади, ҳисобга олиш сериясига, тартиб рақамига ва ҳимояланганлик даражасига эга бўлиши керак. Лицензиялар бланкалари лицензияловчи орган буюртманомасига кўра «Давлат белгиси» давлат-ишлаб чиқариш бирлашмаси томонидан босмаҳона усулида тайёрланади. Лицензиялар бланкалари ҳисобга олиниши, сақланиши ва мақсадли фойдаланилиши учун лицензияловчи орган раҳбари шахсан жавоб беради.

20. Агар лицензиат лицензия бериш тўғрисида қарор қабул қилинганлиги ҳақидаги билдиришнома юборилган (топширилган) вақтдан бошлаб уч ой мобайнида лицензияловчи органга лицензия берилганлиги учун давлат божи тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжатни тақдим этмаса ёхуд лицензия битимини имзоламаса, лицензияловчи орган лицензияни бекор қилиш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақлидир.

21. Лицензия бериш «Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида»-ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 17-моддасида назарда тутилган асослар бўйича рад этилиши мумкин.

Лицензия талабгори лицензияловчи органнинг лицензия беришни рад этилиши тўғрисидаги қарори, шунингдек лицензияловчи орган мансабдор шахсининг хатти-ҳаракати (ҳаракатсизлиги) юзасидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда шикоят қилиш ҳуқуқига эгадир.

22. Лицензия бериш рад этилиши тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда рад этиш тўғрисидаги билдиришнома лицензия талабгорига рад этишнинг аниқ сабаблари ва лицензия талабгори кўрсатиб ўтилган сабабларни бартараф этиб ҳужжатларни такроран кўриб чиқишга тақдим этиши учун етарли бўлган муддат кўрсатилган ҳолда ёзма шаклда юборилади (топширилади).

Лицензия талабгори томонидан лицензия бериш рад этилишига асос бўлган сабаблар бартараф этилган тақдирда, ҳужжатларни такроран кўриб чиқиш лицензия талабгорининг аризаси барча зарур ҳужжатлар билан биргаликда олинган кундан бошлаб ўн кундан ортиқ бўлмаган муддатда амалга оширилади.

Бунда такроран тақдим этилган ҳужжатлар улар қабул қилинган кунда кўриб чиқиш учун эксперт комиссияга киритилади.

Эксперт комиссия тақдим этилган ҳужжатларни олти кундан ортиқ бўлмаган муддатда кўриб чиқади ва улар юзасидан лицензия бериш ёки лицензия беришни рад этиш тўғрисида эксперт хулосаси тайёрлайди.

Лицензияловчи орган эксперт комиссия хулосаси асосида тўрт кун муддатда лицензия бериш ёки лицензия беришни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилади.

Лицензия талабгорларининг аризалари такроран кўриб чиқилганлиги учун йиғим ундирилмайди. Лицензия бериш рад этилганлиги тўғрисидаги билдиришномада кўрсатилган муддат ўтгандан кейин берилган ариза янгидан берилган ариза ҳисобланади.

#### **V. Лицензияларни қайта расмийлаштириш, уларнинг амал қилиш муддатини узайтириш, дубликат бериш**

23. Юридик шахс — лицензиат қайта ташкил этилган, унинг номи ёки жой-

лашган жойи (почта манзили) ўзгарган тақдирда, лицензиат ёки унинг ҳуқуқий вориси қайта рўйхатдан ўтказилгандан кейин бир ҳафта муддатда лицензияловчи органга кўрсатиб ўтилган маълумотларни тасдиқловчи тегишли ҳужжатлар илова қилинган ҳолда лицензияни қайта расмийлаштириш тўғрисида ариза бериши шарт.

Жисмоний шахс — лицензиатнинг фамилияси, исми, отасининг исми ёки яшаш жойи ўзгарган тақдирда, лицензиат қайта рўйхатдан ўтказилгандан кейин бир ҳафта муддатда лицензияловчи органга кўрсатиб ўтилган маълумотларни тасдиқловчи тегишли ҳужжатлар илова қилинган ҳолда лицензияни қайта расмийлаштириш тўғрисида ариза бериши шарт.

24. Лицензиат лицензия қайта расмийлаштирилгунга қадар унда кўрсатилган фаолиятни илгари берилган лицензия асосида амалга оширади.

25. Лицензияни қайта расмийлаштиришда лицензияловчи орган лицензиялар реестрига тегишли ўзгартиришлар киритади. Лицензияларни қайта расмийлаштириш лицензияловчи орган томонидан тегишли ҳужжатлар илова қилинган ҳолда лицензияларни қайта расмийлаштириш тўғрисида ариза олинган кундан бошлаб беш кун мобайнида амалга оширилади.

Лицензияларни қайта расмийлаштиришда лицензия талабгорининг лицензия бериш тўғрисидаги аризаси кўриб чиқилганлиги учун тўланадиган сумманинг ярми миқдоридида йиғим ундирилади. Йиғим суммаси лицензияловчи орган ҳисоб рақамига ўтказилади.

26. Лицензиянинг амал қилиш муддатини узайтириш лицензиатнинг аризасига кўра амалга оширилади.

Лицензиянинг амал қилиш муддатини узайтириш тўғрисидаги ариза лицензияловчи органга лицензиянинг амал қилиш муддати ўтгунга қадар икки ойдан кечикмай берилиши керак.

Лицензиянинг амал қилиш муддатини узайтириш лицензия бериш учун назарда тутилган тартибда амалга оширилади.

27. Йўқолган ёки амал қилиш муддати ўтмаган яроқсиз ҳолга келган лицензия ўрнига лицензиатнинг аризасига кўра унинг дубликати берилиши мумкин.

Лицензия дубликати беришда лицензия талабгорининг лицензия бериш тўғрисидаги аризаси кўриб чиқилганлиги учун тўланадиган сумманинг ярми миқдоридида йиғим ундирилади. Йиғим суммаси лицензияловчи орган ҳисоб рақамига ўтказилади.

## **VI. Лицензия талаблари ва шартларига риоя этилишини назорат қилиш**

28. Лицензия талаблари ва шартларига риоя этилиши устидан назорат қонун ҳужжатларига мувофиқ лицензияловчи орган томонидан амалга оширилади.

29. Лицензия талаблари ва шартларига риоя этилиши устидан назоратни амалга оширишда лицензияловчи орган ўз ваколатлари доирасида қуйидаги ҳуқуқларга эга:

лицензиат томонидан лицензия талаблари ва лицензия битимлари шартларига риоя этилишини қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда режали текшириш;

лицензия талаблари ва шартлари лицензиат томонидан бузилганлигидан далолат берувчи ҳоллар мавжуд бўлган тақдирда лицензиатлар томонидан лицензия талаблари ва шартларига риоя этилишини қонунда белгиланган тартибда режадан ташқари текшириш;

лицензия талаблари ва шартларига риоя этилишини текшириш чоғида пайдо бўладиган масалалар юзасидан лицензиатдан зарур ахборотни сўраш ва олиш;

текширишлар натижалари асосида, лицензия талаблари ва шартларининг аниқ бузилишларини кўрсатган ҳолда далолатномалар (маълумотномалар) тузиш;

лицензиатга аниқланган бузилишларини бартараф этиш мажбуриятини юкловчи қарорлар чиқариш, бундай бузилишларни бартараф этиш муддатларини белгилаш;

лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб қўйиш, тўхтатиш ёки уни бекор қилиш тўғрисидаги қарор чиқариш;

хўжалик юритувчи субъектлар томонидан тиббий фаолиятни лицензиясиз амалга ошириш ҳоллари аниқланган тақдирда материалларни қонун ҳужжатларида белгиланган чоралар кўриш учун белгиланган тартибда юбориш.

Давлат назорат органлари, шунингдек давлат ҳокимияти бошқа органлари ўз ваколатлари доирасида, лицензия талаблари ва шартлари бузилишлари аниқланганда лицензияловчи органга аниқланган бузилишлар ва кўрилган чора-тадбирлар тўғрисида хабар қилиши шарт.

30. Лицензия талаблари ва шартларига риоя этилишини текширишда лицензияловчи орган ходимлари томонидан икки нусхада далолатнома тузилади, уларнинг биттаси лицензиатга берилади, иккинчи нусхаси лицензияловчи органда қолади.

### **VII. Лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш, тўхтатиш, лицензияни бекор қилиш**

31. Лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш ва тўхтатиш, уни бекор қилиш «Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 22—24-моддаларида назарда тутилган ҳолларда ва тартибда лицензияловчи орган томонидан амалга оширилади.

Лицензияловчи органнинг лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш ва тўхтатиш, уни бекор қилиш тўғрисидаги қарори юзасидан судга шикоят қилиш мумкин. Лицензияловчи орган қарори асоссиз эканлиги суд томонидан эътироф этилган тақдирда, лицензияловчи орган лицензиат олдида лицензиат кўрган зарар миқдорида жавоб беради.

### **VIII. Лицензиялар реестри**

32. Лицензияловчи орган лицензиялар реестрини юритади.

Тиббий фаолият реестри юридик ва жисмоний шахслар учун алоҳида юритилади.

Лицензиялар реестрида қуйидагилар кўрсатилади:

а) лицензиатлар тўғрисидаги асосий маълумотлар:

юридик шахслар учун — ташкилотнинг номи ва солиқ тўловчининг идентификация рақами, мулкчилик шакли, филиаллар тўғрисида маълумотлар, ташкилот раҳбарининг фамилияси, исми, отасининг исми;

жисмоний шахслар учун — лицензиатнинг фамилияси, исми, отасининг исми, унинг паспорти маълумотлари, яшаш манзили, телефони;

б) лицензиянинг берилган санаси ва тартиб рақами;

в) лицензия бланкаси серияси ва тартиб рақами;

г) лицензиянинг амал қилиш муддати;

д) лицензияланадиган фаолият тури ва/ёки ихтисос;

е) лицензияланадиган фаолият амалга ошириладиган манзил, иш телефони, факс;

ж) лицензияларни қайта расмийлаштириш, уларнинг амал қилиш муддатини тўхтатиб туриш ва тиклашнинг асослари ва санаси;

з) лицензияларнинг амал қилишини тўхтатиш ёки уларни бекор қилишнинг асослари ва санаси;

33. Лицензиялар реестридаги маълумотлар улар билан юридик ва жисмоний шахсларнинг танишиши учун очиқ ҳисобланади, улар тўлов асосида лицензияловчи органдан аниқ лицензиатлар тўғрисида лицензиялар реестридан кўчирма сифатида маълумот олишга ҳақлидир.

Лицензиялар реестридан маълумот берилганлиги учун қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам ойлик иш ҳақининг ярми миқдорида тўлов ундирилади, тўлов лицензияловчи орган ҳисоб рақамига ўтказилади.

Лицензиялар реестридан давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларига маълумотлар текин берилади.


#### **IX. Лицензия берилганлиги учун давлат божи**

34. Лицензия берилганлиги учун қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам ойлик иш ҳақининг ўн баравари миқдорида давлат божи ундирилади.

35. Давлат божи суммаси республика бюджетига ўтказилади.

Тиббий фаолиятни лицензиялаш  
тартиби тўғрисидаги низомга  
ИЛОВА

**Тиббий фаолиятни лицензиялаш схемаси**



Вазирлар Маҳкамасининг  
2003 йил 31 октябрдаги 477-сон қарорига  
2-ИЛОВА

## Фармацевтика фаолиятини лицензиялаш тартиби тўғрисида НИЗОМ

### I. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом фармацевтика фаолиятини лицензиялаш тартибини белгилайди.

2. Фармацевтика фаолиятини лицензиялаш Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги (кейинги ўринларда лицензияловчи орган деб аталади) томонидан амалга оширилади.

Лицензиялар бериш тўғрисидаги ҳужжатларни кўриб чиқиш, уларнинг муддатларини узайтириш, улар юзасидан хулосалар тайёрлаш учун лицензияловчи органда эксперт комиссия тузилади. Эксперт комиссия таркиби ва комиссия тўғрисидаги низом лицензияловчи орган томонидан тасдиқланади. Бунда эксперт комиссия таркибига мажбурий тарзда тегишли ихтисосликлар бўйича мутахассислар киритилади.

Эксперт комиссия мажлислари камида ойига икки марта ўтказилади.

3. Фармацевтика фаолиятининг мазкур Низомга мувофиқ лицензияланадиган турлари қуйидагиларни ўз ичига олади:

- а) дори-дармон воситалари ва тиббиёт буюмлари ишлаб чиқариш;
- б) дори-дармон воситалари ва тиббиёт буюмлари тайёрлаш;
- в) дори-дармон воситалари ва тиббиёт буюмлари яратиш бўйича илмий-тадқиқот ишлари;
- г) дори-дармон воситалари ва тиббиёт буюмлари сифатини назорат қилиш;
- д) дори-дармон воситалари ва тиббиёт буюмларини чакана сотиш;
- е) дори-дармон воситаларини улгуржи сотиш;
- ж) тиббиёт буюмларини улгуржи сотиш;
- з) доривор ўсимликлар, ҳайвонот ва минерал асосга эга бўлган хом ашёни етиштириш, йиғиш, тайёрлаш, қадоқлаш ва улгуржи сотиш.

4. Мазкур Низом 3-бандининг «а»—«ж» кичик бандларида кўрсатилган фармацевтика фаолияти турларини амалга оширишга лицензиялар фақат юридик шахсларга берилиши мумкин, бунда «б» ва «д» кичик бандларида кўрсатилган фаолият турларини амалга оширишга лицензия фақат дорихона муассасаларига берилади.

Мазкур Низом 3-бандининг «а» ва «б» кичик бандларида кўрсатилган фармацевтика фаолияти турларини амалга ошириш учун олинган лицензия лицензиатларга улар ишлаб чиқарган ва тайёрлаган дори-дармонлар ва тиббиёт буюмларини сотиш ҳуқуқини беради.

5. Фармацевтика фаолиятини амалга ошириш учун намунавий (оддий) лицензия берилади.

6. Юридик ва жисмоний шахсларга лицензия беш йил муддатга берилади. Лицензия беш йилдан кам муддатга лицензия талабгорининг аризасига кўра берилиши мумкин.

7. Юридик ёки жисмоний шахс томонидан фармацевтика фаолияти фақат лицензияда белгиланган фаолият тури (унинг бир қисми) бўйича амалга оширилиши мумкин.

Лицензиатда лицензияланадиган фаолиятни амалга ошириш учун фойдаланиладиган филиаллар (алоҳида ҳудудлардаги бўлинмалар ва объектлар) мавжуд бўлган тақдирда лицензия бериш вақтида кўрсатиб ўтилган филиаллар (алоҳида ҳудудлардаги бўлинмалар ва объектлар) сонига қараб улардан ҳар бирининг жойлашга жойи кўрсатилган ҳолда лицензияловчи орган томонидан тасдиқланган лицензия нусхалари берилади.

## II. Лицензия талаблари ва шартлари

8. Фармацевтика фаолиятини амалга оширишда лицензиат қуйидагиларга мажбур:

фаолиятни фармацевтика тўғрисидаги қонун ҳужжатларига қатъий риоя этиш;  
фаолиятни лицензияда кўрсатилган фаолият доирасида, шунингдек лицензия битимига мувофиқ манзил (манзиллар) бўйича амалга ошириш;

лицензия талабгори лицензияланаётган фаолиятни амалга ошириш унга мулк ҳуқуқи билан ёки бошқа қонуний асосда тегишли санитария нормалари ва қондаларига мувофиқ биноларга эга бўлиши;

лицензияланадиган аниқ фаолият турини амалга ошириш учун шарт-шароитлар яратиш, шу жумладан тегишли моддий-техник базадан, асбоб-ускуналардан ва бошқа техник воситалардан фойдаланиш;

дори-дармон воситалари ва тиббиёт буюмларини ишлаб чиқариш, тайёрлаш, сотиш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланган норматив ҳужжатлар талабларига риоя қилиш;

экология ва санитария-гигиена нормалари ва қондаларига риоя этиш.

Дори-дармон воситаларини тайёрлашда лицензиат, шунингдек дори-дармон воситаларини анализ қилиш учун ваколатли назорат-таҳлил лабораторияси билан шартнома тузишга мажбурдир.

9. Фармацевтика фаолиятининг тегишли турини амалга ошириш учун зарур бўлган моддий-техник базага, асбоб-ускуналарга, бошқа техника воситаларига ва ходимларга талаблар белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан белгиланади.

## III. Лицензия олиш учун зарур бўлган ҳужжатлар

10. Лицензия олиш учун лицензия талабгори лицензияловчи органга қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

а) лицензия бериш тўғрисида ариза, унда қуйидагилар кўрсатилади:

юридик шахс учун — юридик шахснинг номи ва ташкилий-ҳуқуқий шакли, унинг жойлашган жойи (почта манзили, банк муассасасининг номи ва банк муассасасидаги ҳисоб рақами);

жисмоний шахс учун — фамилияси, исми, отасининг исми, фуқаронинг шахсини тасдиқловчи ҳужжат маълумотлари;

юридик ёки жисмоний шахс амалга оширишни мўлжаллаётган фаолиятнинг лицензияланадиган тури (унинг бир қисми) ҳамда фаолиятнинг кўрсатиб ўтилган тури (унинг бир қисми) амалга ошириладиган муддат;

б) юридик шахснинг давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг нотариал тасдиқланган нусхаси — юридик шахслар учун; яқка тартибдаги тадбиркорнинг давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг нотариал тасдиқланган нусхаси — жисмоний шахслар учун;

в) лицензия бериш тўғрисидаги ариза кўриб чиқилганлиги учун йиғим тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжат;

г) ҳудудий санитария-эпидемиология назорати органининг лицензияланадиган фаолият турини амалга ошириш учун лицензия талабгоридаги мавжуд биноларнинг санитария нормалари ва қоидаларига мувофиқлиги тўғрисидаги ҳулосаси;

д) мазкур Низом 9-банди талабларига мувофиқ моддий-техника базаси, асбоб-ускуналар, бошқа техник воситалар ва ходимларнинг мавжудлиги тўғрисида маълумотнома;

е) Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси ҳудудий органларининг мазкур Низом 3-бандининг «а» кичик бандида кўрсатилган фармацевтика фаолияти турларининг табиатни муҳофаза қилиш талабларига мувофиқлиги тўғрисидаги ҳулосаси.

11. Ҳужжатлар лицензия талабгори томонидан лицензияловчи органга бевосита ёхуд олинганлиги тўғрисидаги билдиришнома билан почта алоқаси воситаси орқали етказиб берилади.

Ҳужжатлар лицензияловчи орган эксперт комиссиясининг масъул котиби томонидан рўйхат бўйича қабул қилинади, рўйхатнинг нусхаси ҳужжатлар қабул қилиб олинган сана тўғрисида белги қўйилган ҳолда лицензия талабгорига юборилади (топширилади). Эксперт комиссия масъул котиби жойида бўлмаганлиги туфайли ҳужжатларнинг қабул қилинишини рад этишга йўл қўйилмайди. Эксперт комиссия масъул котиби вақтинча жойида бўлмаган тақдирда унинг функцияларини белгиланган тартибда лицензияловчи орган томонидан белгиланадиган шахс бажаради.

12. Нотўғри ёки бузилган маълумотлар тақдим этилганлиги учун лицензия талабгори Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ жавоб беради.

#### **IV. Аризаларни кўриб чиқиш ва лицензия бериш ёки лицензия беришни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилиш**

13. Ариза кўриб чиқилганлиги учун лицензия талабгоридан қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам ойлик иш ҳақининг беш баравари миқдоридида йиғим ундирилади.

Лицензия талабгорларининг аризалари кўриб чиқилганлиги учун йиғим суммаси лицензияловчи органнинг ҳисоб рақамига ўтказилади. Лицензия талабгори берилган аризадан воз кечган тақдирда тўланган йиғим қайтарилмайди.

14. Фармацевтика фаолиятини лицензиялаш ушбу Низомга илова қилинаётган схемага мувофиқ амалга оширилади.

Лицензия бериш ёки лицензия беришни рад этиш тўғрисида қарор ариза ва барча зарур ҳужжатлар олинган кундан бошлаб йигирма кундан ортиқ бўлмаган муддатда қабул қилинади.

15. Лицензия талабгорининг барча зарур ҳужжатлар илова қилинган аризаси улар олинган кунда кўриб чиқиш учун эксперт комиссияга киритилади.

Эксперт комиссия ўн беш кун муддатда тақдим этилган ҳужжатларни кўриб чиқади ва улар бўйича лицензия бериш ёки лицензия беришни рад этиш тўғрисида эксперт ҳулосаси тайёрлайди.

Лицензияловчи орган беш кун муддатда эксперт комиссия ҳулосаси асосида лицензия бериш ёки лицензия беришни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилади.

Лицензия талабгорининг лицензия талаблари ва шартларига мувофиқлигини аниқлаш учун лицензияловчи орган эксперт комиссия илтимосига кўра ўз маблағлари ҳисобига:

лицензия талабгорида лицензияланадиган фаолият турини амалга ошириш учун мавжуд шароитларни жойларга чиқиб баҳолаш;

тегишли хулосалар тайёрлаш учун шартнома асосида экспертларни жалб қилиш ҳуқуқига эга.

Лицензияловчи орган тегишли қарор қабул қилингандан кейин уч кун муддатда лицензия талабгорини қабул қилинган қарор тўғрисида ёзма равишда хабардор қилади.

Лицензия беришга қарор қилинганлиги тўғрисидаги билдиришнома лицензия талабгорига банк ҳисоб рақами реквизитлари, давлат божи тўлаш муддати кўрсатилган ҳолда ёзма шаклда юборилади (топширилади).

16. Лицензия талабгори томонидан давлат божи тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжат тақдим этилгандан ва лицензия битими имзолангандан кейин уч кун муддатда берилади.

Лицензия битими лицензияловчи орган ва лицензиатнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгиловчи ҳужжат ҳисобланади, унда қуйидагилар бўлиши керак:

битимни имзолаган шахсларнинг фамилияси, исми, отасининг исми, эгаллаб турган лавозими;

амалга оширилишига лицензия берилаётган фармацевтика фаолияти тури (унинг бир қисми)нинг номи;

дорихона муассасаси мудир (раҳбари)нинг фамилияси, исми, отасининг исми; лицензиатга қўйиладиган лицензия талаблари ва шартлари;

лицензиянинг амал қилиш муддати, унинг амал қилиш муддати тугайдиган сана кўрсатилган ҳолда;

лицензияланадиган фаолият тури (унинг бир қисми) амалга ошириладиган манзил (манзиллар);

лицензия битими талаблари ва шартлари бузилганлиги учун томонларнинг жавобгарлиги;

лицензиат томонидан лицензия битими талаблари ва шартлари бажарилишини лицензияловчи орган томонидан назорат қилиш тартиби;

фармацевтика фаолияти хусусиятларига тааллуқли бошқа шартлар; томонларнинг реквизитлари.

Лицензия қайта расмийлаштирилган ёки филиал очилган тақдирда лицензия битимига ўзгартириш ёки қўшимчалар киритилади ёхуд янги лицензия битими тузилади.

Лицензия битими икки нусхада — лицензиат ва лицензияловчи орган учун бир нусхадан тузилади.

Лицензиялар махсус бланкаларда расмийлаштирилади. Лицензиялар бланкалари қатъий ҳисобда турадиган ҳужжатлар ҳисобланади, ҳисобга олиш сериясига, тартиб рақамига ва ҳимояланганлик даражасига эга бўлиши керак. Лицензия бланкаси намунаси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 20 декабрдаги 488-сон қарорига мувофиқ лицензияловчи орган томонидан тасдиқланади.

Лицензиялар бланкалари лицензияловчи орган буюртманомасига кўра «Давлат белгиси» давлат-ишлаб чиқариш бирлашмаси томонидан босмаҳона усулида тайёрланади. Лицензиялар бланкалари ҳисобга олиниши, сақланиши ва мақсадли фойдаланилиши учун лицензияловчи орган раҳбари шахсан жавоб беради.

17. Агар лицензиат лицензия бериш тўғрисида қарор қабул қилинганлиги ҳақидаги билдиришнома юборилган (топширилган) вақтдан бошлаб уч ой мобайнида лицензияловчи органга лицензия берилганлиги учун давлат божи тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжатни тақдим этмаса ёхуд лицензия битимини имзоламаса, лицен-

зияловчи орган лицензияни бекор қилиш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақлидир.

18. Лицензия бериш «Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида»-ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 17-моддасида назарда тутилган асослар бўйича рад этилиши мумкин.

Лицензия талабгори лицензияловчи органнинг лицензия беришни рад этилиши тўғрисидаги қарори, шунингдек лицензияловчи орган мансабдор шахсининг хатти-ҳаракати (ҳаракатсизлиги) юзасидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда шикоят қилиш ҳуқуқига эгадир.

19. Лицензия бериш рад этилиши тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда рад этиш тўғрисидаги билдиришнома лицензия талабгорига рад этишнинг аниқ сабаблари ва лицензия талабгори кўрсатиб ўтилган сабабларни бартараф этиб ҳужжатларни такроран кўриб чиқишга тақдим этиши учун етарли бўлган муддат кўрсатилган ҳолда ёзма шаклда юборилади (топширилади).

Лицензия талабгори томонидан лицензия бериш рад этилишига асос бўлган сабаблар бартараф этилган тақдирда, ҳужжатларни такроран кўриб чиқиш лицензия талабгорининг аризаси барча зарур ҳужжатлар билан биргаликда олинган кундан бошлаб ўн кундан ортиқ бўлмаган муддатда амалга оширилади.

Бунда такроран тақдим этилган ҳужжатлар улар қабул қилинган кунда кўриб чиқиш учун эксперт комиссияга киритилади.

Эксперт комиссия тақдим этилган ҳужжатларни олти кундан ортиқ бўлмаган муддатда кўриб чиқади ва улар юзасидан лицензия бериш ёки лицензия беришни рад этиш тўғрисида эксперт хулосаси тайёрлайди.

Лицензияловчи орган эксперт комиссия хулосаси асосида тўрт кун муддатда лицензия бериш ёки лицензия беришни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилади.

Лицензия талабгорларининг аризалари такроран кўриб чиқилганлиги учун йиғим ундирилмайди. Лицензия бериш рад этилганлиги тўғрисидаги билдиришномада кўрсатилган муддат ўтгандан кейин берилган ариза янгидан берилган ариза ҳисобланади.

#### **V. Лицензияларни қайта расмийлаштириш, уларнинг амал қилиш муддатини узайтириш, дубликат бериш**

20. Юридик шахс — лицензиат қайта ташкил этилган, унинг номи ёки жойлашган жойи (почта манзили) ўзгарган тақдирда, лицензиат қайта рўйхатдан ўтказилгандан кейин бир ҳафта муддатда лицензияловчи органга кўрсатиб ўтилган маълумотларни тасдиқловчи тегишли ҳужжатлар илова қилинган ҳолда лицензияни қайта расмийлаштириш тўғрисида ариза бериши шарт.

Жисмоний шахс — лицензиатнинг фамилияси, исми, отасининг исми ёки яшаш жойи ўзгарган тақдирда, лицензиат қайта рўйхатдан ўтказилгандан кейин бир ҳафта муддатда лицензияловчи органга кўрсатиб ўтилган маълумотларни тасдиқловчи тегишли ҳужжатлар ва амалдаги лицензиянинг асл нусхаси илова қилинган ҳолда лицензияни қайта расмийлаштириш тўғрисида ариза бериши шарт.

21. Лицензиат лицензия қайта расмийлаштирилгунга қадар унда кўрсатилган фаолиятни илгари берилган лицензия асосида амалга оширади.

22. Лицензияловчи орган тақдим этилган ҳужжатларни кўриб чиқиб киритилган ўзгартиришларни ҳисобга олган янги бланкада лицензияни расмийлаштиради ва амалдаги лицензия ўрнига беради. Бунда лицензиянинг амал қилиш муддати ўзгартирилмайди. Айни вақтда лицензия битимига тегишли ўзгартиришлар расмийлаштирилади ва лицензиялар реестрига тегишли ўзгартиришлар киритилади.

Лицензияларни қайта расмийлаштириш лицензияловчи орган томонидан тегишли ҳужжатлар илова қилинган ҳолда лицензияларни қайта расмийлаштириш тўғрисида ариза олинган кундан бошлаб беш кун мобайнида амалга оширилади.

Лицензияларни қайта расмийлаштиришда лицензия талабгорининг лицензия бериш тўғрисидаги аризаси кўриб чиқилганлиги учун тўланадиган сумманинг ярми миқдориди йиғим ундирилади. Йиғим суммаси лицензияловчи орган ҳисоб рақамига ўтказилади.

23. Лицензиянинг амал қилиш муддати тугагандан кейин лицензия лицензиат аризасига кўра узайтирилиши мумкин. Лицензиянинг амал қилиш муддатини узайтириш лицензия олиш учун назарда тутилган тартибда амалга оширилади.

Лицензиянинг амал қилиш муддатини узайтириш тўғрисидаги ариза лицензияловчи органга лицензиянинг амал қилиш муддати ўтгунга қадар икки ойдан кечикмай берилиши керак.

24. Лицензия йўқотиб қўйилган ёки у яроқсиз ҳолга келиб қолган тақдирда унинг дубликати берилади. Дубликат олиш учун лицензиат лицензияловчи органга ариза ва лицензия йўқотиб қўйилганлигини тасдиқловчи ҳужжат билан мурожаат қилади, шунингдек лицензия берганлик учун ундириладиган тўлов суммасининг ярми миқдориди тўлов тўланганлиги тўғрисидаги ҳужжатни тақдим этади. Йиғим суммаси лицензияловчи орган ҳисоб рақамига ўтказилади.

#### **VI. Лицензия битими талабларига риоя этилишини назорат қилиш**

25. Лицензия битими талабларига риоя этилиши устидан назорат қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда лицензияловчи орган томонидан амалга оширилади.

26. Лицензияловчи орган ўз ваколатлари доирасида қуйидаги ҳуқуқларга эга: лицензиат томонидан лицензия талаблари ва лицензия битимлари шартларига риоя этилишини қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда режали текшириш;

лицензия талаблари ва шартлари лицензиат томонидан бузилганлигидан далолат берувчи ҳоллар мавжуд бўлган тақдирда лицензиатлар томонидан лицензия талаблари ва шартларига риоя этилишини қонунда белгиланган тартибда режадан ташқари текшириш;

лицензиатдан зарур ахборотни белгиланган тартибда сўраш ва олиш;

текширишлар натижалари асосида, лицензия талаблари ва шартларининг аниқ бузилишларини кўрсатган ҳолда далолатномалар (маълумотномалар) тузиш;

лицензиатга аниқланган бузилишларини бартараф этиш мажбуриятини юкловчи қарорлар чиқариш, бундай бузилишларни бартараф этишга мажбур бўлган муддатларни белгилаш;

лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб қўйиш, тўхтатиш ёки уни бекор қилиш тўғрисидаги қарор чиқариш;

хўжалик юритувчи субъектлар томонидан фармацевтика фаолиятини лицензиясиз амалга ошириш ҳоллари аниқланган тақдирда материалларни қонун ҳужжатларида белгиланган чоралар кўриш учун белгиланган тартибда юбориш.

27. Лицензия талаблари ва шартларига риоя этилишини текширишда лицензияловчи орган ходимлари томонидан икки нусхада далолатнома тузилади, уларнинг биттаси лицензиатга берилади, иккинчи нусхаси лицензияловчи органда қолади.

#### **VII. Лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш, тўхтатиш, лицензияни бекор қилиш**

28. Лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш ва тўхтатиш, уни бекор

қилиш «Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 22—24-моддаларида назарда тутилган ҳолларда ва тартибда лицензияловчи орган томонидан амалга оширилади.

Лицензияловчи органнинг лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш ва тўхтатиш, уни бекор қилиш тўғрисидаги қарори юзасидан судга шикоят қилиш мумкин. Лицензияловчи орган қарори асоссиз эканлиги суд томонидан эътироф этилган тақдирда, лицензияловчи орган лицензиат олдида лицензиат кўрган зарар миқдорида жавоб беради.

### **VIII. Лицензиялар реестри**

29. Лицензияловчи орган фармацевтика фаолиятининг ҳар бир турига лицензиялар реестрини алоҳида юритади.

30. Ҳар бир лицензиялар реестрида қуйидагилар кўрсатилиши керак:

а) лицензиатлар тўғрисидаги асосий маълумотлар, улар қуйидагиларни ўз ичига олади:

юридик шахслар учун — ташкилотнинг номи ва солиқ тўловчининг идентификация рақами, мулкчилик шакли, ташкилот раҳбарининг фамилияси, исми, отасининг исми;

жисмоний шахслар учун — лицензиатнинг фамилияси, исми, отасининг исми, унинг паспорти маълумотлари, яшаш манзили, телефони;

б) лицензияланадиган фаолият амалга ошириладиган манзил, иш телефони, факс;

в) лицензиянинг берилган санаси ва тартиб рақами;

г) лицензиянинг амал қилиш муддати;

д) лицензияланадиган фаолият тури ва/ёки унинг бир қисми;

е) лицензияларни қайта расмийлаштириш, уларнинг амал қилиш муддатини тўхтатиб туриш ва тиклашнинг асослари ва санаси;

ж) лицензияларнинг амал қилишини тўхтатиш асослари ва санаси;

з) лицензияларни бекор қилишнинг асослари ва санаси.

Лицензиялар реестридаги маълумотлар улар билан юридик ва жисмоний шахсларнинг танишиши учун очиқ ҳисобланади, улар тўлов асосида лицензияловчи органдан аниқ лицензиатлар тўғрисида лицензиялар реестридан кўчирма сифатида маълумот олишлари мумкин.

Лицензиялар реестридан маълумот берилганлиги учун энг кам ойлик иш ҳақининг ярми миқдоридаги тўлов лицензияловчи орган ҳисоб рақамига ўтказилади.

31. Лицензиялар реестридан давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларига маълумотлар текин берилади.

### **IX. Лицензия берилганлиги учун давлат божи**

32. Фармацевтика фаолиятини амалга оширишга лицензия берилганлиги ёки уларнинг амал қилиш муддатини узайтирганлик учун энг кам ойлик иш ҳақининг ўн баравари миқдорида давлат божи ундирилади.

33. Давлат божи суммаси республика бюджетига ўтказилади.

Фармацевтика фаолиятини лицензиялаш тартиби тўғрисидаги низомга ИЛОВА

**Фармацевтика фаолиятини лицензиялаш схемаси**

